

У.М.Ходжаева

КОСТЮМ ВА УНИНГ БИЧИМИ ТАРИХИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта таълим вазирлиги томонидан
Дизайн (либос ва газламалар) ва Касб таълими (5150900-Дизайн(либос ва
газламалар)) таълим йўналиши ихтисослиги ОТМлари учун дарслик сифатида
тавсия этилган.

Тошкент 2018 ***

Аннотация

“Костюм ва унинг бичими тарихи” номли дарслик олий таълимдаги 5150900 – Дизайн (либос ва газламалар), 5111000 – Касб таълими. (5150900 – Дизайн (либос ва газламалар)) ихтисосликлари талабалари учун мўлжалланган бўлиб, фан дастурларига тўлиқ мос келади. **“Костюм ва унинг бичими тарихи”** номли дарсликда костюм, мода ва услуб терминларига, умумий тушунча берилган. “костюм” иборасининг луғавий маъноси, костюм турлари, уларнинг бичими, қўлланилган материаллари, нақши, безаклари ва бошқалар билан танишиш, уларнинг пайдо бўлиш ҳақидаги таърифлар тушунарли ва содда тилда келтирилган.

Ушбу дарслик Антик давр, Европа, Осиё ва Марказий Осиё халқлари комстюмининг таснифи берилган. Костюмнинг қадимий, илк ва кеч ўрта асрлари ва XIX охиригача бўлган маълумотлар келтирилган.

Ушбу дарслик ёзилиши жараёнида хорижий ва рус тилида нашр этилган кўпгина адабиётлардан фойдаланилди.

Тузувчи: **У.М.Ходжаева** - К.Камолитдин Бехзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти, “Либос дизайни” кафедраси доценти

Такризчилар: **У.С.Рахматуллаева** - Тошкент тўқимачилик ва енгил саноати институти “Костюм дизайни” кафедраси доценти, ф.ф.н.

Ф.З. Атаханова - Камолитдин Бехзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти, “Либос дизайни” кафедраси доценти.

Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти, Кенгашининг 2018 йил 14 ноябрда ____ – сонли қарори асосида нашрга тавсия этилган.

СЎЗ БОШИ

“Костюм ва унинг бичими тарихи” фандан дарслик олий таълимдаги Дизайн (либос ва газламалар), Касб таълими. Дизайн (либос ва газламалар)) ихтисосликлари талабалари учун мўлжалланган. Дарсликда тарихий даврни санъати ва маданиятини, либосларни уларнинг ва бичимларини шаклланишини чуқур ёритилган. Кийим жамиятнинг моддий-маънавий маданиятининг таркибий қисми бўлиб, шу билан бирга ҳар бир халқнинг этник тарихи ва маданиятини, унинг бошқа халқлар билан ўзаро алоқаларини ривожлантириш билан боғлиқдир.

Таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлашга ҳозирги кунда катта эътибор қаратилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ таълим тизимини ислоҳ қилиш, таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини жамиятда амалга оширилаётган янгиланиш, таълим олувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда, юқори малакали кадрлар тайёрлашда, ишлаб чиқариш ривожлантириш, дизайн йўналишини мукамал ўзлаштиришда хорижий мабаалар билан бойитилган ушбу дарсликнинг аҳамияти катта.

Ушбу дарслик орқали талабаларни ҳар-хил тарихий ва миллий декоратив санъати билан таништириш, костюмининг спецификациясини ва асрлар аро ўрганишга, тарихий давр маданияти ва декоратив амалий санъати орқали ўтган даврлардан ҳозирги замонгача ижодий меросни чуқур ўрганиш катта аҳамият берилган. Маълум бир мамлакат (халқ) санъати ва маданиятини, урф — одатларини, уларнинг костюмлари, либосларнинг бичим-конструкциясини, матолари ва нақшларини қайси давр услубига ҳослигини (мансублигини) ажратиб олишни кўникмаларига эга бўлади. Замонавий либос яратиш учун унинг келиб чиқиш тарихни билиш шарт бўлганлиги учун, халқ костюмларини тарихий ривожланишини яъни Шарқ халқлари костюми, Европа тарихий

костюмларига таъсир этгани учун, Жанубий Шарқ (Ҳиндистон, Хитой, Япония) Ўрта Осиё ва Олд Осиё костюмлари ҳақида маълумот берилган. Уларнинг ижтимоий реоганал, ёши, жинси, белгилари бўйича Х асрдан бошлаб XX асргача бўлган даврини ўрганиб чиқилади. Костюм турлари, уларни бичими қўлланилган материаллари, нақши, безаклари ва уларни пайдо бўлиш сабабларини билиш мумкин.

Мазкур дарслик талабаларга кадимги дунё тарихидан ва шу кунга қадар бўлган жаҳон тасвирий санъати ва маданияти, услублари, давр костюми ҳақида тасаввурга эга бўлишлари ва тарихий либосларни яратиш соҳасидаги вазифалар, тарихий костюм ва услубларни қиёсий таҳлилда даврларга ажрата олиши, услубий ўзига хослигини ажрата олишларига ёрдам беради. Тарихий ва миллий либосни шакллантирувчи принциплари, моданинг костюм шаклланиши ва янгиланишига таъсирини, тарихий костюмнинг келиб чиқиши ва унинг асосий функцияларининг ривожланиш аспекти ва йўналишларини тарихий ва миллий либос бичимлари бўйича таҳлил қилинган.

“Костюм ва унинг бичими тарихи” фани “Либосда композиция ва ранг”, “Дизайн-лойиҳалаш”, “Тасвирий санъат умумий тарихи”, “Тикув буюмларини тайёрлаш технологияси”, “Материалшунослик”, “Тикув буюмларини конструкциялаш” ва “Либосларни макетлаш” фанлари билан узвий боғлиқ. Бунда тарихий костюмнинг шакл ва мураккаб бичимлари ўрганишда, уларнинг макетини ҳосил қилишда юқоридаги фанлардан олинган кўникмалар қўлланилади. “Дизайн-лойиҳалаш” фанлари билан ўзаро боғлиқлиги, кийимдаги тарихий услубларни, миллий халқ либослари, уларнинг безаклари, мато, нақш намуналари бўйича эгаллаган билимлари бўлажак дизайнер учун ижод манбаа бўла олади.

Дарсликни яратилиш жараёнида Хорижий ва МДҲ давлатларнинг илғор тажрибалари ва маълумотлари ўрганиб чиқилди. Ушбу дарсликда Европа либосларини ўрганишда “Janet Arnold.Patterns of fashion”, “FASHION: The Ultimate Book Of Costume And Style” хорижий адабиёт манбаларидан ва Россия Федерацияси томонидан 2003 йилда чоп этилган Плаксина.Э.Б. Михайловская

Л.А.ва Попова В.П. “История костюма. Стили и направления” номли қўлланмасидан фойдаланилди. Даврлар бўйича кийим бичимларини ёритишда Norah Waugh. The Cut of Men's Clothes 1600-1900 ва Norah Waugh. The Cut of Women's Clothes 1600-1930 номли хорижий қўлланмалардан фойдаланилди, иллюстрация ва расмларда фойдаланилган хорижий манбалар изохда кўрсатиб ўтилган.

Ушбу дарслик 5 бобдан иборат бўлиб, I боб Антик давр костюмига - Қадимги Миср, Юнон, Рим санъати ва маданияти ривожланишидан тортиб, то тарихий костюмнинг келиб чиқиши, давр эстетик идеаллари ва унинг асосий функцияларининг ривожланиш йўналишлари, эркаклар ва аёллар костюмларини ташкил этувчи кийим турлари ёритилган.

II бобда Жанубий ва Шарқий Осиё халқлари костюмлари ҳақида маълумот бериб ёритилган – яъни бунда Форс, Ҳинд, Хитой, Япония костюмларининг ташки кўриниши бўйича, қайси даврга, ижтимоий табақага, миллатга мансублигини, тарихий костюмни ташкил этувчи элементларни, мато, безак, нақш элементлари, ҳар бир халқнинг гўзаллик тимсоли ҳақида маълумот келтирилган. Костюмда даврлар ўтиши билан уларнинг ўзгаришига таъсир этган сабаблар ва уларни юзага келтирган сабаблари кўриб чиқилган. Халқларнинг қадимий ва миллий либослари, уларнинг бичимлари берилган.

III бобда Марказий Осиё халқлари костюми – Қозок, Қирғиз, Туркман, Тожиқ ва Ўзбек халқларининг тарихий ва миллий либоси, ички ва устки елка ва бел кийимлари, унинг тўлдирувчи элементлар, либосларда қўлланилган декоратив безаклар ва ҳар бир миллатнинг орнаменти, семантик маъноси, нақшларнинг шакли, қўлланган бадиий воситалар, ишлаб чиқилган матолар, тарихий ва миллий либос бичимларини ҳақида тўлиқ очиқ берилган.

Мазкур IV боб Рус костюми бўлиб, унда - қадимги Рус костюми (IX-XIII асрлар), XIV-XVII асрларда Москва Рус костюми ва XVIII аср Рус костюми мавзуларини қамраб олган. Пётр I томонидан киритилган реформа ҳақида берилган. Либоснинг шакллари ўзгариши ва мукамаллашувини, ранглар

уйғунлигини ва мазкур давлатда, даврда либоснинг деталлари, майда индивидуал қисмларини, кийиб юриш услублари ҳақида маълумот беради.

V боб Европа костюм бўлиб, у қолган боблардан катта қисмни ташкил этган. Европа костюмларининг ривожланиши ва шаклланишини акс эттирувчи хронологик тартибда жойлаштирилган. Яъни илк ўрта аср Европа костюмидан то XIX аср охири Европа костюмигача бўлган даврни. Ҳар бир давр эстетик идеаллари ва ташқи қиёфаларининг ўзгариши тарихи, Европа модасининг костюм шаклланиши ва янгилашишига таъсирини кўриш мумкин. Либослардаги ўзгаришларни, янги турдаги кийимларни ривожланиши, уларнинг бичимларни ўзгаришини келтирилган иловаларда кўриш мумкин.

Олинган маълумотларни мустахкамлаш мақсадида мавзуларга оид назорат саволлари ва топшириқлар, ҳар бир боб бўйича ўз билимларни текшириш учун тест саволлари берилган. Атамалар луғати –гlossарий, адабиётлар рўйхати келтирилган. Ҳар бир мавзуга мустақил иш топшириқлари берилган.

КОСТЮМ, МОДА ВА УСЛУБ

Костюм (*састуме* – кийим, кийим кўриниши маъносини англатади; *французча*) – халқнинг табақаларга ажралиш жараёнини ўзида акс эттиради. Костюм кийимнинг асосий шакли бўлиб, ўзи амалда бўлган муайян давр ҳақида хабар беради. Яна костюм бизда ўша замоннинг гўзаллик идеали ҳақида ҳам тасаввур уйғотади ва бу борада билимимизни оширади.

Агар Россия тарихига назар соладиган бўлсак, шоҳлардан (ХВИИИ аср) Пётр II номи ягона марказлашган давлат барпо этиш, халқни Ғарб маданияти ва маърифатидан намуна олишга чорлаганлиги ва шу йўлда катта ишлар қилганлигининг гувоҳи бўламиз. Пётр II номи халқни Европа маданияти ва маърифатидан ўрнатқилишга даъват этган буюк ислохотчи сифатида алоҳида саҳифани ташкил этади. Айнан Пётр II ислохотларидан сўнг Русь ҳаётига “костюм”, яъни костюм тушунчаси кириб келди.

Костюм ҳозир замон ҳаётимизга жуда сингиб кетди. Ҳақиқага кўчганда, костюмсиз замонавий турмушимизни тасаввур қилиш ниҳоятда мушкул. Костюм – кийим-кечак, аксессуарлар, соч турмаклари, зеб-зийнат, тақинчоқлар, косметика, яъни атир-упа, пардоз-андоз ашёлари ҳамда пойабзални ўз ичига олади. Костюм ўзини бир ҳолатда: кийилганида, уни кийган эгаси бирор ҳаракат қилганида бор бўйича тўлақонли намоён этади.

Мода (*моде* сўзи *французча*; *модус* сўзи эса *лотин* тилидан келиб чиққан бўлиб, ўлчов, ҳаракат ифодаси маъноларини англатади) – деб вақтинча муддат ичида бирор диднинг ҳукм суриши, образнинг маданий ҳаётда етакчилик, йўлбошловчилик қилишига айтилади. Мазкур образ турли кўринишга эга бўлиб, тез-тез ўзгариб туради.

Сиртдан қараганда, “костюм” билан “кийим” тушунчалари бир-бирига ўхшашдай туюлади, аммо улар бир-биридан тубдан фарқ қилади. Аввало бу

тушунчаларни англаб етиш учун ана шу иборалар замирини теран тушуниб етиш керак бўлади.

Кийим – бизни ташқи мухитдан муҳофаза қилади. Бу, бир томондан, кийим инсон кўли билан яратилган моддий бойлик бўлиб, бизнинг маълум истак-хоҳишларимизни қондиради. Иккинчи томондан эса бу инсонни эстетик кўринишини ўзгартириб юборишга қодир декоратив-амалий санъат асари саналади.

Кийим: 1) ички кийим (ички елка кийим ва ички бел кийим);
2) устки кийим (устки елка кийим ва устки бел кийим);
3) бош кийим;
4) пойабзалларни ўз ичига олади.

Костюм – ижтимоий ва индивидуал инсонни хусусиятлари, жумладан, унинг эстетик дидини ўзида акс эттиради ва ёши ва жинсини билдиради.

Кийимнинг келиб чиқиши

Археологик қазилмалар вақтида *кийим* 40–25 минг йил аввал ярилганлиги ҳулоса чиқаришга имкон беради. Яъни кийим дастлаб ибтидоий одам дунёга келгач, унинг ривожланиши билан пайдо бўлган. Бундан анча кейин пойабзал пайдо бўлади, чунки у костюмнинг бошқа элементларига қараганда ҳали унча оммабоп бўлмаган эди.

Биз кийимга шунчалик ўрганиб қолганмизки, гўё у назаримизда ҳамиша ва ҳамма даврларда мавжуд бўлгандай туюлади. Яна костюмнинг ўз даврига қараб ташқи кўриниши мунтазам ўзгариб турганидан унинг эскиришини сезмай ҳам қоламиз.

Гарчанд либос ҳамиша ҳам бенуксон бўлмаган эса-да, кийимнинг пайдо бўлиши, келиб чиқиш тарихи қизиқарли ва ибрат бўларлидир. Кийим бизга бир давр мобайнида муайян халқлар урф-одатлари, турмуш тарзи ва яшаш шароитларининг қандай бўлганлиги ҳақида маълумот бериб, бу ҳақда тасаввурларимиз бойишига ёрдам беради. Бунинг натижаси ўлароқ, бизга қабила, жамоа турмуши қандай кечганлиги, уруғ-элатлар ва турли халқларнинг

маданий, маънавий ривожланиш тарихи маълум бўлади. Зеро, кийимнинг келиб чиқиш тарихи энг қадимий ҳунар турларидан бўлган тикувчилик санъатига бориб тақалади.

Кийимга эҳтиёж ибтидоий жамоа даврида инсонга табиат туғдирган зарурият туфайли дунёга келади ва ҳаётининг таркибий қисмига айланади. Шу боисдан либоснинг пайдо бўлиши билан тобора мукаммаллашиб бориши табиий ҳол эди. Бундан кийим инсон билан бирга дунёга келмаганлигини билиб олса бўлади. Табиатда иқлим ўзгарган, иссиқ ўрнини совуқ эгаллаган, уруғ-қабилалар янги, илиқ ўлкалар томон жўнаган, шу сабабдан кийим вазифалари ҳам ўзгарган.

Шимолий қутб, шимолда ҳаво совуқ, жанубда эса, аксинча, иссиқ ва илиқ бўлган. Сайёрамиз табиатнинг янгидан-янги инжиқларига дуч келган. Табиат инсонга кутилмаганда қор, ёмғир, дўл ва бошқа ҳодисалар сингари янги-янги совғаларни тақдим этган. Ибтидоий одамга ўзини совуқдан сақлаш, пана қилиш кийимнинг яратилишига замин яратади, бунинг учун энг асосий сабаб, туртки бўлади.

Ибтидоий одам теварак-атрофини ўраб турган нарсалардан фақатгина совуқ исмли офатдан сақланиш, ўзини ҳимоя қилиш учун фойдаланган. Турли ҳайвонлар териси, дарахт пўстлоқларию япроқлари одамни бирмунча совуқдан сақлаган. Табиатнинг ўзидаги бу нарсалар ибтидоий одамнинг совуқдан сақланиши, умуман, тирик қолиши учун катта хизмат қилган. Шу тариқа инсоннинг яшаш учун кураши кийимни келтириб чиқарган. Яна ҳам аниқроғи, зарурият кийимнинг пайдо бўлишига асос бўлади. Шундай қилиб, айнан шу тарзда ҳаёт учун курашда асқотган кийим ибтидоий одам ҳаётида уни табиат инжиқликларию офатларила пана қилувчи паноҳ, сақланиш воситасига айланади.

Либосда мақсадга мувофиқлик гўзаллик билан уйғунлашиб кетади. Кийим, бир томондан, амалий вазифани адо этса, инсонни табиат инжиқликларидан сақласа, бошқа томондан эса эстетик вазифани

бажаради, яъни инсоннинг ташқи қиёфасини кўркемлаштириб, унга ҳусн бағишлайди.

Қадим-қадим замонларда одамлар жазирама ва ҳар хил ҳашаротлардан сақланиш учун таналарига лой, балчиқ ва турли мойларни суркаб олган. Бу ҳол кейинроқ бориб, танани атайин безаш истагига айланади. Ибтидоий одамлар бу масалани ўсимликлардан олинган сариқ ёки қизил минерал бўёқ охра, оҳак, нил бўёғи, қорақуя билан ҳал қилишга тиришадилар. Энди улар шу мақсадда таналарига ҳар хил белгиларни чизиб, бўяб ташлайди. Шундан кейин бундай ўчиб кетадиган чизгилар ўрнига татуировка (тери остига ранг ўтказиб, нақш тушириш) қилина бошланади. Рамзий ва ҳимоявий элементлар сифатида костюмда ов қилинган ҳайвонлар тишлари, суяклари ва патлари ишлатилган. Ибтидоий одамлар кулоқ, бурун, лабларига ана шуларни тумор қилиб тақиб юрган. Бориб-бориб ана шу туморлар костюм безакларига айланади.

Ҳозирги либосимиз танани бўяш ва татуировка қилишнинг издошидир. Кейинроқ ана шулар инсон ташқи қиёфасида эстетик вазифани адо эта бошлайди. Орадан вақтлар ўтади, толадан ип йигирилади, мато тўқилиб, ундан кийим тикилгач ҳам тана бўялгандаги чизгилар ва татуировка аломатлари сақланиб қолаверади.

Кейинчалик ана шу чизги-нақшлар матога кўчади: масалан, қадимий кельтлар (ўтмишда Ғарбий Европада яшаган қабилалар) татуировкасининг катак-катак чизиклари матода қолган ва ҳозирда шотланд либосининг миллий чизгисига айланган.

Тарихий костюмдаги безаклар янги маъно касб этади – жамиятда юз бераётган жараёнлар – табақаланиш либосда ҳам ўз аксини топади. Шу тариқа бизга безакнинг уч хил: рамзий, эстетик ва табақаланиш маънолари маълум бўлади.

Сўнграқ безак шакллари мураккаблашиб, ранг-баранг бўлиб борди:

- 1) ечиб тақиладиган тақинчоқлар – исирға, билагузук, узук ва ҳалқалар;
- 2) турғун, матога ёпиштирилган безаклар: босма расм, кашта.

Кийимнинг примитив шакллари ва асосий турлари

Инсоннинг турмуш тарзи, танасининг тузилиш шакли кийимнинг бошланғич примитив, жўн кўринишини белгилаб берди:

- хайвон терилари;
- ўсимликдан олинган материаллар.

Шунда либосни танага бириктиришга зарурият пайдо бўлади. Натижада кийимнинг танага бириктириш жойи белгиланади ва *бел кийими*; *елка кийими* каби турларга бўлинади.

Кийимнинг асосий турлари:

- 1) бурмаланган, драпировка қилинган – кийимнинг энг қадимий тури бўлиб, у бутун танани қоплаб, ўраб олади ва белбоғ, боғич ва тўқа (фибула), тугмалар ёрдамида бир-бирига туташтириб қўйилади (Қадимги Юнонистон, Қадимги Рим);
- 2) буклама – кийимнинг маракаб тури бўлиб, мато икки букланади ва ёнлари тикилади, бош ва қўлларни чиқариб қўйиш учун махсус тешиклар қолдирилади (Византия);
- 3) яктаксимон, олди очик – тепадан пастгача кесикли кийим тури (Москва Руси).

Ибтидоий одамнинг қўллари эркин бўлиши зарур. Чунки меҳнат қуролини ушлаш, ҳаракатланиши учун қўллар очик бўлиши керак ахир.

Белбоғ – кийимдаги дастлабки асосий жихатлардан эди. Кейинчалик белбоққа бирор нарса маҳкамлаб, кийилган. Шу тарика иштон, шалвор, пешбанд (фартук), сўнг юбка ва шимнинг ҳар хил турлари пайдо бўлади.

Кийим тайёрлашда ишлатиладиган материаллар

Ибтидоий одамнинг илк кийими учун дарахтларнинг юмшоқ пўстлоғи, тропик ўсимликлар барглари ва толаси асқотган. Юқорида айтилганидай, ибтидоий одам кийим учун материални асосан теварак-атрофини ўраб турган табиатдан олган.

Аввало бундай материал учун ёввойи ҳайвонлар терилари қўл келган. Бизнинг олис ўтмишдаги ибтидоий жамоада яшаган авлод-аждодларимиз кийиниш учун сув ости ҳайвонларининг териларидан ҳам фойдаланган.

Сув ости ҳайвонларининг мўйнасидан тикилган кийим одам танасини ёғингарчиликдан жуда яхши ҳимоя қилган. Бундай кийимни тайёрлашда морж ва тюленларнинг сув ўтказмайдиган ичакларидан фойдаланилган. Бу кийим капюшон – қалпоқли ёмғирпўш, плаш кўринишида бўлган.

Яқинда Узоқ Шарқда балиқ терисидан тикилган кийим топилди. Бу кийим бир қатор афзалликларга эга эди. Жумладан, иссиқликни яхши сақлаган, сув ўтказмаган, муз билан қопланмаган. Бу кийимни асосан балиқчилар кийган.

Патдан тайёрланган кийим ҳозиргача етиб келган. Гага (Шимолий кутб сувларида яшайдиган қимматбаҳо патли ўрдак) патидан ясалган *камлейка* – либос Хабаровск музейида намоиш этилди. Бундай патли “куртка” одамни шамол-бўрондан ҳимоя қилибгина қолмай, балки кўриниши ҳам жуда чиройли бўлган. Патдан тайёрланган бу куртканинг капюшони ҳам бўлган.

Сахалин ороли аҳолиси азалдан кийим учун балиқ териси ва қушлар патларидан фойдаланиб келади. Шимолий Америка ва Осиёнинг табиатан кескин иқлимли об-ҳавосида “*царки*” кийими кенг тарқалган. Ушбу кийим қушлар терисидан тайёрланган бўлиб, танани иссиқ тутган.

Туяли ҳудудларда яшайдиган одамлар туя жунидан мато тўқиган, кигиз бостирган. Узоқ шимолликлар ит, буғу териси ва жунидан кийим тикиб кийган. Милодгача биринчи асрда одамлар қуруқликдаги ҳайвонлар териларидан кийим кийганлар. Қадим-қадим замонлардан бизнинг давримизгача ранг-баранг мўйнали кийимлар – телпак, пўстин, иштон, пайпоқ ва пойабзаллар етиб келди.

Даврлар ўтиб, қўй жуни, маданий экинлар (пахта, зиғирпоя, каноп) толасидан ип йигириб, мато тўқила бошланади.

Тобора янги матолар ҳақида маълумотлар доираси кенгая боради. Бу борада билимларни алмашиш ва уларни ўзлаштириш жараёнлари кенгаяди,

кийим тикиш маҳорати такомиллашиб боради, ишлаб чиқариш суръати ҳам ўсади.

Инсон ҳаётининг ҳамма босқичларида, хусусан, унинг яшаб, ишлашида кийимнинг аҳамияти бебаҳодир. Айнан кийим туфайли бобокалонларимиз фақат иссиқ минтақаларнигина эмас, балки сайёрамизнинг шимолий ҳудудлари об-ҳавосига кўникиб яшаб, ўша жойларни обод этганлар. Кийим борлиги учун ҳам аجدодларимиз олис-олисларга сафар қилганлар, асов табиатни ўзлаштирганлар. Шундай, энди табиатга мувофиқ кийиниб олган инсон олдида фасллар алмашуви, қиш қаҳратони, ёз саратони, иқлимнинг инжиқлиги, дарё-денгизлар, океан тўсик бўла олмаган ва уни йўлдан тўхтата олмаган. Яна кийим инсонни кўп касалликлардан муҳофаза ҳам қилган.

Қадим замонда кийим алоҳида элементлардан ташкил топган. Масалан, олдин енг либосда ўзи мустақил вазифани адо этган. Шим оёқларнинг ҳар бирига алоҳида кийилган ва булар бир-бирига бирлаштириб тикилмаган.

Костюм тарихи – моддий маданият тарихининг таркибий бўлаги

Тарихий костюм шакллари, буларнинг тараққий этиб бориши – жамиятда моддий маданиятнинг ривожланиши каби оддийликдан мураккаблик сари ўзгариб бориши билан белгиланади. Бу ҳолни қуйидаги жиҳатларда кўриш мумкин:

- матолардан фойдаланишда;
- ранглар жилосининг ранг-баранглигида;
- умумий композицияда;
- декоратив-конструктив ечимда;
- ҳар хил элементлар уйғунлашувида;
- хилма-хил мураккаб образ яратишда.

Айрим тарихий даврларда костюм шакллари мураккаблашиб боради. Бу манзара сиртдан қуйидагиларда намоён бўлади:

- бир вақтда, устма-уст кийиладиган кийимлар сонининг кўпайиши;

- тўқилиши мураккаб бўлган матоларнинг қўлланиши;
- янги бичимнинг пайдо бўлиши;
- либос деталлари ва уларни ишлаш, безаш усулларининг кўпайишида.

Мана, инсоният XXI асрда яшамоқда, эндиликда костюм кўриниши ўз соҳибининг маданияти ва эстетик дидига боғлиқ бўлиб қолди. Эндиликда костюмнинг маънавий вазифани адо этиши муҳим аҳамиятга молик масалалардан ҳисобланади.

Назорат учун саволлар ва топшириқлар:

1. Костюм деб нимага айтилади?
2. Либос деб нимага айтилади?
3. Кийим деб нимага айтилади?
4. Ибтидоий одамларнинг келиб чиқиши ҳақида нима биласиз?
5. Ибтидоий костюмнинг қандай турлари бор? Уларни таърифлаб беринг.
6. Танани бўяш қандай турларини биласиз? Унга мисол келтиринг.
7. Кийим тайёрлашда ишлатиладиган материаллар қўлланилади? Мисол келтиринг.
8. Қандай кийим турлари мавжуд? Мисол келтиринг.

I БОБ. АНТИК ДАВР КОСТЮМИ ҚАДИМГИ МИСР КОСТЮМИ

Мисрнинг ижтимоий- иқтисодий ва маданий ҳаёти. Жаҳондаги энг қадимий тамаддун – цивилизациялардан бири Миср маданияти ҳисобланади. Мана, орадан уч минг йил ўтибдики, мазкур қадимий заминда ҳозирги кунда ҳам ўзгармаган ва сақланиб қолган асл тамаддун излари, ажойиб меъморий обидалар ҳамон инсониятни лол қолдириб келмоқда. Ана шу тамаддун яратилган Қадимги Миср тарихи уч босқичга бўлинади:

1. Қадимий шоҳлик (милодгача 3000–2400 йиллар) – икки давлатнинг бирлашиши.
2. Ўрта шоҳлик (милодгача 2400–1710 йиллар) – фиръавн ҳукмронлиги кучайган давр.
3. Янги шоҳлик (милодгача 1580–1090 йиллар) – кўчманчи қабилалар ҳукмронлигидан озод бўлиш даври.

Қадимий Миср энг қудратли қулдорлик давлатларидан бири эди. Ана шу қудратли давлатни чексиз-чегарасиз ҳукмронликка эга бўлган фиръавн бошқарарди. Қадимги мисрликлар фиръавнни Худонинг ердаги ноиби деб билганлар.

Қадимги Миср халқи бир неча:

- қулдор зодагонлар;
- шаҳар аҳолиси (хунармандлар ва мирзалар);
- озод деҳқонлар – улар ўз меҳнатлаи билан фақат ўз оилаларинигина эмас, балки фиръавну мирзалар, соқчиларни ҳам боққанлар. Деҳқонлар фиръавн ғазнасига етиштирган ҳосилларининг бир қисмини топширган;
- қулларга бўлинган.

Қадимий мисрликлар асосан деҳқончилик ва чорвадорлик билан шуғулланган. Деҳқончилик билан шуғулланган кишилар кўп ишлашларига тўғри келган, чунки ариқ қовлаш, ер қозиш ва далаларга сув

олиб келиш жуда қийин эди. Шундай бўлса-да, деҳқонлар ҳосиллари ва қорамолларидан бир улушини ҳукумат хазинасига топширган.

Қадимий Мисрда ҳар хил ҳунарлар: тўқимачилик; кулоллик (лойдан идишлар ва кўзалар ясалган); заргарлик (мисрлик заргарлар тақинчоқлар ва ёвуз рухлардан сақловчи туморларни тилла ва бошқа қимматбаҳо металллардан ясаганлар); кўнчилик (кўнчилар ҳайвонлар терини ошлаганлар, тикувчилар улардан турли буюмлар тикканлар); ойна ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Биз қадимги мисрликлар ҳаёти, қилган меҳнатлари, уларнинг ташқи қиёфалари ҳақида ҳозирги замонгача етиб келган, макбаралар деворларига чизилган кўпдан-кўп расмлар орқали тасаввур ҳосил қилишимиз мумкин.

Миср давлатига ҳос муҳим аломатлар:

1. Мисрда ҳукумат фиръавнга тегишли ва мамлакат тахтининг ворис бўлиб қолган ҳукмдоридир.
2. Сарой аъёнининг фармойишига кўра ғазначилар халқдан фиръавн хазинасига солиқ йиғади.
3. Фиръавн ўзининг мунтазам қўшинига эга бўлган.


Халқ ҳаётида дин катта аҳамият касб этган. Қоҳинлар динга хизмат қилганлар. Қоҳинлар катта куч-қудратга эга бўлганлар ва улар нуфузларига кўра жамиятнинг олий табақаси ҳисобланган зодагонларга тенг турган. Одамлар қоҳинлар худо номидан гапираётганига ишонган.

Санъатда бадиий услуб хусусиятлари. Ҳозиргача етиб келган меъморий обидалар ва ҳайкалтарошлик ёдгорликлари ҳозирги замон кишиларининг ўша давр маданияти ҳақида тўла тасаввур уйғотишига ёрдам беради. Миср ҳайкалтарошлар ҳайкаллар ясаганларида, рассомлар деворга одамлар расмларини ифодали чизганларида, шартли равишда бир қоидага риоя қилганлар, яъни улар фиръавн ҳамиша зодагонлардан юқори, зодагонлар эса авом халқдан баландда тасвирлаганлар.

Рамзлар (символика) – мисрликлар учун жуда катта аҳамиятга эга бўлган. Масалан: нилуфар (лотос) – қуёш, ҳаёт, ҳосил ва боқийлик рамзи; илон – чексиз ҳукмронлик рамзи ҳисобланган.

Маданият дин билан, нариги дунёнинг боқийлиги ғояси билан чамбарчас боғлиқ бўлган.

Қадимий Миср санъатининг ўзига хос хусусиятларидан бири, унинг декоративлиги ва монументаллигидир. Санъатнинг шакл ва турлари: архитектура–меъморчилик (мақбаралар, пирамидалар ва ибодатхоналар); ҳайкалтарошлик; ранг-баранг фреска – деворий расмлар; халқ амалий санъати асарларидан иборат эди.



1.1-расм.

Қадимги шоҳлик костюми

Нил водийсининг иқлими шунчалик иссиқ-жазирама бўлганки, умуман, кийимга эҳтиёж сезилмаган. Фақатгина киши танасининг ибo талаб жойларини беркитиши кифоя бўлган. Бурмали, драпировкали либос қадимги мисрликларнинг энг оммабоп кийимларидан бўлган. Сўнг Мисрда ҳаммаёғи берк устки кийим, ёпинчиқ пайдо бўлади. Шуниси эътиборга сазоворки, қадимги мисрликлар серхашам, дабдабали кийим кийган. Тўғри, аниқ чизикларга интилиш қадимги мисрликлар костюмига хос жиҳатлардан эди.

Эркаклар костюми. *Гўзаллик идеали.* Биз қадимги мисрлик йигитнинг идеал образини ҳайкалтарошлик асарларида, рельеф – бўртма нақш ва деворий расмлар – фрескаларда кўришимиз мумкин. Ҳайкал, бўртма нақш ҳамда деворий расмларда эркак киши – баланд бўйли, кенг елкали, юзи яққол кўзга ташланадиган, бел ва бўксалари хипча қилиб тасвирланган.

Эркаклар бўксага бойланиб кийиладиган, тери ёки матодан қилинган, тўртбурчак ёки учбурчак шаклидаги бўкса белбоғи – *схенти* кийган. У белда қат-қат, яъни драпировка қилиниб, махсус белбоғ билан бойлаб қўйилган. Белбоғ–қадимги мисрликлар костюмининг асосий негизи ҳисобланади. Бу белбоғ ингичка камар ва тасма матодан (мато парчаси) иборат бўлган. Ушбу тасма белга ўралиб, безакли учлари ўртадан драпировка қилиб тушириб қўйилган. Асилзодалар бойлайдиган схенти оддий халқниқидан серхашам ва чиройлилиги билан фарқ қилган. Баъзида бундай кишилар бойлайдиган схенти нафис матодан қилиниб, унга ранг-баранг гуллар солиб, безалган. Яна схентилар плиссели ҳам қилинган. Бари тахлама, қат-қат драпировкалар асосан белбоғнинг олд қисмида жойлашган, орқа қисми эса ёпишиб турган.

Ранглар. Миср асилзодалари костюми учун оқ ранг афзал кўрилган ва оқсуяклар ранги сифатида қадрланган. Таналари қорача мисрликларга сап-ариқ кумда оппоқ костюм ранги ажралиб, ўзгача мафтункорлик бахш этган. Авом халқ хира сарғимтир ва қаймоқранг кийим

кийган. Ўша даврларда қора ранг мотам рамзи саналмаган. Яна у замонлар кўзга ташланиб турадиган, ёрқин рангли мовий, қизил ва яшил рангли матолардан ҳам кийим кийилган.

Матолар. Миср – зиғир ватани ҳисобланади. Мисрда пахта билан зиғирпоя толасини қайта ишлаб, ип йиғириб, булардан мато тўқилган. Тўқувчиларнинг маҳоратлари тобора ошиб боради, такомиллашади. Натижада мато шунчалик юпка, ҳарир тўқилганидан (бу матони ҳатто беш қаватлаб ўраса ҳам одам танаи кўриниб турган) табиий шоҳи ва нафис батистдан ҳам қолишмаган. Турли тadbир, маросимларга мўлжалланган кийимлар тери ва мўйнадан тикилган.

Фиръавннинг бош кийими бошқа табақага мансуб одамларникидан тубдан фарқ қилган. Авом халқ асосан тери ва дағал ип-газламадан тикилган, бошга ёпишиб турадиган қалпоқча кийган.

Бош кийим ва соч турмаги кишининг жамиятда тутган ўрнини, хусусан, унинг қайси табақага мансуб эканлигидан далолат бериб турган. Қадимги мисрликлар бошлари ва иякларини кириб юрганлар. Эркаклар жазирамадан сақланиш учун бошларига қўй жуни ва ўсимликлар толаларидан ясалган парик кийган, авом халқ битта, асилзодалар эса бирданига қўш парик таққанлар. Парик эгасининг жамиятда тутган ўрни, ижтимоий ҳолатини унинг парик ва улама соқоли (нимадан қилингани, узун-қисқалиги) билдириб турарди. Эркакларнинг улама ва кокилга ўхшаш, учлари ёйилган ёки кубсимон сунъий соқоллардан ҳам фойдаланганлар. Бойлар ва уларнинг оила аъзоларини соч турмаклари, улама соч, париклари авом халқникига нисбатан ҳашамлироқ, чиройлироқ ва қимматроқ бўлган. Улама сочлар ҳар хил рангларга бўялган ва жингалак қилинган. Баъзан эркаклар улама сочларини калта попуқлар қилиб ўриб юрган.

Атир-упа, пардоз-андоз ашёлари. Мисрда пардоз, грим қилиш санъатини эркаклар эгаллаган эдилар. Улар кўз-қошлари, лабларига бўяб, юзларига упа-элик қўйган. Қадимий сағаналардан хушбўй мойлар, муаттар малҳам солинган идишлар топилган. Қоҳинлар – ибодатхона хизматчилари, атир-упа, пардоз-

андоз воситаларини тайёрлаганлар, фақат уларгагина бу санъатнинг сирлари аён эди.

Зеб-зийнат, тақинчоқлар. Қадимги мисрликлар костюмлари параллел чизиқлардан ранг-баранг чизги, нақшлар, эгри-бугри ўсимликка ўхшаш ва геометрик табиатдаги зигзаг чизиқлар билан безатилган. Ўсимлик тасвири туширилган расм-нақшлар ўртасида нилуфар гули асосий ролни эгаллайди. Шунингдек, костюмда камиш, пальма, папирусларнинг умумлаштирилган расмларидан ҳам фойдаланилган. Жониворлар – илон, гўнг қўнғизи, кирғий тасвири асилзодалар костюмларига алоҳида хусн бағишлаган.

Қадимги Миср эркаклари турли-туман зеб-зийнат ва тақинчоқларни яхши кўрардилар. Улар модага риоя этиб, қўллари – яъни билаклари ва тирсакларидан сал тепарокда бежирим билагузуклар такканлар. Эркаклар қимматбаҳо узуклари билан фахрланарди. Айниқса, қимматбаҳо тошлардан қадама нақш қилиб ясалган қўнғиз тасвири урф бўлган эди. Қўнғиз тасвирили бу тақинчоқ ипга солиниб, бўйинга тақилган.

Янги шоҳлик даврида тилла тақинчоқлар ҳамда ва қимматбаҳо зеб-зийнат ниҳоятда нозик ва нафис ишлангани билан заргарлик




маҳорати бобида юксакликка кўтарилади.

Бу давр костюмини ҳашамдор ва сербезак *белбоғ* тўлдириб турган.

Пойабзал. Фақат фиръавнгина сандал кийиш ҳуқуқига эга эди. Фиръавннинг бари фуқаролари яланг оёқ юрганлар.

1.2-расм.



1.3-расм.

Аёллар костюми. *Гўзаллик идеали.* Мисрда буғдойранг, қорача, юзлари тиник, сочлари қуюқ, чиройли қўл-оёқли аёллар гўзал ҳисобланган. Бу гўзалнинг юзида нозик, тўғри чизгилар бўлиши тасаввур қилинган. Яъни пешонаси виқорли кўриниши, кўзлари бодомсимон, бодомқовок, қиррабурун бўлиши керак эди.

Аёлларнинг асосий либоси кўйлақ бўлиб, у *калазирис*, деб аталган. Маликаларнинг ҳам, бошқа табақа аёлларининг ҳам кўйлақларининг тузилиши, шакли бир хил бўлган. Аёлнинг қандай табақага мансублиги, унинг ижтимоий ҳолатини фақатгина костюм матосининг сифати ёки рангининг оппоқлиги билдирган. Калазирис кўйлаги

кенг мато бўлагидан иборат бўлган. Ушбу мато бўлаги билан кўкракдан то оёқ тўпигигача ўралган, елкадан бир ёки иккита елка тасма билан бойлаб қўйилган.

Кўйлак танага ёпишиб турган, у жуда эластик – чўзилувчан бўлиб, аёл унда эркин ҳаракат қилган. Аёллар эркаклар калазирисини ҳам кийган. Кийимларда қўлланилган ранглар ва матолар эркакларникига ўхшаш бўлган.

Соч турмаклари мураккаб ва кўпол бўлган. Бойвучча хонимлар соч турмакларига кўпдан-кўп рамзий тақинчоқлар тақиларди. Сочлар майда кокил қилиб ўрилиб, бошга мустаҳкам қилиб тизилган, паст қисми эса ёйиб қўйилган. Фиръавн авлодига мансуб битта кокилни чаккаларга тушириб қўйилган. Аввал йўғон ўримли кокил аста-секин қисилиб, спиралга ўхшаб гажак бўлиб қолган. Соч узунлиги елкага тушган. Париклар қулоқлар солинчагига бостириб кийилган. Фиръавн авлодига мансублиги аёлнинг тик, текис қирқилган сочлари, куюқ пешонагажаги ва чаккасига туширилган кокилидан билинган. Унинг устидан илон тасвири туширилган тилла чамбарак тақилган. Ана шу илон калласининг тасвири малика пешонасининг қоқ ўртасига тушиши керак бўлган.

Жамиятнинг юқори табақасига мансуб, хусусан, бой хонадон қизлари сочларини битта, иккита, баъзан бир нечта ўрим қилиб юрганлар. Уларни кокилларининг йўғонлиги маликаникидан ингичкароқ бўлган. Ўрим соч қанчалик йўғон бўлса, аёл шунча бой ва асилзодароқ эканлиги маълум бўлган. Чўрилар сочлари кокилларининг кўплиги билан бошқа табақа аёлларидан фарқ қилган.

Атир-упа, пардоз-андоз ашёлари. Миср – косметика, атир-упа, пардоз-андоз ватани ҳисобланади. Мана, орадан 4000 йилдан ортиқ вақт ўтибдики, Мисрда косметика, пардоз-андоз ишлари маълуму машҳурдир. Аёллар кўз-қошларини бўяганлар. Аввал аёллар кўзларини кулранг ёки яшилранг билан бўяган. Миср аёллари лабларига лаб бўёғи – лолаб суртганлар.

Тақинчоқлар, зеб-зийнат. Аёллар либоси матоларидаги гуллар эркакларникига ўхшаш бўлган. Аёллар қўлларига билагузуклар ва оёқларига халқа таққанлар. Бармоқларига ҳам узуклар таққан. Қулоқларига халқасимон исирғалар тақилган. Аёллар тақинчоқлар, зеб-зийнатларини безашда худди эркакларникидай, гўнг қўнғизи тасвиридан фойдаланилган.

Зеб-зийнат ясовчи заргарлар махорати ўсиб боради. Қадимги шоҳлик даврида йирик мунчоқ, маржон сиртини қоплаш учун рангли паста кашф этилади. Кейин айна шу паста қопланган мунчоқлардан қуёш шаклидаги маржон шодаси, билагузуклар, калазирис кўйлагини безаш учун тўрлар ясалади.



1.4-расм.

Ўрта шоҳлик костюми

Бу даврда либос силуэти пастга томон кенгайиб боради. Авваллари калазирис кўйлагининг эни бир хил бўларди. Эндиликда бундай кўйлак пастга томон кенгаяди. Тахламалар, плисседан кенг фойдаланила бошланади. Кийим шакли мураккаблашади, чунки бирданига устма-уст бир нечта кийим кийиш одатга айланади.

Эркаклар кийими устма-уст кийиладиган бир нечта юпка схентилардан ташкил топади.

Аёллар либоси ўзгармай қолади. *Калазирус* эски бичимини сақлаб қолади. Асилзодалар либосига янги тақинчоқ кириб келади. Бу рангли шиша мунчоқ ва қимматбаҳо тошлардан ясалган маржон шодаси бўлиб, бу *елкатумор* деган ном олади.



1.5-расм.



1.6-рasm.

Янги шоҳлик костюми

Бу давр кийимда синфий тафовут кучайиб бориши билан изоҳланади.

Булар:

- асилзодалар костюмининг мураккаблашган кўринишида;
- юпка, қимматбаҳо матоларни қўллаш, уларнинг ҳар хил рангда бўлиши ва фактурасида;
- плиссе, майда тахламалар; эндиликда плиссе костюмнинг бутун сирти бўйлаб мўлжалланади.

Забт этилган Сурия мамлакатидан *нарамник* кириб келади, бу ҳам аёллар, ҳам эркеклар костюмининг янги шаклига намуна эди. Бу либос плиссели юбка ёки ёпинчик билан бирга кийилган. Шундай қилиб, нарамник устки кийимнинг бир элементи бўлиб қолади. Нарамник кишининг икки бўйича келадиган катта мато бўлагидан иборат бўлиб, у иккига букланган ва букилган жойидан калла чиқиб туриши учун тешик қолдирилган кийим кўринишига эга эди. Унинг ёнлари очик ва текис бўлиб, пастга томон кенгайиб борган. Баъзи ҳолларда эни ва узунлиги ҳар хил енглари бўлган.

Бу даврда юпка папирус ёки теридан тўқилган оддий, жўн сандаллар тури пайдо бўлади. Сандаллар оёққа тасмалар билан бойлаб қўйилган. Бойлар тилла суви юритилган ёки зарҳалли сандаллар кийган. Аёлларнинг пойабзаллари эркекларникидан умуман фарқ қилмаган.

Милодгача 1570 йилда пардоз-андоз қилиш, косметика воситаларини тайёрлаш усуллари ёзилган папирус қоғози топилган. Масалан, унда қандай қилиб сочларни бўйаш ва ўстириш; ажинларни қандай қилиб таранглаштириш; сўгалларни қандай йўқотиш сирлари ёзилган.

Дастлабки косметика, пардоз-андоз қилиш қўлланмаси шахсан малика Клеопатра томонидан тузилган. Ушбу қўлланмада илк лолаб – лаб бўёғи, пушти-қизил ёғупа, упаларни (бунинг учун бўёқ янчилган маъданларни ўсимлик мойида эритиб, тайёрланган) қандай тайёрлаш ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган эди.

Мисрда маникюр ва педикюр қилинган ва тирноқлар яшил рангларга бўялган.

Фиръавн костюми


Қадимги даврда фиръавн костюми *схенти*, *парик* ҳамда *сандадан* ташкил топган.

Костюм бўйича модага асос солган ва уни расм қилган шахс фиръавн эди. Фиръавн белга бойланадиган белбоғ устидан тахламали, плиссе қилинган матодан фартук кийган.

Нил водийсида тарқоқ, уюлмаган кўчманчилар бир давлат остида бирлашадилар. Милодгача 3200 йилга келиб, икки шох: Қуйи ва Юқори Мисрда қолади. Икки шохлик ўртасида жанжал чиқади ва урушга айланади. Урушда Юқори Миср шохлиги ғабала қозонади.

Мемфис – янги пайдо бўлган давлат пойтахти бўлади. Икки давлат бирлашиши натижаси ўлароқ, фиръавн ягона шохлик ҳукмдорига айланади. Шундай қилиб, фиръавн кўш тож кияди. Бу ҳақда шох ҳукмронлигининг бошқа рамзлари ҳам маълум. Улардан бири – чўпон ҳассаси ва занжир; бу фиръавн чўпон ва ўз халқининг ҳимоячиси, деган маънони англатади. Ердаги ҳукмронлиқнинг энг қадимий атрибут, белгиларидан бири – ҳасса. Аммо ҳассали фиръавн тасвири камдан-кам учрайди. Шох ҳукмронлигининг яна бир рамзи – *клафт* – бош кийими бўлиб, у йўл-йўл матонинг катта бўлагидан иборат бўлиб (кўкранг зар билан бирга тўқилган), тасма ва чамбараги ҳам бўлган. Клафт матосининг кўндаланг томони пешонага горизонтал равишда кўйилиб, тасма билан бойланган, устидан эса илон тасвири туширилган чамбарак тақилган. Мато парчалари олдга тикка, тўғри ва аниқ тўкилиб тушиб туриши учун клафтнинг ён томонлари ярим доира шаклида қирқилган. Клафт чанг ва қуёш нурларидан сақлабгина қолмай, шох хонадонининг алоҳида эътиборга эга эканлигини билдириб турган. Фиръавн тақиб оладиган ясама соқол тилладан ясалган ва у ҳукмдорлик аломатини билдирган. Бундай соқолга фақат фиръавнгина эга эди. Энг

серҳашам, катта ва узун париклар фақат фиръавн ва унинг оила аъзоларига тегишли эди, холос.



1.7-расм.

Асилзодалар ўзларига раво кўрган дабдабали турмуш фиръавн саройидагиларнинг ҳашамати олдида ҳеч гап эмасди.

Фиръавн ўзининг Қуёш ўғли эканлигини намоён этиш учун бошига махсус боғич бойлаган. Фиръавннинг хотини, малика ҳам ҳукмдор эри каби иш тутган.

Уреус - илони чакса, захридан тирик жон омон қолмаган. Ана шу илон рамзи чексиз-чегарасиз ҳукмронлик маъносини англатган. Бошга бойланадиган боғич атрофини уреус илони чирмаб олган, яна даҳшатли илон калласи нақ

фиръавн пешонаси устида турган. Илон билан калхат тасвирлари фақат фиръавн боғичинигина эмас, балки тож, белбоғ ва дубулғани беаган. Фиръавн ҳукмдорлигининг бари атрибутлари қимматбаҳо тошлар ёки сирланган тошлар билан безатилган.

Малика бошига нилуфар гули тасвири туширилган телпакча ёки калхат тасвири бўлган рангли эмаль билан безак берилган бош кийим кийган.

Фиръавн ва сарой аёнининг либослари зодагонлар кийимидан ўзининг қимматбаҳо матоси билан ажралиб турган. Фиръавн ва маликанинг либослари асосан жуда нафис ва ҳарир матолардан тикилган.

Фиръавн тилла ва тилла суви юритилган сербезак сандал кийган. Сандалнинг учи тепага қайрилган. Сандал оёққа ола-чипор тасма билан бойланган ва тиззагача келган. Сандал тағчармида турли майший ва жанг манзаралари тасвирланган.

Қоҳинлар костюми. Қоҳинлар диний маросимларни ўтказиш чоғи (маъракалар, қурбонлик қилиш маросимларида) тимсоҳ, буқа ва қирғий ниқобларини кийиб олган. Қоҳин орқасига қоплон терисини ташлаб олган. Қоплон терисининг юқори қисми, унинг калласи олдинга қаратилган ва белга маҳкам қилиб тақиб қўйилган. Тулупдаги қоплон калласи ва панжалари сирланган тилла пластинкалар билан безатилган.

Шаҳарликлар эркалар кийими бўксани яшириб турган, табиий рангдаги дағал, қалин мато бўлагидан ташкил топган.

Аёллар кийими (авом халқ) деярли ўзгармаган: елка боғли *калазирис кўйлаги*; баъзан бу кўйлакка калта енг қилинган. Калазирис табиий, оқ ранг ва гулли табиий зигирпоя толасидан тўқилган мато ҳамда ип-газламадан тикилган.

Қуллар кийими. Қуллар кийими жуда оддий ва жўн бўлган. Эркалар кийими чарм ёки табиий рангдаги дағал матодан мўъжаз боғичдан ташкил топган. Аксарият чўрилар кийимида аввалгидай калазирис шакли сақланиб қолган.

Атама сўзлар изоҳи

схенти - эркаклар бел кийим(пешбанд)

калазирис - аёллар кийим

илон ва калхат - Фиръавннинг салтанат белгиси

нарамник – эркаклар ва аёллар устки кийими, плаши

клафт – Фиръавннинг бош кийими

Назорат учун саволлар ва топшириқлар

1. Қадимги Миср неча даврга бўлинади? Шу даврларда костюмда қандай ўзгаришлар бўлган қисқача сўзлаб беринг.
2. Қадимдан зиғирнинг ватани қаср ҳисобланади ?
3. “Схенти” қандай кийим турига киради? Таъриф беринг.
4. Фиръавннинг салтанат белгиси нима бўлган? Қисқача таъриф беринг.
5. Қадимги мисрликлар нима билан шуғулланишган?
6. “Нарамник” нима?
7. Қадимий Подшоҳлик костюмидаги газлама, ранг, нақшлари қандай ?
8. Ўрта Подшоҳлик костюмидаги ранг, нақшлари қанақа ?
9. Қадимий Миср костюмлари нимага асосланган.
10. Янги подшоҳлик даврида костюмда қандай ўзгаришлар сезила бошлади?

ҚАДИМГИ ЮНОН КОСТЮМИ

Антик Греция – Юнонистон (Эллада) милoddан аввалги VII – I асрларда Болкон ярим оролининг жанубий қисми, Ўрта ер денгизи қирғoқлари ҳамда бир неча ороларда тараккий этди. Майин, илиқ иқлим, ажойиб Егей денгизи соҳилларини ювиб турган Юнонистон табиати денгизчиларга қўшни мамлакатлар билан савдо-сотиқ қилишга имкон берди. Бу омил эса бу мамлакат халқининг яшашига қулай шарт-шароит яратди.

Юнонистон ўз сиёсий тузуми билан ўша қадимий дунёда истибдод ҳукм сурган мустабид мамлакатлардан тубдан фарқ қиларди.

Бу давлатнинг ривожланиш тарихи қуйидаги даврларга бўлинади:

1. Ҳомер даври (милoddгача XI–VIII асрлар).
2. Архаик давр (милoddгача VIII – VI асрлар).
3. Классик давр (VI аср охири – милoddгача IV асрнинг биринчи ярми) – эрта, юқори ва сўнгги классика).
4. Эллинизм (милoddгача IV – I асрлар).

Ҳомер замони – уруғ - қабилавий муносабатлар даври сифатида тарихга кирди. Мазкур даврнинг шундай аталиши айнан шу замонда яшаб ўтган шоир Ҳомер номи билан боғлиқдир.

Модомики қадимий Юнонистон тарихининг милoddан аввалги XI–VIII асрлари Ҳомер даври деб аталар экан, бу замон санъати ва маданиятини ўрганишда Ҳомернинг “Илиада” ва “Одиссея” дostonлари қимматли манба ҳисобланади. Ҳомер даврида ҳунармандчилик, айниқса, кулолчилик ҳамда идишларга гул чизиш санъати раvнақ топди. Диний маросимларга дахлдор бўлган катта сиғимли Дипилон гулдонлари шундай ясалган. Ҳомер даврига мансуб кулолчилик буюмлари, айниқса, кўзаларда геометрик чизги, нақшлардан ташқари, ҳаётий воқеаларни схематик талқин этувчи тасвирлар учраши диққатга сазовор.

Милoddан аввалги V асрга келиб, Юнонистон сиёсий, иқтисодий ва маданий таракқиётнинг юксак босқичига кўтарилди. Бу даврнинг тарих

саҳифаларидан “*Олтин аср*” деб ном олиши ҳам бежиз эмас. Маълумки, бу даврда санъат жуда тараккий этди. Санъат том маънода ҳам инсонларни хурликка чорлади. Яъни санъат озод кишилар истаклари, ҳис-туйғуларини ифодаловчи ўзига хос минбарга айланди. Бу даврда яратилган меъморчилик – архитектура, ҳайкалтарошлик асарлари ҳамон ўз қимматини йўқотмай, санъат усталари учун ҳақиқий намуна бўлиб қолди.

Бу вақтда Юнонистон – Эрон урушида қозонилган ғалаба кишиларнинг миллий онгининг уйғонишига асосий омил бўлиб хизмат қилди. Харобазорга айланган антик театр қайта тикланди, янги ибодатхоналар ҳамда ижтимоий бинолар (стадионлар, гимназиялар) барпо этилди.

Қадимги кулдорлик давлатларидан бўлган Юнонистонда жаҳон санъати тарихида биринчи маротаба демократик тамойиллар пайдо бўлганлиги ҳамда бу ишлар амалга оширилганлиги билан алоҳида аҳамиятга моликдир. Зеро, давлат ўз фуқароларининг маданий ҳордиқ олиши ҳақида ҳам қайғурди. Кам таъминланган оилаларнинг театрға боришлари учун давлат хазинасидан маблағ ажратилди. Тўлов миқдори бир косибнинг бир кунлик иш ҳақиға тўғри келарди. Бу маълумот Афина маъмурияти ўз фуқароларининг театрларға боришлари, тантана ва байрамларда иштирок этишлари учун қулай имконият яратиб берганлигидан далолат берар эди. Айниқса, юнонлар ҳаётида театр алоҳида ўрин тутганлиги билан таҳсинға сазовордир. Юнонистонда томошанинг икки тури – комедия ва трагедия ўйналарди. Битта актёр спектаклда бир неча ролни ижро этарди. Декорация – сахна безаклари деярли бўлмаган. Антик театрда доимий ижодий труппанинг ўзи йўқ эди. Профессионал актёрлар тез орада пайдо бўлмаган ахир. Театр бой одамлар томонидан молиявий таъминланар, бу иш уларнинг вазифасиға кирарди. Антик театр сахнадан ҳам кўпроқ стадионни эслатар, спектакллар очик осмон остида ўтарди. Албатта, бундай улкан театрда артистларнинг имо-ишоралари, улар кийган костюмлар деталларини кўриш жуда қийин эди. Шу сабабли ҳам артистлар ижро этаётган образларини ёритиш мақсадида кўзға яққол ташланадиган ёрқин ниқоблардан фойдаланар эдилар.

Шу мақсадда актёрнинг қадди-қоматини узайтиришга эҳтиёж туғилар, бунинг учун тагчарми қалин пойабзал кийиларди.

Бу даврда адабиёт мисли кўрилмаган чўккиларга кўтарилди. Антик мифлар эса асрлар оша ўз қимматини йўқотмай, бизнинг ҳаётимизга ҳам кириб келди. Ҳомер дostonлари замонлар сарҳадларидан бемалол ўтиб, жаҳон адабиётини бетакрор ва ажойиб образлар билан бойитди.

Прометей ҳақидаги миф – қадимги Юнонистоннинг дунёга доврўғи кетган машҳур афсонаси ҳисобланади. Бу мифнинг сюжети шундай: Прометей Зевснинг иродасига хилоф равишда одамларга ер ҳайдаш, уй қуриш, ёзиш ва санашни ўргатади. Яна у инсонларга олов ҳам келтиради.

Мифлар қадимий юнонлар турмуши ва яшаш тарзлари ҳақида кўпроқ билишимизга имкон беради. Шундай, Прометей ҳақидаги миф ҳам юнонларнинг деҳқончилик, чорвадорлик билан шуғуллангани ҳақида ҳикоя қилади, асл инсоний фазилатлар улуғланади. Дионис ҳақидаги мифда эса шароб тайёрлаш сирлари, юнонларнинг бу соҳадаги ишлари ҳақида ҳикоя қилади.

Юнонистонда санъат намояндалари илк бора бадиий ижодда инсониятнинг асрий муаммоларини ечишга уринадилар. Уларнинг асарларида мардлик, жасорат, ватан меҳри ва озод инсон қудрати улуғланди, инсоннинг ботиний ва зоҳирий гўзаллиги ва маънавий баркамоллиги мадҳ этдилади. Қадимги юнон санъати диний маросимлар мифология билан боғлиқ ҳолда ривожланди.

Бу даврда тасвирий санъат ҳам гуллаб яшнади. Мазкур давр бутун бошли меъморий ансамбллар ҳамда ажойиб ҳайкаллар дунёга келиши билан ҳам айниқса эътиборга сазовор. Ушбу замоннинг уста ҳайкалтарошлари Фидий, Мирон, Пеликлетлар ажойиб санъат намуналарини яратадилар. Эсхил, Софокл, Еврипидлар ёзган трагедияларида яратилган жасурлик ва ҳур инсон ва ватанини асраб-авайлаш, ватанпарварлик туйғулари ҳозирги замон томошабинини ҳам бефарқ қолдирмайди.

Антик давр юнон санъатига хос хусусиятлар қуйидагилар эди:

- шахс қадр-қимматини таъкидлаш;
- инсоннинг ижодий қобилиятларига бўлган ишонч;

- бор вокеликни тўғри акс эттириш;
- бадий тилнинг содда ва равонлиги.

Мана, орадан неча-неча асрлар ўтибдики, қадимий Юнонистон санъати бизнинг ўрганишимиз учун намуна бўлиб келмоқда.

Архаик даврга келиб, Юнонистон санъатининг асосий тамойиллари шаклланади. Юқорида айтиб ўтилганидай, милоддан олдинги VII – VI асрлар архаик, яъни қадимги давр, деб номланади.

Тарихдан маълумки, милоддан олдинги VIII аср охирларида илк синфий жамият қарор топа бошлайди. Бу даврда Юнонистонда фалсафа, илмий тафаккур ривожланади. Тиббиёт, астрономия, тарих, география, математика фанлари тараккий этади. Бадий адабиёт, жумладан, шеърят ҳамда театр санъати янада камол топади, юнонлар ёзуви пайдо бўлади.

Бу даврда меъморчилик (архитектура) соҳасида буюк кашфиёт қилинади – ордер тизими ишлаб чиқилади. Ушбу тизим асрлар ва минг йилликлар мобайнида меъморчилик, жумладан, Янги дунё меъморчилигида ҳам энг муҳим жиҳатлардан бири бўлиб қолди. Шунингдек, ибодатхонанинг янада оммабоп тури – периптерга ҳам асос солинди.

Архаик даврда юнон ибодатхоналари бир неча турда бўлиб, булар ичида энг кенг тарқалгани периптер эди. Меъморчилик ривожланиб борган сари, Элладанинг моҳир усталари устун ва тўсинларга ишлов берарканлар, улар орасидаги боғланишни илғашга, декоратив безакларнинг энг минимал томонини топишга, уларнинг бадий ва функционал томонлари уйғун бўлишига ҳаракат қиладилар. Ана шу бадий тизим – ордер номини олади.

Юнонистон санъати классик даврга келиб, барқ уриб, гуллаб яшнайди. Айнан классик даврда қадимий юнон меъморчилиги (архитектурасида) дурдона меъморий ёдгорликлар яратилади. Бунга Олимпиядаги Зевс ибодатхонаси, Парфенон ва Эрехтейон ибодатхоналарини мисол қилиб келтирса бўлади. Ажойиб ва бир-бирига уйғун ва бетакрор асарлар: Олимпия Зевси, Афина Парфеноси ҳайкаллари шулар жумласидандир. Яна бу даврда амалий санъатнинг ажойиб асарларига намуна бўла оладиган қора ва қизил ранглардаги

турли шаклли гулдонлар яратилади. Шу билан бирга классик даврда театр санъати равнақ топади, спорт турлари ривожланади.

Эллинизм даври қадимги Юнонистон ва қадимий Шарқнинг социал-иқтисодий, сиёсий муносабатларининг бирлашиб кетиши ва бир-бирига таъсир кўрсатиши билан тарихда қолган. Эллинизм даврида муҳташам саройлар, ажойиб санъат намуналари яратилган. Хусусан, мамлакатда янги-янги шаҳарлар пайдо бўлади. Улар ўз ҳашамати ва улуғворлиги билан гўзал шаҳар Афинани ҳам орқада қолдириб кетади. Мазкур даврда санъатнинг янги тур ва жанрлари дунёга келади.

Агар жаҳонда етти мўъжиза яратилган бўлса, шундан бештасини юнонистонлик меъмор ва ҳайкалтарошлар барпо этганлар; ана шу беш мўъжизадан учтаси эллинизм даврида яратилган. Юнонистон бежиз жаҳон тамаддуни бешиги, деб аталмайди. Ахир бу мамлакат Европа санъати ва маданияти тараққиётига пойдевор бўлганлиги маълум ҳақиқат-ку.

Гўзаллик идеали. Юнонистонда санъатга эътибор берилганидай, инсон гўзаллиги ҳам муҳим аҳамиятга эга эди. Инсон гўзаллиги – руҳ ва тананинг уйғун ва мутаносиблигиди кўриларди. Инсоннинг гўзал фазилатлари: фидойилик, билим доирасининг кенглиги ва ташқи қиёфа – жисмонан соғломлик билан уйғун бўлиши зарур жиҳатлардан эди. Эракак киши – ўзида фидойиликни намоён этиши, спорт устаси ва мард бўлиши керак бўлган. Аёл эса соғлом, ўз мақсади сари интилувчан, ҳар томонлама кенг қамровли бўлиши зарур эди. Қиррабурун, думалоқ даҳан, кўзларнинг катта-катта бўлиши гўзаллик талабларидан бири ҳисобланарди. Очiq пешона чиройли кўринмайди, деб саналгани учун сочлар турмакланиб, соч пешонагажак қилиб тушириб қўйиларди. Аёллар гўзал ва қад-қоматлари келишган бўлиши керак эди. Бари ана шу тарзда бир-бирига уйғун бўлиши лозим бўлган. Келишган қад-қоматли инсондаги мутаносиблик “*олтин кесим*” пропорциясига мувофиқ келиши керак эди. Афродита Милосская (машҳур қадимий юнон ҳайкалтарошлиги намунаси; у Венера Милосская деб ҳам аталади, Милос оролидан олинган) қад-қомати ана шундай гўзаллик тасаввури остида яратилган.

Ўша давр юнонлар тасаввурида инсон қалби унинг ташқи қиёфаси каби гўзал бўлиши керак эди. Юнонлар гўзаллик ҳақидаги ана шу тушунчалари орқали нимани назарда тутганлар? Юнонлар наздида, инсон ўқимишли ва тарбияли бўлиши, ўзини тута билиши ва бировлар олдида ўзини ҳис-туйғуларини яшира олиши зарур саналган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ўша давр юнонларнинг гўзаллик ҳақидаги тасаввурларининг ҳаётий шарт-шароитлар билан чамбарчас боғлиқлиги остида қадимий Эллада костюми шаклланди. Костюмнинг енгил ва шунга мувофиқ шакл уйғунлигини юнонларнинг қулай иқлим шароитлари ва турмуш тарзи олдиндан белгилаб берган, десак янглишмаймиз.

Кийим турлари ва шакли. Тўқимачилик. Драпировка – қадимги юнон костюмининг асосий элементиға киради. Юнон костюмини фақат кийимгина эмас, балки халқнинг эстетик идеали, десак ҳам бўлади. Антик юнон костюмидаги драпировкалар улуғворлик, сиполикни намоён этиш ҳамда умуртқанинг тик туриши, танага эркин ҳаракатланиш имконини берган. Тўғри тўртбурчак эни ва бўйи турли бичимда олинган мато шаклини такрорлаган ҳолда драпировка қилиниб, танага ўралган ва қомат мафтункорлигини ўзида намоён эта олган.

Кийимнинг асосий тури, албатта, юқорида таъкидланганидай, драпировка қилинган либос бўлган. Драпировка – тахлам-тахлам ўралган мато нафислиги орқали костюм гўзаллиги ифодаланган. Назокат, қатъият, ташқи кўринишнинг сиполиги – костюмнинг эстетик асосини ташкил этган.

Драпировкаларнинг бир-бирига мослиги, уйғунлиги мато тури ва безакларидан устун турган. Драпировка қилинган тахламалар шакли шамойили билан гўё меъморчилик (архитектура) асосини ташкил этувчи дорида ордерининг каннелюра устунлари каби манзара касб этган. Драпировкалар инсон ҳаракатини аниқ-равшан кўрсатиб туриши талаб қилинган. Улар узун матони жонлантириб, қоматга эстетик кўриниш берган. Тахламалар ўралган тана ҳаракатига назокат бағишлаб, бир текисда танани ёпиб турган.

Хитон – юнонларнинг ички кийим бўлиб хизмат қилган. Юқорида айтилганидай, юнонлар хитони архитектура билан узвий боғлиқлигини айтиб ўтишимиз жоиз. Айниқса хитон пропорцияларининг бир-бирига мутаносиблиги, масштаби ва шакли, буларнинг катта аҳамиятга эгаллиги билан классик даврни ёдга солади.

Бу кийим тўғри бурчакли мато бўлаги бўлиб, вертикалига тахланиб, киши танаини ўраб турган. Либос елкада илма тугма – фибулалар билан қадаб қўйилган, белга эса колпос – камар тақилган. Юнонлар кийим учун ишлатадиган зиғирпоя толасидан йигирилган мато Мисрникидан анча қалин тўқилган бўлса-да, аммо чўзилувчан, яхши драпировка қилинадиган майин эди. Матолар албатта қўлда тўқилган. Эни 2 метрлик мато тўқиш санъати юксак даражада ривожланган. Юнонлар либос тикиш учун асосан жун ёки зиғирпоя толасидан олинган мато, яна шулар иккаласидан қўшиб тўқилган газламадан фойдаланганлар. Александр Македонский салб юришлари чоғида Ҳиндистондан пахта келтирган. Юнонлар пахтани “*жун дарахти*” деб атаганлар. Кейинчалик пахтадан ип йигирилиб, мато тўқилган.

Юнонларнинг кийимлари асосан *хитон* ва *гиматий*дан ташкил топган. Хитонга сержило кашта тикиб, безатилган. Кашта безагининг ранглари тўқ бўлган. Расмлар ишланган матолар архаик даврида кенг тарқалди, классика даврида бир хил рангдаги қўк, қизил, яшил, сарик, жигарранг ва айниқса оқ рангли матолар урф эди. Қора рангдаги матолар юнон костюмларида умуман учрамайди. Мотам кунлари кийиладиган либос кулранг, жирарранг бўлган. Бир хил рангли либослар чеккаларига ҳошия қўйилган, кашта тикилган ёки қоғоз устига бирор-бир ўсимлик тасвири ёпиштириб безалган. Эллинизм даврига ўтишда Юнонистонга Шарқ халқларининг баъзи кийим турлари кириб келади.

Эркаklar костюми. Юқорида таъкидланганидай, эркаklar кийими ҳам икки қисм: *хитон* ва *гиматий*дан иборат эди. Хитон ички кийим ҳисобланган. Эркаklar хитон кийиб, кўчага чиқмаганлар, театрда бормаганлар, меҳмон кутмаганлар, бир сўз билан айтганда, бундай кийим билан жамоат жойларида кўринмаганлар.

Одатда эркаклар хитони тиззагача келган. Аввал дорида хитони пайдо бўлган. Хитон учун тўғри тўртбурчак жун ёки зиғирпоядан тўкилган матодан фойдаланилган. Хитон тиккасига тушган тахламалари, яъни вертикал драпировкалар дорида ордерини эслатади. Асилзодалар ва бообрў, ёши улуғ кишилар ионик хитон кийганлар. Ионик хитон тўпиккача тушиб турган. Икки бўлак мато танага ўралиб, белга белбоғ боғланган. Бу кийим хитон деб аталган. Хитон катта бўлак матодан қилингани учун елкаси бир нечта тўғнағичлар билан бирлаштириб қўйилган. Тик, вертикал йўналишда йиғилган мато драпировка, яъни кават-кават қилинган. Хитон енглариининг узунлиги баъзан тирсаккача тушган, лиф атрофи бирмунча ёпишиб турган.

Аёллар, кекса одамлар, давлат арбоблари, асилзодалар, мукаддас ўйинлар қатнашчилари узун ионик хитон кийганлар. Ҳомер хитонга “чиройли тилла белбоғли катта нафис оқ риза”, деб таъриф берган.

Кўпинча эркаклар хитони бир елкага фибула билан қадаб қўйилган. Бундай кийимнинг жўн тури *экзомис*, деб аталган. Аксарият экзомисни куллар ва камбағаллар кийган.

Устки кийимнинг энг оммабоп тури *гиматий* эди. Гиматий анча кенг-мўл тўғри тўртбурчакли жун матодан қилиниб, бу кийим ёпинчик, ёмғирпўш – плаш вазифасини бажарган. Гиматий билан танани турли шаклларда драпировка қилиб, ўралган. Бундай гиматийни аксар жамиятнинг ақлий меҳнатга дахлдор зиёлилари – олимлар, файласуфлар, шоирлар ва бошқа кишилар бир елкасига ташлаб, қўлларни мато қатламлари орасига яшириб юрганлар. Гиматий қандай кийилишига қараб, масалан, кийим эгасининг қандай иш қилиши – нотикми, ҳунармандми у, шундан билса билса бўларди. Баъзан гиматий хитонсиз ҳам кийилган. Уйда юрганда гиматий бел ва бўксага қантарилиб, драпировкалаб юрилган.

Устки кийимнинг яна бир тури *хламида* бўлиб, бунинг учун гиматийдан катта бўлмаган тўғри тўртбурчакли мато бўлагидан фойдаланилган. Одатда хламида елкага ташлаб юрилган ва бир елкага фибула билан бирлаштириб, қадаб қўйилган. Хламида шляпа билан бирга кийилган. Ўша даврда юнонлар

аксар вақтлар бош яланг юрганлар. Саёҳатчи ва зиёратчилар похолдан қилинган бош кийимини кийганлар ёки гиматийнинг бир учини бошларига ташлаб олганлар.



1.8 - расм.

Аёллар костюми. Юқорида айтилганидай, аёллар узун хитон кийганлар. Аёлларнинг хитонлари эркакларникидан нафислиги ва ранг-баранглиги билан ажралиб турган. Аёллар ўз қад-қоматлари ва кийиб олган хитонлари билан дорида устунларини эслатган. Архаика даврида баъзан юбка ҳам кийилган. Эҳтимол бу крит-микена модасининг таъсиридир. Лекин шу нарсани ҳам айтиш жоизки, бу фақат аттика юнон аёллари костюмигагина хос бўлган. Ионик хитон нафақат бел ва ёнбошдан, балки кўкрак хочсимон қилиб бойлаб ҳам қўйилган.

Классика даврида дорида хитони яна урф бўлади, лекин энди бу кийимга нақш чекилган ёки гулдор қилиб, безалган. Шуниси ҳам борки, оппоқ хитон ҳамиша нафис ва чиройли, деб эътироф этилган.

Энг қадимий хитон – *пеплос* эди. Пеплоснинг кашта урилган ўнг ёни тикилмаган. Чиниққан спарталиқ аёллар фақат пеплос кийганлар. Спарталиқ аёллар пеплоси зиғирпоя толасидан олинган матодан эмас, жундан тикилган.

Кўпинча этакларига кашта тикилган қайтармали (диплоидий) дорида хитони кийилган. Агарда диплоидий орқаси олдиға қараганда узунроқ бўлса, унинг учини орқадан бошға ташлаб юриш мумкин бўлган. Ана шу ўзига хос юнон аёлларининг кийиниш услуби ҳамиша ҳам учрайвермаган. Шакли ва узунлигига кўра ранг-баранг бўлган *диплоидий* – аёллар хитонининг жуда муҳим декоратив элементи саналган. Турли-туман колпослар билан бирға диплоидий хитойни безаб, унга кўрк бағишлаган. Диплоидий остида турган колпос туфайли кўкракдан ёнбошға аста тўкилиб турган, бу билан қоматға майинлик, мафтункорлик руҳини берган. Агар диплоидий калта бўлса, гўёки аёл қадам ташлаётганида қоматға енгиллик бағишлаб турган.

Аёллар ҳам эркаклар сингари устки кийим сифатида *гиматий* кийганлар. Шунингдек, хотин-қизлар ҳам худди эркаклардай, бошларига плаш ёпинганлар. Бундай плашнинг бир ёнидан то билаккача қийиғи бўлган.

Аксар юнонларнинг пойабзали қайиш-тасмали; тилла ва кумушдан безак берилган ёрқин гулли қилиб чармдан серҳашам қилиб тикилган. Юнонлар *санда*л, *шитпак*дан юмшоқ чарм қўнжи калта *персикаи* этиклари (мазкур

пойабзал Эрондан кириб келган), баланд, тасмали *эндромис* этиклари, шунингдек, *крепидалар* ва юмшоқ чармдан тикилган этиклар кийганлар.

Бош кийимлари, соч турмаклари, зеб-зийнат ва пардоз–андоз буюмлари. Табиатан сочлари қуюқ бўлган юнонлар бош яланг юришни афзал кўрганлар. Улар фақат зарурият туғилгандагина бош кийим кийганлар.

Эркаклар *фригия қалпоқлари*, учли *тилослар*, конуссимон *тилеуслар*, кигиз, жун ва турли нав чармдан тикилган ярим доирасимон *кине* кийганлар. Одатда кигиз кинени чўпон-подачилар кийганлар. Одатда *дубулға* кийиш жангчиларга хос эди. Ҳар бир жойнинг ўз дубулғаси бўлган. Беотия дубулғаси фақат бошни эмас, юзни (ёноқ ва бурунларни ҳам) ҳам ёпиб турган. Шох дубулғасига эса патлар қадалган.

Аёллар асосан бошларига *калиптра* шарфини ташлаб юрганлар ёки бўлмаса *фарос* ёпиничиғини ёпганлар. Аёллар бошларига, шунингдек, гиматийларининг бир учини ташлаб олганлар. Зарурияти туғилганда эса кўпинча жазирамадан сақланиш, пана қилиш учун похол шляпа – *фолия* кийганлар. Фолия кўпроқ худди бошга қадаб қўйилган, бир тутам сочларни яширган соябонни эслатган. *Вуаль* – шляпага тутиладиган, юзни бекитиб турадиган ҳарир тўр юнон аёли костюмининг ҳашам бағишловчи элементи саналган.

Эркаклар архаик даврда сочларини узун қилиб ўстириб юрганлар ва узун соқол қўйганлар. Классика даврида эса ёшлар орасида ихчам спортча калта соч қўйиш расм бўлади. Эркаклар эса бу даврда ҳам соқол қўйганлар. Лекин уларнинг соқоллари олдингисидан калтароқ бўлган.

Классика даври охирига бориб, узун сочлар учун “*Аполлон банти*” ёки “*цикада*” деб номланган соч турмаклари урф бўлади.

Аёлларнинг соч турмаклари жуда ранг-баранг эди. Соч турмаклари ичида “*юнон тугуни*” ва юнон тугуни асосида келиб чиққан “*лампадион*”, яъни “*аланга*” ҳамда деярли бўйингача тушиб турган тугун – “*каримбос*” турмаклар кенг тарқалади. Булардан бошқа соч турмаклари ҳам, масалан, пешонадан энсагача тикка тушиб турган ва соч тутамлари иккита тасма билан бойланган

ковунсимон турмаклар ҳам урф бўлади (бу турмакни Периклнинг хотини Аспазия кашф этган). Аёллар сочларини “Аполлон банти” усулида ҳам турмаклаганлар. Қизлар сочларини ўриб, орқага ташлаб ёки ёйиб юрганлар. Табиатан қоп-қора сочли юнон аёлларига оч рангли, сарғиш сочлар ёқарди. Шу туфайли ҳам ўша замонда сарғиш ёки кулранг табиий сочлардан ясалган соч париклари урф бўлган. Париклар Лесбос оролида тайёрлангани учун ҳам нархи қиммат турарди.



1.9- расм



1.10-расм

Қадимий Юнонистонда гигиена – озодалик, саранжом-саришталик ва атир-упа, пардоз-андозга катта эътибор берилган. Ўша даврда мамлакатда танани тарбия қилишга оид орасталик муассасалари ҳамда бир қатор ҳаммомларнинг пайдо бўлиши далил бўла олади. Пардозчи қуллар танани жуда яхши массаж қилар, яъни уқалар, мижоз танасини турли мой ва хушбўй воситалар билан артардилар. Аёллар кош-кўзларини парвариш қилиш, ўзларига зеб бериш учун махсус қукундан фойдаланишар, Гиппократ, Диокла каби ўз замонининг машҳур ҳакимлари қўлланмалари бўйича юзларини оқартирар, таранглаштирар эдилар. Шундай олимлар ўзларининг гўзалликка оид илмий ишларида атир-упа ва пардоз-андоз воситаларининг қўлланиш усуллари ҳақида тавсиялар берган эдилар.

Бошга тақиладиган тилла ва қумуш *тўзнағичлар*, *диадема*, яъни *тиллақош–стефаналар*, тўғнаб қўйиладиган *тўқалар*, *фибулалар*, бойланадиган *тасмачалар*, тутиладиган *тўрлар* жуда чиройли бўлган. Стефаналарнинг ўроқсимон пешона усти қисми энса билан тутшиб, нафақат “юнон тугуни” соч турмагини безабгина қолмай, балки шу турмакни тутиб турувчи таянчи ҳам эди. Унга худди идиш каби соч турмакнинг бир тутами солиб қўйиларди. Стефана жуда нафис бош зеб-зийнати ҳам саналган.

Костюмнинг меъморчилиikka (архитектура) дахлдорлиги билан боғлиқлиги. Юнонлар хитони архитектура билан узвий боғлиқдир. Айниқса бу жиҳат пропорциялар, масштаб ва шакллар катта аҳамият касб этадиган классика даврини ёдга солади. Моҳирона драпировка қилинган хитон дорида устунларига ўхшаб кетиши ушбу фикримизга далил бўла олади. Хитоннинг вертикал, тиккасига тушган тахлари, бурмалари кишида гўё устунлар каннелюралари билан ўзаро боғлиқдай таассурот уйғотади. Узун хитон кийиб олган кишининг қад-қоматида “олтин кесим” пропорцияларининг ўзаро нисбатини кўриш мумкин. “Олтин кесим” пропорциялари ёки Фибоначчи қатори – ҳар бир охирги пропорция ҳадлари аввалги иккитасининг йиғиндисига баробар келади (- расм).

XIII асрда яшаб ўтган италян математиги Леонардо Фибоначчи (пизалик) ана шу конуниятни кашф этди, буюк рассом Леонардо да Винчи эса буни “олтин кесим”, дея номлаган.

Атама сўзлар изоҳи

диплодий – қайтармали хитон

ионик хитон –хитоннинг бир тури бўлиб кенг

дарик – тор хитон

экзомида - куллар кийими

коримбос - аёлларининг соч турмаги

пеплос - спартан қизлар кийими

хитон - эркак ва аёлларнинг асосий елка кийими

гиматий – эркак ва аёлларнинг устки кийими (ёпинчиғи)

диадема- тиллақош

хламида - устки кийим ёпинчок

фибула - махсус тўқа

кираса - жангчилар совути

паллиум (палладиум) – драматург ва нотиклар ёпинчиги

хламида – саёхатчилар ва жангчилар устки кийим-ёпинчиги

кираса – жангчиларнинг хитоннинг устидан киядиган совути

диплодий – қайтармали (ёқасимон) аёллар хитони

дарик хитони – энг оддий аёллар хитони

пеплос – унг томони тикилмаган, елкаси бириктирилмаган аёллар хитони.

ионик хитон – энг мураккаб, сердрапировкали гузал ва бой аёллар хитони.

клопос – хитоннинг белдан, кўкракнинг пастидан ёки буксасидан тушиб турадиган қисми.

коримбос – сочни тасмалар ёки турлар билан орқага турмаклаш классик усули.

фолия – шляпаси.

диадема – тиллақош.

лекиф – атирларнинг нозик флакон.

Назорат учун саволлар ва топшириқлар

1. Юнон костюми қандай элементлардан ташкил топган?
2. Қадимги юнонлар кийимини тикиш учун қандай матолар ва материаллардан фойдаланган?
3. Юнон аёлларининг костюми қандай элементлардан иборат эди?
4. Энг оммабоп аёллар соч турмакларини сананг.
5. Спарталиқ аёл костюминини таърифланг.
6. Колпос, диплоидий нима дегани?
7. Юнонлар бош кийим кийганларми?
8. Экзомис деган сўз нимани англатади?
9. Қадимги Юнон санъати ва маданиятига таъриф беринг.
10. Қадимги юнонликлар қандай матолардан кийимлар кийишган ?
11. Қадимги Юнон эркак ва аёлларнинг кийимидаги фарқлар нималарда кўзга ташланади?
12. Юнон аёлларининг соч турмаги ҳақида нималар биласиз?
13. Юнон жангчилари совути қандай кўринишга ва шаклга эга эди?

ҚАДИМГИ РИМ КОСТЮМИ

Қадимги Рим худди қадимий Юнонистон сингари Ўрта ер денгизи соҳилларида антик цивилизация – тамаддун гуллаб-яшнаган шаҳарлардан ҳисобланади. Бу маданият дастлаб Апеннин ярим оролини, сўнгра Ғарб ва Шарқнинг бепоён ҳудудларини, жумладан, Юнонистонни, сўнг унинг маданий пойтахти ҳисобланган – Ахайяни ҳам қамраб олди. Рим айнан Юнонистондан мифология, маданият, санъатда, кийиниш қоидаларини ўрганиб, ўзлаштириб олди. Даставвал римликларнинг соч турмақлари юнонларникини эслатган.

Рим кўп нарсаларни юнон маданиятидан олиб ўзлаштирган бўлса-да, уни бойитди ва маданият пойдеворини ривожлантириб, мустақамлади. Кенроқ бориб кўп жиҳатларни эса римликларнинг ўзлари яратдилар. Рим – меъморчилиги (архитектураси) учун практицизм хос эди. Римликлар архитектура иншоотларини қуриш тизимини тараккий эттирдилар, арк (равоклар) ва гумбазларни кашф этдилар, ротонда (доира ёки ярим доира шаклидаги гумбазли бино) ўйлаб топдилар.

Рим ҳайкалтарошлик портрети – бу қаҳрамонни идеаллаштириш бўлмай, балки ўзига хос хусусиятларга эга реал, айтиш мумкинки, ҳатто ўта моддий амалий образ эди. Ҳайкалтарошлик портретининг авжи гуллаб-яшнаш чоғи милодгача II асрга тўғри келади.

Римликлар амалий жиҳатдан реал дунёқарашга эга эканликларига қарамасдан, санъатда машҳур Жаҳон меҳроби, Пантеон, Колизей каби меъморий дурдона асарларни яратдилар.

Рим ҳайкалтарошлиги ва Помпеядаги деворий расмлар, моддий маданият обидалари тасвирий санъат дурдоналарига киради.

Қадимги Рим таракқиёти даврлари:

1. Республика даври (милодгача III-II асрлар).
2. Империя даври (II-V асрлар).

Қадимий, антик дунёда Рим номи улуғворлик ва шон-шавкат, мардлик ва бойлик билан уйғунлашиб кетади. Бутун жаҳондан Римга сон-саноксиз

зиёратчи-саёхатчилар, олимлар, рассомлару шоирлар, хазина изловчилар оқиб келардилар. “Ҳамма йўллар Римга олиб боради”. Бу нақлнинг пайдо бўлиши бежиз эмас. Рим ўзининг гуллаб-яшнаш даврида “Мангу шаҳар” деган таърифга муносиб кўриб, эътироф этилган.

Гўзаллик идеали. Римликларнинг гўзаллик идеали ҳақидаги тасаввурлари юнонларникидан тубдан фарқ қилади. Тарихдан маълумки, бу мамлакатда кечган тинимсиз жангу жадаллар ҳамда босқинчилик руҳидаги сиёсати Рим эркакларининг ҳарбийлашган турмуш тарзи қаҳрли, сабр-тоқатли, бақувват эркак идеалининг яратилишига замин яратди. Римликларнинг эркаклар идеали ҳақидаги тасаввури ана шундай эди. Агар аёл кишининг қадди қомати савлатли ва виқорли кўринса, оҳиста қадам ташласа, беллар кенг, елкалари тор ва кўкраклари кичкина бўлса, ўша аёл чиройли ва мафтункор саналган.

Кийим турлари ва шакллари. Тўқимачилик. Римликлар либоси қопламали (*туника, пенула*) ва драпировка қилинадиган (*тога, палла, хламида, лацерна, полудаментум*) бўлган. Уларнинг либоси юнонларникига бирмунча ўхшаб кетса-да, бироқ янада нафисроқ, бежамдор, тантанали ва серҳашамроқ эди. Римликлар либоси “Юнон рококоси”, деб ҳам аталади. Бу либосни, айниқса, устки кийим саналган тоганинг ўралиш усуллари кишининг тез юришига қўймасди, шунинг учун уни кийганда киши оҳиста қадам ташлашга мажбур бўларди. Кийим эгасининг ҳаракатларига бир маълум улуғворлик бахш этарди. Оқ ранг тантанали тус ҳисобланарди. Ўша пайтлар тўқимачиликда – жун, зиғирпоя толасидан тўқилган мато кенг тарқалган эди. Кийим учун оммабоп ранглар – сариқ, сариқ-қизғиш минерал ранг, жигарранг, тўқ қизил рангнинг турли хиллари танланган. Либос драпировкасининг бенуқсонлиги ва ҳаракатлардаги бир оз сунъийлик ўта назокатлилиқ аломати саналарди. Либосни безаган каштадаги тасвирлар юнон ўсимликлари, меандр ва Крит тўлқинини эслатган.

Кейинги даврлар Римда хритиан дини таъсири остида узун кўйлак кўринишида қопламали кийим: аёллар орасида – кенг *стола*, эркаклар орасида эса – узун *далматик* (далматика) урф бўлади. Оғир, қалин, йирик-йирик гулли

Византия газмоллари ва Шарқдан кириб келган енгил, юпка ипак–шоҳи анъанавий зиғирпоя толасидан тўқилган мато ҳамда жунни сиқиб чиқарди. Шарқ шоҳисининг нархи қиммат эди, шу туфайли хориждан келтирилган ипакни сўқиб, унинг ипларидан зиғирпоя толасидан йигирилган ип ва жунни қўшиб тўқила бошланади, натижада ярим шоҳи мато дунёга келади.

Эркаклар костюми. Республика даврида эркаклар кийими зиғирпоя толасидан тўқилган матодан тикилган *туника* ва жун *тога* дан иборат эди. Аввал тога деганда худди юнонларнинг гиматийсига ўхшаб драпировка қилиниб, танага ўриладиган тўғри бурчакли ёки ярим доирасимон мато бўлаги тушуниларди. Туника – юнонлар хитонидан пайдо бўлган ва бу либоснинг калта енглари бўлган ва бўйи тиззагача тушган. Бу *колобиум* деб аталган.

Бой, тўқ Римда синфий зиддиятлар кескин эди. Бу жиҳат халқнинг кийган кийимларида акс этарди. Жамиятдаги табақаларга бўлиниш ҳолатини кийимларда кўриш мумкин эди. Асилзодалар узун, тор енгли *таларис туникаси* киярди. Масалан: сенатор кийган туника олдди, орқасида кенг, қирмизи йўл туширилган, чавандоз туникаси эса иккита ингичка йўлли бўларди. Голиб лашкарбоши туникасига зар билан пальма япроқлари тасвири кашта қилиб тикилган бўлиб, унинг устидан тўқ қизил рангли плаш *полудаментум* кийилган. Бу жуда қимматбаҳо либос саналарди. Чунки тўқ қизил бўёқ ва бундай шоҳининг нархи жуда қиммат, баҳоси тиллага тенг десаям бўларди. Бунга ўхшаш бўёқли шоҳи ранг-баранг тусларга бой бўлиб, гунафша-қизил ранглар энг чиройли саналган. Ичкўйлак ўрнида кийилган туника фарқ қилмаган.

Устки кийим – *тога* ҳисобланарди. Юқорида бир неча ўринда бу ҳақда қайд қилиб ўтилди. Шу ўринда бир жиҳатга эътибор қилиши керак бўлади. Тарихдан маълумки, Республика даврида Рим Юнонистонни забт этади. Қаҳри қаттиқ римликлар руҳига юнонларнинг ҳаётсеварлиги ва кўтаринки руҳияти тўғри келмасди. Лекин римликлар табиатидаги ташқи қиёфа ҳашамати, дабдабага ўчлик ҳаддан ошгандан-ошади ва жамиятнинг бари табақаларини қамраб олади. Албатта, бу ҳол халқнинг кийиниши, юриш-туришида акс этмай

қолмайди. Худди шундай, Юнонистон босиб олингач, римликлар ҳам гиматий кия бошлайдилар. Лекин барибир тога римликларнинг севимли кўйлакларидан бўлиб қолавера. Гарчанд тога хилма-хил бўлса-да, драпировка қилиш усуллари қатъий қоидага солинган эди, мато бўлаги эса тўғри бурчакли бўлмай, балки эллипссимон, чўзиқ олинарди, бу нозик, бир текисдаги, ярим халқасимон, қатлари пастга тўкилиб тушгандай каскад, шаршара мисол кўриниш ҳосил қилишига имкон берарди. Тоганинг бир учи чап қўлдан ошириб, тиккасига осилтириб қўйилган.

Чиройли драпировка қилинган, оппоқ тога ўз соҳибига виқор бағишган. Тога римликларнинг миллий либосига айлангандир. Бу либос расмий тантанавор ҳолат касб этиб, эркак қиёфасига улуғворлик берар, ўзида етукликни намоён этарди. Анъанага кўра ёш йигитлар тогани тантанали тадбирларда киярди, бу ҳол энди унинг Рим фуқаросига айланганидан, унинг бундай ҳуқуқни қўлга киритганидан далолат берарди.

Тоганинг ҳажми турлича бўлган. Империя даврида тога 5,6 x 2 м қилиб тўқилган. Тога улама бўлмаган, яъни бир-бирига уланмаган, балки яхлит қилиб тўқилган.

Ажнабийлар, бадарға қилинганлар ва қуллар тога кийишга ҳақлари йўқ эди. Тога безакларида ижтимоий тафовут кўзга ташланиб турарди. Масалан, нуфузли мансабдорлар тўқ қизил йўл қилиб, чок урилган тога кийганлар. Тогани драпировка қилиш жуда қийин эди. Одатда римлик эркакнинг тога кийишига, яъни ўрашига қули ёки хотини ёдамлашиб юборган. Тогани драпировка қилишнинг классик усулига кўра иккита чиройли, бир-бирини такрорлаб турувчи чўзиқ драпировка – синус ва юқорида жойлашган умбо ҳосил бўларди.

Эркакларнинг бошқа устки кийимига тўғри бурчакли ва ярим доирасимон мато бўлакларидан қилинган плашлар киради. Улар орасида энг кенг тарқалгани – *полудаментум* ҳисобланарди. Бу кенг, узун, ярим доирасимон плаш ва унча катта бўлмаган тўғри бурчакли мато бўлагидан қилинган *хламида* бўлиб, у юнонлариникига ўхшаб, елкада эмас, бўйин остида, кўкрак ўртасида

бир-бирига чатиштириб кўйиларди (аҳён-аҳёнда елкага ҳам кадаб кўйилган). Шунингдек, хламидага ўхшаш, бироқ қимматроқ, тилла ва кумуш кўшиб тўқилган матодан қилинган плаш – *лацерна* ҳам кийилган.

Кейинроқ бориб, сўнгги даврларда Римда туника ўз ўрнини оғир, қалин шоҳи ёки бошқа матодан қилинган, узун, танага сал ёпишиб турадиган, енглари яхлит бичилган *далматикка* (далматика) бўшатиб берди. Тога ўрнига эса турли вариантлардаги *пенулалар* – бош чиқиб туриши учун мўлжалланган тешиги бор, ётиқ, кийшиқ бичимдаги, капюшон–қалпоқли ва қалпоксиз накидка –ёпқичлар ёпина бошланади.

Пенула азалдан Римда чўпонлар кийими сифатида мавжуд эди. Шунингдек, пенулани бирор саёҳатга чиқилганда ёпиниларди. Кейинги даврларда пенула Римда аҳолининг ҳамма табақалари орасида устки кийим сифатида кенг тарқалади. Пенулага белбоғ бойланмаган.

Аёллар костюми. Аёллар аввал *туника-интима* кийганлар. Унга плиссели, қат-қат бурма солинган ёки этак чеккаларига бурмали қилинган. Бунга ўхшаш устки туника *стола*, деб аталган. Бу либос ё енгсиз, ёки агарда интиманинг енглари узун бўлса, калта енгли қилинган. Агарда интима енгсиз бўлса, унда столанинг енглари узун қилиб тикилган. Унинг устида тўғри бурчакли мато бўлагидан қилинган *палла* ёпинилган. Палла, худди эркаклар тоғасига ўхшаш вазифани адо этган. Лекин палла билан тога ўртасида, масалан, уларнинг драпировка қилинишида бирмунча фарқ қилган. Бу иккала либос учун умумий жиҳат – тоганинг ҳам, палланинг ҳам бир учи бошга ташлаб кўйилганлигида эди.

Римлик хотин-қизларнинг ҳам шундай ич кўйлаклари, ички анжомлари бўлган. Булар *строиум*, *маммиларе* (бюстгальтернинг бир тури, сирма) бўлиб, булар билан кўкрак тортиб кўйиларди, чунки ўша даврларда римликлар наздида, кичкина кўкрак чиройли саналарди.

Кейинги даврлар Римда стола танада эркин ва қалин, енглари кенг ва этаклари бурмасиз қилиб кийилади. Ичдан эса бундан торроқ, енглари узун

туника, унинг устидан эса палла ўрнига капюшонли пенула ёки *мафорий* (ёпинчик, рўмол) ёпинилган.

Қимматбаҳо ва хаддан ортиқ сербезак шоҳи матоларнинг ишлатилиши, тақинчоқлар ва қимматли зеб-зийнатлар тақилиши – буларнинг бари Рим халқининг бой-фаровон ва тўқ турмуш кечирганлигидан далолат беради.

Пойабзал. Римда пойабзал кийиш одат эди. Пойабзал ҳам, худди либосдек, ўзида ўз соҳибининг жамиятда тутган ўрни, нуфузини билдирарди. Консуллар, сенаторлар пойабзали, сенатга борадиган пойабзал, жангчилар пойабзали – *каллига*, шунингдек, сандалларнинг ҳар хиллари бор эди.

Бош кийимлари, соч турмаклари, зеб-зийнат, пардо-андоз буюмлари. Римликлар бош кийимларининг асосий турларини юнонлардан ўзлаштириб олган эдилар. Худди юнонлар каби римликлар ҳам бош кийимни кам кийганлар. Булар *иляпалар*, фетр – аъло навли, юпка наматсимон матодан, чарм, похол, ўсимликлар толаларидан тикилган *шапкалар* қалпоқлар эди. Коҳинлар бошларини бутунлай ёпиб юрганлар. Аёллар кўпинча бошларига паллани ёпиб юрганлар, худди шунингдек, эркаклар ҳам тогаларининг бир учи билан бошларини ёпиб олганлар. Жангда ғолиб бўлган кишилар бошлари эман, дафна, мирта (ҳамиша ям-яшил, хушбўй ўсимлик), печак, бинафша ва сунъий гуллардан, шунингдек, тилладан ясалган чамбарлар билан безалган. Жангчилар чарм ёки металл дубулға кийганлар.

Эркаклар сочлари унча узун қилмасдан олдирилган. Соч сал кўтарилган ҳолда, пешонага озгинаси тушириб қўйилган. Эркаклар то камолга етгунларича соқолларини олиб юрганлар. Империя даврида сочлар жингалак қилиб қўйилган. Бунга мисол тариқасида Каракалла сочи намунасини келтириш мумкин. Қуллар – тонсореслар, турли соч турмакларини қилишарди, жумладан, иссиқда жингалак қилишар ва совуқда сочни ётқазиб қўйишарди.

Аёллар узун сочларини турмаклардилар. Соч турмаклари: кокил қилиб ўрилар ва тўлқинли жингалакдан иборат эди. Ливия (Августнинг хотини) соч турмагида пешонага валик – нодус қўйилган. Валикли бошқа соч турмаклари ҳам бўлган. Соч турмаклари аста-секин баландлашиб борган, бунинг учун

симдан ясалган каркас ва улама сочлардан фойдаланилган. Ўша даврда оч рангли сочларни ёқтирганлар.

Бой, ўзига тўқ Рим хонадонларида зеб-зийнатни яхши кўришган. Эркаклар узук тақардилар, тўка ҳам улардаги зийнат аломати эди, асилзодалар болалари – юмалоқ медальон-булла таққан. Бадавлат римлик хонимлар жуда кўп зеб-зийнат тақардилар. Айниқса уларнинг бошларига тақадиган тақинчоқлари мўл эди. Бундай бошга тақиладиган зеб-зийнатларга тилла иплардан ясалган сочга тутиладиган тўрлар, тилла ва кумуш ҳамда жавоҳиротга яқин тошлардан қадама нақш қилиб ишланган, аъло навли ёғочга ишлов бериб ясалган тожлар, нинатўғнағичлар, сочтўғнағичлар, ўйма нақш чекилган тиллақошлар кирарди. Ҳар бир бармоққа узук тақилган.

Ҳаммомлар – термаларда римликлар қуллар (тонсорос ва косметлар) хизмат қиларди. Улар таналарни укалашар, таналарга турли-туман хушбўй мойлар суртардилар. Ҳар қандай партициан, яъни зодагон хонимнинг ўз ранг-баранг атир-упага лик тўла нафис сандикчаси бўларди. Аёллар юзларини оқартиришар ва қизартиришарди (охра – сариқ ёки қизил ранг минерал бўёқ ва ачитки ёрдамида), кўз-қошларига курум суркар, ажинга қарши воситалар, шунингдек, ўткир ҳидли мойлардан фойдаланишарди. Масалан, апельсин пўчоғи ва зайтун мойидан тайёрланган телиумни шундай воситаларга киритса бўлади.

Костюмнинг архитектурага дахлдорлиги. Архитектурадаги каби, костюмда ҳам образ талқинига ёндашувда умумийлик кўринади: дабдаба, ҳаддан ортиқ виқор, ҳашамат, тантанаворлик шулар жумласидандир. Либосдаги ҳашамат меъморий иншоотларнинг дабдабаси, тантанаворлиги, серҳашамликка мос келади. Бу ҳол тўқ ва фаровон, бой турмуш кечирган римликлар дунёқарашлари ва табиатларига уйғун эди.

Атама сўзлар изоҳи

туника – эркаклар ва аёлларнинг асосий ички кийими.

коломбиум – узунлиги болдиргача бўлган, кенг эмас, калта енгли туника.

таларис – бойларнинг узун енгли туникаси.

далматика – насронийларнинг узунрок, кенг енгли туникаси.

тога – Римликларнинг рамзий устки кийими.

лацерна – тантанали плашч.

полудаментум – Рим императори ва юқори лавозимли шахслар плашчи.

сагум – жангчиларнинг плашчи.

пенула – камбағаллар плашчи.

стола – туниканинг устидан кийиладиган аёллар кийими.

палла – аёллар устки ёпинчиғи.

туника интериор – ёш қизлар кийими

туника текта – балоғатга етганда ва тўй куни кийиладиган аёллар кийими.

Назорат учун саволлар ва топшириқлар

1. Қадимги Рим санъати ва маданият ҳақида гапириб беринг.
2. Римда либос учун қандай тўқимачилик турларидан фойдаланилган?
3. Римликлар костюмида синфий тафовут бўлганми?
4. Қадимги Римда аёллар либоси қандай бўлган? Римлик аёл костюмини ташкил этган асосий элементларни айтиб беринг.
5. Қадимги Рим эркаклар либоси қандай бўлган? Римлик эркак костюмини ташкил этган асосий элементларни айтиб беринг.
6. Римликлар костюмига Шарқ мамлакатларидан қандай матолар кириб келган?
7. Римликлар либосида қандай ранглар энг оммабоп бўлган?
8. Империя даврида Римда аёллар гўзаллигининг идеали қандай эди?
9. Бойларнинг узун енгли туникасини таърифлаб беринг.
10. Қадимги Римнинг рамзий устки кийими нима бўлган ?

II БОБ. ЖАНУБИЙ ВА ШАРҚИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ КОСТЮМИ ОССУРИЯ ВА БОБИЛ КОСТЮМИ

Қадимда Ғарбий (Олдинги) Осиёда маданият, том маънодаги тамаддун гуллаб-яшнади. Икки дарё оралиғида Шарқнинг энг қадимий маданиятларидан бири равақ топди. Дажла (Тигр) ва Фурот (Евфрат) дарёлари оралиғи ҳамда бу ерга қўшни ҳудудларда турли эл-элатлар яшаган. Уч минг йил давомида бу ерларда ҳар хил кулдорлик давлатлари барпо этилиб, кулдорлик даврида илк тамаддун – цивилизация ривожланди ва ҳар хил урушлар сабабли ушбу маданият интиҳосига етди. Ана шу ҳудудларда қадимий давлатлардан ҳисобланган Оссурия (Ассирия) ва Бобил (Вавилония) тарих саҳифаларидан ҳақли равишда ўз ўрнини эгаллади.

Бизнинг давримизга қадар ўша замонлар санъат ва маданият ёдгорликлари кам етиб келган. Бунга сабаб, бу давлатлар очик ерларда барпо этилганлиги ва ўрмонлар бўлмаганлиги ва ташқаридан душманларнинг тинимсиз ҳужум қилиб турганлигидадир. Иморатларни қуриш учун ишлатилган материаллар мўрт бўлганлиги, узоқ турмаганлиги туфайли Оссурия ва Бобил (Вавилония) маданияти ва санъати ҳақида биз фақат айрим сақланиб қолган ҳайкаллар орқалигина маълумот олишимиз мумкин.

Милоддан аввалги IX - VII асрларда Оссурия давлати жуда тараққий этди. Оссурия расмлари ўз асарларида жангчи подшоҳ, ғолиб подшоҳ, овчи подшоҳни тасвирлаб, қўқларга қўтардилар. Шоҳга сиғиниш – Оссурия санъатига ҳос жиҳатлардан бири ҳисобланади.

Жанубий икки дарё оралиғида барпо бўлган Оссурия давлати милодгача VII-VI асрларда қулаганидан кейин катта ва қудратли Бобил (Вавилония) давлатининг пойтахти Вавилон шаҳри бунёд қилинади. Оссурия ва Бобил санъати ва меъморчилиги табиатан бир-бирига яқин. Меъморчилик иншоотлари мустаҳкам бўлган ва ушбу бинолар қалъа тусини берган. Бу даврда Бобилда (Вавилон) дунёга машҳур зиккуратлар – қўп поғонали ибодатхоналар қурилади, шундай донғи замонларга кетган иншоотлардан бири Вавилон

минораси ҳисобланади. Вавилон минорасининг харобалари ишланиш санъатининг мукамаллиги билан ҳозирда ҳам археологу архитекторларни ҳайратда қолдириб келмоқда. Александр Македонский мамлакатни истило қилганида ушбу минора вайрона қилинганлиги тарихдан маълум. Бобил худди Семирамиданинг осма боғлари, аслида Амитиснинг осма боғлари (нақл қилишларича, Бобил шоҳи Навуходоносор II ўзининг ям-яшил ватанини соғиниб, изтироб чеккан суюкли хотини Амитисга сувсиз саҳрода мўъжизавий боғ яратади) каби жаҳоннинг етти мўъжизаларининг бири саналади (- расм).

Шунингдек, Оссурия-Бобилдаги (Вавилон) юксак цивилизация – тамаддун декоратив-амалий санъат ва заргарлик санъатида ҳайратда қоларли ажойиб намуналар қолдирди.

Гўзаллик идеали. Мамлакатда босқинчилик урушларининг кечиши, тажовузкорлик Оссурия-Бобил (Вавилония) халқи табиатига хос қаҳр, шунингдек, йўқ қилиш, қул қилишга қорлаган дини ҳам, қонхўрликка ундаган қурбонлик қилиш маросимлари ҳам эркаклар киёфасида қуч-қудрат улуғланишига туртки бўлган.

Агар эркак киши кенг елкали, пишиқ, миқти ва барваста, калласи ҳам катта, бўйни йўғон, қуюқ жингалак сочли, қошлари ҳам қалин, серсоқол ва мўйловли бўлса, хушрўй саналган. Бизгача етиб келган, сақланиб қолган рельеф – бўртма нақш ҳамда деворий суратларда тасвирланганига кўра айнан мана шундай таърифланган эркаклар кўз олдимизда намоён бўлади (подшоҳ, сарой аъёнлари ва зодагонлар).

Аёлларнинг гўзаллик идеалини фақатгина ягона рельеф – бўртма нақшда тасвирланган “Ашшурбанипал рафиқаси билан боғда” расмида кўришимиз мумкин. Биз бу расмда маликани – барваста, улуғвор ва шу билан бирга айни вақтда ҳурматга сазовор ҳамда осойишта, ройиш аёлни кўрамыз. Аёлнинг боши кичкина эмас, ияги бўқоқсимон юмалоқ, бўйни калта, кўкраклари бўлиқ қилиб тасвирланган. Соч турмаги елкасигача тушиб турибди, бежирим турмакланган қўнғироқли сочи шоҳнинг соч турмагини эслатади.

Кийим турлари ва шакли. Тўқимачилик. Либослар қопламали, улама ва драпировкали, тахламали бўлган. *Канди* кўйлаги қопламали, плаш бичимидаги *конас* эса драпировка қилинган. Бундай плашлар мато бўлагидан ташкил топган ва танани гир айлантириб ўралиб, тасма билан бойланган. Эркаклар ва аёллар кийимлари – кўйлақлар ва плашлар бир хилда, ташқи кўриниши ҳам бирига ўхшаш бўлган. Шу ўринда кийим тикиши учун қўлланиладиган тўқимачилик намуналарини алоҳида қайд этиш жоиз. Асосан бу кўйлақлар ва плашлар учун сифати ва қалинлиги хар хил бўлган жун ишлатилган. Шунингдек, кигиз, тери ва замшдан (турли ҳайвонлар териларидан тайёрланган юмшоқ, бахмалсимон чарм) телпак, калпоклар кийганлар.

Деярли кийимнинг ҳамма турлари жундан тайёрланган. Жун ва мўйна – азал-азалдан костюмда қўлланиб келади, бу ҳол минтақанинг кескин иқлим шароитидан келиб чиққанлиги билан изоҳланади.

Агар олис ўтмишга назар соладиган бўлсак, либосларда мўйна мўл ишлатилганлигидан хабар топишимиз мумкин (юбка, кўйлақ, коҳин ва авом халқ ёпинчиғи). Ўша даврлардан буён либос этакларини попук, шокилдалар билан безатиш анъанаси сақланиб қолган. Бундай либос яхшилаб таралган кўй юнгини эслатган.

“Шоҳ кўйлаги зотли оппоқ кўзичоқларнинг майин юнгидан тўқилган”, дейилади (“Костюм разных времен и народа” номли М.Н. Мерцалованинг китобида).

Оссурия ва Бобилда тўқ қизил ва бошқа ёрқин ранглари тайёрлаш сирларини билганлар. Шунинг учун ҳам асилзодалар либослари аъло сифатли, шундай ёрқин рангли жундан тикилган. Жундан қилинган попук-шокилдалар ҳам либоснинг ёрқин рангли элементларидан ҳисобланган.

Тўқимачиликда кийимга безак беришнинг ана бир ажойиб тури бўлган, у ҳам бўлса либосга кашта уришдир. Чўрилар тўқиган серҳашам ва безакдор матога ранг-баранг нақш ва гуллар кашта қилиб тикилган. Баъзан бутун кўйлакка безак берилган ёки *конас*, тасма-белбоғ ва драпировка қилинадиган плаш чеккаларига жияк, уқа қилиб, кашта уриб безатилган. Бу безаклар

гулкашта тикилган айланалар, тўртбурчак ёки узунчоқ ва аксарият геометрик шаклдаги бошқа нақшлар бўлган.

Оссурия ва бобилликларнинг ёрқин рангли либосларидаги тилладан ясалган қадама безакли нишонлари ҳам кийим безагида ишлатила бошланади.

Тилла қадама безакли осилмачоқ ва ёрқин рангли попуқлар билан уйғун тикилган кўзни оларли кашта сифатли матодан тикилган оссуриялик ва бобиллик костюмини янада сербезак, ўзига хос ва бадиий кўрсатган. Оссурия ва



Бобилда майда мунчоқ қўйиб тикилган кашталар жуда машхур. Айниқса, кичкина думалок каштали аёллар телпакчаси эътиборга сазовор, бу телпакча дўппини эслатади.

Каштачилик санъатида оссуриялик чеварларга тенг келадигани йўқ эди. Чўри чеварларнинг нархи жуда қиммат турган. Чунки бундай моҳир тикувчиларнинг меҳнатига талаб жуда катта эди. Улар тиккан нақшин кашталардан турмушда кенг фойдаланилган.

2.1- расм.

Эркаклар костюми. Эркаклар *канди* ва *плаш* кийган. Канди қўйлаги нинг энги калта ёки тирсаккача келган. Енг узунлиги эгасининг жамиятдаги ўрни, яъни ижтимоий келиб чиқишидан далолат берган. Шоҳ кандиси узун бўлиб, қўйлак попуги тўпиккача тушиб турган. Камбағаллар кандиси эса калта, тиззагача ёки ундан тепароқда бўлган. Албатта, либос узунлиги эгасининг ижтимоий келиб чиқишига боғлиқ бўлган. Шоҳ либоси қават-қават бўлган.

Шоҳ узун, оппоқ, қимматбаҳо жундан тикилган *канди* устидан бичилган, лекин икки ёни тикилмаган қизил попукли ва бошқа хил безакли (қадама безакли, тилла пластинкали, каштали) *конас плашини* кийган.

Конас олд тарафининг этак қисми бир оз айлана кшринишида бўлган, орқаси тўғри, текис тушган. Конас фақат бир томонга, чап елкага кийилган ва ўнг енги эса елка остидан тушириб қўйилган. Шоҳ ҳамма расмларда ўнг елка ва ўнг қўли очиқ қолган ҳолатда тасвирланган.



2.2 – расм.

Баъзан гавдага яна битта рангли жун матодан плаш ўралган ёки унга тасма-белбоғ бойланган. Драпировка, қат-қат қилинган плаш ҳамда тасма-белбоғ чеккаларига попук қилинган. Шоҳ бошига *тиара-кидарис* кийган.

Шоҳ ўз вазифаларини адо этиш учун калта оқ канди кийган ва қирмизи драпировка қилинган тўқ қизил ёки тилла попукли ва тилла уқали плаш ўраган. Шоҳ бундай тадбирларни ўтказиш чоғи бошқа тиара, шунингдек, бўлак, оқ кигиздан тикилган кидарис кийган.

Яна бир ёпинчикни эслатувчи устки кийим бўлган. Ёпинчикнинг бу тури ёпинганда чап елка ва чап ёнбошни бутунлай беркитиб турган. Ёпинчик белидан камар билан бойланган. Яна ёпинчикни ёпинганда тўғри бурчак остида қайрилган чап қўл худди қўйинга бирор нарса солгандай таассурот уйғотган. Шох Саламансар III (милодгача IX аср) айнан шундай либосда тасвирланган. Шохлар кийимида ҳукмронлик *атрибути*лари¹ (хасса ва сербезак соябон) киритилган. Асилзодалар кийими *канди* (шоҳникидан калтароқ), *плаш* ва *тасма-белбоғ* дан ташкил топган. Асилзодаларнинг кийимлари чеккаларига



худди шоҳники сингари тўқ кизил ва рангли жундан попук қўйилган.

Жангчилар бошқалардан калта кийим кийган. Аксар ҳолларда юрганда ва камондан ўқ отишда қулай бўлиши учун олди диагоналига кесиб қўйилган. Жангчилар қўйлаги белдан бошлаб кенгайган. Жангчи кўкрагини ҳимоя қилиш учун чармдан совут такқан, бошига эса учи узун дубулға кийган. Яна жангчилар тиззани ёпиб турадиган иштон кийган.

2.4-расм.

¹ *атрибути* ибораси латинча *attribution* сўзидан олинган бўлиб, қайд, белги маъноларини англатган



2.5-расм

Аёллар костюми. Оссурия ва Бобилда жамиятда аёллар роли унча сезилмаган. Бу фикримизга деворий расмларда аёллар тасвири деярли учрамаслиги мисол бўла олади. Бизгача етиб келган ягона рельеф-бўртма нақшдан хулоса қилиб айтсак, аёллар кийимининг турлари эркакларникидан фарқ қилмаган. Аёллар кенг, узун енгли кўйлак кийганлар. Малика шоҳ конасига ўхшаб кетадиган устки кийим кийган. Аёллар кийими безалиши, яъни попуклари, кашталари ва бошқа хил безаклари билан эркаклар кийимини такрорлаган.

Пойабзал. Оссурия ва бобилликлар (вавилонияликлар) ҳар хил пойабзал кийган.

Чармдан қилинган товони ёпиқ ва олди очик, боғичли пойабзал жуда оммабоп бўлган. Бу рангли пойабзал ясси тагчарми билан ҳозирги сандалларни эслатган. Пойабзалларнинг энг урф бўлганлари – қизил, жигарранг, бинафшаранг ва тўқ қизил ранглар эди. Шоҳ ва асилзодалар айти шундай пойабзални маъқул кўрганлар.

Жангчилар юмшоқ чарм, этикка ўхшаш қўнжи баланд, олдидан бойланадиган пойабзал кийим кийган. Бундай пойабзаллар калта устки кийим ва иштонлар билан кийилган. Шунингдек, учи тепага қайрилган ва юмшоқ

чармдан тикилган ёпиқ пойабзаллар ҳам бўлган. Пойабзалнинг бу тури этикни эслатган.

Бош кийимлари, соч турмаклари, зеб-зийнат, пардоз-андоз воситалари.

Шоҳ минорачага ўхшаб кетадиган, кесик конусни эслатадиган тилла учли оппоқ кигиз *тиара-кидарис* кийган. Тиара тилла гулчамбар-фанонс (фанонс Оссурия шохининг бош кийимидаги муҳим элемент ҳисобланган), нақшлар ўйиб ишланган банд рангли, сирланган гуллар билан безатилган. Орқа томонидан елкага қирмизи ёки ясси тилла тасмалар тушиб турган. Тасмалар учида попуклари бўлган. Шунингдек, тиаранинг бошқа тури ҳам конус шаклида бўлган. Асилзода эркаклар ҳам кигиз, чарм, замшдан телпак, қалпоқлар кийганлар. Аксарият уларнинг бош кийимлари саллани эслатган. Жангчилар металл, чарм, замшдан тикилган қалпоқ ва дубулға кийган.

Шоҳ рафиқаси бўлмиш малика кичкина юмалоқ, майда мунчоқ ва қимматбаҳо тошлар қўйилган, кашта тикилган сербезак телпакча кийган. Шунингдек, нақшин, қимматбаҳо тошлар қўйилган гулчамбар ҳам таққан. Аёллар рўмол ўраган, ёпинчиқ ёпинган, нафис тўр – вуаль тутган, кигиз телпакча, қалпоқчалар кийганлар.

Биз бу даврда Оссурияда ҳам, Бобилда (Вавилония) ҳам сартарошлик санъатининг юксак даражада ривожланганлигини биламиз. Асилзода эркакларнинг сочлари орқага таралиб, елкага тушиб турган. Ясси, йирик-йирик қўнғироқ қилинган сочлар қўндалангига тушган; баъзан бу қўнғироқлар бир неча қатор, қаторма-қатор тизилган. Қулоқлар очик қолган. Ҳалқасимон сочлар пешонага тушиб, ўраб турган. Аёллар соч турмаги эркакларникига ўхшаш бўлган. Шуниси қизиқки, асилзода эркаклар соч турмаклари, соқол-мўйловларининг чиройлилиги, бежиримлигига алоҳида аҳамият берганлиги кишини ажаблантирмай қўймайди. Уларнинг бундай жангу жадалда кечган, қўпгина имкониятлар чекланган ҳаётларида бу ҳолда ҳақиқатан ҳайратланарлидир. Жангчиларнинг сочлари оддийроқ ва соқоллари ҳам калта бўлган. Эътибор билан текисланган, чиройли қўйилган мўйловлар ҳам ўзига хос санъат асарини намоён этган.

Агар эркаклар соч ва сокол-мўйловларига диққат қиладиган бўлсак, бу манзарада бир фикрнинг ҳақиқатлигига амин бўлишимиз мумкин. Яъни эркакларнинг қуюқ қошлари ва айтарли узун сочлари, соколлари ва мўйловлари оссурияликлар ва бобилликларнинг (вавилонликлар) мўйнага бўлган муҳаббатлари уларнинг ташқи қиёфаларида ўз аксини топган. Бу ҳол милодгача XXX асрдан то ҳозир биз ўрганаётган давримизгача тааллуқлидир.

Сарой деворларига чизилган, ундаги хоналарни беаган ов қилиш саҳналари тасвирланган рельеф – бўртма-нақшларга эътибор билдан қаралса, ўша манзараларда ҳаттоки шерлар ҳам қуюқ мўйловли қилиб тасвирланганлигини кўриш мумкин.

Тақинчоқлар, зеб-зийнат – бу, аввало, асилзодалар бошлари ва бош кийимлари ҳамда соч турмақларига тақилган тилла гулчамбарлар, тиллақошлар ва чамбараклар демакдир.

Исирға ва солинчоқлар асосан хоч ва ярим ой шаклида ясалган. Бу тақинчоқларни аёллар ҳам, эркаклар ҳам таққанлар. Билагузуклар бурама, спиралсимон бўлиб, билакка тақилган. Билагузукнинг яна бир турига гул нақш урилган, соляр рамзи чекилган. Тилла зеб-зийнатнинг бари рангли эмаль ва дурлар билан безатилган. Зодагонлар бўйинларига катта тилла занжир таққанлар, ёқалар йирик дона дурлар қўйилган ва тилла пластинка қўйилган.

Аёллар юзларини оқартириб, пушти-қизил мойупа суртганлар, хушбўй атир сепганлар, сочларини хина ва маҳсус бўёқ – босма билан бўяганлар. Кўз ва қошлар ҳам бўялган.

Костюмнинг архитектура – меъморчиликка боғлиқлиги. Оссурия ва Бобил (Вавилония) меъморчилик иншоотлари пишиқ ва қудратли, худди бу мамлакатлар жангчиларининг табиати сингари қаҳрли ва таналари каби пишиқ, мустаҳкам. Эркаклар кийими ва соч турмақларидаги силуэтлар яққол-равшанлиги меъморий саройлар чизиқларининг аниқлигига мувофиқ келади.

Либос чеккаларида тўкилиб турган шокилда-попуклар девор поғоналаридан осилиб тушган, шохлари эгилиб турган осма боғларга жуда ўхшайди.

Конас, плаш ва тасма-белбоғларда безалган ўйма-нақшли тилла тангачалар, шаҳарлар дарвозаларидаги биринж рельеф – ўйма-нақшлар меъморчилик безаклари билан уйғунлашиб кетган.

Меъморчилик иншоотлари, дарвозаларни безаб турган ёрқин кошнлар, гилам ва либосларни безаган, айникса, майда мунчоқ билан тикилган кашталарни ёдга солади.

Назорат учун саволлар ва топшириқлар

1. Оссурия ва Бобилда (Вавилония) костюмида қандай тўқимачлик маҳсулотлари ва қайси безак турларидан фойдаланилган?
2. Шоҳ костюмига қандай элементлар қиради?
3. Конас сўзи нимани англатади?
4. Қанди нима дегани? Қанди учун тўқимачиликда қандай хом ашёдан фойдаланилган?
5. Шоҳ костюмига ҳукмронликнинг қандай атрибутлари қўйилиши мўлжалланган?
6. Эркақлар соч турмақларини тавсифлаб беринг.
7. Аёллар костюмига қисқача таъриф беринг.
8. Костюмнинг архитектура – меъморчиликка боғлиқлиги ҳақида сўзлаб беринг.

ФОРС КОСТЮМИ

Эрон шоҳлиги миллоддан аввалги VII-V асрларда кўпгина эл-элатлар ўзига бўйсундириб олган. Тарихдан маълум бўлишича, Эрон – ҳарбий жиҳатдан қудратли қулдорлик мамлакати саналиб, кўпдан-кўп ерларни босиб олган. Эронга қарам элатлар унга бож-ўлпон тўлаган. Янги-янги ўлкаларни истило қилиш ва уларни Эрон шоҳлигига қўшиб олиш давомида, бошқа халқлар, миллатларнинг таъсири остида, бу мамлакат санъат ва маданияти ҳам

ривожланиб борган. Эронликлар истило қилинган халқларнинг энг ижобий хусусиятларини қабул қилиб, ўзлаштириб олган.

Қадимий форс санъати ва маданияти асосан икки мавзу атрофида ривожланган: тахт учун кураш ва вафот этганлар хотирасини ёд этиш, уларни абадийлаштириш. Оммавий ибодатхоналарни учратмаслигимиз боиси ҳам ана шунда. Қадимий Эрон шоҳлиги пойтахти – Пассаргади эди. Пассаргадида, пирамида қад кўтарган тепаликда кичкина макбара қад кўтарган. Ушбу макбара “Кир қабри”, деб аталади.

Форслар қурган қасрлар жуда ҳашаматли эканлиги диққатни жалб этади. Биноларга турфа ранглар воситасида бир-бирини такрорламайдиган безаклар берилган. Деворларга етти хил: оқ, қора, яшил, қизил, кулранг, жигарранг ва тилларанг берилган.

Қадимги форс либослари табиий шароитга мутаносиб равишда яратилган. Аксарият эронликлар авлод-аждодлари баланд тоғ водийларида яшаган. Улар асосан чорвачилик, деҳқончилик ва овчилик билан шуғулланганлари сабабли асосий кийимлари ҳайвон терисидан тикилган. Оёқларига ҳам теридан пайтава қилиб ўраб юрганлар. Баъзи элатлар, уруғларга ташқи муҳит таъсири этмаганлиги учун Эрон давлати ҳукмронлигини сақлаб қолган. Хусусан, терилардан тикилган кийим қадимий эронликларнинг бутун таналарини ёпиб турган. Бу форсларнинг миллий кийими ҳисобланган. Эроннинг иқлими ва тоғдаги машаққатли турмуш бу ерда яшовчи халқдан чидамли ва ҳаракатчан, чاقқон бўлишни талаб этган. Эронликлар кийими жуда ноқулай бўлиб, бутун танани қоплаб олган. Ҳаётий шароит либослар янгиланишини талаб этмоқда эди. Шунда кишилар эркин, ҳаракатларни чекламайдиган янги-янги кийимларни ихтиро этадилар. Эронликлар кийим қулай бўлиши, у кишининг қоматига мос тушиши керак, деб ҳисоблаганлар. Ана шундан кийимларни бичиб тикишга қадимий Эронда асос солинганлиги маълум бўлади. Шундай қилиб, эронликлар либоси – энг қадимий бичилган кийимларнинг асл нусхаси, дейишимиз мумкин. Орадан минг йил ўтиб, кийим бичиш асослари Европа либосларида ўз аксини топди, ривожланди. Ушбу кийимлар шу даражада

хаётий заруратга айландики, кейинги даврларда яшаган кўпгина Шарқ ва Ғарб халқлари мазкур андазалардан кенг фойдаландилар.

Эрон шохининг костюми. Шох кийими бошқа сарой аҳли кийимидан ажралиб турган (2.3-расм). Либосга алоҳида тилла ипдан безак бериб тикилган, кийим жуда шохона бўлган. Лекин шох пойабзали ўзгариб турган. Шохнинг қабул маросимидаги либоси жуда хушбичим ва серхашам бўлган.



Шох узун ички кийим ва устки кийим плаш – **кандис**, оч қизил рангли **анаксаридес** иштони ва калин, кўшимча таглик пойабзал, бўйни баланд, викорли кўрсатиш учун баланд бош кийими - **митра** кийган. Митра баланд конуссимон шаклда бўлган, учи тор, пастки қисмига безак берилган. Бироқ аҳмидинлар даврига келиб, митранинг шакли ўзгариб борган. Бу даврда митра юмшоқ матодан тикилган ва тантанали маросимларда кийилган. Шох либоси ҳисобланган кандис кимматбаҳо тошлар билан безалган, тақинчоклар, билагузуклар уни янада бойитган. Ўша бу кийим жуда киммат турган даврда (2.2-расм).

2.3 - расм. Эрон шохи.

Эрон шоҳи ов қилишга ишқибоз эди. Бир неча марта овда хатарли воқеалар юз бергач, у эҳтиёткор бўлади. Энди овга кўпдан- кўп соқчилар билан бирга чиқади. Бирор овга чиқиш олдидан бир неча кун тайёргарлик кўрилади. Шоҳ ов қилиб, катта ўлжани қўлга киритишни катта қаҳрамонлик деб билади.



2.4 - расм. Эрон шоҳи, сарой аъёни ва унинг хизматкори.



Эрон шоҳи турли тadbирларга изидан соябон кўтарган соқчилар, кўрикчилар кўмагида чиккан. Ҳарбий саркардалар кийими башанглиги билан оддий жангчиларникидан фарқ қилган (2.5-расм). Кийимга қимматбаҳо иплардан кашта тикилган, ёзги ва кишки кийимлар ҳам фаслга қараб алоҳида безатилган. Ёзги кийим кўк ёки яшил рангда, кишлик кийимнинг эса нақшин безаклари бўлган. Пойабзал ҳам шунга мос келган, қимматбаҳо тошлар бу кийимни янада бойитган.

Шоҳни ҳимоя қилувчи соқчилар қуроллари ҳам қимматбаҳо тошлар билан безалган. Соқчилар кийинганда қомати билинмаслиги керак эди. Бундан Эрон тамаддуни Осурия давлати маданиятига ўхшаб кетади, деб тахмин қилиш мумкин. Эрон шоҳи Кир ҳарбий кўшин тузган бўлса, унинг издоши шоҳ Доро эса уни такомиллаштирган.



2.5-расм. Эрон жангчилари кийими.

Қадимги форс эркакларининг устки кийими узун, тўпикқача тушиб турган. Устдан ёпиладиган кенг плаш-ёпинчиқ эса **кас** деб аталган, у бўйинга тасма тортиб боғланган. Кас сидирға рангли матолардан тикилган. Тарихий манбаларда ёзилишича, кас турли тантана, шоҳ тарафидан уюштирилган базмларда кийиладиган либоснинг муҳим элементи саналган. Эркакларнинг узун енгли, олди ёпиқ устки кийими – **сарапис** ҳисобланади. Сараписнинг узунлиги тиззагача, баъзан эса бўксадан пастгача тушиб турган. Сарапис кийилганда, белига белбоғ билан боғланган. Одатда ушбу сарапис кийими ҳар хил рангли матолардан тикилган. Зодагонлар сарапис тагидан оқ рангли, узун енгли кўйлак кийган. Авом халқ ҳам ички кўйлак устидан сарапис кийган, уларникининг узунлиги болдир ярмигача тушган.

Эркакларнинг бел кийими – тор ва узун иштон бўлиб, бу **анаксаридес** деб аталади. Эркаклар устма-уст уч хил иштон кийган, бундай кийиниш анъанага айланган. Иштон узунлиги ўртача бўлиб, почаси ип билан боғланган. Белга боғлайдиган камар теридан қилинган бўлиб, матодан тикилган думалоксимон учи унча катта бўлмаган учли қисм билан тугаган.

Тиара - форсларда кенг тарқалган бош кийим ҳисобланади, Тиара баланд конуссимон шаклда бўлиб, тепаси тор, пастки қисмига безак берилган. Бироқ аҳмидинлар даврига келиб, тиаранинг шакли ўзгариб борган. Бу даврда юмшоқ матодан тикилган, ёнга тушиб турган тиара кийилган. Тиара тантанали маросимларда кийилган. Яна шакли бошқача бош кийими ҳам бўлган, бу шоҳона **кидарис**дир. Ушбу бош кийим ранг-баранг тасмалар билан безатилганлиги маълум. Илмий китобларда ана шу шаклдаги бош кийим қайд этилганида **митра** ва **кидарис** атамаси бирга қўшиб ёзилади. Эркаклар чарм ва кигиздан тикилган бош кийим ҳам кийган. Авом халқ зиғирдан олинган матони салла кўринишида ўраб юрган. Тор гардишли, конус шаклидаги ушбу салла кўчманчи халқларнинг бош кийими – қалпоқ ўрнида хизмат қилган.

Эркаклар пойабзали уч кўринишда бўлган. Улардан энг кўп тарқалгани туфлидир. Ушбу пойабзалнинг афзаллиги шундаки, у бўйни баланд қилиб кўрсатган. Чунки пойабзал остига қўшимча таглик қўйилган. Иккинчиси, кенг

тарқалган пойабзал – туфли ва калта этик эди (2.5-расм). Этикка таглик қўйилмаган, ясси бўлган. Яна бир пойабзал тури *санда*л, деб номланган. Бу пойабзал калин чармдан тикилган.

Аёллар костюми. Эрон маликаси ва сарой хонимлари либоси. Шохнинг бир нечта хотини бўлган. Паст табақага мансуб аёллар сарой хонимларидан фарқ қилиб, уларга камроқ эътибор қилинган. Саройда жорий қилинган удумга кўра, серфарзанд аёллар кадрланган, уларни шох ҳам тақдирлаган. Энг қимматбаҳо кийимни шохнинг суюкли аёли кийган. У она малика билан тенг қўйилган, уларнинг кийимлари жимжимадор зарҳал кашта ва қимматбаҳо тошлар билан безатилган. Шох хотинларига алоҳида маблағ ажратган ва улар учун қимматбаҳо тақинчоқлар келтирилган. Уларнинг кийим-кечаги, пойабзал ва бош кийимлари ҳам жуда қимматбаҳо бўлган.



2.5- расм.Эронликларнинг кундалик кийими.

Эрон маликасининг бош кийими – *тиара* ҳисобланади. Бош кийими эса қимматбаҳо, думалоқ шаклдаги қалпоқча ва зар иплар билан тикилган каштали ёпинчиқ саналади. Сарой аёллари юзларини очиб ёки ёпиқ юришганми ёки йўқми, бу ҳақда аниқ маълумотлар сақланмаган. Сарой хонимлари пойабзалларига кашта тикилган бўлиб, безакларга жуда бой бўлган.

Аёллар кийими эркаклар кийимидан оз фарқ қилган. Қадимда кийимлар асосан ҳайвон териларидан, кейинчалик дағал жундан тикилган. Миллий кийим



ҳам аёллар мансуб табақага караб фарқланган. Кўйлақлар жун ва майин матолардан тикилган. Эрон аёлларининг миллий либоси аста-секин Оссурия-Мидия либослари таъсирида ўзгариб кетди. Бу жиҳат айниқса юқори табақага мансуб аёллар, яъни аслзода хонимлар кийимида сезилади. Эронлик аслзода хонимлар бир неча қават кийим кийиб юрган. Улар узунлиги тирсаккача тушадиган енгли ёки жуда узун, кўл-панжаларни ёпиб турадиган, енгли, кенг кўйлақлар кийган. Бундай кўйлақлар жуда майин ва чиройли жун матолардан тикилган. Либослар ҳар хил қимматбаҳо тошлар ва тақинчоқлар билан безалган.

2.6 - расм. Эрон маликаси костюми

Қадимий эронлик аёллар устки кийими кенг матодан тикилган бўлиб, белбоғи кўкрак қисмига яқин қилиб боғланган. Бу эса аёлларни сарвиқомат қилиб кўрсатган, белбоғ аёлнинг турмушга чиққанлигини билдириб турган. Эрон аёлларининг яна бир кийимига нафис, юпка матодан, ён чокига кенг йўл-йўл чиройли безак берилган.

Турмушга чиққан аёллар бош кийим кийган. Бош кийим чеккалари икки қатор чок билан ҳар хил шаклда ҳошияланган. Аёллар бошларига қалпоқча кийган ёки салла ўраган, кўчага чиққанда ёпинчиқ ташлаб олган (2.6-расм).

Аёллар пойабзали чармдан тикилган бўлиб, тасма билан боғланган.

Кейинчалик аёллар юмшоқ чармли *кавуш* кийган.

Эронликларнинг мотам, яъни азадорлик кийими ҳам ўзига хос бўлган. Улар яқин одамлари вафот этганда узун қора либос кийган. Ушбу мотам маросими ҳозирда ҳам Яқин Шарқ давлатларида сақланиб қолган. Қора азадорлик кийими бошга оғир кулфат тушганлигини билдиради.

Майитни дафн этиш ишлари билан шуғулланадиган кишилар кийимларини алмаштиришлари шарт эди. Эски кийим аввал тупроққа қорилиб, сувга чайиб, кейин қуритилган.

Атама сўзлар изоҳи

кафтан – эркаклар елка кийими

анаксаридес – эркаклар бел кийими, чарм иштон.

кандис – шохнинг устки кийими, плашчи

митра – шохнинг рамзий бош кийими

кавиш – аёллар товонсиз оёқ кийим

саратис- эркаклар устки кийими, узунлиги баъзан тизагачон баъзан эса бўксада пастда бўлган .

кас- кенг плаш

тиара– энг машҳур бош кийим

кидарис-шоҳона бош кийим

*санда*л-теридан тикилган оёқ кийим



2.6-расм. Эронлик савдогар эркак ва аёл либоси.

Назорат саволлари ва топшириқлар:

1. Қадимий Форс санъати ва маданиятининг ривожланиш тарихи ҳақида гапириб беринг.
2. Эрон шоҳининг либосига таъриф беринг.
3. Эркаклар либоси қандай кийим турларидан ташкил топган? Шулар ҳақида сўзлаб беринг.
4. Эронликларнинг бош кийимлари ўзига хос жиҳатларини тавсифлаб беринг.
5. Эронлик эркакларнинг қандай устки кийим турларини биласиз?
6. Форсликларнинг бош кийимлари ўзига хос бўлган, тавсифлаб беринг.
7. Эронлик эркакларнинг қандай устки кийим турларини биласиз?
8. Эрон аёлларининг либоси ҳақида нималарни биласиз?
9. Аёллар либосида табакалар орасида фарқ бўлганми, бу нималарда ўз аксини топган?

АРАБ КОСТЮМИ

Қадимий Мисрнинг туб аҳолиси бўлган араблар қабилаларга бўлиниб яшаган, кўчманчи ва ўтроқ ҳолда турмуш кечирган. VI аср охирларига келиб, Арабистон ярим оролида кўчманчи ва ўтроқ араб қабилалари бўлиниб кета бошлади ва аста-секин феодал тузум шакллана борди. Бу ҳол кўчманчи бўлиб яшаган араб қабилалари ҳаётида катта ўзгаришлар юз беришига сабаб бўлади. VII аср бошларига келиб, қабилалар яна қайтадан бирлашади. IX-X асрларда араблар яқин-атрофидаги кўп давлатларни босиб олади. Бунинг натижаси ўлароқ, Араб халифалиги вужудга келади. Маълумки, VII асрга келиб, ислом дини жорий қилинади. Кўчманчи қабилалар ислом динини қабул қилади. Бу эса, шубҳасиз, уларнинг кийиниш маданиятига ҳам таъсир этади.

Араб костюми халифалик таркибига кирган, асосан, форсий ва туркий халқлар кийимларининг бир қанча элементларини ўзида акс эттиради. Араб халифалиги эгаллаб турган ҳудуд анча бепоён бўлиб, бу ерда истиқомат қилувчи халқлар либослари ҳам бир-биридан анча фарқ қилган. Араблар истило

қилиб олгунга қадар, ушбу ҳудудда турли хил элатлар яшаган. Шу туфайли ҳам араб либосида ҳар хил халқлар либосларига оид элементларни учратиш мумкин эди.

Мато турлари, либосларда ранг ва безакларнинг ўзига хос ечими. Шу ўринда бир муҳим жиҳатни айтиб ўтиш жоиз. Қадимда мато ишлаб чиқариш учун хом ашё бўлмаган, одамлар эгниларига кийимларни туя, қўй ва эчкининг терисидан тикиб олган. Кўчманчи қабилалар эса ҳайвонлар териларидан кийим кийган. Араблар илгари эчки ва туялар юнгидан жун мато ишлаб чиқарган. Кейинчалик, ўрта аср бошларида келиб эса араблар ғўза экиб, пахта етиштирган ва ундан мато ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Ўлканинг жанубий ярим оролларидаги майдонларида пахта етиштирилган. Пахтадан мато ишлаб чиқарилган ва бу матога турли хил нақшли безаклар берилган. Матолар ва ундаги нақш ранглари: кизил, тилларанг, сариқ, қўк, яшил, қора, хаворанг бўлган.

XIII-XV асрларда аҳолининг аксарият қисми кийиниши деярли фарқ қилмаган. Либослар фақат матосининг қандайлиги билан фарқ қилган. Либосларни бойитадиган, тўлдирадиган элемент сифатида аёллар кийимлари ранг-баранг безаклар билан безатилган. Эркаклар либосига эса, турли қурол-аслаҳалар кўрк бағишлаб турган.

Эркаклар костюми. Қадим замонларда араб эркакларининг узун қўйлак – уларнинг ички кийими бўлган, ёқаси тасма билан боғланган. Эркаклар бу қўйлакни қадим-қадимдан кийганлар, кейинчалик ёпинчиқ урф бўлган. Олди кесик қопга ўхшаш, устки ёпинчиқ – *абас*, деб аталган. Ёпинчиқ бўялмаган кигиз, туя жунидан тикилган. Одатда, ёпинчиқ оқ рангли узун йўл-йўл чизик шакллар билан безатилган.

Қадимда саҳрода яшовчи қабила одамлари енгли ёки енгсиз, узун қўйлаклар кийган, қўйлакнинг бел қисми белбоғ билан боғланган. Қўйлак устидан ёпинчиқ ташлаб юрилган. Эркаклар шулар билан бирга бош кийимларини салласимон ўраб юрган. Улар чўл-саҳроларнинг кучли шамол ва бўрон-тўзонидан сақланиш учун шундай қилганлар. Эркаклар оёқларига

тагчарми ёғочдан ясалган, усти ҳам чармдан қилинган пойабзал кийганлар. Мазкур пойабзал араб эркаклари либосини тўлдириб турган. Албатта, бундай эркаklar либоси, кадимий либосларга намуна бўла олади.

Кейинчалик, вақтлар ўтиб Осиё ва Мисрда араб эркаклари иштон устидан узун кенг, пахта ёки шойи матосидан тикилган кўйлак кийишлари урф бўлади.

Дишдаш – тик ёкали, манжетли, кўкрак қисмида чўнтаги бор кўйлак. Кўйлак тўғри бичимда бўлиб, юришга қулай бўлиши учун ён чоклари охиригача тикилмай, қирқим қолдирилган. Дишдаш одатда оқ рангли матодан тикилади. Бироқ дишдашнинг кавариқ жигарранг ва ҳатто йўл-йўл чизикли нусхалари ҳам учрайди. Бирлашган Араб Амирликларида аксарият эркаklar ҳозир ҳам шундай кўйлак киядилар.


Чакмон ва *жубба* эркаklarнинг устки кийими ҳисобланади. *Жубба* - ёнги узун, елкага ташланадиган устки кийим.

Одатда оғир меҳнат қилмайдиган эркаklar, олди ва иккала ён томони ёпик кўйлак кийганлар. Бу кўйлак - *гумбаз* деб аталган. Қишда эркаklar кенг, ёнгисиз кашта тикилган устки кийим кийганлар. Бу кўйлак *аби*, деб номланади.

Дехқонлар тизза ёки болдиргача келадиган кўйлак кийганлар. Кўйлак устидан дағал жундан тикилган калта чакмон кийганлар ва шу билан кифояланганлар.

XIX асрда Шарқий Арабистонга яқин яшайдиган элатларнинг аксарияти қизил рангли кийим кийганлар. Саҳройи бадавийлар кийими эса қора эмас, аксинча ёрқин рангларда бўлган.

Куффия – азалдан арабларнинг бош кийими саналган. Куффия бошга ўралганда орқага учбурчак шаклда белгача тушиб туради. Ушбу рўмолни баъзида тўртбурчак шаклидагилари ҳам учраб туради. Рўмол бошга ташланиб, устидан тўқима тасма-чамбарак билан маҳкамлаб қўйилади (2.8-расм).



2.8-расм. Эркаklar бош кийими.

Рўмол елкани ёпиб туради, олд қисми эса, юзни қуёш нуридан пана қилади. Одатда соч рўмол остига яширилади. Балки бу одат иқлим жазирамасидан муҳофаза қилиш мақсадида пайдо бўлган бўлса ажаб эмас. Эркаклар кийган кийимларига мос равишда рўмол танлаган.

Гутра – арабларнинг асосий, муҳим рўмоли саналади. Бошқа Араб давлатларида бу рўмол – *куффия*, деб аталади. Аксарият араблар бошларига оқ рангли, тўқилган, кичкина тўр дўппи ҳам киядилар. Бу ёзги *гутра* ҳисобланади. Ёзги гутра пишиқ ипдан тўқилади, юпка ва нафис бўлади, уни диоганалига буклаганда, қуёш жазирамасидан яхши ҳимоя қилади. Одатда рўмол елкани ёпиб туради. Қишда иссиқ рўмол ўралган. Рўмол жунли қалин матодан бичилиб, қизил ранг билан безалган. Замонлар ўтиши билан гутра бошқа рангларда ҳам учрай бошлади. Масалан: қора-оқ, яшил-оқ ва ҳ.к. Шуниси ҳайратланарлики, гутра Хитойда ишлаб чиқарилади.

Эркаклар *шалвор* кийганлар. Кенг шалворлар торайиб борган, баъзан тиззада боғичи ҳам бўлган. Белга тасма билан боғлаб қўйилган. Амирлар ҳам, деҳқонлар ҳам шалвор кийган. Шалвор оддий ва қулай, кенг-мўл бўлиб, қизил белбоғ билан боғлаб қўйилган. Тунисда иштонни тўпикқача кийиш расм бўлган. Бадавлат кишиларнинг шалворлари кенг тўпикқача тушиб турган, қирқими ва катта манжети бўлган.

Эркаклар сочларини сал ўстириб ёки бўлмаса, қисқартириб юрганлар, бошларини эса доимо рўмол билан ёпиб, беркитган. Қадимда эркаклар сочларини калта қилиб, қулоқлари ёнида “бакенбард” соқол қўйган.

Эркаклар қўлларига, оёқларига узук, қулоқларига сирға, зирак таққанлар. Бу ашёлар эркакларнинг заргарлик буюмлари ҳисобланган.

Қадимда араблар белларига тигли болта қистириб юрган. Елкаларига суякдан ясалган камон осган. Бу эркакларга хос қурооллар ҳисобланган. Яманлик эркакларнинг эса фақат анъанавий ҳисобланган жамбияси, учи қайрилган пичоғи бўлган, холос.

Арабларнинг пойабзали чарм, ёғочдан ясалган бўлиб, у чилвир иплар билан оёққа боғлаб қўйилган. Эркаклар оёқларига сарғиш теридан тикилган

шиппак кийган. Бу шиппак *бабуш*, деб аталган. Баҳраинлик ва яманликлар кўзга ташланиб турадиган кип-қизил кавуш кийганлар.



2.9- расм. Араб эркаклар костюми.

Аёллар костюми. Қадимда араб аёлларининг кийим-кечаги ўхшаш бўлган. Кенг-мўл қилиб тикилган кўйлақлар, ёпинчиклар, рўмол ҳамда халат, белбоғ, шарф ва турли тақинчоқлар араб аёллари либосига намуна бўлади. Айниқса, Миср аёлларининг кўйлақлари кўзни оладиган даражада чиройли, мафтункор бўлган. Одатда кўйлақлар оқ рангли ёки гул босилган, нозик ип матодан тикиларди. Кўйлақ аёл коматига мослаб тикилиб, белга нафис шарф боғлаб қўйилган. Аёлларнинг бошга ёпиладиган ёпинчиклари эса оқ, пушти, қора рангда бўлиб, уларга сариқ нақшин кашталар билан безак берилган. Бошга ўраладиган салла эса юпка, нафис матодан бўлиб, унга зарҳал ёки кумуш иплар билан нақшин кашта тикилган. Сочлар ўрилиб, тасма билан турмакланган.

Қадимий Миср аёлларининг либослари кенг ва узун драпировкаланган, олд қисми оқ ёки гулли нақшлар билан безалган. Бошга ўраладиган салла нафис матодан йиғилган. Салла тилларанг ёки кумушранг иплар, тилла тангалар билан безак берилган. Матонинг бир учи билан юз ёпиб юрилади. Турли мамлакатларда аёллар ёпинчиғи ҳар хил номлар билан аталади. Ўрта Осиёда аёллар ёпинчиғи паранжи, Араб мамлакатларида эса ҳижоб деб аталган. Уйда ҳижоб ишлатилмаган, кўчага чиққанда ёпилган. Саудия Арабистонининг шимолий минтақаларида яшовчи аёллар ёпинчиғи – *милфу* бўлиб, бу энсиз чизиқли, қора мато пардани эслатади. Одатда милфу билан оғиз ва ияклар ёпиб юрилган.

Таомилга кўра араб аёллари *гандура* остидан *ширван* кийганлар. Аёллар уйдан кўчага чиққанларида бошларига катта қора рўмол ўраб, юзларини *гишуа* билан беркитган (2.2 - *расм*). Оддий қишлоқ оилаларида аёлларнинг ярим ниқоб – *биргу* тақишлари қатъиян талаб қилинган.

Оилали бойвучча аёлларнинг бош кийими – *тантур*, деб аталган. Тантур ўзига хос конус шаклида 70 см ли, учига ҳарир рўмол уланган бўлади. Тантур мис, баъзан кумушдан ясалган тақинчоқлар билан безалган. Тантур тунда ётганда ҳам ечилмаган, ёстиқ ўрнига бош тагига бир парча ёғочдан ясалган кичкина қолип қўйилган.



2.10- расм. Араб аёллар костюми.



2.11- расм. Араб қабилалари аёллар либоси.

Ханубора қабиласи аёлларининг либослари байрамона руҳда серхашамлиги билан ажралиб турган. Қабилла хотин-қизларининг кийимлари табиий муҳитга мослашган; бошга қора, кўкранг қалпоқча кийиб, устида узун ёпинчиқ ташланган. Ёпинчиқ далада ишлаётган кишини чанг-тўзондан сақлаган. Аёллар бўйинларига тангачалардан тизилган қадимий тақинчоқларни осиб, билакларига тилла ёки кумуш билагузуклар тақиб юрган. Улар чап оёғига иккита қўнғироқли билагузук, бошларига эса пешонасигача тушиб турадиган тангачали тақинчоқ таққанлар. Аёллар юрганларида ушбу тақинчоқлардан жаранг-журунг қилиб садо берган. Бирлашган Араб Амирлиги аёллари қора, умуман, тўқ рангли узун кўйлак – *абайда* кийган. Қадимда аксарият араб аёллари устма-уст, қават-қават кўйлаклар кийиб, яланг оёк юрганлар.



Аёллар ёғочдан ясалган, *каб-каб* деб аталган пойабзал кийган. Каб-кабда юриш кийин бўлса-да, ушбу оёқ кийими аёлларнинг анъанавий аجدодлардан қолган пойабзал эканлиги билан муҳим аҳамиятга эгадир.

Назорат саволлари ва топшириқлар

1. Араб либосининг шаклланиши ҳақида сўзлаб беринг.
2. Мато турлари, либослардаги ранг ва безаклар ҳақида нималарни биласиз?
3. Эркаклар либоси қандай кийим турларидан ташкил топган? Уларни таърифлаб беринг.
4. Эркаклар бош кийимларининг ўзига хос томонларини, жумладан, булар нимадан тикилган ва қандай вазифани бажарганлигини тавсифлаб беринг.
5. Араб қабилаларининг либосларида фарқ бўлганми? Ана шу жиҳатлар ҳақида гапириб беринг.
6. Қадимда араб аёлларининг либоси қандай кўринишга эга эди, ҳозирда бундай кийим турлари сақланиб қолганми?

Мустақил иш топшириқлари

1. Араб эркак ва аёллар кўйлаклари бичимидан нусха чизиб олинг.
2. Араб эркак ва аёллар либоси намуналарини, мато ва безак орнаментларини таҳлил қилинг .

ҲИНД КОСТЮМИ

Ҳиндистон қадимий Шарқ давлатларидан биридир. Зеро Ҳиндистон санъати ва маданияти қадимийлиги билан ажралиб туришининг боиси ҳам шундандир. Ҳиндистон меъморий обидалари, ҳақли равишда, Осиё дурдоналаридан бири ҳисобланади. Бу ҳақда ҳозиргача сақланиб қолган ибодатхоналар, меъморий обидалар, ҳайкалтарошлик асарлари ва қадимий ёдгорликлар далолат беради. Буюк темурийлар (бобурийлар) сулоласи даврида Шох Жаҳон томонидан суюкли рафикаси Мумтозбегимга аталиб, меъмортиликнинг ажойиб намунаси, муҳаббатга қўйилган ҳайкал, деб таърифланмиш такрорланмас санъат дурдонаси “Тоҷ-махал” мақбараси барпо этилди. “Тоҷ-махал” мақбараси санъат асари сифатида жаҳоннинг етти муъжизасидан бири, деб эътироф этилиши ҳам бежиз эмас. Ҳинд санъат-маданияти замирида диний ақидалар ётади. Ҳиндистонда кўп диний оқимлар мавжуд. Шулар орасида энг қадимий дин ведаизмдир. Кейин брахманизм, буддизм, индуизм, ислом дини ва кейинчалик Европадан насроний дини кириб келади.

Ҳиндистонда миниатюра тасвирий санъати, халқ амалий санъати қадим-қадимдан ривожланган. Ҳинд ҳунарманд усталари томонидан яратилган буюмларнинг нафислиги, гўзаллиги ҳамон санъат мухлисларини ҳайратга солиб келмоқда.

Ҳиндистон тарихида, халқнинг ҳаёт кечиришида Инд ва Ганг дарёлари қатта аҳамият касб этади. Қадим замонларда ҳиндлар Инд водийсига кўчиб келган, турмуш кечирган, одамлар асосан деҳқончилик билан шуғулланган.

Мато турлари, либосларда ранг ва безакларнинг ўзига хос ечими. Ҳиндистон - пахта ватани. Неча-неча асрлардан буён Ҳиндистонда пахтадан мато ишлаб чиқариш яхши йўлга қўйилган. Милоддан аввалги II асрда Ҳиндистонда мато кўзга яққол ташланадиган ёрқин бўёқлар – кўк, қизил рангларда яхши бўйланган. Дастлаб пахтадан ип майин йигирилиб, нафис ва шаффоф матолар ишлаб чиқарилган. Бу мато ўзининг ташқи кўриниши,

фактурасининг бойлиги, сифатининг аълолиги билан ўзини оқлаган. Чунки матолар ўта нафис, жуда юпқалигидан ҳатто кийим остидан тақинчоклар ҳам аниқ -тиник кўриниб турган.

Пахта, шойи (шоҳи) ва батист - Ҳиндистонда энг кўп ишлатиладиган матолар ҳисобланади. Аксарият матоларга тилла ва кумуш иплар кўшиб тўқилган (2.13-расм).

Қадимдан табиий ипакка қизиқиш катта бўлган. Ҳинд шойиси аввалдан барча ривожланган мамлакатларда қадрланиб келган. Шойининг сержилва ранглари ва тилла, кумушранг толалари азал-азалдан ўз гўзаллиги билан ҳаммани ром этиб келган. Ушбу шойидан тикилган кўйлақлар тўй-ҳашамларда, шодиёна тадбирларда кийилган. Бу кўйлақлар кишилик кийими саналган. Ипакнинг турфа рангларда жилоси, майинлиги ва рангларга бойлиги билан бошқа матолардан устун турган. Оқ ипакни ҳинд жамиятининг оқсуяк табақаси ҳисобланмиш браҳманлар киярди. Аёллар эса кўзга яққол ташланадиган ёрқин шойидан кийим кийган. Энг паст табақага мансуб одамлар қора рангли шоҳидан кийим кияди.


Одатда шойидан тикилган кийимларни бирор тантанали тадбирлар, байрамларда, мисол учун никоҳ тўйи ёки фарзанд туғилиши муносабати билан ўтказиладиган маросимларда кийилган. Нафис ипак матолар ибодатхоналарга қўйилган худолар учун тортиқ қилинар эди. Ибодатхонага ипак тортиқ қилиш маросими шойи ишлаб чиқариш марказларига яқин бўлган кўҳна Варанаси ва Канчипурам каби қадимий ибодатхоналар жойлашган шаҳарларда ўтказилган. Бу маросим ҳозиргача сақланиб қолган.


Қадимги ёзма манбаларда келтирилишича *луга* матосининг ҳар хил турлари бўлган. Булар сирасига кирувчи *чампа* – оппоқ, зарҳал ипакдан тикилган кўйлақларни шоҳ ва сарой аъёнлари кийган.

Муга - тилларанг Ассам ипаги. Ассам ипаги рангларга бой. У олий нав ипак қуртидан олинган шойи ҳисобланиб, фақат Ассамда ишлаб чиқарилади. *Муга*, *тассар* ва *эри* матолари Ҳиндистонда ишлаб чиқариладиган шоҳиларнинг оз фоизини ташкил этади.

Бенарес — кимхобининг донғи оламга кетган. Ҳинд-Ганг текислигида жойлашган, Ҳиндистоннинг қадимий шаҳарларидан ҳисобланган Бенарес, Варанаси, муқаддас зиёратгоҳ бўлиши билан бирга, мамлакатда нафис шойи ҳамда кимхоб ишлаб чиқарувчи йирик марказлардан бири ҳам ҳисобланади. Асл кимхоб тилла ва кумушранг толалардан тўқилади ва матога зарҳал ипак билан нақшин безаклар берилади, кўриниши ялтироқ бўлади. Тилла чизиклар билан безатилган асл шоҳи кимхоб — *басрта*; рангли ипак толасидан тўқилган нафис кимхоб эса — *амру*, деб номланади. *Кантха*, деб ноёб кашта услубида яратилган матога айтилади.

Эски, истеъмолдан чиққан сарилар бир неча қават қилиб тикилади. Ҳосил қилинган қаватлар босилиб қолмаслиги ва доим бир хил кўринишда бўлиши учун матонинг тўртта бурчагига оғир буюмлар қўйилади ва ушбу қаватлар катта-катта қавилиб, тикиб чиқилади. Сўнгра тайёр бўлган мазкур матога кашта тикилади. Ҳинд чевар, ҳунармандлари тўқувчилик санъатини эгаллашлари билан бирга газмол бўяш, безак бериш, бўртма расмлар босиш, ҳамда батик услубида ишлашда моҳир бўлган. Уларнинг ишида ранглар уйғунлиги айниқса таҳсинга сазовор, кўк, сарик, қизил ва қора ранглар энг оммабоп ҳисобланади.





2.13- расм. Ҳинд матолари.

Ҳинд анъанавий либослари ва уларнинг ўзгаришига таъсир этган омиллар. Археологик қазилмаларда топилган милоддан аввалги уч минг йилликка оид ёдгорликлар, замонавий ҳинд либоси асос-пойдеворини қадимий ҳинд эркак ва аёллар кийимлари элементлар ташкил этишидан далолат беради. Қадимий ҳинд эркаклар ва аёллар либослари асосан, танага мато бўлагини ўраш, тахланган ва тикилмаган бел кийимлар *дхўтий*, *сар*, *ниви* ва тикилмаган елка кийимларига, ёпинчиқлар кўринишидаги *орхний*, *дупатта*, *чуннидан* ташкил топган.


Марказий Осиёдан Ҳиндистонга ислом динининг кириб келиши, бошқа элатларнинг бу ҳудудга кўчиб келиши натижасида либосларни тикиб кийиш одатга айланади. Ҳалигача оддий халқ орасида тикилмаган кийим кийиш анъаналари сақланиб қолган. Аста-секин кундалик турмушда тикилган либослар ўз ўрнини эгаллайди. Ҳинд либосларининг ривожланишига айниқса Ғарб маданияти ўз таъсирини кўрсатди. Бу айниқса эркаклар либосида яққол кўзга ташланди. Аёллар ҳинд анъанавий либосларига бўлган ўз эътиқодларини ҳамон сақлаб келмоқдалар.

XIX асрда инглизлар Ҳиндистонга сюртук, шим ва хатто бош кийим - *пилоткани* олиб кирдилар. Европа модасига яқинлашиш ҳинд аёллар либоси силуэтининг ўзгаришида яққол сезилди.

Эркаклар костюми. Қадимги ҳинд кийимлари танага ўралган ёки елкага ташлаб юрилган. Ҳинд миллий либосининг бир бўлаги, эркакларнинг тикилмаган бел кийими – *дхўтий* ҳисобланади. Дхўтий ҳар хил услубда тахлаб, драпировка қилинган. Лекин булар ҳам иштон ва пешбанд кўринишида бўлган. 2-5 метр узунликдаги матони бўкса атрофига тахлаб, олд томонга боғланган (тугун ҳосил қилинган) ва орқа томонда осилиб турган учини оёқлар орасидан ўтказиб, олдинга тортилган. Дхўтийни бир неча шаклда ўраш мумкин. Халқ орасида дхўтий ҳозирга қадар сақланиб қолган (2.14-расм).

Ҳинд эркаклари устки кийим *дупатта* ёпинчиғини ёпинган. Дупатта тўғри бурчакли матодан иборат бўлган. Одатда ёпинчиқ елкага ташланган, олд томони кесишиб, яна елкадан орқага ташлаб юрилган.

Жамиятнинг юқори қатлами саналаган шох, сарой аъёнлари ва ҳарбийлар



ёпинчиқ ёпинган. Баъзан ёпинчиқ устки кийим ўрнида ҳам қўлланган. Ҳинд кийимларида ижтимоий жиҳатдан табақаланиш фарқи сезилиб турган.

Ҳиндистонда тикилган елка ва бел кийимларининг бўлганлиги маълум. Ҳинд эркакларининг узун енгли, тор кўйлак – *жомаси* бўлган. Жомани мусулмонлар, ҳаттоки ҳиндийлар ҳам кийганлар.

2.14-расм. Эркаклар бел кийими – *дхўтий*.

Адхиваса – эркактарнинг тикилган елка кийимининг яна бир тури ҳисобланади. Маълумотларга қараганда, зар иплар билан тикилган, танага ёпишиб турувчи кўйлактар ҳам бўлган. Бундай кўйлактар **драний**, деб аталган.

Курта – кенг тарқалган елка кийими. Курта кенг кўйлак бўлиб, кўпинча устдан тушириб кийилади. Ушбу кўйлак тури яхлит бичилиб, ён қисмига кийик солинади, унга енг ўтказилади. Енгга ҳиштак солинади, ёқасиз вертикал қирқимига планка билан ишлов берилади ва тақилмали бўлади. Курта ипли матодан тикилади.

Камис – эркактарнинг узун кўйлаги саналади. Қадимда у курта, деб аталган. Камис, эркактар куртасидан фарқ қилади. Мусулмонларнинг камис кўйлаги гавдада эркин турган ва анча кенг бўлган, кўриниши Кашмир кўйлагини эслатган.

Устки кийим турларидан яна бир тури *ачкандир*. Ачкан пиджак шаклида бичилади. Унинг узунлиги тиззагача тушади, унча катта бўлмаган тик ёқаси бўлади. Олд ёқа ўмизидан белгача қатор тақилмали бўлиб, этагининг ён томонидан қирқимлар очилади.

Ачкан – давлат идораларида хизмат қиладиган мансабдорлар кийими сирасига киради. Ҳиндистоннинг Панжоб вилоятида устки кийимнинг бошқа турларини ҳам учратиш мумкин. Ушбу либослар кийимнинг узунлиги ва кенглиги, енг шакли, тақилма турлари билан фарқланади. Панжобда калта, анъанавий кашта тикилган камзул-нимча жуда оммабоп бўлган.


Пайжосма – эркактарнинг тикилган бел кийими бўлиб, тор, тиззадан юқориси хиёл кенгайган иштон бўлган. Пайжоманинг *эззар* (форсча иштон) деб аталган атамаси ҳам аниқланган. Эззар - олд ва орқа томони бир чокли, учбурчак оғли иштондир (2.15-расм).

Яна панжобликлар тикилган иштон-шалвор ҳам кийган. Бу шалвор номи *сутҳна*, деб аталган.


Эркактар кийимида ҳар хил ранглар ишлатилган. Лекин ранглар кийим эгасининг жамиятда тутган мавқеига қараб фарқланган. Сарик ранг амалдорлар

кийимларига хос ранг саналган. Аксарият шох ва сарой аъёнлари сарик рангли либос кийган.

Эркакларнинг энг оммабоп ва севимли бош кийими *салла* ҳисобланади. Салла турли шаклда ўралган. Соч турмагига мос равишда салла ҳар хил шаклда бўлган (-расм).



2.9-расм. Кашмир эркакларининг эззар иштони бичими.



2.16-расм.

Соч турмаклари ҳам ўзига хослиги билан ажралиб турган. Сочлар ҳар хил узунликда: калта, ўртача, узун сочлар силлиқ таралиб, юқорига йиғилган. Эркаклар соқол-мўйлов қўйган.



2.17 -расм. Ҳинд эркаклар бош кийими

Кулоҳ — эркаклар бош кийимларидан бири. Кулоҳ конус шаклидаги қалпоқча бўлиб, унинг атрофи мато бўлаги салла қилиб ўралган. Қадимда салланинг хилма-хиллиги, шакли, ёрқинлиги ва жимжимадор, сербезаклигига қараб, кишининг миллати ва жамиятда тутган ўрнини билиш мумкин эди. Салла аста-секин ўралмай қўйилади, урфдан қолади. Фақат сикҳларга мансуб одамларгина салла ўрайдилар. Уларнинг *пагри* салласи ажралиб туради. Пагри аксарият оқ ва кўк рангларда бўлади.

Ҳиндларнинг асосий оёқ кийими *сандалдир*. Баъзида учи ёпик туфли, қамишдан тўқилган *кавуш* ҳам кийилган.



Аёллар костюми. Қадимда ҳинд аёлининг жамиятда эғнидаги кийимидан бўлак ҳеч қандай мавқеи ҳам, бойлиги ва ҳақ-ҳуқуқи ҳам бўлмаган.

Сари ҳинд аёлларнинг назокатли, анъанавий миллий либосидир. Сари ҳар хил усулларда ўралади ва драпировкаланиши билан ажралиб туради. Одатда сари тана атрофи бўйлаб пастдан юқори томонга қараб ўралган (2.18-расм). Сарини ўраш усулидан бири: сондан тиззагача ёки тўпикқача 1-2 марта ўраб кейин тугиб боғланади. Тепа қисми елкага ташланади, сарининг бир учи кўкрак ёнларигача чиройли қилиб кистириб қўйилади. Сари қандай ўралиши, таҳламалари қандай шаклда эканлигига қараб, либос эгаси бошқалардан ажралиб туради. Аксарият ҳолларда нақшин хошия ёки рангли йўл-йўл чизик билан то этаккача безатилади.

Ҳинд аёллари калта кофта - **чоли** ва юбка кийган. **Чоли** - калтагина енгчали, кўкракка ёпишиб турадиган жуда тор елка кийимидир (2.18-расм). Кўкрак қисмини орқа томонидан қаттиқ тортиб, ип тасма билан боғланади, юбка билан унинг ораси очик қолади.

Ҳатто сари ўралганда ҳам тана кўриниб туради. Кичкина чоли кофтаси сернақш қилиб безатилади.

Аксарият аёллар кийими ипакли шоҳи, батист, жуда нафис, нозик кисея матоларидан тикилади. Ҳинд аёли юрганида оёқлари атрофида тилларанг мато товланиши билан зайтунранг аёллар танаига алоҳида нафосат бағишлайди ва уларни янада мафтункор қилиб кўрсатади.

Ниси - аёллар либосининг асосий элементи бўлиб, мато бўлаги бел атрофидан айлантирилиб, қорин қисмида таҳламалар йиғилади. Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбий минтақасида аксарият панжобликлар ва кашмирликлар яшайди. Панжобда анъанавий кийим саналган сари ва дхўтий кам учрайди. Бу ерда истиқомат қилувчи аёллар кўйлак – **камис**, иштон кийган ва шарф таққан.




2.18-расм. Ҳинд аёллари кийими – сари ва чоли.

Сутхни – шалвор-иштон бўлиб, бел кийими саналади, у кенг-мўл бўлиб, тўпикқа тушиб туради. Шарф ёки ёпинчиқ Панжоб аёллари либосининг зарур қисми саналади ва ҳар хил номлар билан аталади. Масалан, хошияли шарф - *чоп* ва *лача* , ёш қизларнинг унча катта бўлмаган шарфи – *чунни*, кенгрок шарф – *поччхан*, деб аталади.


Кашмир эркак ва аёллари кўйлаги деярли кўриниши бир хил бўлади.

Камис кўйлагининг бўйи сал калтароқ бўлиши билан эркакларникидан фарқ қилади. Кашмирлик аёллар кўйлак (2.19-расм), унинг устидан устки кийим – *пхирен* кийган (2.20-расм). Пхирен елка чокисиз бичилади ва кенг

енгли қилинади. Енг остига ҳиштак солинади ва жун матодан тикилади. Ёқа ўмизига сернақш кашта тикиб, безалади. Совуқ тушганда устки кийимлардан бири, *чога* - халати кийилган. Одатда чога маҳаллий жун матосидан тикилган, астари ипли матодан қилинган.



2.19-расм. Кашмирлик аёллар кўйлагининг бичими.



2.20-расм. Кашмир аёлларининг устки кийими - пхирен бичими.

Аёллар бош кийим ўрнига бошларига сарининг бир учини ёпиб юрган. Ҳозирда Ҳиндистоннинг кўп жойларида бош кийим кийилмай қўйди. Лекин Кашмирда ҳали ҳам бош кийимнинг ҳар хил турлари: дўппи, конуссимон қалпоқлар, иссиқ қорақўл қалпоқлари ва ҳар хил саллалар сақланиб қолган. Бу ҳол шу ерликлар яшайдиган табиий шароитга боғлиқ бўлса керак. Қизлар нақшин кашта тикилган қалпоқчалар кияди.



2.21-расм. Ҳид аёллар соч турмаги ва бош кийими

Аёллар сочларининг ўртасидан тўғри фарқ очиб, икки томонга силлиқ тараган ва ёйиб орқаларига ташлаб ёки ўриб юрган. Улар сочларига чиройли тақинчоқлар таққан ва гулчамбарлар билан беаган. Қош ва киприклар бўялган. Қадимда ҳинд аёллари лабларини жигарранг бўёққа, тирноқларини қизил рангли хинага бўяган.

Ҳинд аёлларининг тақинчоқлари, зеб-зийнатининг ўзига хослиги, нафислиги, чиройи билан таърифга сазовордир. Бойвучча аёллар қимматбаҳо тилла ва кумуш металлдан тақинчоқлар таққан. Айникса, соч ва пешонага тақадиган тақинчоқлар ўзига хосдир. Бу зеб-зийнат алоҳида заргарлик буюмлари сирасига киради. Яна аёллар турфа хилдаги зеб-зийнат, тақинчоқлар: билагузуклар, қўл-бармоқларга тақиладиган турли узуклар, оёққа учун занжир, бурунга тақиладиган халқа-булоқи ва тўқали белбоғлар таққан.

Оддий аёллар – биринж, мис, ганч ва шишадан ясалган тақинчоқлар таққан.

Фил суяги, рангли шиша, гавҳар, нозик, чиғанок, мева ва данаклардан турли маржонлар, тақинчоқлар ясалган.

Ҳиндистонда эркаклар ҳам, аёллар иштон ҳам кияди.

Аёлларнинг оёқ кийими худди эркакларникига ўхшаш бўлган. Пойабзалга келсак, мусулмонлар чарм; панжобликлар учи қайрилган, чиройли безалган туфли, ёғоч ва чарм шиппак кийган; қишда тўқима похол оёқ кийими, маҳаллий чармдан баланд этик ва *патауа* – кигиз этик кийган. Кашмирнинг ҳиндий аёллари юнон сандалига ўхшаш *пелеен* пойабзалини кийган.

Атама сўзлар изоҳи

дхоти – эркаклар тикилмаган бел кийими.

орхни – тикилмаган елка кийими (м.а. III мингйиллик)

ниви – костюмнинг асосий элементи.

упаваса-паридхана – эркаклар ва аёллар ёпинчиги

жома – елка кийими.

нимдхоти – бел кийими

адхиваса – эркаклар устки кийими.

дупатта – ёпинчик

сари – ҳинд аёлларининг асосий либоси.

чоли – аёллар елка кийими (кофтаси).

сутхни – аёллар иштони.

сутхна – эркаклар иштони.

камис – рангли, нақшли ипак матодан тикилган елка кийими.

курта – ип газламадан тикилган эркаклар куйлаги

пайжома – эркакларнинг тепаси кенг, пасти тор иштони.

чури – билагозук.

чуридара – кундаланг тахламали, ип газламадан тикилган иштони

сюртук – инглиз ҳарбий кийимидан кириб келган елка кийими.

пилотка – бош кийими.

Назорат саволлари ва топшириқлари

1. Ҳиндистонда қандай санъат турлари ривожланган?
2. Ҳинд анъанавий либослари ва уларнинг ўзгаришига таъсир этган омиллар ҳақида сўзлаб беринг.
3. Ҳинд эркакларининг қандай бел кийим турлари мавжуд?
4. Ҳинд эркакларнинг қандай устки кийим турларини биласиз?
5. Ҳинд қандай турдаги матолар ишлаб чиқарилади ?
6. Ҳинд аёлларининг қандай кийим турларини биласиз?
7. Ҳинд эркак ва аёлларнинг кийимининг асоси, елка ёпинчиғи ?
8. Ҳинд эркакларининг қандай бош кийимларини биласиз? Мисол келтиринг.
9. Ҳиндистонга XIX асрда инглиз ҳарбийларининг қандай кийими кириб келди ?
10. Ҳиндистонда қандай динлар мавжуд? Сўзлаб беринг.

Мустақил иш топшириқлари

1. Ҳинд эркаклар ва аёллар либосидан, уларнинг бичимидан нусха кўчиринг.
2. Ҳинд эркак ва аёллар либоси намуналарини, мато ва безак орнаментларини таҳлил қилинг.

ХИТОЙ КОСТЮМИ

Хитой маданияти илдизларини олис-олис ўтмишдан излаш керак бўлади. Хусусан, қадимий Хитой маданияти милoddан олдинги II-III минг йилликларда Хуанхе дарёси бўйида вужудга келди. Хан империяси милoddнинг 220-йилигача ҳукм сурди. Милoddгача I асрнинг иккинчи ярмигача Хитой бошқа давлатлар билан алоқа қилмади, Хитой маданияти бирор давлатга қўшилмай ўзича ривожланди. Ҳар бир шаҳар бир давлат бўлиб, жамланиб, ягона Хитойни ташкил этди. Шундай шаҳар-давлатлардан энг йириги Шан давлати эди. Тан, Сун, Ляо, Юан, Мин, Цин сулолалари қадимий Хитой тарихида асосий ўрин эгаллади.

Хитойликлар милoddан икки минг йил аввал рангли шойи матолар, каноп ва пахтадан йигирилган юпқа газлама ишлаб чиқарган. Мамлакат шимоли жуда совуқ, жануби эса жуда иссиқ бўлгани, иқлими алмашилиб турганлиги учун қадимда хитойликлар бир неча қават либослар кийиб юрган.

Ҳар томонлама юксак тараққий этган Хитой маданияти Япония ва қўшни давлатларга таъсир этмай қолмади.

Тан даврида (VII-X асрлар) Хитой гуллаб-яшнади. Ўрта асрлар Хитой меъморчилиги Ҳиндистондан кириб келган буддизм дини билан боғлиқдир. Бу пагодалар, яъни кўп ярусли, кўп қаватли, оғир-оғир деворли ва мўъжазгина иморат майдонига эга Будда ибодатхоналаридир.

Хитойда айниқса, император ва сарой аҳлининг турмуши тасвирланган, киборлар рангтасвири деб аталган санъат алоҳида аҳамиятга сазовор. Турмуш манзаралари акс эттирилган суратлар, гуллар тасвири, манзаралар шойи матога

туширилган. Кўп рангли, чизгилари мураккаб манзаралар эса “ўйма” шойи билан кўшиб тўкилган.

Хитой хайкалтарошлигига Будданинг кўпдан-кўп тимсолини тасвирлаш хос бўлган. Бироқ “Осмон ости мамлакати” деб таърифланмиш Хитойда осмон, кўкка сиғинилган. Шу туфайли ҳам чизгилар, расмларда дунёда икки асосий омил: ер ва осмон (кўк ва замин), шундан келиб чиққан ҳолда булут, ёмғир, яшин тасвири кўп учрайди. Рамзий ишоралар Хитойда кенг тарқалган.

Сун даврида (X-XIII асрлар) азалдан мавжуд хунармандчилик: ипак тўқиш, сопол ва чинни ишлаб чиқариш ривожланди. Хитой– ипак ватани ҳисобланади. Кўп асрлар мобайнида ипак тўқиш сирлари европаликлардан каттиқ сир тутиб келинди.

Хитойликлар бобокалон аجدодларига қурбонлик қилганидай, осмон ва ерга ҳам қурбонлик қилган. Инсон қайта тирилади, отамиз бўлган Осмон, онамиз бўлган Ер бунга изн беради, дунё шундай бино бўлган. Шундандир эркак киши – *Ян* ҳамда *Инь*— аёл киши шу тарика мулоқотда бўлади, деб тасаввур этган қадимий хитойликлар.

Рамзлар. *И цзин*, яъни яхлит чизик орқали эркак куч – Ян, аёл – Инь ёруғлик чизиғи – иккита қисқа чизик билан тасвирланади. Бундан қуйидаги маъно англашилади: иккала борлик асослари, мавҳум тасаввурлар шундай график тарзда ифодаланади. Биринчиси – бирлик узуннинг асл моҳиятига, кўплик эса иккинчи – кўпликка хосдир. Модомики, оламда содир этиладиган барча воқеа-ҳодисалар – эркак ва аёл кучларининг биргаликда қилган ҳаракатлари самараси экан, демак, ана шу оддий рамзий чизиклар иккисининг уйғунлиги ифодаси бўла олади.

Иккита яхлит чизик, эркак кучнинг мутлоқ ҳукмронлигини ифодалайди. Буюк Ян – бу ёзни англатади. Иккита кесма чизик, зиён чегарасидаги – аёл кучи, бу буюк Инь – қишни акс эттиради. Пастки яхлит чизиклар уйғунлиги эркак кучи ўсишини, яъни бу ёш Ян – баҳорни англатади. Пастда кесишган чизиклар уйғунлиги, аёл кучи ўсишини, ёш Инь – кузни билдиради.

Юқорида Хитойда рамзий ишоралар, белгиларга аҳамият берилганлигини айтиб ўтдик. Қадимий хитойликлар онгида, инсонлар ўртасидаги муносабатлар табиат кучлари билан уйғунлашиб кетади.

Энди Осмон ва Ернинг сонлар рамзини кўриб чиқайлик.

И җин да: “Кўк, Осмон – бир, замин, Ер: икки, Осмон – уч, Ер – тўрт”; тоқ сонлар – Янни, жуфт сонлар – Инни билдиради.

Ранглар рамзи. Ранглар рамзи, сўзлар инсонга кучли таъсир этади. “Осмон – Ян” шимоли-шарқдан бошланади, шунинг учун ҳам унинг ранги **сюан** (яъни сеҳрли шимол ранги деярли қора; табиатнинг бешта кучи шарқнинг бирлашуви натижасида шундай ранг ҳосил бўлади). Ер – Инъ жануби-ғарбдан бошланади, шунинг учун у кизғиш-сарик рангдир. Ранглар рамзи табиатнинг бешта кучи бирлашиб, коинот оламини ташкил қилиши ва табиат мавжудотлари устидан ҳукмронлик қилишини ифода этади. Бу кучлар бўлиниб кетиб, дунёнинг беш томонини бошқаради.

Фалакнинг ушбу кучлари бешта сайёраларда гавдаланади. Уларга хос аломатларга кўра, Ерда императорлар, кейинчалик сулолалар ҳукмронлик қилади. Албатта, ана шу бешталиқнинг ҳар биттаси ўз ранги билан бирлашади. Узоқ ўтмишдан дарак берувчи бу бирлашувларнинг дастлабки ранглари, йил фаслларнинг рамзий номи, деган маънони англатади.

Яшил - баҳор ранги. Бўртиб турган куртаклар япроқ ёзилиши демакдир. **Му** дарахти, яъни ўсимликлар кучни яхши ифодалайди. Баҳор – йил боши, шарқ – кун чиқиш жойидир. Шунинг учун ҳам яшил ранг шарқ, ёшлик ва туғилишни ифода этади. Юпитер сайёрасининг жилоси кўкиш-яшил тусда.

Қизил, ёз рангидир. Бу олов кучи – **Хо** бўлиб, у жануб ва Марс сайёраси рамзидир.

Оқ - куз рамзи. Кузда хирмонлар оппоқ гуручлар билан тўладиган фасл, кузга металл – **җзинь** кучи тўғри келади. Бундан оқ – ўткир тигли болта ранги билан қиёсланишини англаш мумкин. Демак, ранглар рамзи фақат темир асри кучи назариясига кўра ифодаланаётган экан. Оқ ранг орқали ғарб бирлашувига ишониш қийин. Балки бу ўринда йил фасллари рамзи орқали механик тарзда

дунёнинг мос тушадиган томони ёки бўлмаса ой ранги кўзда тутилаётган бўлиши мумкин. Негаки кейинчалик бу ранг ғарбни ифодалаётганининг шохиди бўлишимиз мумкин. Бундан ташқари, ғарб нафақат кун ботаётган томонни билдирибгина қолмай, балки марҳумларни у дунёга кузатиш томонига ҳам ишора қилинади. Эҳтимол, Хитойда мотам либослари оқ рангда бўлиши шу тарзда пайдо бўлгандир. Умуман олганда, ҳамма мотам либослари ҳам оқ рангда бўлавермайди. Баъзан аза-маъракаларда кийиладиган либослар учун бўялмаган су матоси ишлатилган. Оқ – Зухра сайёраси рангидир. Бу, шубҳасиз, коинот сайёралари ичида энг оппоқ рангдагисидир, яъни бу ранг хитой тилида **“тайбо”**, деб аталувчи **буюк оқ** ёки **цзинсин** – темир юлдузини акс эттиради.

Қора – бу киш фасли ранги бўлиб, йилнинг энг қора даврини ифода этади. Шимол ранги – зулмат ҳукмронлиги, сув – **Шуй**, Меркурий сайёраси рамзи.

Сарик – охирлаб бораётган ёз ранги бўлиб, бу фаслда буғдой пишиб етилади. Сарик тупроқ ранги, ер кучи - **Ту** рамзидир. Сарик ранг – дунё томонлари ҳисобланмиш шарқ ва ғарб, жануб ва шимол туташган марказ рамзи. Яна бу ранг Сатурн сайёрасини ҳам акс эттиради.

Тарихий маълумотларнинг далолат беришича, беш хил ранг рамзи йил фасллари ҳамда дунё томонларига боғлиқ тарзда англашилиши сўнгги Хан сулоласи ҳукмронлиги даврига оид бўлган. Бунга кўра, одатда хитойликлар ҳар бир фаслни қарши олиш маросимларини рангларга асосланган ҳолда ўтказган. Масалан, либослар ранглари фасл ва вақтга мослаб танланган, қурбонлик қилинган, ҳар хил маросимлар ўтказилган.

Хитой тарихи саҳифаларида, бир неча минг йиллик ичида мамлакат тамаддуни, шунингдек, либосларида кўплаб ўзгаришлар содир бўлганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин. Яна тарихнинг далолат беришича, мамлакатда яшовчи ҳар хил миллатлар маданиятларининг ўзаро таъсири, қўшни давлатлар билан муносабатлар, босқинчилар истилоси – бари хитой либосларида ўз аксини топади.

Эркаклар костюми. Хитойликлар ёмғир ёққанда кундалик расмий либослар устидан плаш-ёмғирпўш ёпинган. Оддий халқ похол, турли

ўсимликлар, масалан, бамбук дарахти пўстидан тўкилган **чжуси** кийган, бу кийимлар **со суй**, деб аталган. Бадавлат кишилар кушлар пати ёки ипак матодан тикилган **хэчан** кийган.

Эркакларнинг бел кийимларидан бири шалвордир. Аксарият холларда хитойликлар шалворни осиглик (яъни осилиб турадиган) ҳолда кийган. Баъзан шалворнинг тиззадан пасти ўраб қўйилган. Бу кўпроқ Олти сулола даврига тўғри келади. Баъзан ўзига хос гамаш – **би** билан тортиб кийилган ёки кавушсимон этик, яъни ўзига хос пайпоқ ичига тикиб кийилган. Цинь даврида оёққа асосан товондан юқорини, яъни болдирни ўраб турган **куцзяодай** пайтаваси ўралган.

Хитой либосларининг жуда зарур қисми **дай** белбоғи саналади. Дай ранги, матоси ва безаги билан аксарият табакалар орасидаги фарқни ажратувчи белгилардан бири бўлиб хизмат қилган.


Хилма-хил маросимларда боғланадиган юмшоқ белбоғлар кенглиги, бутун белни ўраб турувчи боғичларсиз қилинган. Яъни олдинда осилиб турувчи кенгроқ безакли тасма – **няодай** ёки **чандай** бўлган. Сун даврида шакли анчагина ривожланган тантанали либослар баъзан жуда узун тикилган кийим ерда судралмаслиги учун ўртадан энлироқ тасма – **хуацзе** билан боғлаб қўйилган.

Шоу – хитой тантанали либосининг ўзига хос жиҳати ҳисобланади. Шоу билан зич боғлиқ нефритли осмалар **нэйюй** ҳисобланади. Бу буюмлар либосларга дабдабали руҳ бахш этган (2.5-илова).


Хитой эркаклари соч турмаги ва бош кийимлари. Қадимдан хитойликлар сочларини олдирмаган ва қирқмаган, сочлар узун бўлган. Соч орқага силлиқ қилиб таралиб, бош тепасига тугун қилиб турмакланган. Турмак сочтўғнағич **цзи** ёки **цзан** билан маҳкамланган.

Милоддан аввалги 213-йилда, Хитой қадимий анъаналарига кўра, йигирма ёшга етган йигитга биринчи марта расмий **гуань** бош кийимини кийгизиш маросими ўтказилган. Хитойлик эркаклар бош кийимининг турлари кўп бўлган. Бош кийимсиз юриш ножоиз ҳисобланган. Қадимий Хитойда бош кийимни



ечиш, эгаллаб турган лавозимидан воз кечиш ёки гуноҳини бўйнига олиб, бош эгиб кетишни билдирган. Маньчжурлар ² Хитойни босиб олгач, хитойликларнинг ташқи қиёфаси кескин ўзгаради.






² М а н ь ч ж у р л а р – Хитойнинг Дунбэй ўлкасида яшовчи элат.



2.13-расм. а) Эркаклар халатининг бичими; б) амалдор халати;
в) олим халати; г) эркаклар халати.



2.14.-рasm.




2.15-расм.

Мян - хитой бош кийимлари орасида мураккаблиги, кўп маънони англатиши билан ажралиб туради. Мян - тож бўлиб, императорларнинг тантанали маросимларда киядиган байрамона бош кийими саналади. Лекин шуниси ҳам борки, қадимда мянни амалдорлар ҳам кийган. Шунга кўра уни тож деб ҳам бўлмайди. Мянни диний маросимларни ўтказиш пайти бошқа нуфузли кишилар ҳам кийиши мумкин эди. Мян ўта мураккаб тузилишга эга бўлиб, жуда қимматли ва тантанавор бош кийим саналган.

Хитой эркаклар либосида белбоғ ва бош кийим асосий роль ўйнаган, улар ўз эгасининг қайси табақага мансуб эканлигини билдирган.

Хитойликлар пойабзалининг аксарияти енгилгина бўлиб, мато ва похолдан тўқилган. Бу пойабзаллар қадимда **цзюй**, сўнгра **ли**, кейинроқ **се**, деб аталган. Матодан тўқилган аксарият **семян** пойабзалига безак берилган. Пойабзал пошнаси бир неча қават қоғоз ёки матодан қилинган. Лекин Хитойда ахён-ахёнда чарм пойабзаллар ҳам кийилган. Тантанали **си** туфлиси мағизлар, хошиялар билан безалган (2.16-расм). Ёмғирли кунларда ёғочдан ясалган скамейкасимон усти очик **цзи** пойабзали кийилган. Цинь даврида сарой аъёнлари қора ипак ёки чармдан тикилган этиклар кийган. Бундай этиклар қалин пошнаси, учи олдинга сал қайрилган. Бу этиклар **чаосоюз** ёки **цаосюз**, деб аталган.






2.16-расм. Эркакларнинг тантанали **си** туфлиси.

Мансаб эгалари учи юмалоқ шаклдаги *юанътоусоз* этигини, харбийлар эса *фантоусюэ*, деб номланган этик кийган.

Аёллар костюми. Хитой аёллари эркаклар сингари узун кўйлак ва кенг иштон кийган. Устки кийим *ишан* ҳам эркакларникига ўхшаш бўлган. Фақат Тан даврига келиб, аёллар кофта ва юбка кия бошлаганлар.

Аёллар либоси эркакларникидан аксарият ранг-баранг безакларга бойлиги билан ажралиб турган. Бундай безаклар одатда *туань* деб аталган ва безак доирасига олинган. Бу доирага кирган безаклар ўз рамзий маъносига эга бўлган. Олча ва нарғиз гуллари киш, саллагул – баҳор, нилуфар – ёз ва қуёш, хризантема – куз фаслини англатган. Кейинчалик оилавий бахт рамзи ҳисобланмиш капалакни тасвирлаш кенг урф бўлади. Тасвирдаги ўрдаклар жуфтлиги эр-хотин бахтини билдиради. Бора-бора *туань* – безаклар доирасида қиз ва йигит, қария ва бола тасвири бадиий асар кўринишида чизила бошланади. Маньчжур аёллари либоси эркакларникидан унчалик фарқ қилмайди. Аёллар ёзда, баъзан ҳатто қишда ҳам бош яланг юришни маъқул кўрган. Шунга кўра, маньчжур аёлларининг соч турмаклари мураккаб бўлиб, гуллар, осилмачоқлар билан безалган. Аёллар кийими *чаофу*, ўзига хос, енгсиз *чаогуа* ва *чаонао* халатларидан ташкил топган. Аёллар фақат эркаклар халати *пао*дан сал фарқ қиладиган *цзифу* шаклидаги либосни кофта ўрнида кийган. Бу кўйлак эркакларнинг *буфусидан* унча фарқ қилмаган. Хитой аёлларининг кундалик *чанфу* кўйлаги эркакларникидан безагининг серҳашамлиги ва ранг-баранглиги билан ажралиб турган. Эркаклар аксарият бир хил рангдаги халатлар кийган. Аёллар кийими эса каштаси ёки турфа рангда тўқилганлиги билан фарқ қилган. Бундан ташқари одатда аёллар бир ёқали *гуацза* ўрнига енгсиз *канцзяр* ёки *бэйсин*, ёки икки ёқали калта кофта кийган. Хитой аёллари маньчжур аёлларидан фарқли ўлароқ, унчалик узун бўлмаган икки ёқали, кенг енгли *ао* кофтасини кийган (2.17-расм). Турли тантаналарда ао устидан *сянэй* нимчасини кийилган.



2.17-расм. Хитой аёлларининг *ао* кофтаси.

Кўпинча оддий табақа аёллари аксар ҳолларда **ао** кийганларида остидан иштонлари кўриниб турган. Жамиятнинг олий ва ўрта табақа аёллари **ао** остидан ўзига хос **плахта-цюнца** кийган. Бу кийим силлиқ, олд томонидан тўғри бурчакли, орқа томонидан ён томонларига қаратиб қайрилган драпировкали бўлган. Хитойлик ёши улуғ аёл айтганидай: “Эркак ва аёллар шалвори бичилишида фарқ қилади. Иримларга кўра иштон чокидан ифлос кучлар осонгина кириб, ҳомиладор аёлнинг ҳомиласига зиён етказади”. Шу сабабли аёллар шалворларининг чоклари корин атрофини вертикал кесиб ўтмаган.

Хитой аёллари фақат тўй ва бошқа тантаналарда Мин давридан мерос бўлиб қолган, **фэнгуань** деб аталган бош кийимни кийганлар, холос. Бошқа вақт аёллар бош кийим кийишмаган. Соч мураккаб кўринишда, лекин енгил ва нозик турмакланган. Сочнинг ўртасидан бир неча фарқ очилиб, тугун шаклида турмакланган. Соч турмакларидаги баланд тугунлар пешона ёки энсага йиғилган. Ҳар бир соч турмагида икки-уч боғ бўлган. Чаккалардан соч юқорига таралган, пешонага бир тутам пат тушиб турган. Аёллар чакка сочларини узун тушириб, уларга тақинчоқлар ҳам илиб юрган. Кибор хонимлар парик ҳам кийишган. Келинчак бўладиган қизлар, тўй арафасида сочларини ўраб олган ёки арқонга ўхшатиб ўриб бошига тўғнағич билан маҳкамлаб қўйган. Келин никоҳ пайтида пешонасига пат қистириб қўйган. Келинларнинг энса сочи бурчак шаклида кесилган.

Тақинчоқлар ва пардоз ашёлари. Хитойда қадимдан ўзига қарашга, пардоз ва парвариш қилишга алоҳида эътибор берилган. Аёллар сочларига ҳар хил малҳам ва мой суртганлар, лок ва мум билан ялтиратганлар. Соч турмаклари гул баргли новда ва майда ғунчалар билан безатилган. Келинлар сочи инжу толалари, рангли ипак иплар, майда гуллар шодаси қўшиб ўрилган.

Маньчжур аёллари байрам пойабзалларини хитойлик аёллар туфлисидан фарқли равишда оёққа тасма билан боғламаганлар. Уларнинг пойабзали тўртбурчаксимон, пастга қараб кенгайган, ўртача пошна кўринишида бўлган.

Маньчжурлар хукмронлиги даври либослари. Маньчжур истилосидан кейин хитой либослари кўзга ташланарли даражада ўзгарди (2.4-илова.) 1759 йил Хитойда эркаклар ва аёллар кийимларининг шаклини белгиловчи конун эълон қилинади. Мазкур конун фукаро кийимларидан то император, сарой аъёнлари, зодагонлар ва биринчидан тўққизинчи даражагача бўлган аксарият амалдорлар либосларини ўз ичига олади. Ушбу конун оркали бешта асосий либослар шакли аниқланади:

1. **Чаофу** – сарой либоси; қурбонлик қилиш маъракаси ҳамда саройда ўтказиладиган бошқа тантанали маросимларда кийилган.
2. **Цзифу** – байрам либоси, яъни тор, расмий доира учун мўлжалланган.
3. **Чанфу** – кундалик либос.
4. **Синфу** – сафар ёки йўл либоси.
5. **Юи** – ёмғир либоси.

Маньчжурлар хитойликлар ташқи киёфасини шу даражада ўзгартириб юборишга эришгандиларки, улардан олдинги босқинчилардан ҳеч бири бу ишни уддалай олмаган эди. Маньчжурлар Хитойда ўзларининг хукмронлигини ўрнатиш ҳамда ўз расм-таомилларини жорий қилишга интиладилар. Аксарият эркаклар соч олд қисмини қириб, орқа томонида қолган қисмини узун қилиб ўриб юришга мажбур қилинади. Бундай шаклда соч қўйиш **бян**, деб аталган. Маньчжурлар хитой бош кийимларидан кескин фарқ қиладиган ўзларининг бош кийимларини амалга киритади ва хизматчи амалдорларни эса маньчжурларга хос либосларни кийишга мажбурлайди. Фақат аёлларгина ўзларининг миллий соч турмаги ва либосларининг бир неча элементларини сақлаб қолишга муваффақ бўладилар, холос. Шундай бўлса-да, пойтахтда хизмат қилувчи хизматчиларнинг аёллари расмий тадбирларда маньчжурлар аёлларига ўхшаб кийинишга мажбур бўлганлар. Хитой аёллари учун миллий либос кишилиқ либоси сифатида сақлаб қолинади. Ахири босқинчилар зулмидан озод бўлгач, хитой эркаклари соч ўримини қирқиб ташлайдилар. Ажабланарлиси шундаки, аёллар маньчжурларнинг узун халатини кия бошлайдилар. Бундай халатлар **ципао**, деб номланади.

Шуни эслатиб ўтиш жоизки, азал-азалдан хитой либоси тарихи, мамлакатнинг шимоли ва ғарбида (маълум бир қисми) кўчманчи халқлар истиқомат қилганлари сабабли либослар борасида бўлиб ўтган мунозаралар аслида шакллар ўртасидаги кураш тарихига айланганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади.

Хитой либоси кенг бичимда, эркин, узун ва кенг енгли эканлиги ва тугмалар ўрнига тасмалар ишлатилганлиги билан фарқ қилади. Либоснинг ўзига хос хусусияти ҳам шунда. Кўчманчилар кийимлари эса одатда юришга мўлжалланган бўлиб, бутунлай танага ёпишиб турган. Либос тор енги билан фарқ қилган ҳамда тор айланма ёқа ва қатор илгаклари бўлган.

Маньчжурлар кофтаси – **гуацза** эди. **Чаофу ва цзифу** – эркакларнинг устки кийимлари саналади. **Гуацза** кофтаси ҳам устки кийим сифатида кийилган. Одатда гуацзага кийим эгасининг мавқеини аниқ билдирувчи белги тикиб қўйилган. Аслида **чаофу** бичимига кўра **гуацза** бўлиб, унда табақага хос белги бўлмаган. Император гуацзаси – **гуньфу**, деб аталган. Гуньфу кўкрак, орқа ва елкага тикилган беш панжали аждарҳо тасвири билан ажралиб туради.

Буфанлар квадрат шаклида тикилган каштадир, Цинь даври буфуси орқасида – фуқаролик хизмати ҳамда олиймақом ҳарбийларнинг тўққиз даражасини фарқлаб турувчи белгилар бўлган. Бу ғавқулодда ўзига хос бадиий мукамал кийимга тикилган. Ушбу кийимлар тўқилган асарлар ҳисобланади.

Кўкрак ва орқа томондаги тўртбурчаклар ичига қушлар ва ҳайвонлар тасвирини мато билан бирга тўқиш санъати мўғулларнинг Хитойда ҳукмронлик қилган даврига тўғри келади. Минь даврида ана шу тўқима нақшлар маълум бир тизим сифатида ривожланади, яъни мавқе даражасини билдирувчи белгилар кейинчалик айрим ўзгаришлар билан Цинь сулоласига етиб келди. Нуфуз даражасига кўра тўққиз даража учун тўққизта мос келувчи қушлар тасвирланади:

- 1) **сянхэ** – турна;
- 2) **цзинцзи** - тилларанг тустовук;
- 3) **қунцяо** - товус;

- 4) **юнян** - ёввойи ғоз;
- 5) **байсян** - кумушранг тустовук;
- 6) **луси** - оқ турна;
- 7) **цичи** - мандарин ўрдаги;
- 8) **ян чун** - бедана;
- 9) **лянцяо** - чивин овловчи жаннатий қуш.

Мансабдор ҳарбийлар буфанларида ҳақиқий ва ҳаёлий ҳайвонлар, яъни ўзида жасорат ва кучни акс эттирувчи ҳайвонлар тасвирланади:

- 1) **цицлин** - ҳаёлий мавжудот;
- 2) **шицза** - шер;
- 3) **бао** - қоплон;
- 4) **ху** - йўлбарс;
- 5) **еюн** - айик;
- 6) **бяо** - йўлбарс боласи;
- 7) **синю** - тумшукбурун сув оти;
- 8) **хайма** - ҳаёлий денгиз оти.

Дастлаб Цинь даврида буфаннинг юқори қисми бурчагида қуёш тасвирланади. Бу тасвирга кўра ҳамма қушлар ва ҳайвонлар унга тўғри ёки елкадан қараб турган. Бу рамзий маъно саройдан чиқиб келаётган императорга интиқ бўлиб, унинг ҳукмини қарши олишга шай турган мансабдорлар ҳолатини билдирарди. Буфан айланасидаги асосий шакллар қушлар ва ҳайвонлар ўзларида дунё тузилишининг рамзий маъносини акс эттиради.

Ту - учта (осмон, ер, дунё уммонлари) сатҳидан ташкил топган. Қуёш ва булутли безак расми – осмон рамзини англатади. Тоғ тепасида тасвирланган қуш ёки ҳайвон тасвирида Ер акс этади. Ўзида денгизни гавдалантирган чизги – уммон тубини кўприклар ва тўлқинлар – **пиншуй**ни акс эттиради. Хитойликлар тасаввурида денгиз бойликлар манбаи ҳисобланган. Шунинг учун ҳам Минь даврида пиншуй нақшларида бабао рамзлари берилган.

Бабао – бу саккизта қимматбаҳо буюмлар тўплами бўлиб, уларнинг ҳаммаси ҳамиша ҳам бирданига тақилмаган. Кўпинча ушбу қимматбаҳо

буюмларда денгиз бойликларини билдирувчи тўрлар: марварид - **чжу** ва маржон – **шанху** тасвирланади.

Цян-лун хукмронлиги даврида (1736-1796) буфанларга кўршапалаклар тасвири чекила бошланади. Кўршапалак – бахт рамзи ҳисобланган. Одатда қизил рангда тикилган кўршапалаклар маънони бойитиб, таъсир кучини оширади. Чунки қизил ранг чексизлик тушунчаси билан боғлиқ деб тушунилган.

Эркаклар халати – **чаофу** қурбонлик келтириш маъракаси ва саройнинг тантанали маросимларида **гуацза** остидан кийилган. Минь даврида **лунпао** тантанали либос ҳисобланган. Хитой императори тез-тез либосларни айрим давлатларга совға қилишни хуш кўрган. Совға олганлар лунпаонинг дабдабали безакларини яхши кўрган. **Чаофу** - дабдабали кийим ҳисобланган. Жуда қимматбаҳо эканлигидан ҳамма ҳам бундай халатларни кия олмаган.

Лунпао ҳам эркаклар халати бўлиб, ярим расмий ёки байрам либоси саналган. Одатда расмий маросимлар вақтида, тантанали вазиятларда лунпао билан чаофу алмашиб кийилган.

Императорлар халатлари узунлигига кўра беш гуруҳга бўлинган.

Норасмий либослар ўз рамзий беағи, тенг қамровлилиги билан маросим либосларидан ажралиб турган. Эркакларнинг кундалик либосларида рангли нақшлар бўлмаган. У сидирға мато ёки қаттиқ матога шу рангдаги безаклар билан тикилган.

Атама сўзлар изоҳи

дуй цзинь – Шарқий Осиё бичимидаги симметрик эркаклар ички кийими.

се цзинь – Шарқий Осиё бичимидаги ассимметрик эркаклар ички елка кийими.

хань шань цза – эркаклар ички куйлаги

чан пао – эркаклар устки кийими, халати.

бао сюн тiao – қизлар ва аёллар курагини боғлайдиган ип-газламали тасма.

кань цзянь – аёллар ички нимчаси

кань цзяр – аёллар ички елка кийими
 пао – ассиметрик бичилган аёллар кофтаси
 бей синь – аёлларнинг кофта устидан кийиладиган нимчаси.
 ся пей – аёлларнинг тантанали маросимларда киядиган узунрок нимчаси.
 ци пао – аёллар халати
 куцза – эркак ва аёллар бел кийими, иштони
 цюньза – эркак ва аёллар бел кийими, юбка-плахтаси
 токау – иштон пайпок
 бу , мабу – иштон тикиладиган канопа тола
 би – гамаш
 ва – этиксимон пайпок
 шан – юбка-плахта, ўрта ва юқори табақа эркак ва аёлларнинг бел кийими
 пешбанд – олд белбоғга қистирилган аёллар бел кийими
 дай – аслзода ва амалдорларнинг бойлик белгиси бўлган белбоғ
 шоу – нефрит халқалар ва бошқа безаклар билан тўқилган рангли шнурлар,
 улар ижтимоий мавқъени белгилаган
 пейюй – нефритдан ясалган осилчоқлар, кийимнинг ижтимоий беаги
 ҳисобланган
 цзуй – поҳолдан тўқилган енгил туфли
 ли – оёқ кийим
 семянь – матодан тўқилган қимматбаҳо туфли
 си – тантанали туфли
 цзи – скамейкасимон тепаси йўқ шиппак
 сюэ – чарм этик
 сюэтун – этик қўнжи бўлиб, ундан чўнтак сифатида фойдаланганлар

Назорат савол ва топшириқлари:

1. Хитойда қандай санъат турлари ривожланган?
2. Хитой эркаклар либосида қандай ранглар қўлланган? Хитой эркаклар либосини таърифлаб беринг.

3. Хитой либосига ассиметрик тақилма қайси мамлакат либосидан кириб келган?
4. Маньчжурлар ҳукмронлиги даври либослари ҳақида сўзлаб беринг .
5. Қадимги Хитой эркакларининг соч турмаги ва бош кийимлар ҳақида нималарни биласиз?
6. Хитой аёллар либоси ҳақида қандай маълумотга эгасиз?
7. Хитой рамзий белгилари ҳақида нималарни биласиз?
8. Хитойда қандай санъат турлари ривожланган?
9. Хитой эркаклар костюмига қандай ранглар қўланган?
10. Хитой Япон аёллар костюмида қандай ранглар кўпроқ ишлатилган?

Мустақил иш топшириқлари

1. Хитой эркак ва аёллар кўйлаклари бичимидан нусха кўчиринг.
2. Хитой эркак ва аёллар либоси намуналарини, мато ва безак орнаментларини таҳлил қилинг.

ЯПОНИЯ КОСТЮМИ

Япония кўп асрлар давомида уруғларга бўлиниб келган. Япония давлатга айланиши учун кўп асрлар керак бўлади. Тарихдан маълум бўлишича, давлатни император эмас, балки ҳарбийлар бошқарган. 1190 йилда эса тахт ҳарбий самурайлар олий кўмондонлиги қўлига ўтади. Самурайлар номи наслдан-наслга ўтиб, юз йиллик жанглардан сўнг ягона Япония давлатига асос солинади. Япония унча катта мамлакат эмаслигига қарамай, табиий шароити мураккаб. Япония ҳудуди зилзилалар, сув тошқинларидан ҳосил бўлган мураккаб рельефли ўлка ҳисобланади. Табиат билан уйғунлик, яъни ана шу гўзалликни ҳис қилиш бетакрор япон услубини вужудга келтиради.

Япон тамаддуни қадимийлиги жиҳатидан нафақат жаҳон, балки Шарқ маданиятида ажралиб туради. Бу фикримизга шу кунгача сақланиб қолган тарихий ёдгорликлар, меъморий обидалар далил бўла олади. Масалан: мазкур

меъморчилик ёдгорликларига IX-XII асрларда қурилган Хэйан Феникс ибодатхонаси киради. Хэйан – тинчлик-тотувлик деган маънони англатади.

Ҳозиргача япон тилининг қандай пайдо бўлгани хақида аниқ маълумотларни келтириш қийин. Қадимда японларнинг ўз ёзувлари бўлмаган. Японлар VII асрда хитой иероглифларига асосланиб, ўз ёзувларини яратган. Хаттотлик бобида маҳорати ошган япон ёзуви, каллиграфияси, хусниҳати ёзув санъати даражасига кўтарилади. Буддага сиғиниш натижаси ўлароқ, хитой ҳикматли сўзлари, шеърлар каллиграфияда ёзила бошланади. Қоғозга сўз ёзиш катта аҳамиятга эга санъат ҳисобланади. Кейинчалик япон адабиёти дунёга келади ва VII асрда илк шеърлар ёзила бошланади.

Японияда санъат, ҳунармандчилик ривожланишига хитой санъатининг таъсири катта бўлса-да, японлар бу борада бетакрор услуб яратадилар. VII асрда Кореядан Японияга қоғоз тайёрлаш санъати кириб келади. Қоғознинг энгиллиги ва чидамлилиги японларга бежирим қурилиш материаллари тайёрлашларида кўл келади. Японлар уйлар, хоналарни ажратиб турувчи силжима эшик, фонарлар, елпиғичлар, ҳатто руҳонийлари учун кийим – *камико*, сувюқмас қоғоздан соябонлар ясайдилар.

Қоғозни тахлаш санъати – *оригами*, деб аталади. Жангчилар жажжи оригамиларни омад келтирсин, деб қиличларига осиб юрганлар. Аста-секин бу соҳага оид махсус мактаблар очилади ва оригами тайёрлаш сирлари ўргатила бошланади. Лекин қоғоз нархи қиммат бўлгани учун ҳамманинг ҳам ундан фойдаланиш имкони йўқ эди.

“*Япон рококо*”си деб ҳисобланган Хэйан даврида Япониянинг Хитой билан алоқаси сусаяди, бу эса япон маданиятига ижобий таъсир кўрсатади. Сарой маданиятининг гуллаб-яшнаш даври, яъни япон зодагонларининг “олтин” асри бошланади. Хитой маданиятининг таъсирига қарамай, япон меъморчилиги, айниқса тураржой ва интерьерининг ўзига хослиги билан эътиборни тортади. Японларнинг уйи катта ҳам, баланд ҳам бўлмаган, тўсиқлар ёрдамида энгил трансформацияланган.

Японлар гўзаллик, нафосат туйғусига ўзгача назар солади, улар гўзалликни санъатда акс эттира оладилар. Бу жиҳат япон миллатига хос ажралмас атрибутга айланади. Япон миллий санъатининг жаҳонга доврўғи кетган. Япон боғлари, чой тайёрлаш маросими, ҳамда гулларни саралаб дасталаш санъати – *икебана* шу жумладандир.

Япония тарихи мусиқа ва ўйинлар, диний маросимлар билан боғлиқлиги бизга тарихий манбалардан маълум. Дастлаб японлар ҳинд, хитой ва корейс мусикаларидан кўп фойдаланадилар. Зодагонларнинг сарой маросимлари сифатида мусиқа ва рақслар ривожланади. Шунга қарамай, кўшиқ ва рақсларда инсон табиати, унинг қалби, ички дунёси ва кечинмалари акс этиши керак эди. Ўқимишли ва яхши тарбия кўрган аёл рақс тушиш, ашула айтиш, чолғу асбобларини чалишни билиши шарт ҳисобланган.

Гўзаллик тимсоли. Ўрта асрларда Япониянинг ривожланиши Хэйан даврида гўзаллик тимсоли ҳақида тушунча пайдо бўлишига сабаб бўлган. Японлар асрлар давомида турли ўзгаришлар содир бўлишига қарамай гўзаллик ҳақидаги асосий тасаввурларини сақлаб қоладилар. Қоматни ёпиб турувчи, қават-қават, кенг-мўл либос, юз оқартириш аёлларга ҳам, эркакларга ҳам хос бўлган. Чунки сарой этикети – одоб-назокат қоидалари шуни тақозо этарди. Японларнинг эстетик диди аёллар гўзаллиги, турмуш тарзи ва одоб-назокат қоидалари таъсирида шаклланади. Японлар оқ танли аёллар қаршисида бош эгганлар. Шу сабабли кибор хонимлар юзларини оқартириб юрган. Бу японларнинг турмуш шароитига, уйларига мос тушган, аёллар гул тасвири туширилган пардалар ортида, нимқоронғи пастак хоналар ичида қоп-қора сочлари, оппоқ юзлари билан жонсиз эмас, балки нозик бўлиб кўринган.

Асрлар ўтиши билан гўзаллик тимсоли, гўзал аёл образи ўзгариб борган. XVII- XVIII асрларга оид суратларда биз оппоқ юз, қирра- бурун, пистадай гунча лаб ва қисик кўз аёл ноз-истигно қилиб турган ҳолатларини кўрамыз. Суратда аёлнинг пардек енгил, нафис ипакдан тикилган, ергача тушиб турган кўйлаклари кўриниб туради. Япон аёлларининг қадди-қомати ўзига хос. Уларнинг бўйинлари узун, оёқлари нисбатан калтароқ бўлади. Шу сабаб бўлса

керак, япон аёллари қават-қават либос кийиб, қоматларидаги камчликни усталик билан яширганлар. Япон аёллари белбоғни белдан юқоридан боғлаган. Аёлларнинг **оби** белбоғи кенг-мўл бўлиб, танага ўралганда қоматни кенгайтириб, тик, тўғри кўрсатган. Аёл бундай либос ва баланд пойабзал кийиб майда қадам ташлаб юрганида хушқомат кўринган. Аёллар сочни тасма ёки гулсимон килиб баланд турмаклаганлари уларга алоҳида малоҳат ва мафтункорлик бағишлаган. Аёлларнинг қўллари, бармоқлари ва оёқ панжалари кичик бўлса, чиройли ҳисобланган.

Мато турлари, либосларда ранг ва безакларнинг ўзига хос ечими. Тарихий маълумотларга кўра III асрда япон тўқувчилари парча матосини тўқишни йўлга қўйганлар. Император ва сарой аҳли учун асосан ялтироқ иплар билан парча тикилган, рангли ипак ва нафис юпка мато кийим тикишга ишлатилган. Япония қадимдан ипак ватани ҳисобланган ва бу саноат жуда ривожланган қўшни Хитой давлатидан кириб келган. Нара даврида Япониядан келтирилган пишиқ гулли мато **шитаф** жуда қиммат баҳоланган. Ундан кейинги навбатда мато ва парча турган. Хитой ва Корея билан савдо алоқаларининг ривожланиши зарҳал гулли парча матолар ишлаб чиқаришни, уларнинг турларини кўпайтириш имконини беради. Айниқса, гул солинган, турли мазмундаги гулдасталар, шапалоқ гулли парчалар, ранг-баранг манзара тасвири туширилган матолар урф бўлган.

Япон либосларида ранг танлаш ҳам ўзига хос кечган, яъни табиат билан уйғунликда ранг танланган, масалан: оқ-бинафша ранг – “олхўри”, кўк ранг – “қўнғироқча”, пушти ранг – “шафтоли”, оқ-пушти ранг – “пионгул, саллагул”, олхўри дарахти гуллари қиш тугаши рамзи ҳисобланган. Пионгул ва сакура баҳорни, нилуфар – ёз, хризантема – кузни билдиради. Мавсумга қараб, ана шу гуллар тасвирланган кийимлар кийилган. Келинчакнинг қизил рангли либоси ёки кўйлагида қизил рангга хос белгилар бўлган. Фақат императоргина сариқ рангли либос кийган. Япон либоси безакларида булутлар, тўлқинлар, ўсимликлар, қушлар, ҳайвонлар ва табиатнинг бошқа элементлари, шунингдек, герблар тасвири учрайди. Буларнинг ҳаммаси ўзининг рамзий маъносига эга.

XIV асрга келиб, сарой либоси анча соддалашади, кийимдаги элементлар ва кийимлар сони камаяди.

Япон анъанавий либослари. Япон либослари асрлар давомида халкнинг эстетик диди, ташки омиллар, ижтимоий воқеа - ходисалар ва иқлим таъсири остида шаклланди.

Япон анъанавий либоси бир ярим минг йил давомида ривожланди. Биринчидан, аслзодалар катлами либосларга катта аҳамият беради, кичик бир деталь ҳам уларнинг назаридан четда қолмайди. Либоснинг сиполиги, ранги, каштаси, силуэти жуда ноқулай бўлса-да, бир-бирини такрорламаган.

Иккинчидан, деҳқонлар кийими тананинг ҳар бир аъзосига мос тикилган. Деҳқонлар киядиган кийимлари қулай, чидамли ва арзон бўлишини хоҳлаганлар. Кийим ўз эгасининг табақаси, бойлиги ва жамиятда тутган мавқеидан далолат бериб турган.

Эркаклар костюми. Эркакларнинг миллий либослари жамиятда қабул қилинган эстетик қарашлар, яъни, ботирлик, жасорат ҳақидаги тасаввурлар остида шаклланади.

Эркаклар либоси ички ва устки кийимлардан иборат бўлиб, елка ва бел кийимларига бўлинади. Эркаклар ички елка либоси – **дзюбан** ҳисобланади. Дзюбан кўриниши жиҳатидан халатни эслатади, кимоно остидан кийилади. У жамиятнинг барча табақаларига хос бўлган миллий либос ҳисобланади. Дзюбан шоҳи ёки ип газламасидан тикилади, узунлиги бўксагача тушиб туради ва чапдан ўнгга қараб ўралади (2.18-расм).

Ички елка кийимининг яна бир тури – **нагадзюбан** деб аталади. Нагадзюбаннинг дзюбандан фарқи – узунлигида. Енгнинг эни ўмизига нисбатан кенгрок олинади. Ортикча эни енг ўмизига тикилмаганлиги билан фарқ қилади.

Эркаклар бел кийими турларига **фундоси** ва **косимаки** киради.

Фундоси – тўғри тўртбурчак мато, оппоқ ип газлама бўлиб, у оёқлар орасидан ўтказилиб, белда маҳкамланади. Фундосининг икки тури мавжуд. Биринчиси узун, кенг мато парчаси белга ўралади, тугун қилиб тугилади, учи


осилиб турган қисми оёқлар орасидан ўтказиб, белбоғ билан боғланади. Иккинчи тури *этию фондоси* бўлиб, унинг бўйи калтароқ бўлади ва белга тасма билан маҳкам боғланади.

Косимаки, деб кўриниши тикилмаган юбкага ўхшаш, тиззагача кенг мато бўлагига айтилади. Косимакини бўкса атрофида айлантириб ўраб, белга *датэмаки* белбоғи ёрдамида боғлаб қўйилади.


Японлар миллий устки кийими *кимоно* саналади. Кимоно – қимматбаҳо либос. Кимононинг кўриниши халатни эслатади. Бўш, эркин, ёпинчиғи кенг белбоғ билан боғланади (2.19-расм). Совуқ кунларда бир неча қават пахмоқ кимоно кийилган. Оддий халқ қулай кийим кийган. Йил фаслига қараб, неча қават кимоно кийиш маълум бўлган. Кимонога фаслга қараб, оила шажараси герби тикилган, безак бериб, кашта тикилган. Либосларнинг кўп қаватли бўлиши, кишининг жамиятдаи тутган ўрнини, нуфузини билдирган.



2.20-расм. Япон эркаклар костюми.



2.18-расм. Эркалар дзюбанининг бичими.




2.19-расм. Эркалар кимоносининг бичими.

Табиат фасли либослар тикилишида муҳим аҳамият касб этган. Ёзги кимоно астарсиз, баҳорги-кузгиси астарли, қишкиси пахмоқ бўлган. Ёзги астарсиз кимоно – *хитозэ*, баҳорги-кузги, яъни астарли кимоно – *авасэ*, қишқи кимонолар - *косоодэ* астарли қилиб тикилган. Астар орасига хом шоҳи ипак солинган ва *вата-ирэ* астарли, астар орасига пахта солиб қавилган. Кимононинг энг асосий деталлари бу – *оби* ва *мон* герби ҳисобланади. Эркаклар обиси аёлларникидан ҳажми, эни, ранг ва безагига қараб фарқланган. Монлар эса кимоно елка қисмининг олдига иккита ва орқага учта мон тикилади. Оқ рангли, юмалоқ шаклдаги хризантема гули энг оммабоп мон турига киради. Шунингдек, улар ўсимлик, ҳайвонлар ёки ҳоҳ кўринишида бўлиши ҳам мумкин. Дастлаб герб фақат ҳарбийлар кийимида, кейинчалик эса жамиятнинг бошқа қатламлари кийимида ҳам пайдо бўлади.

Оби белбоғи - либоснинг энг асосий қисмидир. Обининг икки тури бор. *Какү оби* – байрам ҳамда тантанали маросимлар учун мўлжалланган белбоғ; *хэко оби* эса кундалик кийим белбоғи.

Яна бир анъанавий устки кийим *хаори* саналади. Хаори кимононинг устидан кийилади. Хаори – кенг, мўл тикилган бўлиб, у эркин осилиб турувчи этак, кенг енгдан иборат. Хаорининг этаклари туташмагани учун кўкрак қисми иккита боғич билан боғланади. Одатда хаори тўқ рангларда, кўпинча йўл-йўл бўлади. Агар тантаналарга бориладиган тури бўлса, байрам кайфиятида қора шоҳига оқ гул гербини тикиб безалган.

Хакама – эркакларнинг устки бел кийими (2.21-расм). Хакама белбоғли, кенг, унча узун бўлмаган юбка-иштонга ўхшаш кийим саналади. Хакама белбоғли қоп- симон, кенг иштонга ўхшаб, болдирнинг бир қисмини ёпиб турган. Оддий кишилар кенг, узун юбка-хакама кийган. Бу хакама бошқаларга нисбатан кенг, узунлиги тўпикқача келган, олд ва орқа қисми махсус белбоғ – узун боғич билан боғланган.




2.21- расм. Эркаклар бел кийими – *хакама*.

Либос танлашда кишининг диди ва табиати, хусусан, босиқ- вазминлиги акс этиб турган. Эркаклар кийими бир хил рангда, жиддий, сипо бўлган. Иштон эса очик ранглардан тикилган. Одатда кийим тикиш учун ип газлама, шоҳи ва жунли газламалардан фойдаланилган.

Оддий халқ устки елка кийими - *хантэн* ва бел кийими– *момохики* иштонини кийган.

Каммури – асосий бош кийим ҳисобланган. Каммури кийган кишига қараб, унинг жамиятдаги мавқеини билса бўларди. Оқсуяклар очик тусдаги, тўқ, сиёҳ рангли каммури кийсалар, паст табақага мансуб одамлар эса тўқ, қора рангли каммури кийган. Кишининг жамиятдаги тутган ўрни, нуфузи соч турмагида ҳам акс этган. Сочини тепага баланд қилиб турмаклаш олий табақа кишиларга хос эди. Авом халқ эса сочини турмакламай, калта қилиб кестирган. Киборлар соқол-мўйлов қўйган.

Самурайлар юзларини силлиқ қилиб, қириб юрган (2.22-расм).



2.22 -расм. Камакура ва Муромачи даври, самурай либоси.

Рухонийлар эса сочларини олдириб, юзларидаги тукларини ҳам юлиб ташлаганлар.

Эркаклар ҳам пардоз қилган, оқ, тиниқ юзли киши хушрўй саналган. Шу сабабли бообрў, нуфузли эркаклар худди аёллар каби пардоз қилиб, юзларини оқартириб юрганлар.

Ўрта асрларда юқори табақа шахарликлар либосини кўшимча аксессуарларсиз тасаввур қилиш қийин эди. Елпиғич, шамшир, *нэцке*, *инро*лар кимонони беаб турган. Ёғоч, суяк, тош ёки металдан ясалган жажжи хайкалчага *нэцке* дейилади. *Инро* деб, ҳамён ёки суюқ идишчаларни солиб кўядиган қутичага айтилган.

Оддий одамлар похол пойабзал кийган. Миллий пойабзалларнинг яна бир тури *гета*дир. Гета тагчарми ёғочдан, скамейкасимон ясалган пойабзал бўлиб, ёғингарчилик пайтида кийилган. Оёқларга *таби* бош бармоқ чиқиб турадиган пайпоқ кийилган.

Аёллар костюми. "*Дзюни - хитоз*" – Хэйан даврига мансуб аёллар либоси саналган. Ушбу либос рангли, тўқилган, ўн икки қаватдан ташкил топади. Буни сараланган либослар номи деса ҳам бўлади. Яъни ушбу кўйлак шундайки, бирининг устидан бири кийилган; ҳар бири ҳар хил рангда ва устидаги остидагига нисбатан бир оз калтароқ кийимлардан иборат бўлган (2.23-расм).

- *Ками* – оқ ипакдан тикилган ички кийим;
- *утибокама* – бурмали қизил ипак юбка;
- *хитоз* – астарсиз енгил кўйлак;
- *итсутсигину* – бешта, ҳар хил рангли ипак либос;
- *утигину* – ялтироқ қизил халат;
- *уваги* – устки халат;
- *каригину* – ялтироқ парча халат;
- *мо* – юбка.



2.23-расм. Хэйан ва Камакура даври. Сарой хонимларининг тантаналарда киядиган кийими: ўн икки қаватли кимоно — *дзюнихитозэ*.



2.24-расм. Сарой хонимлари либоси.



2.25-расм. Япония костюми, *косоде* кийган хонимлар .

Дастлаб ички кийим устга қат-қат кийиладиган узун, кенг енгли - *хакама* кўйлагидан иборат бўларди. Кийим қанча кўп қаватли бўлса, демак, эгасининг жамиятда тутган ўрни шунчалик баланд бўлган. XII асрда либослар ўн икки қаватли бўлган бўлса, бора-бора у беш қаватга тушади. Ушбу кийим қуйидаги тартибда кийилади:

оёқ тепаси, сон оқ мато билан ўралади;

- устдан танага ёпишиб турувчи халат – *дзюбан*;
- дзюбан устидан жун халат – *ситаги*;
- унинг устидан *кимоно*;
- кимоно устидан камзул – *хаори* кийилади. Хаори кўкракдан тасма боғич билан боғланади.

XIV асрга келиб, зодагонлар либоси анча соддалашади, кийимлар ва унинг элементлари сони камаяди. Аёллар либоси эркакларникига нисбатан узунроқ бўлиб, ерга тегиб турган.


Аёллар ички елка кийими – *хададзюбан ва дзюбан* саналади. Бу кийимлар узунлиги ва энида фарқ қилади. Аёллар дзюбанида енг ўмизининг ост қисми очик қолдирилади, эркаклар дзюбанининг енг ўмизи тўлиқ тикилади (2.27-расм).

Футано ва косимаки – ички бел кийими ҳисобланади. Футанонинг узунлиги калта, тиззагача келади. Бу кийим оҳорли ип газламадан қилинади, тикилмаган юбкадан иборат бўлади. *Косимаки*, деб товоғгача тушиб турадиган, узун, тикилмаган юбкага айтилади. Ёши улуг аёллар оқ рангли, ёш қиз-жувонлар эса кўзга ташланадиган, ёрқин рангли юпка муслин газламаси ёки креп матосидан косимаки кийган. Фаслга қараб, совуқ тушганда *косимаки* ўрнига *хададзюбан* устидан кимонога ўхшаш *нагадзюбан* кийилган ва белга *датэмаки* белбоғи ўралган.


Кимоно ва *хаори* устки кийимлар саналади. Хаори туникасимон бичимли, олди очик, кўкраккача *окуми* ёқаси тушиб туради ва тасма билан маҳкам боғланади, кўпинча орт қисми олдига нисбатан калтароқ бўлади.



2.26-расм. Япония аёллар костюми



2.27-расм. Аёллар дзюбаннинг бичими.



2.28- расм. Аёллар кимоносининг бичими.

Аёллар кимоноси эркакларникидан узунлиги, енг бичими ва тикилишида фарқ қилади. Аёллар кимоноси енгининг ички томони ва енг ўмизининг ости очик қолдирилган, тикилмаган (2.28-расм). **Юката** – аёлларнинг ёзги кимоноси. Умуман, аёллар кимоноси фасллар ўзгариши, бирор тадбир ёки маросим турига қараб ўзгарган.

Оби белбоғи орқа томонга катта капалак шаклида бант қилиб боғланади. Белга боғланадиган белбоғлар сони еттитагача бўлади. Одамга керакли ашёлар, майда-чуйдалар белбоғ орасига қистирикган, уёққа сиғмагани эса бурмалар ораси ёки енг ичига солиб қўйилган.

Косодэ устки кийим ҳисобланади. Ксодэ VII - XVIII асрларда (ўйик ёкали) декольте ва (орт бўлак этаги узун) шлейфли қилиб тикилган (2.25-расм).

Муромачи ва Адзучи-Момояма даври (1568–1600): косодэ ва учикакэ.

Хантэн – оддий, ишчи аёлларнинг устки кийими; **фудаги** эса туникасимон шаклдаги либосдир; **момпэ** – бел кийими.

Аёлларнинг бош кийими ахён-ахёнда учрайди. Аёллар сайр чоғи ва ишлаганларида похол шляпа кийганлар. Совукда рўмол ўраганлар ва қайтарма қалпоққа ўхшаш ёпинчиқ ёпганлар.

Япон аёлларининг соч турмаклари ўта назокатли эканлиги ва ўзига хослиги билан ажралиб туради. Тимқора ва қалин узун сочлар аёлларга алоҳида ҳусн бағишлаган ва бу гўзаллик рамзи саналган.

Қадимда аёллар сочларини ёйиб юрган, сўнг бошга йиғиб, катта тутам қилиб турмаклаган. Кибор хонимларнинг соч турмаги ўта мураккаб бўлган, лекин латифлиги, нафосати билан ажралиб турган. Соч турмаги бузилиб кетмаслиги учун бош тагига ёғочдан ясалган ёки сочдан қилинган таглик қўйилган. Борди-ю, аёл сочи рисоладай бўлмаса, улама соч тақилган. Аёллар соч турмаги турли сочтўғнағич ва ёғоч, маржон, суяк, металл, тошбақа косасидан ясалган тароқлар билан безаларди. Бундан ташқари гуллардан ҳам безак ўрнида фойдаланилган.



2.29-расм. Япон аёллар соч турмаги.

Белбоққа безак сифатида **нецке** тақилган. XII асрда нецке жажжи хайкалча кўринишида бўлган. Шамсиялар урф бўлган. Соябон – шамсиялар жуда урф бўлган. Кибор хонимлар иссиқда ҳам, ёмғир ёғаётганда ҳам гул тасвири туширилган елпиғичларни кўлларида кўймасди.

Япон аёллари деярли тақинчоқлар тақмасди. Баъзи-баъзидагина обига чиройли марварид донаси, гавҳар ёки бошқа қимматбаҳо тош кўйиларди. Белбоғнинг ўзи либоснинг қимматбаҳо беағи ҳисобланган.

Аёллар **таби** деб аталган оқ пайпоқ кийган. Табининг ости қалин жун матодан тепаси эса ипак ёки пахтадан қилинган. Улар бундай қалпоқларни кийиб, уйда юрган, меҳмондорчилик ҳамда театр ва ибодатхоналарга борган. Аёллар пойабзали **гета** ҳар хил бўлган. Ўша даврларда кўриниши скамейкасимон ва тагчарми кенг, 10 см.ли баланд ёғоч ўриндиққа ўхшаш гета урф бўлган. Ёмғирли кунларда, ивиб кетмаслиги, ифлос бўлмаслиги учун гета устига ғилоф кийдирилган. Аёллар пойабзалининг яна бир тури – **дзори** эди. Ўлчами бир хил, таги юмшоқ, пошнаси шиппаққа ўхшаш бўлган.

Назорат саволлари ва топшириқлари

1. Япония санъати ва маданиятини таърифлаб беринг. Мамлакат санъат ва маданиятининг гуллаб-яшнашига туртки бўлган омиллар ҳақида нималарни биласиз?
2. Японияда қандай санъат турлари ривожланган? Япония санъатининг ўзига хослиги нимада?
3. Японликлар костюмида ижтимоий белгилар қандай акс этади?
4. Японияда гўзаллик тимсоли қай тариқа баҳоланади?
5. Мато турлари, либосларда ранг ва безакларнинг ўзига хос ечими ҳақида сўзлаб беринг.
6. Япон анъанавий либослари ҳақида нималарни биласиз?
7. Япон эркаклар ички ва устки елка кийим ва бел кийим турлари ҳақида нима биласиз? Уларни таърифлаб беринг.

8. Аёлларнинг Хэйан даврига хос бўлган либоси ва кийиниш услуби ҳақида сўзлаб беринг.
9. Япон аёлларининг кийим турларини ҳақида маълумот беринг.
10. Япон аёлларининг соч турмаклари қандай эди ?

Мустақил иш топшириқлари

1. Япон эркаклар либоси ва кийим бичимларини таҳлил қилинг. Кийим бичимларидан нусха кўчиринг.
2. Япон эркак ва аёллар либоси намуналарини, мато ва безак орнаментларини таҳлил қилинг.

III БОБ. МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ КОСТЮМИ

АНТИК ДАВР ОСИЁ КОСТЮМИ

Халқ костюми – моддий маданият кўринишларидан биридир. Халқ либосида этник тарих тубида яширинган анъаналар, ижтимоий муносабатлар ҳамда антик даврдан бошлаб диний қарашлар акс этади. Агар халқ либоси тарихига назар соладиган бўлсак, унинг илдизлари олис даврларга, яъни милoddан олдинги антик даврга бориб тақалишининг гувоҳи бўламиз.

Ер сайёраси бунёд бўлибдики, унда табиий жараёнлар, табиат ходисалари узлуксиз равишда ўзгариб туради. Ана шу табиат ходисаларининг ўзгариб туриши, яъни фасллар алмашуви одамлар либосларининг ўзгариб, янгисининг бино бўлишига сабаб бўлганлиги шубҳасиздир. Милoddан олдинги минг йилликлар, масалан, V минг йилликларга қадар ибтидоий одамларда кийим кийиш тушунчаси ўзини совукдан муҳофаза қилиш мақсади орқали келиб чиққан. Ибтидоий одамлар совукдан таналарини ўзлари овлаган ҳайвон терисидан, турли дарахтлар пўстлоқлари, ўсимликлар толаси билан пана қилишга мажбур бўлганлар. Бундан келиб чиқадики, улар кийим учун атроф-теваракларидаги ашёлардан фойдаланганлар.

Ана шу тарзда иссиқ-совукдан пана қилиш зарурияти ибтидоий одамларда кийим тушунчасининг пайдо бўлишига туртки бўлган. Ибтидоий одамлар дастлаб ҳайвонлар терисини елкаларидан маҳкам ўтказиб боғлаганлар. Масалан, улар терининг ўртасидан тешиб, бошларига кийгазганлар, совқотиб, тери билан таналарини ўраганлар. Шу тариқа либоснинг дастлабки, ибтидоий ва содда шакли пайдо бўлган. Ибтидоий одамларда кийим кийиш мумкинлиги ҳақидаги фикр уларнинг ақлан ривожланишлари билан аста-секин такомиллашиб борган.

Ҳозирги илм-техника юксак тараққиётга эришган даврда костюмнинг келиб чиқиши ва унинг тарихи ўрганилганида ибтидоий одамлардаги юқорида айтилган ҳолат албатта қайд қилинади. Санъатшунослар Анна Левин-Дорш ва

Г. Куновларнинг тадқиқотларида ҳам дастлаб ибтидоий одамлардаги ана шу ҳолат қайд этилади. Олимлар ибтидоий одамларнинг белларига боғланган тасмалар ёки уларнинг оёқ-қўлларига боғланган халкалар, таналарини бўяшлари, яъни дастлабки татуировка, хом теридан қилинган ёпинчиқлар, белларини ўраб, пастга тушириб қўйилган тери-мато, бошларига ёпилган япроқ ҳамда сочларига қадалган куш патларини ҳозирги мукаммал либос деталлари дейиш мумкин. Зеро, ҳозирги тушунчамиздаги костюм ана шу тариқа дунёга келган, айтиш мумкинки, ибтидоий одамлар ҳаётларидаги ана шундай ўзгаришлар либоснинг пайдо бўлиш ибтидосидир³.

Биз костюм, унинг тарихини тилга олар эканмиз, шундай жиҳатларни назардан кочирмаслигимиз даркор. Яна биз тарихий ва этнографияга оид илмий китобларни варақлаганимизда, кийим, одам эгнидаги либос, костюм ривожланиши тўқимачилик саноати тараққиёти билан боғлиқлиги айтиб ўтилади. Маълумки, тўқимачилик саноати, яъни тўр ва мато тўқишнинг дунёга келиши одамлар киядиган кийимларнинг тобора такомиллашиб боришига сабаб бўлган. Хусусан, тўқилган матоларнинг эластиклики, эгилувчанлик, букилувчанлик ва чўзилувчанлик каби хусусиятларидан одамлар унумли фойдалана бошлаганлар. Тўқимачилик саноатининг ана шу илк босқичида одамларнинг либослари ҳам жўн ва оддий бўлган. Қадимий кийимлар учун хом ашё махсус йўрмаланган ҳамда боғ-боғ матодан фойдаланилган. Шундай матолардан қадимий либослар тикилган. Одамлар шу матоларни таналарига ўраб юрганлар. Табиий шарт-шароит, об-ҳавога қараб кишилар ҳам ана шу кийимларини ўзгартирганлар. Яна ўша пайтдан бошлаб, одамлар ўзларидаги бор нарсалардан ўзларича ўраниб олганлар. Яъни одамлар ижтимоий ҳолларига қараб, агар буни кийиниш деб атайдиган бўлсак, улар тўғри туртбурчак, эллипс шаклидаги мато билан таналарини ўраганлар.

Шундай тарзда аста-секин ибтидоий одамлар кийиб юрган кийимларининг вазифалари кўпайиб борган. Бу кийимлар борган сари такомиллашиб, химоя

³ Левин-Дорш А., Кунов Г. Первобытная техника. Л., 1925, стр. 87-90.

доираси ҳам анча кенгайган ⁴. Одамларнинг кундалик эҳтиёжларига қараб, либослар ҳам ўзгариб борган. Энди либослар тайёрлашда одамларнинг бўй-басти, ёши, қайси жинсга мансублиги, яъни уларнинг эркак-аёллиги ҳисобга олинadиган бўлган. Шу жараёнда кишиларнинг дидлари ҳам шаклланиб борган. Кишиларнинг кийган либосларида, уларнинг костюмларида ўз даврга хос аломатлар акс этиши шундандир.

Бутун жаҳонда бўлгани сингари Ўзбекистон халқи инсоният бошидан кечирган бари ривожланиш босқичларини ўтказди. Юртимизда ҳам қадимий аждоларимиз шундай шаклланди. Қадимий авлод-аждодларимиз ҳам бундай тадрижий ривожланиб боришдан мустасно қолмаганлар. Аждодларимиз кийимлари ҳам ўзлари яшаб турган табиат иқлими, турмуш шарт-шароитларига қараб ўзгариб борган. Бунда уруғ-қабила анъаналари ҳам катта роль ўйнаган. Одамнинг қайси қабиладан экаанлиги уларларнинг кийимларида ҳам фарқланган. Биз аждодларимизнинг кийимларини кўз олдимизга келтиришимизда, бу ҳақда бирор тасаввур ҳосил қилишимизга Ўзбекистон ҳудудидан топиб, қазиб олинган археологик ёдгорликлар далолат беради. Ана шу археологик қазилмалар, топилган деворий расмлар, турли ҳайкалчалар, ёзма манбаларда тасвирланган тасвирлар бу ҳақда тасаввуримиз бойишига хизмат қилади. Ўрта асрларда ривожланган миниатюра санъати эса алоҳида мавзунини тақозо этади.

Археологик қазилмалар самараси ўлароқ, Ўрта Осиё ҳудудида олиб борилган археологик тадқиқотлар тўқимачилик саноатининг пайдо бўлиши тош асри – неолит даврига бориб тақалишидан далолат беради. Агар археологик тадқиқотларда келтирилган маълумотларга назар солadиган бўлсак, Копетдоғ этакларида топилган Жайтун маданиятига хос намуна ёдгорлик юқоридаги фикримизга мисолдир. Бу ерда олиб борилган археологик қазилмалар чоғи тўқув дастгоҳлари ҳам топилганлиги эса бунга далил бўла олади. Копетдоғ бағридаги минтақада одатда тоғли туманларга хос равишда чорвачилик ривожланган. Шу сабабли бу туманларда кийим-кепчалар, кундалик ашёлар,

⁴Ҳасанбоева Г. К., Чурсина В.А. Костюм тарихи. Т., 2002, 320-бет.

масалан, кўрпа-тўшак, ёстиклар ҳам жундан тайёрланган. Шу тариқа минтақада жун тўқиш саноати юзага келган. Гарчанд Марказий Осиёда алоҳида эътиборга молик тўқимачилик саноати тараккий этиш тармоқлари аниқланмаган бўлса-да, ўлкага ёндош ва қўшни минтақалар тарихи ва маданияти ўрганилганда, топилган ёдгорликлар бу ерларда энеолит даврида тўқимачилик саноати юксак даражада ривожланганлигидан далолат беради ⁵.

Фикримизга милоддан олдинги II минг йилликка оид кийимлар топилганлиги мисол бўла олади. Шундай кийим парчалари Сополлитепадан ҳам топилган ⁶. Шу ўринда милоддан олдинги VI асрга келиб, кийим тикишда тўқима жун матолари тери матони сиқиб чиқарганлигини айтиб ўтишимиз жоиз. Бу даврдан бошлаб тўқимачилик саноати ривожланиб бори.

Тарихдан маълумки, II минг йиллик охири ва I минг йиллик бошларида бутун жаҳондаги каби Шарқда ҳам кулдорлик давлатлари пайдо бўла бошлади. Хусусан Ўрта Осиёда ўша даврда машҳур йирик кулдорлик давлатлари бунёдга келди. Бактрия, Сўғд ва Хоразм шундай давлатлардан эди.

Милоддан олдинги VI асрда Марказий Осиёнинг аксарият қисмини Эрон аҳмонийлари, кейинчалик эса милоддан олдинги 329-327 йилларда Искандар Зулқарнайн қўшинлари истило қилган Ана шу истило кулдорликнинг янада ривожланишига замин яратган. Милоддан олдинги III асрга келиб эса Марказий Осиё ғарбида қудратли кулдорлик давлат Парфия бунёдга келади. Тарихда қолган ёзма манбалар Парфия давлати қудрат жиҳатидан ҳатто Рим империясига бас кела олган, айтиш мумкинки, унинг хавфли рақибига айланган.

Ўз-ўзидан маълумки, бу даврда, яъни милоддан кейин маданият гуллаб-яшнаган. Бу фикримизга археологик қазилмалар чоғи топилган қаварик расмлар, тилла ва кумуш идишларда тасвирланган бўртма манзаралар, ҳар хил тангалар мисол бўла олади. Кулдорлик маданияти айниқса милоддан кейинги I-III асрлар Ўртса Осиёда Кушонлар ҳукмронлик қилган даврда гуллаб-яшнади.

⁵ Левин-Дорш А., Кунов Г. Первобытная техника. Л., 1925

⁶ Ҳасанбоева Г. К., Чурсина В. А. Костюм тарихи. Т., 2002

Бунга синфий зиддиятларнинг кескинлашиши, жамоаларнинг барҳам топиши, одамларнинг қашшоқ яшашлари сабабдир.

Сўнгра Парфия шохлиги инкирозга юз тутди. Бу III асрнинг биринчи ярмига тўғри келар эди. Инкироз натижаси ўлароқ, Марказий Осиёнинг ғарбий минтақалари Эрон сосонийлари қўлига ўтди. IV–V асрларга келиб эса Бактрия ва Сўғдиёна ўрнида эфталитлар ҳукмронлик қилади. Маълумки, бизнинг авлодаждодларимиз, хусусан, ўрта осиеликлар уруғ-аймоқ бўлиб яшаганлар. Бу ерда айниқса деҳқончилик ва чорвачилик ривожланади. Бу даврда қурилган қалъалар ўзларини, чорваларини душмандан муҳофаза қилишга мўлжалланган. Яна бу даврларда ёзув, яъни ёзма маданият пайдо бўлади. Археологик қазилмалар орқали ёзма маданият намуналарини кўриш мумкин. Ўлкада орамий, юнон, форсий ёзувлари кенг тарқалади. Яна бу даврда зарб этилган тангалар, ясалган идишлар, қурол-аслаҳаларда тасвирланган расмларда табиат манзаралари, одам ва ҳайвонлар акс этади. Ана шу даврга мансуб расмларда ер ва ҳосилдорлик худоси Анахита, отлиқлар ва ҳаёлий ҳайвонлар тасвирланган. Афросиёбдан топилган ёдгорликлар орасида чакмон, узун қўнжли этик, учли бош кийим кийган, бўйнига қимматбаҳо безаклар осиб олган ҳайкалчалар эътиборимизни тортади.

Аждодларимиздан улкан мерос, ажойиб меъморчилик обидалари қолди. Қўйқурилган қалъа, Тупроққалъа, Айритом, Ёнбошқалъа, Далварзинтепа, Варахшалар фикримизга яққол далилдир. Айни шу даврда дин дунёга келади. Зардуштийлик дини шу даврда пайдо бўлди. Марказий Осиё, хусусан, Эрон халқлари ўша даврлар эътиқод қилган зардуштийлик дини эди. Бу диннинг муқаддас китоби “Авесто” ёзма маданиятнинг асл дурдонасидир. “Авесто” китоби фақат диний китоб бўлибгина қолмай, ўша давр тарих, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, тил, бадиий маданиятини ўрганишда улкан манба бўла олади.

Кушонлар подшолиги даврида Ўрта Осиёга Хитой ва Ҳиндистондан буддизм дини кириб келади. Кушонлар замонида истехком–шаҳар қурилиш ривожланади. Амалий санъат ҳам ривожланади. Зеб-зийнат буюмлари, меҳнат қилиш, жанг қилиш қуроллари ва мато тўқиш саноати тараққий этади. Бизгача

етиб келган кадимий ёдгорликларда антик даврга мансуб кийимлари турларини кўриш мумкин.

Аёллар костюми. Ўша замонда аёллар костюми юнон, скиф ва хинд услубида бўлган. Костюм елка, бел, бош ва оёқ кийимлардан иборат ички ва устки кийимларни ташкил этган.

Ўша пайтлар аксар аёллар кўйлагининг икки тури кенг тарқалган. Аёллар либосининг **биринчи турига** – туникасимон бичимдаги, кўкрак ости ва бели белбоғ билан боғланган, тўғри кўйлак кирган. Бундай тўғри кўйлакнинг ёқа ўмизи юмалоқ қилиб бичилган, олди томчига ўхшаш кесик бўлган. Кўйлакнинг **иккинчи тури** юнон хитонига ўхшаб кетган. Иккинчи турдаги бундай кўйлак аслида бўй баравар олинган мато бўлиб, унинг бир қисмини елкага нинатўғнағич билан тўғнаб бирлаштириб, этагининг ён бурчлари ушбу тугунга қўшиб, боғлаб қўйилган. Антик даврдаги юнонча бичимдаги хитоннинг эса этаги эркин туширилиб, драпировкаланган. Кўйлак нинг белидан ёки кўкрак остидан белбоғ билан боғланган.

Антик давр устки кийимлари *скифча* кафтанлар ва ёпинчиклардан ташкил топган. Кафтан туникасимон қилиб бичимда бўлган, тузилиши тўғри ва танаган ёпишиб турган. Кафтаннинг торгина енги узун қилинган, баъзида эса кўнгдаланг тахламли ҳам бўлган. Бундай кафтанлар тик ёки диагоналига қавилган. Унинг ёқа ўмизи ва олдида тўқима тасма билан безак берилган.

Одатда кўйлак ёки кафтави устидан ёпинчиқ ёпинилган. Бундай ёпинчиқлар учун бўй баравар тўғри тўртбурчак мато олинб, у елкага ташлаб қўйилган, олд учлари эса нинатўғнағич тўғнаб, маҳкамлаб қўйилган.

Бел кийими, деб узун, этикка киргизиб қўйиладиган иштонларга айтилган. Бундай иштонлар кўйлак остидан кўриниб турган.

Бош кийимлари эса кигиздан конус шаклида тикилган қалпоқ, юмшоқ ясси шапка, салласимон, тожга ўхшаш бошга кийиладиган қалпоқлардан иборат бўлган.

Антик давр аёлларининг соч турмаклари ҳам мураккаб, ҳар хил бўлиб, сочлар ўрилиб, турли шаклда турмаклаб қўйилган.

Аёлларнинг безак тақинчоқларига тож, исирға, гривна ва бошқалар кирган.

Оёқ кийимлар, пойабзаллар юмшоқ этикдан иборат бўлган. Этикнинг баъзан қўнжи қантарилиб қўйилган.

Буддизм услубидаги кийимлар қуйидагилар:

– танага ёпишиб турган, драпировкаси кўп бўлган кўйлак; сирти тугма ва нақшли тасма билан безатилган узун ва кўндаланг тахламли енгли кўйлак ёки кафтан, устидан кийиладиган енгсиз кўйлак. *Устки кийим* – ёпинчик ҳисобланган. *Бош кийими* – юмшоқ, бир учи елкага ташлаб қўйиладиган рўмол бўлган. *Безакларга* эса бўйинга тақиладиган гривна, билагузуклар, пешона осилмачоқлари, тиллақошлар, оғир зираклар ва маржонлар кирган;



– туникасимон, тор, узун, кўндаланг тахламли енгли кўйлак, устидан бели боғланган хитонлар ёпинчикқа ўралган; драпировкаланган иштонлар бўксада кенг ва майин белбоғ билан маҳкам тутиб турилган;

– соч турмаклари турли ва мураккаб бўлиб, соч ўрилган сочлар билан юзни айлантриб қўйилган ёки жингалак қилинган.

Эркаklar костюми. Эркаklar костюми ҳам худди аёлларники каби *елка*, *бел* ва *ички-устки* кийимлардан иборат бўлган.

Елка кийими ички кўйлак ва устан кийиладиган кафтандан ташкил топган. Елка кийимининг бичими туникасимон, шакли тўғри бўлган. Бу либос танага салгина ёпишиб турган. Кийим бўйи бўксадан пастроқ ёки тиззагача тушиб турган. Унинг узун енги тор ёки кўндаланг тахламли бўлиб, белга белбоғ боғланган. *Бел* кийими тор ва кўндалангига тахлам-тахлам иштонлардан иборат бўлган. *Бош* кийимларига ясси ёки конуссимон қалпоқлар, *оёқ* кийимлари, *пойабзалларга* эса юмшоқ, тепаси қантарилган этик кирган.

Кўриниб турибдики, антик даврдаги Ўрта Осиё костюмига скифлар, эллинлар ва ҳиндлар ўз таъсирини ўтказган. Аммо шуниси ҳам борки, Ўрта Осиё халқининг кийимлари тузилишида маҳаллий жой одатлари, колорити ҳам акс этган.





3.1.-расм

Назорат учун саволлар ва топшириқлар:

1. Ўрта Осиё антик даври кийими тўғрисидаги маълумотлар қайердан олинган?
2. Олимлар ва сўфилар анъанавий костюми ҳақида гапириб беринг.
3. Антик даврида асосий диний эътиқод ҳақида сўзлаб беринг.
4. Ўрта Осиё антик давридаги эркаклар кийими қандай бўлган? Қисқача таъриф беринг.
5. Ўрта Осиё антик костюмига қандай халқларнинг таъсири бўлган?
6. Ўрта Осиё антик даврида қандай оёқ кийим кийилган?
7. Ўрта Осиё антик давридаги аёллар кийими қандай эди? Таъриф беринг.
8. Ўрта Осиё антик давр эркаклар ва аёллар кийимининг бичими қандай бўлган?

ИЛК ЎРТА АСР ЎРТА ОСИЁ КОСТЮМИ

Ўрта Осиёда III–V асрларга келиб, кулдорлик даври тугаб, феодализм кириб келади. VI–IX асрларда минтақада феодализм бутунлай шаклланиб бўлади.

V асрда хунн қабиласига мансуб эфталитлар Марказий Осиёни босиб, ўз давлатини барпо этади. Эфталитлар ҳукмронлиги даврида феодал муносабатлари авж олади. Эфталитлар зарб этган тангалар савдо-сотик ишларида фаол қатнашади. Эфталитлар туб аҳоли билан аралашиб, ўтроқ ҳаёт кечири бошлайди. Ҳаёт яхшиланади, қишлоқ-шаҳарлар, ибодатхоналар бунёд этилади.

VI асрда ҳозирги Олтой ўлкаси ўрнида кўчманчи туркий уруғлар бирлашади. Ана шу бирлашиш натижасида туркий ҳоконлиги ташкил топади. Кейинчалик туркий ҳоконлик таъсири Марказий Осиё халқлари тақдирига таъсир этади. Туркий ҳоконлик таъсирида Ўрта Осиёда ҳукмрон эфталитлар давлати инқирозга юз тутаяди. Туркий ҳоконлик даврида савдо-сотик ривожланади, Ғарбий Осиё, Эрон ва Марказий Осиёдан бошқа ўлкалар, Хитойга бетўхтов савдо қарвонлари қатнаб туради. Буюк ипак йўли осойишталик билан таъминланади. Ўша даврда қурилган шаҳарлар қарвон йўлларига туташлиги бежиз эмас.

Тарихдан маълумки, VI асрнинг 80-йилларига келиб, туркий ҳоконлик бўлиниб кетади. Бундай бўлинишдан араб истилочилари унумли фойдаланади. VII аср кириб келиши билан араб босқинчилари ислом динини Марказий Осиёга олиб келадилар. Ўрта Осиёга ислом динининг кириб келиши билан ҳар хил ҳудоларга сиғиниш барҳам топади, энди ягона Оллоҳ таолога эътиқод қилина бошлайди. Албатта, давр, бўлиб ўтган тарихий воқеалар халқлар урф-одатлари, кийинишларида акс этмай иложи йўқ эди.

Археологик қазилмалар ҳамда тарихий манбалардан маълум бўлишича, Сўғдиёна, Бақтрия давлатларида маданият ва санъат раванқ топади. Илк ўрта асрларга мансуб деворга чизилган рангтасвирларда аجدодларимизнинг

кийимлари, ана шу кийим-бошларнинг турлари ҳамда уларнинг хусусиятлари, ўша даврда тўкилган матоларни кўриш мумкин. Афросиёб, Варахша, Панжикент, Болаликтепа ва Холчаёнда олиб борилган археологик қазилмалар пайти топилган санъат намуналари бу ўлкада ўрта аср маданиятининг юксак даражада тараққий этганлигидан далолат бериб туради. Афросиёбда топилган сўғд ёзувлари Ўрта Осиё костюми тарихини чуқур ўрганишга имкон беради. Масалан, Болаликтепадаги археологик қазилмаларда топилган суратларда тасвирланган эркаklar ятак кийиб олганлиги тасвири эътиборни ўзига тортади⁷. Шу ўринда бир нарсани қайд этиш муҳимдир: “ятак” атамаси XII–XIII асрлардаги ёзма манбаларда учрайди. Деворий расмлар ҳамда археологик тадқиқот натижаларидан илк ўрта асрларда Тоҳаристоннинг бой хонадон эркалари ипакдан, авом эса бўздан чакмон кийганлиги маълум бўлади. Тоҳаристон халқи елкаси ёпишиб турган ва этаги трапециясимон кийим кийган. Асосан уст-бош узун, енгсиз, баъзан кенг енгли қилиб бичилган. Аксарият бу кийимларнинг ён томонида йирмоч-кийик жойи, ёнлама ёқаси бўлган. Шуниси эътиборга сазоворки, ҳозирга қадар ўзбекистонликлар либосида бу жиҳат қолиб кетган. Яна бир маълумот кишини қизиқтирмай қолмайди. Фарғона водийси, Мунчоктепада олиб борилган археологик қазилмаларда антик давр ва илк ўрта асрларга мансуб кийимлар намуналари, асосан, эркаklar, аёллар ва болалар уст-бошлари топилган. Ушбу намуналар олимлар томонидан чуқур ўрганилди.

Биз юқорида археологик қазилмалар ҳақида гапирдик. Жумладан, Муғтоғидан топилган сўғд ёзувлари билан биргаликда мато бўлаклари ҳам топилганлиги эътиборга сазовордир. Ушбу мато парчалари ичида тўқ қизил ранг оқ ва яшил ранглар билан уйғунлашиб кетган. Маҳмуд Кошғарий ҳам ўзининг машҳур “Девону луғотит турк” асарида матоларнинг 30 га яқин турини тилга олади. Мазкур асарда туркий қавмлар орасида *ялма* – ёпинчиқли пахта солиб қавилган тўн; *дидак* – келинчак ёпинчиғи; *кидик* – патдан қилинган бош кийим тилга олинади. Яна аёллар кўйлак ичидан кийиладиган ичкўйлак –

⁷ Альбаум Л.И. Балалик-тепе. К истории материальной культуры и искусства Тохаристона. Т., 1960.

теринчак ҳам келтирилади. Бундан ўша даврда, айниқса, туркий халқларнинг кийиниш маданияти юқори бўлганлиги кўриниб туради.

Аждодларимиз, хусусан, илк ўрта асрлар либослари ўрганишда бизга ажойиб маданий мерос бўлиб қолган миниатюралар катта манба бўлиб хизмат қилади.

Деворда акс эттирилган расмлар ҳамда короластика санъати бизга ўша даврлар Ўрта Осиёда ишлаб чиқарилган матолар ва халқнинг костюмларидан батафсил маълумот беради. Бу даврда тоғли туманларда жун, шаҳарларда ипак мато ишлатилади. Матолар органик бўёқларга бўялган.

Илк ўрта аср костюмида, шубҳасиз, кушон, эфталитлар, сосонийлар, туркий қавмлар, ҳиндий ва форсийлар таъсири катта бўлган. Табиийки, туб аҳоли кийимларига ана шу элементлар таъсир этган, шулар асосида муайян услуб яратилган.

Бизгача етиб келган манбаларнинг далолат беришича, ўша давр аёллари коматини адл, мағрур тутган. Идеал аёл дўндикқина, мафтункор, юзи ҳам кенг, ёйсимон қошли, силлиқ узун сочлари орасидан тўғри фарқ очилган, қиррабурун, писталаб, нозикқўл қилиб талқин қилинган.

Аёллар кўйлаги узун бичимда, ипак матодан тикилган ва тўпикқача тушиб турган. Этагининг энг пастидан, икки ён томонидан 10-15 см қирқиб қўйилган, белга эса белбоғ (камар) боғланган, бу ўзига хос безак бўлган.

Умуман олганда, аёллар кийимлари эркаклар кийимига ўхшаш бўлган. Яъни аёллар кийимлари тўплами ҳам эркакларникидай *кўйлак, кафтан, бир томонлама қайтарма ёпинчиқ* ва *иштонлардан* ташкил топган. Бундан ташқари *илейфли узун кўйлак, кофта-юбка* ва *пўстинлар* ҳам бўлган. *Устки кийимлар (кафтан, ёпинчиқ ва пўстин)* бўйи тиззагача тушган. *Елка кийимининг* ёқаси, этаги, олди, енгининг учи бошқа рангдаги матодан ҳошия қилиб безак берилган.

Айнан бу даврга хос болалар кийимлари ҳам ипак матодан тикилган. *Болалар кийими* калта қилиб тикилган ва белдан сал пастга тушиб турган. Кўйлак этагидан, икки ён томонидан 10-15 см қирқиб қўйилган. Ёқалари тўғри

бичилган ва белга белбоғ боғланган. Шунингдек, *қиз болалар кўйлагининг* кўкрак қисми, енглари учи ва этаклари махсус қадама тошлар билан гулсимон қилиб безалган. Кўйлакнинг ўнг қўл томонида ўнг чўнтак қилинган. Ушбу либосга мунчоқлар билан безак берилган, енглари ва кўйлак қисмига майда маржонлар билан нақшин кашта тикилган.

Деворий расмларда V аср эркаклари бақувват, юзлари юмалок, кўзлари бодом шаклида, сочли ва соқолсиз тасвирланган. *Эркаклар кийимлари*, жумладан, *калта кафтан*, *кўйлак*, *кенг иштонлар* ҳамда *баланд қўнғили* *этиклар* отда юришга мўлжалланган. *Елка кийимида* ён қийиқлар ёрдамида трапеция шаклида туникасимон бичим ҳосил қилинган. Ён қийиқлар қўлтиқ ёки белидан тикилган. Иштон уч қисм, иккита пойча ва битта оғдан ташкил топган. Шу ўринда кийим эгасининг қайси қавмга мансублиги ҳам либосда кўриниб турган. Масалан, эфталитлар костюмига қуйидаги жиҳатлар хос эди: кафтан туникасимон бичилиб, олди очик, бир томонлама қайтармали қилинган; билагидан торайтирилиб, енглари узун, ён кесикли бўлган. Кафтан ёқаси, ён кесиклари, олди, этаги, енгининг учига бошқа мато билан безак берилган. Иштонлар болдиригача ён чоки ўзгача рангда хошия қилиб безатилган.

Аста-секин даврлар ўтиб бориши билан, яъни VI–VII асрларга келиб, тасаввурдаги аёлларнинг эстетик образи ҳам ўзгариб боради. Энди аёл нозик, бели ингичка, юзлари ҳам шунга яраша кичик қилиб талқина бошланади. Бунга аста мукаммаллашиб бораётган либослар ҳамда ўзига оро бериш воситалари, атир-упалар туртки бўлади. Бу давр *аёллар кийимлари* эркакларникига ўхшаб кетган. Яна аёллар кийимлари тўпламида *камзул*, *кофта*, тўғри тузилишдаги *юбка* ва узун *кўйлаклар* мавжуд эди.

Бу даврда, VI–VII асрларда эркаклар образи ҳам ўзгаради. Энди тасаввур қилинган қўпол куч-қудрат ўрнини ақл-заковат ва назокат эгаллайди. Ўша давр идеали қадди-қомати келишган ва хушмуомала, аёлларга ҳурматда бўлган эркак эди. Бундай эркак бели ингичка, қўллари нозик, билагозук ва узук тақилган тарзда тасвирланган. Эркаклар костюмида илгари чорвадор ва кўчманчиликда

турмуш кечирганлик ифодаси бўлган кийим элементлари ўрнини энди ўтроқ ҳаёт кечираётган маданий турмуш тарзи ўз аксини топган эди.

Шуни қайд этиш жоизки, ўша даврлар эркаклар костюмида ўтмишдан қолган кийимлар билан бирга икки томонлама қайтармали туркийлар кафтанлари кенг тарқалади.

Асрлар ўтиши билан халқ турмуши ҳам ўзгаради, VII аср охири–VIII аср бошларида Марказий Осиё халқлари костюмида ўзгаришлар юз беради, унинг бичими анча-мунча мураккаблашади. Танага ёпишиб туришига қулайлик яратадиган ўтказма енгли кийим пайдо бўлади. Кушонларга кийимларига хос туникасимон кўйлагининг таъсири кафтан ва ёпинчиклар беагида яққол сезилади. Ёпинчикларда турли матолардан қилинган жияклар – хошияли кийимлар дунёга келади. Энди либослар этаклари ва ёқаларининг безаклари ўзгаради.

Кийимлар узунлиги эса энди тиззадан пастга тушиб туради. Туникасимон бичимга ҳам ўзгариш киритилади: енглари елкадан сал қуйроққа ўрнатилади ва елка чокларига безак учун мўлжалланган матодан жияк қўйилади.

Ўша даврда эркакларнинг ҳам, аёлларнинг ҳам костюмларида тақинчоқлар муҳим аҳамият касб этган. Тақинчоқлар эгасининг жамиятда тутган ўрнини намойиш қилган. Аёллар сингари эркаклар ҳам исирға ва қўлларига билагузук, оёқларига ҳам шунга мос тақинчоқлар, маржонлар, кўкрак осилчоқлари ва камарлар таққанлар.

Илк ўрта аср костюми ҳақида фикримизга хулоса ясарканмиз, бир нарсани назардан қочирмаслигимиз жоиз. Илк ўрта асрларда (V–VII асрлар) кишилар костюмлари биргина Марказий Осиё эмас, балки бутун Буюк ипак йўлида жойлашган халқлар, эл-элатларнинг этник ва ижтимоий-сиёсий тарихи билан чамбарчас боғлиқ равишда тадрижий равишда ривожланиб борган.

Назорат учун саволлар ва топшириқлар

1. Илк ўрта асрликдаги Ўрта Осиёда қандай динлар мавжуд бўлган?
2. Илк ўрта асрликдаги ўрта Осиёда қандай динлар костюм шаклланишига таъсир этган?
3. Илк ўрта асрликдаги Ўрта Осиё эркаклар кийимини шакли ва кўриниши қандай эди?
4. Илк ўрта асрликда Ўрта Осиё эркаклар либосига таъриф беринг.
5. Илк ўрта асрликда Ўрта Осиё да кийимларида қандай ранг ва матолар қўлланилган?
6. Илк ўрта асрликда Ўрта Осиё аёллари устки кийими нима?
7. Илк ўрта асрликда Ўрта Осиё костюмида қўлланган безаклар тури ҳақида гапириб беринг.
8. Илк ўрта асрликда Ўрта Осиё аёллари либосига таъриф беринг.

Мустақил иш топшириқлари

1. Антик давр ва Илк ўрта аср Ўрта Осиё эркаклар ва аёллар кийим бичимларини таҳлил қилинг. Кийим бичимларидан нусха кўчиринг.
2. Антик давр ва Илк ўрта аср Ўрта Осиё эркак ва аёллар либоси намуналарини, мато ва безак орнаментларини таҳлил қилинг.

КЕЧ ЎРТА АСР ЎРТА ОСИЁ КОСТЮМИ

Биз юқорида қайд қилиб ўтганимиздай, VII аср бошларида⁸ араблар Марказий Осиёга ислом динини олиб кирадилар. Араблар истилосидан кейин бу ерда (IX – XII) феодализм янада мустаҳкамланиб боради. Қорахонийлар сулоласи шу даврда Шарқий Туркистон ва Еттисувда қудратли давлат бунёд этиб, раванқ топади (X аср). Бу даврда аجدодларимиз яшаган ерларга сомонийлар ҳукмронлик қиларди. Қорахонийлар сулоласининг таъсири

⁸ Ҳасанбоева Г.К, Чурсина В.А. Костюм тарихи. Т., “Ўзбекистон” нашриёти, 250-бет.

сомонийлар кўл остидаги минтақаларга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Бу даврда қорахонийлар бошчилик қилаётган мамлакатда, яъни Хоразм ва Тошкент воҳаси, Фарғона ва Сўғдиёнада яшаётган туркий ва туркийлашган халқ ўтроқ ва ярим ўтроқ тарзда ҳаёт кечирарди.

X аср ўртасига келиб, феодал хўжаликлари тобора ривожланади, чўл-сахрода яшайдиган кипчоқлар, Волга бўйи ҳамда бошқа мамлакатлар билан савдо-сотик ишлари йўлга қўйилади. Бу даврда фан ва маданият ҳам тараккий этади. XI – XII асрлар Марказий Осиёда бу борада катта ишлар қилинади. Аجدодларимизнинг фан ва маданият бобида яратган оламшумул ютуқлари жаҳон тамаддунига муносиб дур бўлиб қўйилади. Бухоро, Пойкент, Афросиёб, Варахша, Ахсикентда ўтказилган археологик қазилмалар материалларидан бу ҳақда маълумот олишимиз мумкин. Ҳозирги илм-техника ривожланган XXI асримизга қадар сақланган ажойиб меъморий обидалар, мадрасалар ва макбаралар фикримизга ёрқин далил бўла олади. Бухородоги Исмоил Сомоний макбараси, Туркистондаги Яҳмад Яссавий макбараси шулар жумласидандир.

Марказий Осиё халқининг ўрта асрлардаги кийимлари ҳақида машҳур сайёҳлар Марко Поло, Гильом Рубрик, Клавихо, Вамбери хотираларида батафсил ёритилади. Ўрта Осиёда шайбонийхонлар ҳукмронлигидан сўнг халқ кийимларининг асосий турлари сақланиб қолади. Бухоро, Самарқанд, Шаҳрисабз каби ўлканинг йирик шаҳарларида ҳунармандчилик ривожланади. Бу, албатта, халқ костюмида акс этмай қолмайди.

Биз олдинги бобда Шарқ миниатюра санъати ҳақида гапирдик. Айнан кеч ўрта асрларда миниатюра санъати гуллаб-яшнади. Миниатюра санъатининг энг ёрқин вакили Камолиддин Беҳзоддан авлодларга бой мерос қолди. Миниатюра санъатининг моҳир усталари Муҳаммад Чағри, Муассин Абдуллолар асарларида шу даврдаги халқнинг турли табақа вакиллари кийимлари бизга ўша замон ҳақида ажойиб маълумот беради. Миниатюрада тасвирланган костюмлар ҳақида фикр юритганда, рангларнинг шартлилигига эътиборни қаратиш керак. Миниатюраларда тасвир этилишича, матоларнинг ранги аслида бошқача бўлиши ҳам мумкин. Рангларни танлашда рассомнинг ўзлиги, унинг рангларни

танлаши акс этади. Ўрта Осиё халқи костюмида сидирға оқ, зангори, бинафша, кулранг ва жигарранглар устувор бўлган. Бу даврда нақшин матолар кам ишлатилган, йўл-йўл матолар асосан Ҳиндистон ва Эрондан келтирилган.

Кеч ўрта асрлар, XVII–XVIII асрларда анъанавий бичимдаги либослар билан бир каторда Бухоро, Самарканд, Хива каби катта шаҳарларга хос кийимлар ҳам урф бўлади.

Орадан бир аср ўтиб, чор Россияси Туркистонни истило қилади. XIX аср асрнинг иккинчи ярми охирлаб боради. Бу даврда ўлкада ишлаб чиқариш имкон қадар ишга тушади, енгил саноат йўлга қўйилади. Ўлкада фабрикалар ишга тушади, турли газламалар ишлаб чиқаришни бошлайди. Энди анъанавий кийимлар янги элементлар билан тўлдирила бошланади. Яхлит бичимли, кенг узун, кишининг коматини яшириб, тўкилиб турувчи кўйлақлар ўрнига кўкракбурма–кокеткали кўйлақлар урф бўлади. Қисқа қилиб айтганда, тарихан бу даврда кечаётган воқеа-ходисалар, илм-техниканинг ривожланиб бориши Ўрта Осиё халқи кийиниш маданиятига ўз таъсирини ўтказмай қолмайди.

Эркаклар костюми. Кеч ўрта асрларда эркаклар костюми *устки* ва *ички*, *елка* ва *бел* кийимларидан ташкил топган.

Эркакларнинг устки елка кийимларига ҳар хил чопон ва чакмонлар кирган. Ўша даврда олди очик чопон – тўн жуда оммабоп эди. Чопоннинг бичими бир хилда, туникасимон бичилар, у фақат деталлари, безаклари, матоси ва кийиш усулида фарқланарди. Аксарият олди очик кийимларга тугма қадалмас, улар калта ва енглари узун, баъзан эса енгсиз тикиларди. Чопон туникасимон бичилса-да, орқа бўлаги орқасида ёқа ўмизидан белигача виточка қилинган, шу туфайли у танага ёпишиб турган. Киши кийганда эркин ҳаракат қилиши учун ён чоклари пастида кесик қилинган. Бундай чопонлар қайтарма, тик ёқали ёки ёқасиз бўлган. Чопон ёқалари ва қайтармалари бошқа рангдаги матолардан ўрнатилган. Бой, зодагонлар тўнлари ёқасига мўйна қўйилган. Ёқалар асосан трапеция шаклида бичилган. Тўн ёқалари аксарият қора рангли матодан қилинган. XVI асрда Бухорода зарбоф тўн ёқаларига кашта тикилган. Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтиш жоиз: чопон – тўнни жамиятнинг юқори табақа

кишилари кийган. Улар кийган тўн ўзининг қимматбаҳо, серҳашамлиги билан авом халқниқидан фарқ қилган.

Одатда чопонлар ялангқават қилинмаган, астарли қилинган. Чопон орасига пахта солиб, қавилган. Чопон астари матоси ва ранги сирти – аврасидан фарқ қилган. Чопоннинг бошқа бир тури ҳам бор, у ҳам бўлса, астари мўйнадан, шол ёқаси мўйнали ва енги жуда узун бўлган. Бу чопон *фараджи* деб аталган. Бу чопоннинг узун енгидан қўлни чиқариб туриш учун чеккасидан кесик қилинган.


Аксарият чопонларга изма қилинган, баъзан эса тугма қадалган ёки боғичдан фойдаланилган. Тугмали чопонларни ўзига тўқ кишилар кийганлар. XIX асрга келиб, чопонларга тугма кадаш урфдан чиққан.

Зодагонлар тўнлари, олди очик либосларига нақшин кашта тикилган. Кашта одатда либоснинг елка, олд ва орқа томонида тикилган. Либосга кашта тикилиши мўғуллардан ўтган, деган фикрлар ҳам мавжуд. Аслида мўғуллар ушбу элементларни хитой либосидан олганлар. Ўша даврга хос яна бир жиҳат: асилзодалар тўнлари сидирға матодан тикилганлиги сабабли уларга кашта тикилиши шарт ҳисобланган.


Тўн, чопон эни, бўйи билан эгасининг жамиятда тутган ўрнини, шунингдек, унинг касбини билдириб турган. Масалан, амалдорлар тўни унчалик узун бўлмаган; деҳқонлар, косиб-хунарымандлар енгининг узунлиги билаккача тушиб турган, бўйи тиззагача келадиган чопонларни кийганлар. Одатда бундай узун енгли чопонларга белбоғ боғланмаган. Иш пайти ва дафн маъракаларида албатта чопонларга белбоғ боғланган.

Эркаклар чопонининг яна бир тури – калта енгли чопон *коба* бўлиб, унинг бир неча тури учраган. Коба чопони енгининг узунлиги билак ўртасигача келган, этаги эса кенгая борган, унинг чеккаларига мағиз қилинган.

XV асрда шу хил чопоннинг икки ёнида кесик қилинган, баъзан орқасида ҳам кесиги бўлган.



3.2.-расм



3.3-расм

Узун енгли *жомо* ёки *фараджиг*га нисбатан *коба* калтароқ бичилган. Бундай чопонлар трапециясимон қайтарма ёқали ва олди қайтармали қилиб тикилган. Бу даврда истилочи мўғуллар орқали кириб келган енгсиз ва елкаси

кенг чопонлар ҳам кийилган. Яна бир чопон, олди очик кийим тури – *жубба* бўлиб, у асимметрик равишда тугмаланган. Жуббани аксарият жамиятнинг юқори табақасидагилар кийган. Жуббанинг узунлиги ҳам ҳар хил бўлиб, эътиборга сазовор яна бир жиҳат борки, Марказий Осиёда яшайдиган халқлар кийинишида ҳам фарқ бўлган. Масалан, туркийлар либоси ўнгдан чапга, мўғулларники эса – чапдан ўнгга ўралган. Ундан кейин жуббанинг узунлиги эгасининг жамиятдаги мавқеини билдириб турган. Уни енгларининг узунлиги кафт ёки билак ўртасигача келган. Жубба асосан сидирға матодан тикилган.

Шарқ миниатюраларида олди очик либослар билан биргаликда олди берк либос кийган одамлар ҳам тасвирланган. Шуниси борки, Ўрта Осиёда ўрта асрларда, жумладан, XV–XVIII асрларда олди берк либослар олди очикларига нисбатан камроқ учраган. Олди берк либослар астарли қилиб тикилган. Олд ва орқа бўлақларининг ўртаси ва ёнларида кесиклари бўлган.

Эркаклар устки кийимлари остидан турли кўйлақлар кийган. Бу кўйлақлар устма-уст, бирданига иккитаси кийилган. Эркаклар ички кўйлаги – *пироҳан* деб аталиб, у юпка оқ матодан тикилган. Пироҳан устидан кийиладиган кўйлақ эса *пешвоз* деб аталиб, у аксарият зангори, кўк ва яшил ва жигарранг матолардан тайёрланган. Кўйлақ енги кенг ва узун қилинган. Ёқа ўмизи тор ва чуқур ўйилган, у чўзиқ ёки ёпиқ қилиниб, то қорингача вертикал тарзда кесиги ҳам бўлган. Ёқа ўмизининг зийи қавилган, у баъзан тугмаланган. Устки кўйлақ бўйи тиззагача тушган, ички кўйлақ эса ундан узунроқ бўлган, тиззагача, болдир ўртасигача ёки тўпиққача тушган.

Миниатюраларда тасвирланишича, *эркаклари иштонлари* иккита алоҳида-алоҳида пойча ва оғдан иборат бўлган. Иштоннинг тепаси кенг бўлиб, пастга томон торайиб борган. Иштон белидан попукли тасма билан боғлаб қўйилган. Аксарият иштонлар сидирға оқ, кўк ва жигарранг, баъзан йўл-йўл чизиқчилари ҳам бўлган. Туркийлардан кириб келган иштонлар шалворсимон кенг бичилиб, бунинг учун қизил, тўқ сариқ ва тўқ қизил рангли мато танланган.

Эркаклар костюмига кирадиган яна бир *сонбоғич* – *фўта* ҳам бор. Биз фўтани XV–XVI асрда ишланган миниатюраларда кўришимиз мумкин. Фўта

бўксага айланасига ўралган ва ингичка белбоғ билан боғлаб қўйилган. Унинг ранги одатда зангори, кўк ва яшил рангда бўлган. Сонбоғич кенг, тўғри тўртбурчак чўзиқ матодан қилинган.

XV аср охирига бориб, бел кийимининг яна бир тури пайдо бўлади. Бу “*белдамчи*”га ўхшаб кетган. Бел кийими олди очик юбкага ўхшаш бўлиб, у қалин матодан қилинган. Белдамчини сарой аъёнлари овга чиққанларида кийган.

Эркаклар костюмига яна қўшимча қисмлар ҳам борки, улардан бири *тайласондир*. Тайласон қадимдан қолган, анъанавий костюмни ўзида акс эттиради. У елкага ташланиб, учлари кўкракда боғлаб қўйилади. Дин ахли, тайласонни сўфи-имомлар бош кийим устига ташлаб қўядилар.

Эркаклар костюмидаги яна бир жиҳат – устки кийим белбоғ билан боғлаб қўйилган. Белбоғ учун турли матолардан фойдаланилган Баъзан фўта белбоғ ўрнида ишлатилган. Бой кишилар камарининг тўқаси қимматбаҳо тошлар билан безатилган. Бу даврда Марказий Осиё эркаклари костюмидаги зарур деталь – ўнг ёки чап белбоққа қистириб қўйиладиган энсиз *қўл рўмолчаси* эди.

Эркаклар *бош кийимлари* ҳақида сўзлайдиган бўлсак, унинг хиллари кўп бўлган. Бу ҳақда маълумот олиш учун биз яна миниатюраларга мурожаат қиламиз. Ўша даврда шакли ҳар хил *телпакли* одамлар тасвирини миниатюраларда кўришимиз мумкин. Телпакни жамиятни бари табақаларига мансуб кишилар кийган. Телпак астарли қилиб, қавилган. Унинг гардиши қайтарма ва кесимли қилинган. Телпак сирти бошқа мато, астари эса ундан ўзга рангдаги матодан қилинган. Ҳиндистон халқидан фарқли равишда, Марказий Осиёда телпакка салла ўралмаган ва боғичсиз кийилган.


Бу даврда кигиз, наमतдан ишланган телпак – *қалпоқлар* ҳам оммабоп эди. Аксарият бундай қалпоқларни косиблар, овчилар ва тоғли туманларда яшовчи аҳоли кийган. Анъанага кўра, қалпоқларнинг шакли думалоқ бўлиб, кейинчалик туркийлар қалпоғи таъсирида конуссимон қилинган. Қалпоқ оқ ёки гул босилган кигиздан тикилган. Мўғуллар ўлкани босиб олгач, кўчманчи боёнлар

орасида қалпоқ кенг тарқалади. Шаҳарда бундай қалпоқлар кам кийилган. Бойлар бош қийимининг гардишларига кашта тикилган.

Шунингдек, Ўрта Осиёда чеккаларига мўйна қўйилган ёки мўйнанинг ўзидан тикилган қалпоқлар ҳам бўлган. Баъзан матодан тикилган қалпоқлар мўйна билан қопланган.

Эркаклар бош қийимининг асосий турларидан яна бири *салла* ҳисобланади. Одатда саллани дин аҳллари, уламолар, жамиятнинг нуфузли табақаси ўраган. Анъанага кўра, салла аксарият расмий маросимларда ўралган. Ўрта осиеликлар салласи ўртача катталиқда бўлган. Гарчанд салла ўраш усуллари бир неча хил бўлса-да, унча мураккаб бўлмаган. Дин ва илм аҳли салланинг бир учини ияк остидан ўтказиб олган. Бойлар салласи махсус *эгрет* билан безалган. Зодагонлар ўрайдиган салла – оқ; дин ва илм аҳли, шоиру шуаро, зангори ва яшил рангда бўлган; жисмоний меҳнат билан шуғулланадиган кишилар салласи ёрқин тусда бўлган. Одатда салла учун сидирға ёки йўл-йўл мато танланган.

Бу давр эркаклар оёқ қийимлари, пойабзалларига *этиклар* ва *кавушлар* кирган.



3.4-расм

Аёллар костюми. Миниатюраларнинг далолат беришича, бу давр аёллар либоси эркакларникига ўхшаш бўлган. Аёллар костюмининг турлари, уларнинг номланиши, тузилиши, бичими, безаклари ҳам эркакларникига ўхшаб кетган.

Аёллар ички кийими *курта* бўлиб, у туникасимон бичилган, узун енгли, оқ рангда бўлган. Ички кўйлакнинг ёқа ўмизи горизонтал ёки вертикалига чуқур ўйилган. Кўйлакнинг орқа ва ёнларига чок урилган. Ички кўйлак устидан бошқа рангдаги кўйлак кийилган. Бу кўйлак худди эркакларникига ўхшаб, *пирохан* деб аталган. Пирохан узун ёки енгли калта бўлиб, ички кўйлактан кўра калтароқ (тиззагача тушган) бўлган ва белга ёпишиб турган.

Ички *бел кийими* иштон бўлиб, у *эзор* деб аталган. Эзорнинг узунлиги тўпиккача тушиб турган, баъзида этик ёки маҳси кўнжига тикиб қўйилган.

Бу даврга хос аёлларнинг устки кийими *жома, коба, фараджи, мурсак, ёпинчиқ* ва *калтача*дан ташкил топган. Аёллар кўйлаклар устидан олди очик коба кийганлар. Кобанинг енглари узун, баъзан калта (тирсаккача) қилинган.

Чопоннинг бир тури бўлган жома совуқ об-ҳавода қўл келган. Серҳашам фараджи чопони ипак ёки кимхобдан тикилиб, узун, жуда узун енгли (этаккача) қилинган. У кишилиқ кийими бўлиб, тўй-ҳашам, тантаналарда кийилган.

Аёллар кийими эркакларникига нисбатан танага ёпишиб туриши (ён ва ўрта чоклари билан) кийимлар турлари ва заргарлик буюмлари билан фарқланган. Либослар сони ва кийим учун танланган матолар аёлнинг қайси табақага мансублигини билдирган.

Яна бир кийим тури борки, бу эркаклар костюмида учрамайди. Бу ҳам бўлса, аёлларнинг устки кийими, чопони – *мурсак* дир. Бу чопон *мунисак* деб ҳам аталган. Мурсакнинг олд ёқа ўмизи чуқур ўйилган; қўлтиғининг ости, ёнлари сербурма қилинган, енглари кенг қилиб, туникасимон бичилган.

Аёлларнинг эркакларникидан фарқ қиладиган яна бир кийим турига *ёпинчиқ* ва *паранжилар* киради.

Аёллар кўчага чиққанларида ёпинчиқ ёпинганлар. Ёпинчиқ кенг, тўғри тўртбурчак матодан қилинган ва у аёл қоматини яшириб турган. Ёпинчиқ бош ёки елкага ташланган, учлари эса қўл билан ушланган. Ёпинчиқ ёпинганда юз



очиқ қолади. Агар аёл истаса юзу кўзларини беркитиб олади. Бундай ёпинчиклар ўша давр миниатюраларида акс этади. XVII асрнинг иккинчи ярмига келиб, миниатюраларда *паранжи* тасвири учрайди. Бу аслида юқорида таърифланган фараджи чопони бўлиб, паранжи ундан баъзи бир деталлари билан фарқ қилади. Паранжида узунлиги кўкраккача тушадиган, от қилидан тўқилган “*чашмбанд*” тўри бўлган. Чашмбанд билан аёл юзи беркитилган.

Аёллар кийимларида улар яшаган жой колорити, урф-одатлар акс этиб туради. Ўрта Осиёнинг бошқа вилоятларидан кўра Бухоро либослари ёрқинлиги, серхашамлиги билан фарқ қиларди. Самарқанд либослари эса оддийроқ эди. Аёллари кийимлари жуда узун бўлиб, оёкни беркитиб турган. Коба ва чопонлар сидирға матодан бичилиб, уларга зардўзи кашта тикилган.

Ўрта асрлар ўрталарида аёллар костюми янада бойиди. Яна либосларга зардўзи кашта тикила бошланди (либоснинг орқаси, кўкрак ва елкаларига тикилган). Бу даврда ўлкада Эрон билан алоқалар яхшиланади. Бу эса Бухоро костюмида яққол кўзга ташланади. Сефевидлар модаси бу минтақага ҳам кириб келади. Ички коба ва кўйлақлар шу модага кўра чуқур олд ёқа ўмизи юқорисида битта катта тугма билан тугмаланадиган бўлди. Энди кўйлақлар узунлиги болдиргача қисқарди ва пойчаси торайиб бориб, йўл-йўл иштон кўриниб турди.

XVI аср бошларида Самарқандда Ҳирот чопонларига ўхшаш чопон кийила бошланади. Бу чопонлар аслида мўйна билан қопланган фараджи эди. Шу асрнинг 40-йилларида гавдага ёпишиб турадиган, бўйи тўпиккача тушиб турган, мўъжазгина кичкина қайтарма ёқали коба ва чопонлар кийилган. Кўйлақларнинг олд ёқа ўмизи чуқур учбурчак бўлиб, белидан бир оз бурма қилинган. Ички кўйлақ йирик билан тугмаланган.

Кекса аёллар либоси ёш аёлларникидан кийимлар сонидан фарқ қилган. Кекса аёллар аксарият калта (билаккача), кенг енгли, учбурчак ёқа ўмизли кўйлақлар кийганлар. Қариялар либосидаги яна бир фарқ – устки кийимнинг бели боғланиши эди.



3.5-рaсм.

Мотамдор аёллар қора ва тўқранг, олди йиртиқ чопон кийганлар. Шу ўринда бир нарсага эътиборни қаратиш лозим: мотамдорлар белбоғ боғламаган.

Аёллар бош кийимлари – *рўмол*, чеккаларига мўйна қўйилган *дўпписимон қалпоқ*, *пешонабанд* ва ҳоказолардан ташкил топган. Одатда пешонабанд рўмолни ўриб ёки юпка оппоқ тасмадан қилинган. Бухорода пешонабандга кашта тикилган ёки ҳар хил қимматбаҳо тошлар билан безак берилган. Пешонабанд устидан рўмол ўралган.

Ўша даврлар хотин-қизлар юрган-турганларида ҳалақит қилмаслиги учун рўмол остидан *сочпопук* – *кулюта ёки чочкап* такканлар. Сочпопук ҳозир ҳам баъзи қозоқ ва қирғиз аёллари ўртасида сақланиб қолган. Кекса аёллар қозоқ аёллариникига ўхшаш бош кийими – *киймишек* ёпинганлар. Шох саройида малика, хон авлодига мансуб хонимлар *тож* такканлар.

Бухоролик аёллар XVI асрда зар рўмол устидан тиллақош такканлар. Умуман, ўша даврда ўлкада аёллар сочларини ўраб юрган, қизлар эса сочларини ўриб, учларига *сочпопук* таккан ёки *пилик* қилган.

Шарқ аёлларининг заргарлик буюмлари ҳақида миниатюраларда тасвирлар кам учрайди. Бизгача қолган ёзма манбаларнинг далолат беришича, ўша давр заргарлик буюмларига: *зебигардон*, *тумор*, *узук*, *билагузук*, *булоқилар* кирган.

Аёллар оёқ кийимлари, пойабзаллари ҳақида гап кетганда, яна миниатюраларга мурожаат қиламиз. Миниатюралардаги тасвирларга қарасак, ёш жувонлар ва қизлар этик – *маҳси*, ним этик – *ним чакме* ҳамда баланд қўнжли этик – *чакме* ва чарм туфли *кавуш* кийганларини кўрамиз. Бухоро аёлларининг этиклари қўнжиги кашта тикилган. Аёллар пойабзали аксарият қора, баъзан оқ ва сариқ рангда бўлган.

Назорат учун саволлар ва топшириқлар

1. Кеч Ўрта асрликка мансуб Ўрта Осиё кийимларини қандай манбаадан ўрганиш мумкин?
2. Кеч ўрта асрлик кийими тўғрисида қайердан маълумот олинади?
3. Кеч ўрта асрлик Ўрта Осиё эркаклар елка костюми нима бўлган?

4. Ўрта Осиё кеч ўрта асрлар костюмидаги елка каштаси қайси халқ кийимидан олинган?
5. Турк костюми таъсирида Ўрта Осиё Илк ўрта асрлик костюмида нима ўзгарди?
6. Кеч ўрта асрлик эркаклар ва аёллар кийимлари қандай фарқланади?
7. Ўрта Осиё кеч ўрта асрда аёллар либосига тавсиф беринг.
8. Шахсинг ижтимоий табақаси ва мутахассислиги костюмда қандай ифодаланарди?
9. Кеч ўрта асрда Ўрта Осиё асосий бош кийим кийим таъриф беринг.

Мустақил иш топшириқлари

3. Кеч ўрта аср Ўрта Осиё эркаклар ва аёллар кийим бичимларини таҳлил қилинг. Кийим бичимларидан нусха кўчиринг.
4. Кеч ўрта аср Ўрта Осиё эркак ва аёллар либоси намуналарини, мато ва безак орнаментларини таҳлил қилинг.

ҚОЗОҚ КОСТЮМИ

Қозоқ халқ санъати тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Бу ҳақда Қозоғистон Республикаси ҳудудидан топилган биринж асрига оид тарихий обидалар ҳам гувоҳлик беради. Геометрик тасвирлар туширилган сопол идишлар, суякдан ясалган буюмлар, биринж ва тилла тақинчоқлар бунга мисолдир.

Фанда қозоқ халқ санъати милодгача Қозоғистон ҳудудида яшаган сак, усун, хунн каби элатлар санъати билан генетик жиҳатдан боғлиқлик бор, деган тахминлар юради. Мазкур элатларнинг яшаш тарзи ва хўжалик юритишлари қозоқларникига жуда ўхшаш ва яқин бўлган. Улар ҳам кўчманчиликда ҳаёт кечирган, чорвадорлик билан шуғулланган. Сак, усун ва хуннлар ҳам отнинг калла суяги ва туёқларини муқаддас деб билиб, тумор сифатида кўрган. Масалан, саклар зўр, учқур от туёғини белларига осиб юрган ва бу бахт келтиради, жангда

ҳам омон асрайди, деб эътиқод қилган. Шунингдек, кийик, оққуш ва ҳўкиз ҳам кўпгина туркий уруғлар ва хуннларнинг туморлари ҳисобланган. Уларнинг талқинларига кўра, қадимда ҳўкиз – куч ва ҳукмронлик маъносини англатган. Кийик – бахт ва тўкин-сочинлик рамзи саналган. Шу кунларгача қозоқлар ва қирғизларда кийикка сажда қилиш аломатлари сақланиб қолган. Туркий халқларнинг аجدодлари томонидан қолдирилган чизгиларда қўчқор ва кийик шохлари муҳим элемент ҳисобланади.

Лочин – оила тинчлик-хотиржамлигини сақловчи қуш. Хуннлар лочинга ана шундай қараб, унга эътиқод қўйганлар. Ҳамон қозоқлар лочинни ўлдирмайдилар. Ҳамон улар бу қушни ўлдириш мумкин эмас, деб ҳисоблайдилар. Халқда лочин – оилага бахт келтирувчи муқаддас қуш сифатида талқин қилинади

Қозоқ халқ нақшлари (орнаменти). Қозоқ халқ санъати тарихига разм соладиган бўлсак, қадим замонларда орнамент – чизги бирор диний маънони англатганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Масалан, биринж ва кумушдан ясалган туморларда туркий элатлар сажда қиладиган қуёш, ой, осмон тасвирланган.

Нақш чекилган, орнамент туширилган тумор бахт ва даромад рамзи, диний ақидалар белгиси ҳисобланган. Қўчқор шохи – *қошқар муйиз* (қўчқор мугуз); кийик шохи – *буғу муйиз* (буғу мугуз); от калласи – *ат бас* каби шундай маънодаги рамзлар қозоқ халқи яратган чизгилар асосини ташкил этади.

Устки кийимларга юлдузсимон расм – *жулдиз гул, жулдиз урнек, топ жулдиз* каби расмлар билан кашта тикилган. Тўққизта тепалик–*тоғиз тобе* энг қадимий чизгилардан бири ҳисобланади. Сақланиб қолган удумларга кўра асосан қозоқлар то XVI асргача одамлар ва ҳайвонлар тасвирини яратган, деб айтиш мумкин.

Либослар учун танланадиган матолар ранги ва нақшлар графикаси бири-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Ранглар контраст усулда ҳам танланган (оқ ва қора). Ҳар бир ранг эса ўз маъносига эга бўлган:

- хаворанг – осмон рамзи;

- қизил – олов рамзи;
- оқ – ҳақиқат, бахт, хурсандчилик рамзи;
- сарик – ақл-идрок рамзи;
- қора – ер рамзи;
- яшил – баҳор рамзи.

Қадимий қозоқ анъанавий либослари. Кўп асрлар давомида қозоқ либосларининг матолари ўзгарди, бичимларга ўзгаришлар киритилди, кийим безаклари пайдо бўлди. Табақалар орасидаги фарқ асосан кишилар кийган кийимларида яққол кўзга ташланган. Айтиш мумкинки, бу фарқ айниқса мато тури ва тайёрланиш сифатида билинган.

Ғарбий Қозоғистонда байрамларда кийиладиган аёллар ва қисман эркаклар кийимлари қимматбаҳо духоба, ипак-шоҳи матолардан тикилган, кумуш тантачалар билан безалган. Кўйлақлар зарли иплар билан кашта қилиб тикилган, бош кийимларга эса кумуш қимматбаҳо тошлар қадалган, товус патлари қистирилаган ва маржонлар терилган.

Ушбу безаклар жамиятнинг юқори қатлами ҳисобланган хон, султон, бий, бойлари кийимларига тааллуқли. Оддий халқ аксарият қўлда тўқилган жундан *шекпен* (чакмон), бўз, ҳайвонлар терисидан кийим тикиб кийган. Теридан камар, пойабзал тикилган, турли ашёлар, жумладан, эгар-жабдуқлар тайёрланган.

Эркаклар костюми. Эркакларнинг ички кийими кўйлақ ва иштон, елкага ташланадиган устки кийим ҳамда шалвордан иборат бўлган. Шалворлар асосан этикнинг қўнжига тикиб қўйилган.

Қозоқлар XVIII асрнинг охирлари-XIX аср бошларида эгниларига *жсейде*, *жсегде*, *жселде* каби кийимларнинг ҳаммасини бир пайтда устма-уст кийган.

Одатда кўйлақнинг ён қисмига енгнинг тагидан пастга қараб кенгайиб кетган ҳиштак солинган. Ҳиштакнинг тепа қисми учбурчак шаклида бўлиб, бу *қўлтиқша*, деб аталган. Кўйлақлар асосан пахта толасидан олинган, асосан сидирға, оқ рангли, баъзан гул босилган ипли газламалардан тикилган. Кўйлақ

асосан қандай турда эканлиги, ёқа бичимларида фарқ қилган. Жейде олд томондан икки-учта тасмачалар билан боғланган.

Устма-уст кийиладиган бундай кўйлақлар аксар Ўрта Осиё халқлари – қирғиз, ўзбек, тожик, уйғурларда урф бўлган. Кўп халқларда бу кўйлақ енгилгина бўлиб, бичими жихатидан бир-биридан фарқ қилмаган. Ўзбеклар ва тожиклар бу кўйлақ *яхтак* ёки *актаи* деб атаган. Жанубда яшайдиган қирғизларда *жесде* деб аталган.

Аксарият козок уруғлари орасида, асосан, шарқий ва жануби-шарқий Қозоғистон аҳолиси орасида *жесде* номи сақланиб қолган ва янги русумдаги кўйлақлар ҳам шундай атала бошланган. Қозоғистоннинг кўп туманларида эса у кўйлақ деб юритилади (*1-расм*).

XIX аср охирларига келиб, қайтарма ёқали кўйлақлар асосан шарқий ва қисман жанубий Қозоғистонда, Мангишлокда урф бўлади. Республиканинг бошқа вилоятларида эса бундай кўйлақлар фақат тикёқа сифатида тикилган.

Кўйлақнинг кўкрак қисми қирқимининг ички тарафига чок бериб, қайтариб тикилган ва унинг икки тарафидан худди шу матодан бостириб тикилиб, ёқа олди боғичлар билан чатиб қўйилган. Кейинчалик XIX аср охири ва XX аср бўсағасида кўйлақнинг қирқими планка билан қопланади ва тугма учун изма очилади.

Дамбал – эркакларнинг ички иштони ҳисобланган. Эркакларнинг ички ва устки иштонлари бир-биридан унча фарқ қилмаган. Иштонлар қадам ташлашга қулай бўлиши учун кенг қилиб, бел қисмида ҳам катта бичилган ва белбоққа тикилган кенг узун боғич – тасма ёрдамида белга тортиб маҳкамланган.

Қишда қўй терисидан мўйнаси ички тарафга ўгириб тикилган иштон - *тери шалбар* (тери шалвор) ё бўлмаса, пахта ёки жун солиб қавилган шалвор кийилган.

Бойлар эса ипак билан кашта тикилган, нақш чекилган, қизил ёки сариқ рангли, махсус ишлов берилган, яъни ошланган майин, бахмалсимон чармдан тикилган иштон кийган. Иштонларнинг ён қисмида кесиклари бўлган, бу

иштонлар этик ичига тикилмаган. Баъзан иштонлар балоғи нақш чекилган тесма, кимхоб ёки қимматбаҳо мўйна билан безатилган.

Устки иштонлар Семиречье, марказий ва шарқий Қозоғистонда **сим** (шим) деб аталган ва ёзги ва қишки турларга бўлинган. XIX асрда ёзги устки иштонлар ошланган, майин, бахмалсимон тери, яъни чарм, қалин қоғозли ва жун матолардан тикилган.

Сим туркий халқларнинг жуда кенг тарқалган иштонларидан бўлиб, у ҳозирги вақтгача Семиречье, марказий ва шарқий Қозоғистон халқлари орасида (корақалпоқчасига *сым*, қирғизчасига - *шым*, ўзбек ва уйғурларда - **шим**, уйғур ва чувашларда - *йем*) ҳамон урфдан чиккан эмас.

XIX асрда туркий халқлар орасида жуда кенг тарқалган ички иштонлар *дамбал*, *тамбал* ёки *иштон*, устки иштонлар эса *шалбар* деб аталган. Кўйлақ устидан эркаклар енгил, олди очик, тугма тақиладиган, гавда қоматига мослаб бичилган, этак томони хиёл кенгайган – **кемзал** (камзул) кийган. У тикилишига қараб, енгли камзул – **жеңді кемзал**, енгсиз камзул – **жеңсіз кемзал** ва калта енгли камзул – **шолақ жең кемзал** турларига бўлинган.



3.6-расм. Эркаклар чопонининг бичими.

Камзул астарли қилиб тикилган. Совуқ тушганда камзул астари жун матодан қалин қилиб, авраси билан бирга қавилган. Қишда эса камзул астари мўйнали қилинган.

Қозоқлар йилнинг қайси фасли бўлишидан қатъий назар, устки кийим – **шапан** (чопон) кийган. Чопонлар ҳар хил, юпка ва қалин, ранглари ҳам турли матолардан, кўпинча астари жунли матодан тикилган. Ошланган майин, бахмалсимон тери, чарм чопонлар ҳам бўлган (3.6- расм).

Эркакларнинг устки кийимлари: мўйнадан икки қават қилиб тикилган чакмон – **шекпен**; плаш-ёпинчиқ – **кебенек**; кигиз ёпинчиқлар, аврасиз пўстин – **тон** (тўн), мўйнали пўстин – **ишӣк** ҳисобланган. Устки кийим турлари, узунлиги ва эни, юпка ва қалинлиги билан фарқ қилган. Айримлари, кигиз ёки мўйнали қилиб тикилган (3.7-расм).



3.7-расм. Эркакларнинг устки кийимлари: 1) мўйнали пўстин(**ишӣк**); 2) аврасиз пўст ин (**тон**); 3) чакмон (**шекпен**); 4) чопон (**шапан**.)

Эркаклар либосига қўшимча деталь сифатида чарм камар тақилган. Камар тилла, кумуш ва мисдан нақшчекиб, безак берилган.

Аксарият катта ёшли кишилар бош кийим кийган. Улар сочларини қириб, кичкина қалпоқча – дўппи, унинг устидан бошқа бош кийимларни кийганлар. Дўппиларнинг - **такья ва кепеш** каби турлари ҳам бўлган. Ёзда дўппи ва бошқа бош кийимлар ўрнига бошга **орамал** – кичик оқ рўмол боғланган. Ёшларнинг рўмолларига кашта тикилган. Дўппи бахмал, мовут, ипак, сидирға ва йўл-йўл матолардан тайёрланган.

Ёзги енгил **қалпақ**; кигиз қалпоқ ва чеккаси мўйнали бош кийимлар; қишки **тымак**, махсус бичимли, мўйнали телпак козоқларнинг устки бош кийимлари саналган.



Тымак (тумоқ) орқаси уч бўлакдан иборат, пешона қисми бўртиб чиккан, орқа тарафидаги бўлаги каттароқ бўлиб, бўйин ва елкаларни ёпиб турган (3.8 - расм).

3.8-расм. Эркаклар бош кийими – **тымак**.

Эркаклар бош кийимига чит астарли, қора мовутдан тикилган **жалбагай** ҳам киради. **Жалбагай** қаттиқ бўрон турган вақтларда **тымак** (тумоқ) устидан кийилган, Тўрғай ва марказий Қозоғистон ҳудудларида қор ва ёмғирдан ҳимоя қилувчи восита сифатида кенг тарқалган. Ўлчами кичикроқ, шунга ўхшаш бошқа бир бош кийими **далбай**, деб аталади. Далбай Қозоғистоннинг жанубий қисмида кенг тарқалган бўлиб, у эркакларнинг ёзги бош кийими ҳисобланади.

Хукмдорлар, султонларнинг бош кийимлари конуссимон узун қалпоқ шаклида бўлиб, хошияси кенг ва қайрилиб турган. Қалпоқ оч пушти ёки



қизилранг кимхоб билан қопланиб, хошиясига яшил рангли зар иплар билан кашта тикилган. Ё бўлмаса, қалпоқ кумушранг парча билан қопланади ва дўппи устидан кийилган (3.9-расм).

3.9.-расм. Эркаклар бош кийими.

Қозоқ эркаклари оёқларига юмшоқ пошнасиз маҳси – *маси* ичкаридан ташқарига чиққан кавуш - *кебіс* кийган.

Эркаклар пойабзалидан яна бири – *киіз етік* (кигиз этик) ҳисобланади. Эркакларнинг кишки этиклари - *сантама етік*, *дау етік*, *байнақ етік* бўлиб, улар бир-биридан баландлиги ва эни, қўнжининг кенглиги билан фарқланган. Этиклар атайин шундай кенг тикилган, чунки қишда этиклар кигиз пайпоқлар билан кийилган.


Аёллар костюми. Қадимда қозоқ аёллари *иш көйлек* (ички кўйлак) – ич кийимини кийган. Ич кўйлак узун, кенг, енгсиз бўлади, елкаси энсиз, ёқа ўмизи кенг ўйилади. Олди қирқимли, боғич билан боғлаб қўйилади, кўйлак узунлиги тиззагача келади, енгил, оқ матодан тикилади (3.10-расм).

Аёллар ички кўйлак устидан *көйлек* (кўйлак) кийган. Кўйлакнинг олди ёпиқ, ёқали, олд қисмида қирқими бўлган, бўйнига боғич боғлаб қўйилган. Кейинчалик боғичлар ўрнини тугмачалар эгаллайди. Ич кўйлакка планка қўйилади, енглари кенг ва узун қилинади. XIX аср ўрталарида кўйлак ёқалари ётиқ бўлган. XX аср охирига бориб эса, тик ёқалар урф бўлади. Бойвучча аёллар кўйлаклари ипак, атлас, бахмал ва парчадан тикилади. Ёш жувон- қизлар

кўйлаklarининг кўкрак қисми, этаги, енг учларига кашта тикилади, тесма ва турли безакли чоклар билан безатилади (3.10 - расм).

Кундалик кийим учун пахталик матолар танланган. XVIII аср охири-XIX аср бошларида қизил ва кўк рангдаги матолар урф бўлади. Ёшлар айниқса қизил рангни ёқтирган. Ёши ўттиздан ошган аёлларга қизил рангли ёки қизил ранг бўлган гулдор матолардан кўйлак киймаган.

Қизларнинг кўкрак олди очилиб қолмаслиги учун тана махсус кўкракпеч – *алқа ониришэ* билан тўсилган. Баъзан кўйлак ёқасининг ички тарафидан худди ўша матодан махсус “тил” кўйлакнинг юқори қисмига чатиб қўйилган ва у кўкрак қисмини яшириш учун хизмат қилган. Турмушга чиккан жувонлар эса кўкрак қисмини *кимешек* ёпиб, бекитган.



3.10-расм. Аёллар кўйлагининг бичими: 1) қизлар кўйлаги (*кўйлек*); 2) ички кўйлак (*иш кўйлек*); 3-7) аёллар кўйлаги (*кўйлек*).

Аёллар кўйлак устидан – **кемзал** (камзул) кийган. Камзуллар тикилишига қараб турлича аталган: енглиси **жэнди кемзал**, енгсизи **жэнгсиз кемзал**, калта енглиси **шолақ жэнг кемзал** деб аталган. Баъзи жойларда бу кийим **бешпент** аталган (Семиречьеда - **мешпет**).

Баъзан енгсиз кийим **кемзал**, енглиги эса **бешмет** деб аталган. Бундай камзулнинг бошқа номлари ҳам бўлиб, лекин улар кам тарқалган.

Камзуллар қалин пахталик қилиб, жун, кимхоб, ипак матолардан тикилган. Булар астарлик қилиниб, кўпинча орасига жун ёки пахта солиб қавилган. Йилнинг совуқ ойларида камзулларнинг авраси ва астари орасига қалин қилиб жун солинган ва авра билан астар бирга қавиб чиқилган. Қишки камзуллар ички тарафидан мўйнали қилиб ҳам тикилган.



	
Ўрта ёшли аёллар костюми	Ёши улуг аёллар костюми

Шарқий туманларда камзуллар ёпик ва тикёқа бўлган. Аёллар камзуллари қоматга мослаб тикилган, этак қисми эса пастга қараб кенгайиб кетган. XX аср бошларига келиб, аёллар камзуллари иккита алоҳида-алоҳида мато бўлагидан қумсоат шаклида бичилади. Камзул қанчалик қимматбаҳо матодан тикилса, унинг безаклари ҳам шунчалик қиммат турган. Узун камзуллардан ташқари ёш жувонлар узунлиги белгача ёки соннинг ўртасигача келадиган калта нимчалар кийиб юрган.

Дамбал ва *шалбар* иштон козок аёлларининг бел кийими ҳисобланади. Дамбал – иштони турфа ранглардаги чит матолардан тикилган. Бел қисми кенгрок бўлиб, кийилганда тизадан бир оз тушиб турган. Бичимига кўра бу иштон эркакларниқидан фарқ қилмаган.

Устки иштон – *шалбар* (шалвор) турмушда жуда асқотадиган зарур кийим саналган. Чунки қадимда козок аёллари от минган. Бундай иштонлар қоғозли қалин матолар ёки қўлбола мовут ва қўй терисидан тикилган. Бадавлат хонадон қизларнинг шалворлари кимхоб, ипак ва бошқа қимматбаҳо матолардан



3.11-расм. Аёллар бош кийими - *сәукеле*.

Сәукеле – келинларнинг энг қадимий баланд, бош кийими шундай аталади. Одатда саукеле тўйларда кийилган.

Тымак - кичик бош кийими ҳисобланади. Учи қиррали, баланд ушбу бош кийим тепа қисми билан ажралиб туради. Тумоқ кигиздан тикилади, устига яшил кимхоб қопланиб, зар уқа, жияк билан безатилади. Унинг учта, деярли бир хил попуғи бўлади (биттаси орқада ва икkitаси ён тарафда) ва тулки мўйнаси билан безатилади (3.12- расм).

Тақыя борик – аёллар бош кийимининг энг қадимий намуналаридан бири саналади. Ушбу бош кийим баланд, учли бичимдаги дўппи шаклида бўлиб, тўқ

тикилган, безаклар берилган. Қизлар бундай шалворларни от минганда кийиб юрган. XIX аср охирларига келиб, аёллар шалвор киймай қўйдилар. Қозоғистон жанубида қизлар турмушга чиқиш арафасида иштонлари почасини мўйна билан безатган, кашта чоклар тиккан.

Қизлар икки хил бош кийим кийган. Дўппи асосан қизларнинг бош кийими ҳисобланади. Бундай дўппининг кенг тарқалган номи – *тақыя*, Мангишлоқда *телпек*, шарқий Қозоғистонда – *кепеш*, деб аталган. Иккинчи бош кийим - *бөрік* бўлиб, унинг чеккалари мўйнали, иссиқ қалпоқдир.



қизил кимхоб ва мўйна билан безатилади. Бош кийимининг тепа қисми тесмалар билан безатилади, унга кумуш танга, мунчоқ қадалади, юқори қисмига пат, зар попуклар қистирилади. Орқа тарафига қора ипак билан мунчоқлар тикилади. Матоли тесмаларга маржонлар тақиб уланади, нақшинкор тақинчоқлар осилади ва қимматбаҳо тошлар қадалади (3.12-расм).

Одатга кўра, илк бор она бўлган ёш жувон биринчи фарзанди дунёга келгач, ували-жували аёлларнинг бош кийимини кияди. Вақтида ёши улуғ аёллар ҳам буни кийганлар.

3.12-расм. Аёллар бош кийими- **тақыя борик**.

Аёлларнинг ушбу бош кийими икки қисмдан иборат: ичкиси **кимешек** ва устки **салде** - салла у ичидагиси устидан ўралади. Бош кийимнинг икки қисми ҳам асосан оқ матодан қилинади.



Аёлларнинг бош кийими — кимешек бош, кўкрак, елка ва орқани ёпиб туради. Бу қалпоқ ёпинчиқ кўринишида бўлиб, юз учун тешик қолдирилади. Унга **ока жак** зар иплари билан кашта тикилади.

3.13-расм. Аёлларнинг бош кийими — **кимешек**.

Баъзан тўй-хашамларда кийиладиган **кимешек**лар маржон, мунчок, кумуш тангалар билан безатилади. Кимешек шакли, уни кийган аёллар яшайдиган ҳудудга қараб турлича бичимда бўлади. Нақш ва безаклари кимешек кийган аёлнинг ёшини, у мансуб табақани билдирган. Кимешек бош кийимини ёш келинлардан тортиб, кекса аёлларгача кийган (3.13 - расм).

Аёлларнинг заргарлик буюмлари ҳам хилма-хил: ранг-баранг ичсирға, тақинчоклар бўйин ва кўкрак устига, соч ва бошга тақилади.

Тақинчоклар, узук, билагузуклар шулар жумласидандир.

Қозоқ аёлларининг пойабзали эркакларникидан деярли фарқ қилмаган. XIX аср охири-XX аср бошларига келиб, қозоқ аёллари пойабзалларининг кўриниши ва шакли ўзгаради. Қиз-жувонларнинг кўпчилиги **етик** - этик кийганлар. Этик оиланинг бой -бадавлатига қараб танланган. Қиз-жувонлар кўпроқ баланд пошналар этикларни хуш кўрган. Ёши улуғ аёллар паст пошналар этик кийганлар. Улар аксарият **маси** ва **кебіс**ни (маҳси ва кавуш) маъқул кўрган. Кекса аёлларнинг асосий пойабзали **ичиги** ва калиш ҳисобланган.

Қозоқ костюмидаги атама сўзлар луғати.

Айшик- доира ёки ярим ой шаклидаги зираклар;

Ақиқ-сердолик;

Алакани-саукеленинг ён қисмидаги чизиклар;

Алка-кўкрак устки безаги;

Асил-қимматбаҳо тош;

Бакай-қўйлакнинг этак қисмидаги оборкалар;

Белдик-кумуш тақинчоклар билан безатилган камар;

Бешпен-бел қисми бичиб тикилган уст кийим;

Билезик-билагузук;

Бикасап-ярим ипакли мато;

Бойтумор-тумор осилган кўкракка тақиладиган тақинчок;

Бокебай-рўмол, эчки жунидан тўқилган шарф;

Борик-атрофига мўйна тикилган бош кийими;

Жага-ёқа;

Жак-кимешекнинг кашта билан безатилган уст кийими;

Жалбагай-башлик;

Жанкалта-ён чўнтак;

Жаргак-мўйнаси ташқарига қаратиб эчки ёки от терисидан тикилган уст кийим;

Жаулик- аёлларнинг бош кийими;

Жейде-эркаклар кўйлаги, ўтмишда устма-уст ташлаб кийиладиган, бўлган;

Желек-1.келиннинг бошига ташланадиган рўмол; 2. Шарқий Қозоғистон-ёлғондакам енгли ипакли халат;

Жен-енг;

Женсе-бошқа матодан билак устига қоплаш учун тикилган енг устки мосламаси (нарукавник);

Калта-чўнтак, белбоққа ўралган сумкача;

Кебенек-наматдан тикилган чопон;

Кебис-теридан тикилган ковуш;

Кепирдек бархат, ши бархар-вельвет, чийбухоба;

Кесте-кашта;

Кииз-намат, кигиз;

Кимешек-аёлларнинг бош кийими;

Кисе-1. Эркакларнинг камари; 2. Чўнтак; 3. Кумуш билан безатилган ва камарга боғлаб боғлаб қўйиладиган хамёнлар;

Колтикша-ямоқ (ластовица);

Килка-мўйнадан тикилган кийим;

Макпал-кимхоб, духоба;

Макта-пахта, момик;

Мауит-сукно;

Мешпет-бели кесиб бичилган камзул, уст кийим;

Онир-1. Кийимнинг бортлари, кийимнинг кўкрак устки қисми; 2. Аёллар кийимининг кўкрак устки қисмидаги тикиладиган лента, тасмалар;

Ониржиек-кўкрак устки кумуш безаги;
Онирше-кўкракпеш;
Сали-рўмол;
Салде-салла;
Саукели-келиннинг нигоҳ бош кийими, конус шаклида, қимматбаҳо тошлар билан ва турли нақшлар билан безатилган;
Такия-1.дўппи; 2. Қиз болаларнинг кишилиқ дўппилари;
Тана-кумуш ёки перламутрдан қилинган нақшкор тўғноғич;
Тобе-бош кийимларнинг тепа қисми;
Тимақ-малахай, эркақларнинг қишки бош кийими;
Шалбар-шалворлар, эркақлар шимлари;
Шапан-чопон;
Шапата ёки табанча - оёққа теридан тикилган тасмалар билан маҳкамланадиган пошна;

Назорат саволлари ва амалий топшириқлари:

1. Қозоқ халқ санъати, маданияти ва тарихи ҳақида нималарни биласиз?
Қозоқ халқининг урф-одатлари ва анъаналари ҳақида гапириб беринг.
2. Қозоқ эркақлар кўйлагининг бичими қандай бўлган?
3. Эркақлар либоси қандай кийим турларидан ташкил топган? Шулар ҳақида маълумот беринг.
4. Эркақлар устки кийим турлари, уларнинг бир-биридан фарқи ҳақида сўзлаб беринг.
5. Қозоқ эркақларининг бел кийим турлари, уларнинг бичими ҳақида нималарни биласиз?
6. Қозоқ эркақларининг бош кийимлари ҳақида маълумот беринг.
7. Қадимда қозоқ аёлларининг либоси қандай бўлган? Ҳар бир кийим турини изоҳлаб беринг.
8. Аёллар кўйлақларининг бичимида фарқ борми? Кийимнинг қайси қисмида тафовут бор?

9. Қозоқ аёллар ва қиз-жувонлар бош кийимларини тавсифлаб беринг.


Мустақил иш топшириқлари

1. Қозоқ эркак ва аёллар кўйлақларининг бичимини ўрганиб, улардан нусха кўчиринг.
2. Қозоқ эркак ва аёллар либоси намуналарини, мато ва безак орнаментларини таҳлил қилинг.

ҚИРҒИЗ КОСТЮМИ

Қадимда қирғизлар кўчманчиликда турмуш кечирган. Қирғизларнинг урф-одатлари ва анъаналари кўчманчи ҳаёт тарзида шаклланган. Ўтовлар кўчманчи бўлиб яшашда қўл келган. Бир жойга кўчиб ўтганда ўтов қуриш кўнгилга яқин тантана ҳиссини уйғотган. Ана шундан ўтов қуриш ва унга кўчиб ўтиш расми пайдо бўлган. Ўтовга кириб яшашгача бир неча маросим ва тантаналар ўтказилган (3.14-расм). Қадимда кўчманчи қавмларнинг урф-одатига кўра, эгасининг насл-насаби, нуфузидан келиб чиқиб, ўтовлар қурилган. Ўтовга кираверишдан чап томони **эр жак** – эркакларники ҳисобланган. Эркаклар чап томонга ўзларига хос ашёлар, яъни ов қуроли, от қамчинини осиб қўйган. Ўтовнинг кираверишдан ўнг томонини эса **энчи жак** – аёллар эгаллаган, демак, бу томон уларга тегишли саналган.

Ўнг томонда сандик, кийим-кечак, озиқ-овқат турган, ошхона бўлган. Одатда ўзига тўқ одамларнинг бир нечталаб катта ва кичик ўтовлари бўлган. Кичик ўтов **аишхана-уй** – ошхонадан иборат бўлиб, бу ерда идиш-товоқ ва озиқ-овқат сақланган. Яна вақтинчалик, омонат ўтов – **мейман-уй**, яъни меҳмонхона ҳам бўлган. Кейин бойнинг иккинчи ва учинчи хотинлари учун ҳам махсус ўтовлар барпо этилган. Янги турмуш қурган ўғилларга ҳам ўтов берилган. Жамиятдаги табақалар қатламига кўра, авом халқ ўтови бой одамларникидан ўтовининг безалишида фарқ қилган. Вақтлар ўтиб, қирғизлар ўтроқ ҳаёт кечири бошлади.



3.14-расм. Қирғиз халқи анъана, урф-одат ва тантаналари.

Аёлларнинг хилма-хил тақинчоқларини аёл тақинчоқларини кўздан кечирсак, унда учта асосий этник ва тарихий-маданий алоқалар йўналишини кўришимиз мумкин. Ушбу йўналишлар: шакли, ишланиш усули ва безалиши, яъни тақинчоқларга ўйилган чизги-орментлардир. Булар қозоқ ва ярим кўчманчи бўлган ўзбек халқида ҳам учрайди. Мазмунан бу тақинчоқларда Синьцзян уйғурлари ва мўғулларга хос чизги ифодалари ҳам ўрин олган. Демак, Марказий Осиё халқлари бир-бирлари билан маданий алоқадабўлган, яъни уларнинг маданият ва санъатида муштараклик бўлган, деб хулоса чиқариш мумкин. Бориб-бориб ўзбек ва тожик халқлари санъати ва маданиятида ҳам айна шу яқинликнинг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Қирғиз либоси орадан неча асрлар ўтибдики, ўз миллийлигини сақлаб келмоқда.

Эркаклар костюми. Кўйлак билан иштон – қирғиз эркакларининг ички кийими. Эркаклар кўйлаги кўпроқ туникани эслатади, узунлиги белдан пастга тушади ва енглари узун, қўл панжаларини ёпиб туради.

Кементай – кенг, астарсиз кигиз тўн. Яна кементай астари қавилган тўн ҳам бўлиши мумкин. Кементай тикилган матосига қараб, **пашайи тон** (пошшойи тўн), **кымкап тон** (кимхоб тўн), **зарбарак тон** (зар тўн) деб номланади. Кементай чўпонларни ёмғирли ва совуқ кунларда нам-совуқдан сақлаган. Қадимда ўзига тўқ, бадавлат қирғизлар сербезак, оқ рангли кементай кийган. Қишда кементай устидан қўй терисидан тикилган пўстин кийилган.

Эркакларнинг устки кийими **чепкен** ҳисобланади. Чепкен махсус ишланган мовутдан тикилган бўлиб, у бошқа кийимлар устидан кийилган. Совуқ тушганда чепкеннинг ўрни уни бошқа ҳеч қайси кийим билан босолмайди. Чунки чепкен шамол-тўзонга дош берган. Мовут чепкендан нам ўтмаган, бўкмаган, совуқдан ҳам, қуёш нуридан ҳам бир хилда ҳимоя қилган. Пишиқ -пухталиги учун ҳам у кундалик кийим сифатида кийилган. Туя жунидан тикилган бу устки кийим кўпроқ кўчалик, яъни кишилик бўлган. Чепкеннинг нархи жуда қиммат бўлгани учун уни бадавлат қирғизлар кийган. Ўзига тўқ кишилар туя жунидан тўкилган иштонлар ҳам кийган.

Эркакларнинг яна бир узун устки кийими – **чапан** (чопон), деб аталган. Кўчага чопонсиз чиқиш мумкин бўлмаган. Бу беодоблик саналган. Қадимда чопонлар ичига пахта, туя жуни солиб қавилган. Авраси бахмал, мовут чит-духоба, астари **мата** (мато) ёки читдан қилинган.

Чопонларнинг **найгут чапан**, **каптама чапан** деган бир неча турлари бўлган. Улар этник кўриниши жиҳатидан бир-биридан фарқ қилган.

Кенг, туникасимон тўғри бичимли, енгларига ҳиштак солинган чопон **найгут чапан**, деб аталади.

Енг ўмизи юмалоқ шаклдаги ўтказма енгли, тўғри бичимли, этагининг икки ён томони қирқимли, тор чопон **каптама чапан**, деб аталган. Каптама чопоннинг этаги ва енгига ипдан жияк тикилган.

Шалвор – **жаргашым** эркакларнинг бел кийими ҳисобланади. Ушбу шалвор жун, чит, баъзида ошланган майин, бахмалсимон чарм ва теридан ҳам тикилган.

Қирғиз эркакларининг бош кийимига тўхталганда, дастлаб қалпоқларни қайд этиш мумкин. Қалпоқларнинг бичими ҳар хил бўлган. **Калпак** (қалпоқ), ҳақли равишда, қадимий қирғиз бош кийимларидан бири саналади. Қалпоқ тўрт қийикли бўлиб, юқоридан пастга томон кенгайиб борган. Икки ёнининг уч қисми тикилмаган. Қуёш нуридан сақлаш учун уни юқорига қайириб қўйиш ёки пастга тушириш мумкин бўлган. Қалпоқнинг уч қисми шокила билан безатилган. Зодагонлар қалпоқларининг тепа қисми баланд бўлиб, чеккаларига қора бахмал тикиб, жило берилган. Оддий халқ қалпоқни сатин, болалар қалпоғини қизил бахмал ёки қизилранг мато қўйиб беаган.

XIII асрларда кигиз қалпоқлар Ўрта Осиё халқларининг бош кийимлари сафидан ўрин олди. Оқ кигиз қалпоқ қирғизларда энг кенг тарқалган бош кийим ҳисобланади.

Малахай – бош кийимнинг бир туридир. Ушбу бош кийим куракча тушиб турганлиги, орқаси узун, чаккаси ён қисмига уланиб кетганлиги билан қалпоқдан фарқ қилади. Малахай тулки мўйнаси, қўзи ёки буғу мўйнасидан тикилган, устига мато қопланган.

Қирғиз миллий эркаклар либосининг бир қисмини ташкил этадиган, кенг тарқалган қишки бош кийим – **тебетей** ҳисобланади. Тебетейнинг тепа қисми текис тўртта қийиқ бўлақдан иборат бўлиб, бахмал ёки мовут матосидан тикилган, унга тулки ёки сувсар мўйнаси билан безак берилган. Агар бирор киши хонликка қўтарилганда, яъни мавқеи ошганда бошига **қизил – тебетей** кийган. Қадимда қирғиз халқининг бир удуми бўлган. Бу удумга кўра, нуфузли боён хизмат важдан тегишли жойга ўз чопарини юборади. Чопари эса хўжайинининг тебетейини кийиб олади.

Эркаклар илгари таги қалин кигиз этик кийган. Қирғиз пойабзалининг яна бири тури – **ичиги** ҳисобланади. Ичиги юмшоқ, пошнаси чарм этик бўлиб, уни эркаклар ҳам, аёллар ҳам кийган. Этик устидан **кепич** – пошнали калиш кийилган.




3.15-рasm. Қирғиз эркак ва аёллар костюми.

Одатда кийимлар тайёрланиши ва мато сифатига қараб табақалар фарқланган. Қабила улуғлари, оқсоқоллар, мартабали кишилар – аёло сифатли қизил чарм пойабзал кийган, авом эса хом чармдан этик кийган.

Этикларнинг бир неча тури бўлган. Учи қайрилган – **чокой**; қўнжи калта, ғижим, хом чармдан **чарык**(чорик); юмшоқ, ошланмаган чармдан тикилган **пайчеки** шулар жумласидандир. Мўйнали, қўнжи қайрилган **маасы** (махси) қишки пойабзал ҳисобланган.

Аёллар костюми. Белдемчи – қирғиз аёлларининг анъанавий либосига киради. Аёллар кўйлаги узун, кенг, узун енгли, тик ёқали кўйлак бўлиб, ёрқин рангли матолардан тикилган. Қирғизлар яшаган жойига қараб, кўйлакларнинг ёқа шакли ва безагида фарқ қилган.

Тўқ рангли, танага ёпишиб турувчи, енгсиз камзул – **беишмант** кўйлак устидан кийилади..




3.16-расм. Қирғиз аёллар кийимларининг бичими.

Тантана ва байрамларда белдемчи қора, ялтироқ матолардан тикилган. Шоҳи, баъзан уйда тўқилган мовутга кашта билан безак берилган. Махсус чеварлар бу кашталарни тиккан. Белдемчи кенг белбоққа тикилади, унга кашта ва кумуш безаклар билан безак берилади. Унга мўйна ҳам қўйилиб, сернақш кашта тикилган. Белдемчи байрамларда миллий либос билан бирга тўй, меҳмондорчиликка борганда, уйда меҳмон кутганда, оилавий байрамларда тақилган. Кундалик тақиладиган белдемчига кашта тикилмаган. Белдемчи камзул, қўйлақ устидан белга боғланган (8.11-расм).

Ичик, кемсал – аёлларнинг устки кийимига киради, қишки пўстин деса ҳам бўлади.

Элечек – аёллар бош кийими бўлиб, тўлиқ қўриниши уч қисмдан ташкил топади: дўппи; унинг устидан тўғри тўртбурчак мато бўлагини ёпиб, у билан бўйин ва ияк яширилган; уларнинг устидан эса оқ матоли дастор ўралган.



8.11-расм . Аёллар бел кийими – *белдемчи*.

Оқ матодан ўралган салла кўринишидаги *элечек, элеки, коляк* аёллар бош кийимлари бўлиб, халқ орасида кенг тарқалган. Элечек неча марта ўралишига қараб безалган. Шимолда *элечекка* маржон тизилган, тангачалар тикилган ипак мато боғланган. Бойвучча жувонлар бошларига нақш чекилган, кумуш пластинкали *кумуш кыргак* кийганлар.

Қадимда тўй-маъракаларда кийиладиган бош кийими – *шокюло* турли маржонлар билан безалган. Жанубда элечекка *саймо кыргак* деган мато тикилган. Баъзан *элечекнинг* беаги ҳам бўлган. Қирғизистон жанубида

яшовчи қирғизларнинг қалпоқлари ҳам тўртбурчак ёки думалоқ шакли пластинкалар билан безатилган.

Аёллар ва қисман эркаларнинг миллий либосларида кашта алоҳида ўрин эгаллайди. Яна аёллар орқасига тақиб юрадиган **аркалық** машхурдир. Манбалардан маълум бўлишича, илгарилари **аркалық** босма баҳялар, тошлар билан безатилган. Қадимда бундай тақинчоқларни қизлар елкаларига тушиб турган, ўрилган сочларига тақиб юрганлар. XX асрнинг биринчи чорагидан бошлаб қирғиз қиз-жувонлари **аркалық** такмаганлар. Бошқирдлар **аркалығы** - йўл-йўл матодан тикилган бўлиб, унга тангалар қадаб чиқилган.

Қирғиз аёллари соч учларига осилчоқ осиб юрганлар. Шимолда яшайдиган қирғизларнинг қадимги шокилдалари: **чач уштук** ёки **чач мончоқ** (узунлиги 60см ва ундан ортиқ) бўлган, яна кумуш шокилда – **чолпу** урф бўлган. Чач мончоқ – соч мунчоғи учбурчак ёки фигурали пластинка шаклида, Исиккўл чолпулари эса катта-катта пластинкали, жимжимадор ёки силлиқ бўлган. Чолпулар юмалоқ, нақшин тангалардан иборат бўлиб, бундай шокилдалар - **зеер** деб аталган.

XIX аср охирида **чалпу** ўрнини маржонлардан ишланган **чач уштук** эгаллайди. Бу турдаги тақинчоқлар қозоқларда **шалти**, Қозон татарларида **чўлти** ва бошқирдларда **султы** деб юритилган.

Зирак-исирғалар - **иймек**, **қулол сойка** ўзининг турли хилда ишланиши, шакллариининг ҳар хиллиги билан ажралиб туради.

Қадимда шимолий қирғизлар орасида мураккаб шаклдаги кўкрак-осилчоқ тақинчоқлари тарқалган ва безакларининг ўзига хослиги билан ажралиб турган. Бу тақинчоқлар **сойко желбюрооч**, деб номланган. Унинг икки тури маълум: энг қадимгиси – сойко желбюрооч жуфт конуссимон шокилдалардан иборат; юқори қисми илгаксимон тақилмали бўлади.

Сойко желбюрооч – кундалик тақадиган тақинчоқ ҳисобланмайди. Сойко желбюроочни қиз-жувонлар тўй-ҳашам, байрамларда таққанлар. Бир неча маржон тизилган иплардан ташкил топган **шуру** бўйин тақинчоқларидан бири ҳисобланади.

Кўкрак тақинчоқларининг яна бир неча тури мавжуд: биринчисига қизлар тақинчоғи, маржонлардан тизилган кўкрак тақинчоғи - *ала ташак* киради. Кумушдан ишланган учбурчак ва тўртбурчак шаклдаги *бойтумор* ҳам шу жумладандир. Бойтумор ичида фақат тақинчоқлар эмас, балки "Қуръон" суралари ҳам сақланган. Бойтуморга орнамент-нақшлар чекилиб, безак берилган. Бу турдаги тақинчоқларни Ўрта Осиёнинг қозоқ, ўзбек, туркман, уйғур ва бошқа халқларида, хатто мўғулларда ҳам учратиш мумкин.

Билерек билагузуги эса маҳаллий усталар томонидан ишланиб, ҳозирги давргача аёллар тақинчоғи сифатида хизмат қилиб келмоқда. Қирғиз усталари яна *топчу* деган кумуш тугмаларни ҳам ясаганлар. Кумуш тугмалар қиз-жувон либосларида безак ўрнида қўлланилган. Қирғизларда *карга тырмак* номи билан машҳур уч япроқ мазмунидаги чизгилар урф бўлган.

Бошқа турдаги безакли тугмалар ҳам бўлиб, улар *туймэ, шууру, топчу* ёки *чок топчу*, деб аталади. Иссиқ кўлда бундай тугмалар икки хил кўринишда бўлган.

Ўшнинг жануби-шарқи ҳамда шимолий туманларда аёл либослари, айниқса устки кўйлақларининг кўкрак қисмига *онур* кашта тикилган.

Қирғизистон жанубида турмуш қурган аёллар қадимий бош кийимлари - *чач кеп* ёки *кеп такия* ҳисобланади. Кеп такия каштасининг нафислиги, нозиклиги билан катта бадий аҳамият касб этади.

Қалпоқ аксарият нафис, оқ рангли сурпдан тикилган Юқори қисмига оқ рангли салла (*элечек, элеки, каляк*) ўраб қўйилган. Кашта асосан кўринадиган жойларга: юз, орқа, елка, пешона қисмига тикилган.

Қирғизлар рўмоллари тожикларникига тикилиши жиҳатидан жуда яқин. Уларнинг номи ҳам бундан далолат бериб турибди. Масалан: *дурия*; тожикчаси: дуруя.

Аёллар пойабзали эркаларникига ўхшаб кетади. Аёллар пойабзали нақшин безак берилгани ва пошнаги эканлиги билан эркаларникидан фарқ қилган.

Назорат саволлари ва амалий топшириқлари

1. Эркаклар кўйлаги қайси қисми, яъни деталига қараб турлича номланган?
2. Қирғиз эркаклар либоси қандай кийим турларидан ташкил топган? Уларга таъриф беринг.
3. Эркаклар бош кийимлари ўзига хос бўлган. Улар нимадан тикилган ва қандай вазифани бажарганини тавсифлаб беринг.
4. Қадимда қирғиз аёлларининг кийими қандай кўринишга эга эди? Ҳозир бундай кийим турлари сақланиб қолганми?
5. Қирғиз аёлларининг бош кийимларини тавсифлаб беринг.
6. Эркакларнинг қандай кийим турлари бор?
7. Эркаклар устки кийимларига нималар киради?
8. Эркаклар бел кийими ҳақида нималарни биласиз?
9. Қирғиз эркакларининг бош кийимлари ўзига хос бўлган. Ушбу бош кийимлар нимадан тикилган ва қандай вазифани бажарганини тавсифлаб беринг.
10. Аёллар кўйлақларининг бичимида фарқ борми? Агар бўлса, қайси бўлақларида?

Мустақил иш топшириқлари

1. Қирғиз эркак ва аёллар кўйлақлари бичимидан нусха чизиб олинг.
2. Қирғиз эркак ва аёллар либоси намуналарини, мато ва безак орнаментларини таҳлил қилинг.

ТОЖИК КОСТЮМИ

Биз тожик миллий либосларини ўрганиш билан бирга Ўрта Осиё халқлари либосларининг бир-бирига муштарак томонлари, келиб чиқиши тарихи ва уларнинг фарқли жиҳатларини кўриб чиқамиз.

Тожик анъанавий миллий либоси XIX аср охири-XX аср бошларида аниқ кўринишга эга бўлди. Кийим эркин, кенг туникасимон бичимли бўлиб, инсон

қоматини яшириб турган. Эркаклар, аёллар ва болалар либоси шакли ва бичими жиҳатидан бир-бирига жуда яқин бўлган. Шунга қарамай, кийимлар учун ишлатилган матолар сифати, безаклилиги асосий аҳамиятга эга эди. Бунда бой ва ранг-баранг халқ амалий санъати сезилиб турарди.

Эркаклар костюми. Тожик кийимлари хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Уларнинг шалворлари узун ва кенг бўлган. Устки кийим сифатида кўйлак, куртка, чопон кийилган.

Эркакларнинг ички кийимига туникасимон кўйлак - *куртаи мардона, кифтаки* ёки *кўйлак киради*. Эзор ёки *иштон* бел кийими бўлиб, хизмат қилган.

Кўйлак олди горизонтал ва вертикал кесик бўлган. Кўйлак кесиги ҳоҳ горизонтал бўлсин, ҳоҳ вертикал бўлсин, кўйлак олдига тасма қўйилган. Кўйлаклар орасида олди кесилмаган яхтак-кўйлаклар ҳам кийилган. Булар *яхтак* ёки *желак*, дейилади. Бу кўйлак-халатлар, куртка, яхтак ёки куртка-желак бир-бирига ўхшаб кетади. Тожикистонда кўйлак устидан нимча— *воскат* кийилади. Кўйлак устидан халат, чопон, чакмон, бир неча халат кийилган. Халатлар уч хил тикилади. Бухорода кенг, узун, тик халатлар тикилган, уларнинг енглари узун, кенг ва тўғри бўлган, икки ёнида чўнтаги бўлган. Халат ярмига астарлик қўйилган, ярмига қўйилмаган. Қишки халатга пахта солиб қавилган, халат астарли ҳам бўлган.

Тожик эркаклар кийими яхтак ва жома халати бўлиб, уларнинг бир неча турлари мавжуд: енгил, астарли, иссиқ қавилган. Яхтак асосан ёрқин ва ранг-баранг матолардан бичилган бўлиб, халат бичими, киядиган одамнинг ёшидан қатъий назар, бир хилда тикилган. Кийим бутун мато парчасидан бичилгани учун олд ва орт бўлакнинг елка қисми чоксиз яхлит, бичилган. Енг ўмизининг қирқими бўлмаган. Унга узунасига пастга қараб торайиб кетган енг уланган, қўл енги (қўлтиқ) орасига ҳиштак солинган. Кийимнинг икки ёнини кенгайтириш учун *киритма* (кийик, улоқ , қўлфак) қўйилган (илгари матолар эни тор бўлган) ва этагининг икки ён томонидан вертикал қирқим қийилган. Борт четлари, этак қирқими ва енг учи қўлда тўқилган *зеҳи дасти* — энсиз тасма

билан ишлов берилган, кўкрак олди *камарча* боғичи билан безалган. Эркакларнинг кундалик халати асосан сатин ва читдан, катта-катта гулдор, нақшли ва кўк, яшил тусли мовут матосидан тикилган. XX аср бошларида камзул кийиш урф бўлди. Тоғликлар қишда қавилган пахталик халат устидан мўйнали пўстин ва уй шароитида тўқилган мовутдан чакмон кийган.

Энсиз узун газлама бўлаги *фўта* белбоғ сифатида хизмат қилган. Ёш йигитлар кашта тикилган қийикчалар – *миёнбанд*, бадавлат кишилар ва амалдорлар *камарбанд* – бахмалга зар иплар билан кашта ёки ироқи тикилган кенг белбоғ боғлаган.

Эркаклар бош кийими *тоқи* – дўппи ёки *қулоҳ* қалпоғи устидан салла ўралган. Асосий бош кийим дўппи ҳисобланиб, у - *тўппи*, *қалпоқ*, *каллапўш*, деб ҳар хил аталган. У оддий матодан тикилган. Шохига тилларанг, кумуш иплар билан кашта тикиб, безак берилади, четларига мағиз тикилади. Йигитлар безак бериб тикилган бундай дўппиларни тўйларда кийган. Эркакларнинг бош кийимига ёшига мос равишда ранг ва безак берилган. Катта ёшдаги эркаклар сипо, каштасиз бош кийим кийган. Помирда ҳозирги вақтларда ҳам қишда дўппи ўрнига қалпоқ, *пoxол* кийилади. Унинг шакли узун қалпоққа ўхшайди.

Бундан ташқари такводор кишилар, домла-имом, муллалар, қария баланд юмалоқ қалпоқ киярди. Қарияларнинг бош кийимлари шакли ҳар хиллиги, юмшоқ матолардан тайёрланганлиги билан фарқ қилган. Қариялар дўпписи устидан матодан салла, дастор ўралган.

Қиш фаслида аксарият туманларда дўппи устидан телпак кийилган. Думалоқ мўйнали қалпоқ икки хил бўлган. Бухорода ярим конусли мўйнали қалпоқ кийилган. Юқори қисми қоракўл терисидан тайёрланган. Қалпоқ учун кўпроқ кўзичоқ мўйнаси терисидан фойдаланилган. Докадан салла ўралган. Салла ўрашнинг ҳар хил усуллари бўлиб, ҳар бир вилоятнинг ўзига хос ўраш услуби бўлган.

Эркаклар ва аёллар пойабзали *махси* оммабоп ҳисобланган. Маҳси чарм *кавуш* билан бирга кийилган. Бу пойабзалнинг эчки терисидан тикилган *қайроқи* хили ҳам бўлган. Қишлоқларда турли пойабзаллар кийилган. Енгил

этиклардан ташқари баланд пошнаи этиклар ҳам кийилган. Қиш фасли тоғлик туманларда *кафши чубин* – тахтадан уч оёқли бошмоқлар кийилган. Терини ошлаб, тайёрланган юмшоқ этик XX асрнинг энг замонавий пойабзали саналган. Локланган теридан тикилган ушбу этик жуда кадрланган.

Аёллар костюми. Анъанавий тожик аёллари либоси тўпиккача тушадиган узун кўйлак бўлган. Бу кўйлак *курта*, деб аталган. Курта туникасимон бичилган, унинг ён-этак қисми ва энг учлари хиёл кенгайиб борган. Кўйлакка солинадиган квадратсимон шаклдаги кўлфак ёки хиштак бошқа рангли матодан қилинган. Кўлфакнинг ҳар хил рангда қилиниши замирида кўйлак эгаси бўлган жувон серфарзанд бўлсин, деган тилак ётади.

Қизлар кўйлаги ёқаси – *китфаки* горизонтал қирқимли бўлиб, унга олд ва орт ўнг ёқа ўмизининг ён қисмидан пастга қараб, катта бўлмаган қирқим берилади. Агарда кўйлак қир бўлиб қолса, орқасини олдига айлантириб кийиб олиниши учун шундай қирқим кўйилган. Тўйдан сўнг ёш келинчаклар аёлларнинг *пешкушо* ёки *пешяла* вертикал қирқимли кўйлагини кийган.

Қадимда тожик аёлларининг *куртаи мармар* ёки *куртаи пешмармар* кўйлаклари ҳам бўлган. Бу кўйлаklar нафис, оқ матодан тикилган бўлиб, енгил ҳарир кесея, биёр ёки ахобониғи матосидан тикилган. Кўкрак қисмини ёпиш учун *сийнапўшак* ёки *сийнабандак* тақилган. Сийнапўшак устига ироқисимон кашта тикилган. Аёллар кўйлак устидан куртача кийган. Куртачанинг узунлиғи белгача тушган, енглари кўйлакникига нисбатан калта бўлган. Албатта, оддий халқ бундай кийимларни кия олмаган. Бундай серҳашам либосларни бойвучча аёллар кийган.

Аёлларнинг кишилиқ ҳисобланган, тўй-ҳашамларда киядиган кийими уч қаватдан иборат бўлиб, ўзида уч хил кўйлакни намойиш этади. Ушбу кўйлаklar енгларининг узунлиғи ва эни ҳар хил бўлади. Енглари учи *моҳири кашта* усулида тикилган гуллар билан безалади. Безаклар бир-бирига ўхшамайдиган, бетакрор нақшлари билан эътиборни тортади. Бундай кўйлаklar безағи, матосининг ҳашами билан ажралиб туради. Ушбу кўйлакни кийган аёл, аввало, либос дабдабаси билан бирга ўз-ўзини ҳам кўз-кўз қилади.

Даврлар ўтади, вақт ўтиши билан бирга кийимлар ҳам ўзгаради. Энди бу кўйлакларни фақат келинчакларгина тўй-ҳашамларда кия бошлайди.

Чакион халати кўпроқ уй шароитида кийишга мўлжалланган. Бу халат уйда ҳам, кўчада ҳам кийилган. Чакионни кўпроқ катта ёшдаги аёллар белбоғсиз қишда кийган.

Аёллар кийимининг иккинчи асосий қисми шалвор бўлиб, у **пойжом**, **лозим**, **азор**, **тамбон**, деб аталади. Бундай лозим ва шалворнинг юқори қисмига резинка тасма қўйилади. Шалвор асосан икки хил матодан тикилади, пастки қисми кўйлак остидан кўриниб туради. Шунинг учун лозимнинг тиззадан паст қисми қимматбаҳо матодан, тиззадан юқори қисми эса майин, арзон матолардан тикилади. Лозим почасига матонинг ўзидан манжет қилинади. Ёки бўлмаса, лозим почасига бошқа матодан манжет қилинади ёки жияк қўйилади.

Тожиқ аёллари лозими почасига бир хил матодан безак берилади. Лозим эни ва узунлиги ҳар хил бўлади. Тоғли ҳудудларда яшайдиган аёллар узун, тўғри шалвор киядилар. Бундай иштонларнинг поча қисми торроқ бўлади.

Юқоридаги кийимлардан устидан пахтали узун халат, жома, чопон ҳам кийилган. Айрим воҳаларда узун ва калта камзул кийилган. Бундан ташқари, айрим тожиқлар камзул ва нимча астарлиги, яъни распошонкасини (ички кўйлак) кийган. Бу кийим енгсиз, ёқасиз, икки ёнида қирқими бўлади. Унинг номи **мунисак** ёки **халтача**, деб аталади. Аёллар кўчага чиққанларида паранжи ёпинган. Паранжи узун ва ёлғондакам енги бўлган. Аёллар паранжиси билан бирга юзни яшириш учун қалин ва тикка, тўрли чачвон ҳам тақилган ва у **чашмбанд**, деб аталган. Чашмбанд қора от ёлидан тўқилган. Чашмбанд баъзан мунчоқлар билан ҳам безалган.

Маълумки, мусулмон давлатларида паранжи ёпиниш шариат талаби ҳисобланиб, бу ёпинчиқ аёлнинг қадди-қоматини яширишга мўлжалланган.

Тоғли туманларда аёллар, жумладан, келинлар халатнинг ҳамма турлари, шунингдек, паранжи ёпинган. Бориб-бориб бу паранжилар ўрнига шоҳи рўмол – **дубанд** ёки чашмбанд тақилган. Бу келинни ёмон кўзлардан асраган.

Помирда устки кийим сифатида гиламнусха қилиб босилган распошонкали халат кийилган. Аёллар тўртбурчак рўмолни севиб ўраган. Бу уларнинг бош кийими ҳисобланган. Ҳар бир вилоятнинг ўзига хос рўмоли бўлган. Ёш жувонлар шарфга ўхшаш рўмол ўраган (3.12-расм). Бу рўмол узун бўлиб, чеккаларига нақшли кашта тикилган. Дўппи XX аср ўрталарида кийилган. Дўппи аёлларнинг кўчалик бош кийими саналган ва кейинчалик келинчакларнинг бош кийими бўлиб қолди.

Кекса ва ўрта ёшли аёллар **кулутанўшак** қалпоғини (3.12-расм), кичкина рўмол билан бирга ўраган. Тоғли туманларда кекса аёллар бундай қалпоқ устидан салла ўраган Тўғри тўртбурчак ёки узун мато бўлаги билан томоғи ва бўйинини ўраган ва унинг устидан яна битта катта рўмол ёпиб юрган. Қизлар юмшоқ матодан тикилган бундай дўппи устидан рўмол ўраган. XX асрга келиб, аста-секин салла ўраш, қалпоқ кийиш урфдан чиқа бошлади. Хўжакентда ҳозир ҳам асосий бош кийим асосини катта тўртбурчак рўмол ташкил этади. Бош ранги қора ёки тўқранг, эни 15-17 смли кичкина рўмол билан ўралади. Бу рўмолни ўраганда кўйлак бурмалари кўринмайди, гулли ва қора рўмол бир-бирига хоч шаклида боғланади. Одатда бундай бош кийимни аёллар ўғилларининг суннат тўйларида ўрайдилар. Бухорода бундай рўмоллар устидан узун дока ташлаб юрилади.

Бу бош кийимлардан ташқари, ёш жувонлар, асосан турмушга чиққан қизлар биринчи марта меҳмонга борганларида ҳар хил бош кийимлар киядилар. Бу **сарбандак** ёки **мандил**, тилла ва кумушрангда тикилган **пешонабанд**лардир. Бухорода **қоши тилло**, биллак, бармоқ, бошга тақадиган кумуш ва тилладан ясалган ҳар хил қимматбаҳо тошли тақинчоқлар тақилган. Тақинчоқлар аксарият кумуш ва тилладан ясалган.

Қадимда оддий дока ва кашта тикилган рўмол ўралган. Энг сеvimли бош кийим шоҳи матодан тайёрланган. Кашмири рўмол, камарут рўмол, шолрўмол. Шолрўмол тўйлар, ҳар хил тадбирларга ўралган.


Пойабзал – жуда хилма-хил бўлиб, кавуш, чарм этикшулар жумласидандир. Этикнинг қўнжи узун бўлиб, ичига шалворлар киргизилган.

Бадавлат одамлар сирти шоҳи иплардан тикиб безалган ироқи туфли кийган. Этик кўнжли бўлиб, оёққа пайтава ўралган. Пайтава юмшоқ пахмоқ матодан қилинган, пайпоқ билан ҳам кийилган. Тоғли туманларда, қишлоқларда кўпроқ чарм этик, туфли кийилган. Қишда калиш, *чўби*, кавуш кийилган. Помир ва Дарвоза минтакаларида иссиқ кунларда пошнаи *туфли пайзор - афғон туфли* кийилган. Афғон туфлиси чиройли кашталар билан безалган.

Қишда кўчага *чонус чорук* – юмшоқ этик кийилган, унинг ички қисми жундан тикилган.

Матолар. Аёллар асосан табиий пахтали ва шоҳи матолардан кийимлар кийган. Парча, кимхоб, кундал, бахмал-духоба, атлас, булардан ташкари, ярим ипак матоларнинг ҳар хил, ранг-баранг, йўл-йўл матолари ишлаб чиқилади.

Шу билан бирга Тожикистонда ипак мато, қаттиқ мато, канауса урф бўлади. Бу мато катта-катта йўлли, маркази бошқа ранг, чети бошқа рангли бўлган. Тожикистон шоҳи бахмали, катак-катак ва ҳар хил босилган, йўлли фасонда матолар ишлаб чиқарила бошланади. Рангли мато ҳам урф бўлади.



8.12-расм. Тоҷик аёлларининг бош кийимлари.

Аёлларнинг каштали кўйлаклари, яъни ҳар хил нақшли ипак матолардан тикилган кўйлаklar урфга киради. Кашта кўйлаklarнинг ҳаммасига, енги, этагига, асосан, мижознинг дидига мос равишда тикила бошланди. Лозимлар почасига ҳам кашта тикилади.

Назорат саволлари ва амалий топшириқлари

1. Тожик эркаклар либоси қандай кийим турларидан ташкил топган? Уларга таъриф беринг.
2. Тожик эркаклар устки кийимларига нималар киради?
3. Тожик эркаклар бош кийимлари ўзига хос. Улар нимадан тикилган ва қандай вазифани бажарганлигини тавсифлаб беринг.
4. Қадимда тожик аёлларининг кийими қандай кўринишга эга эди? Ҳозир бундай кийим турлари сақланиб қолганми? Шу ҳақда гапириб беринг.
5. Тожик аёлларининг бош кийимларини тавсифлаб беринг.
6. Либосларда қандай матолар қўлланилган?
7. Эркаклар ва аёллар қандай пойабзал кийишган?
8. Тожик аёлларининг бел кийимини тавсифлаб беринг.
9. Тожик аёллар устки кийимларига нималар киради?

Мустақил иш топшириқлари

1. Тожик эркак ва аёллар кўйлаклари бичимидан нусха кўчиринг.
2. Тожик эркак ва аёллар либоси намуналарини, мато ва безак орнаментларини таҳлил қилинг.

ТУРКМАН КОСТЮМИ

Туркман халқ либослари маданий, анъанавий меросга бой эканлиги билан ажралиб туради. Либосларда ўзига хос этнографик гуруҳ, қадимий уруғларнинг таъсири катта бўлган. Айниқса ана шу ўзига хослик аёллар либоси ва бош кийимларда сақланди. Қадимий уруғларнинг шаклланган, илдизи

мустаҳкам анъаналари узоқ даврларга бориб такалади. Аксарият уруғлар либосларининг ўзига хос хусусиятларини туркманларга кўшни бўлган давлатлар турмуши билан бевосита боғлиқлиги билан изоҳлаш мумкин.


Туркман либослари элементлари ва номланишига кўра Ўрта Осиёдаги бошқа ўзбек, қорақалпоқ, қozoқ ва тожик халқларига яқин. Айниқса, хивалик туркманлар либосларида ана шу жиҳат яққол кўзга ташланади. Қўшни яшаган миллатлар, халқлар бир-бирига боғлиқ ҳолда ривожланди. Аммо либослардаги айрим элементлар этнографик жиҳатдан келиб чиққанлигини инкор этиб бўлмайди.

Эркаклар костюми. Эркаклар ички кийимига кўйлак ва иштон киради. Эркаклар кўйлаги *койнэк* – туникасимон бичимли, ўртача узунликда (бўксадан пастрок), кенг, узун енгли, этак қисмининг икки ён томонида *яртмач* – қирқими бўлади.

XIX аср бошларида кўйлақлар ёқа ўмизига кўнгдаланг, яъни горизонтал ўйилган ва бир ёки икки томонидан тизимча билан боғланган. Бундай ёқали, *тегеелек* *яка* кўйлагини аксарият қариялар ва болалар кийган. Мазкур бу кўйлак тури ҳозиргача сақланиб қолган.

Бундан ташқари эркаклар кўйлаги ёқа ўмизига қараб турлича номланади: *сопы* *яка* *койнэк*, *курта-и-муллоча*, *ша* *яка* *койнэк*. Ёқалар номи ҳам ҳар хил: *эплеме* *яка*, *орис* *яка*, *голбы*, *чек* *яка*, *сопы* *яка*, *ша* *яка*. Туркман эркаклар кўйлақлари этаги эркин тушиб туради, белга белбоғ боғланмайди (3.13- расм).

Охирги юз йил ичида кўйлақлар бичими сезиларли даражада ўзгарди. Уларнинг алоҳида қисмлари ва рангига ўзгаришлар киртилди. XIX асрда кўйлақлар оқ ипли матодан тикилар эди. XX аср бошларида туркман (қариялардан ташқари) эркаклар кўйлақларида маълум ўзгаришлар бўлди. кўкрак қисми ўнг томонидан вертикал кесими - **чек** **яка** кўйилди. Туркманистон жанубида ёш йигитлар қизил ипакдан кўйлақлар кийган, уларнинг ёқаси қисми ва енг учларига (манжетларига) нозик қилиб кашта тикилган.



3.13-расм. Эркаклар кўйлагининг бичими.

Қариялар пахта толали ип матоли кўйлак устидан, совуқ тушган пайтлар ёки байрамларда **курта** кўйлагини кийган. Курта - ипак матодан бичилиб, астарли, пахтаси юпқа солиб қавилган, ёқаси горизонтал ўйилган кўйлак.

Кўйлак ва халатнинг асосий детали ҳиштак–**бе-гейик** ҳисобланади. Бе-гейик учбурчак шаклида қилинади.

Эркаklar бел кийими икки турда бўлган: ички – **балак** (балок), **дыздан иштан** (иштон) ва устки – **жалбар** (шалвор).

Туркман иштонлари – **балак**, дейилади. Балаklar катта кадам ташлаб, бемалол юришга мўлжалланган. Бунинг учун мато катта, яхлит қилиб бичилади. Унга боғич тақилади. Катта тикилган бу иштон тасма ёки боғич билан боғланади .


XVII-XIX асрларда эркаklar отда юрга. Отликка қулай бўлиши учун иштонлар кенг-мўл қилиб тикилган. Аксарият туркман уруғи эркаklари ок рангли иштон кийган. Факат ёш йигитларгина яшил ёки кўкранг иштон кийган. Қишда иссиқроқ матодан тўқроқ рангдаги кийим кийилган. Бадавлат кишилар **жалбари** қиммат матолардан тикилган. Оддий халқ эса арзон матолардан тикилган жалбар кийган ёки устки иштон киймаган.

Эркаklar устки кийими айрим хусусиятларига кўра икки хил: иссиқ ва енгил кийим бўлган. Иссиқ устки кийимга қуйидагилар киради: **дон** (тўн) – туркман эркаklарининг кенг тарқалган устки кийими саналади; қўй терисидан тикилган пўстин – **ичмек, постун**. Енгил устки кийим: астарли ва айрим турлари астарсиз - **пахтасиз дон** бўлган.

Туркманлар енгил устки халатлар устидан кўк, қора ва ҳаво рангли мовутдан тикилган **мавут дон** (мовут тўн) ҳам кийган.

Туникасимон бичимли **ектай** астарсиз, устки кийим – **чекмен** жуда кенг тарқалган. Плашга ўхшаш чекмен қўй ёки туя жунидан ишланган мовутдан тикилган. Кундалик кийиш учун мўлжалланган – **егин чекмен**, дағал мовутдан тикилган.

Ўрта Амударёнинг шимолий туманларида қишда йўл-йўл матодан, елкадан белгача бўлган қисмига авра-астар орасига пахта солиб қавилган – **ленке дон** кийилган. Кундалик пўстин – **дери ичмек** бўлиб, уни тикиш учун 6-7 та қўй териси кетган, тўй-ҳашамларда кийиладиган кишилик пўстин – **силкме ичмек** эса 10-11 та ҳали жуни олинмаган ёш кўзиларнинг жингалак терисидан тикилган. Қўй терисидан тикилган, эркаklar қишки кийими - **ичмек , постун** овулларда ҳозиргача кийилади.



3.14-расм. Эркаклар устки елка кийими.

Туркман устки кийимларининг ҳаммаси туникасимон бичимда бўлган. IX аср охирларида туникасимон бичимда бўлмаган, устки кийим— *гуппи-кемзор* кийилган. Бу камзул пахталик бўлган.

Қадимда халатлар бўйи ҳам, енглари ҳам узун бўлиб, кийганда енг қўл бармоқларигача тушиб турган. XIX аср охирларига келиб халатлар узунлиги қискарди ва шунга қараб, уларнинг енглари ҳам калта қилинди. Ушбу халатларнинг кўкрак қисмига тасмалар тикилган бўлиб, булар кийим олд қисмини боғлаш учун мўлжалланган.

Эрсарин туркманлари сидирға, кулранг халат кийган. Амударё тарафларда бухороча халатлар кийилган. Халатлар ёрқин тус берилган гуллар билан безатилган. Кундалик кийиш учун мўлжалланган халатлар *ектай* бир хил рангда бўлади.


Туркменистоннинг кўпгина туманлари, яъни шарқий ва жанубий томонларида — *гирмизидон* деб аталган, тўй-тантаналарда кийиладиган халатлар бўлган. Ушбу халатлар қизил ипак, қора ва оқ, йўл-йўл матодан тикилган. Аслзодалар қимматбаҳо матолар, яъни мовут ва бахмал гирмизидон халатлар кийган.

Эркаклар бош кийимлари ўзига хос қадимий хусусияти билан ажралиб туради. Ушбу бош кийимларда туркман халқи анъаналари сақланиб қолган. Туркман эркаклари ҳам аксарият Ўрта Осиё халқлари каби, бирданига устма-уст икки хил бош кийим: ички — майин дўппи, бир неча қават матодан тикилган, шакли ҳар хил ва турли шаклдаги устки — мўйнали телпак кийган. Эркакларнинг ички бош кийими думалоқ, конуссимон шаклда бўлган. Ҳар хил туркман элатлари яшаган жойига қараб, бош кийимлар ҳам турлича номланган: *тахя* ёки *тайха*, *борик*, *калпак* ва ҳ.к.

Эркаклар устки бош кийими мўйнали бўлиб, киши яшаётган жойи, бичими ва мўлжалланган ўрнига қараб ҳар хил номланган: *телпек*, *борик*, *човре*, *чулакчин* ва ҳ.к. Бош кийим ечилмаган. Йилнинг қайси фасли бўлишидан қатъий назар, мўйнали телпак қуёшнинг жазирама иссиғидан, қишнинг қаҳратон совуғидан асраган. Телпак учун қора, оқ, сарғиш рангли, қўй ва

корақул териси ишлатилган. Қора мўйнадан қишки, оқ мўйнадан эса ёзги телпак ва ёш йигитлар учун телпаклар тикилган. Уларнинг астарига улоқча мўйнаси ёки кигиз ишлатилган.

Туркменистоннинг айрим туманларида қариялар салла – *селле* ўраган, салла учун узунлиги 3-4 метрли, рангли ипли мато олинган. Оқ саллани аксарият дин пешволари, домла-имомлар ва такводор қариялар ўраган (3.14-расм).



3.14-расм. Эркаклар бош кийимлари (дўппи ва мўйнали телпаклар).

Туркман эркакларининг миллий оёқ кийими ҳар хиллиги билан диққатга сазовор. *Чокои* ва *чарык*, *ченек* ёки *елкен*, *эдик*, *кауш*, *меси* – ана шундай эркаклар пойабзали сирасига киради.

Чокои - ушбу пойабзал учи тепага қайрилган тумшукли бўлиб, бузоқ терисидан тикилади. *Ченек* - чўпонлар пойабзали ҳисобланади. Ўзига хос бу

сандалинг пошнаси чармдан ясаиб, жун боғич ёрдамида боғланади. Эркаклар кишу ёзда этик кийганлар. Аксарият бадавлат кишилар отда юришга қулай бўлгани учун этикни маъқул кўрган. Бундай этиклар баланд, ингичка пошналар бўлган. Айрим эркаклар ўзларига пошнасиз юмшоқ этик тиктириб олганлар.



Аёллар костюми. Қадимдан туркман аёллари ички кийим сифатида – **койнек** (кўйлак) кийган. **Койнек** – туникасимон бичимли, этагининг узунлиги тўпиккача тушадиган қилиб, эркаклар кўйлагига ўхшаш тикилган.

Аёллар кўйлагининг ҳаммасини бичими бир-бирига ўхшаш бўлиб, олд бўйин ўмизининг ўртасидан кўкраккача вертикал қирқим берилади. Кўйлаклар ёқали, баъзида ёқасиз ҳам бўлади. Туркман аёлларининг кундалик кўйлаклари уйда тўқилган **алажа** (олача) – майда пушти-сиёхранг катак- катак ипли газлама ёки ярим шоҳидан тикилади. Туркманистоннинг жануби-шарқий туманларида аёллар уйда тўқилган **мата** – ипли матодан, кўк-хаворанг кўйлаклар кийган. Туркманлар байрам ва тўй-ҳашамларда кийиш учун кўйлакларни маҳаллий ишлаб чиқарилган ҳар хил асл ипакдан тикканлар.

Гырмызы кетени – қизил рангли, пишиқ ва зич қилиб тўқилган ипак бошқа ипаклардан устун турган. Туркманларда қизил ранг рамзий маънони англатади. **Кетени** – матоси қадимий бўлиб, Мисрда ишлаб чиқарилган ва XVI асрда Ўрта Осиёга олиб келинган. Тўй-тантаналарда кийиш учун қизил кўйлак - **гырмызы кетени** койнек танланган. Бўйига етган қизлар сепида камида иккита-учта **гырмызы кетени** кўйлаги бўлиши шарт эди.

Аёллар кўйлакларининг ёқаси ва кўкраккача бўлган қирқимлари **жсехек**, деб аталган энсиз, қизил ва яшил рангли шоҳидан тасма қилиб тикилган. Кўйлакнинг олд қирқими – кўкрак қисмига **гуртыкин** ёки **пугтама** деб аталган ҳар хил, зич, сидирға майда геометрик нақшлар билан кашта тикилган. Қирқ ёшдан ошган аёллар кўйлагига кашта тикилмаган ва кумуш безаклар билан безатилмаган. Катта ёшли аёллар ёрқин рангли кўйлаклар ўрнига тодми, тўк рангли кийимларни кийган (8.15-расм).

Аёллар бел кийими – иштон бўлиб, гуруҳига қараб, у турлича номланади: **балак, дыздан, иштан** ва ҳ.к. **Балак** (балок) - эркак лар иштонлари ўхшаб кетади, лекин пастки қисми торайиб боради. Балак почасига ипак ёки жун тасма тикилади.

Туркман аёллари ҳамиша ҳам иссиқ, устки кийим киявермаган.

Улар зарурият туғилса, совук пайтлар, эркакларнинг иссиқ тўни ёки бир нечта енгил тўн, рўмолни устларига ташлаганлар. Аксарият бадавлат хонадон аёлларигина иссиқ устки кийим кийган. Шунга қарамай, аёллар устки кийимларининг бир қанча турлари мавжуд.


Ичмек – пўстин; аёллар ичмеги майда хайвонлар териси ёки тулки панжасидан тайёрланган. Ичмек эркаклар пўстинидан калтароқ қилиб, сиртига қизил рангли шоҳи ёки бахмал қолаб тикилган.

XIX аср ўрталарига келиб, Туркменистон ғарбида қиз-жувонлар пахта солиб қавилган иссиқ кийимнинг бошқа турини қия бошлаган. Бу кийим **курте**, деб аталган. Курте – олди ёпик, узун, туникасимон бичимда, ёнлари трапециясимон шаклда бўлади. Куртега баъзан хиштак солинмайди. Баъзан эса ромбсимон хиштак қўйилади. Курта этагининг ён томонларига қирқим берилади. Этаги ва ён қирқимларига занжир чокда рангли кашта тикиб безалади.


Енгил устки кийимлар бичими ва кўриниши жиҳатидан ҳар хил бўлган. Туркменистоннинг марказий, жанубий ва жануби-шарқий туманларида **дон**, **чабыт ва курте** каби енгил устки кийимлар – қизил ва сариқ рангдаги энсиз, йўл-йўл ёки сидирға ипакдан тикилган, астари яшил сатиндан, кейинчалик читдан қилинган.

XX аср бошларида Туркменистоннинг шимолий томонида **кемзор** кийилган. Кемзор тик ёқали, қирқма чўнтакли, астарли бўлган.



Одатда Тошовуз туркманлари кемзорни ёқасиз тиккан, кўкрак қисмига оқ ип билан хиёл безак берилган. Кемзор кундалик ва тўй- ҳашамларда кийилган. XX аср бошларигача **хивалидон** кийими кийилган. Тошовуз туркманлари тиззаларигача узунликдаги нимча кийган. Бундай нимча **колмак**, деб аталган. Қизлар дўппилари – **тахя**, **борик** ҳисобланади, учида кенг тарқалган асосий безак тақинчоғи – **купбааси** (кубба) бўлади. Тахянинг кубба шаклида юқорига чиқиб турган кичкина кумуш найчаси бўлиб, кумуш шокилдаси осилиб туради. Тахя кумуш тангачалар билан зич ва чиройли қилиб безатилади (3.16-расм).




8.15-расм. Аёллар кўйлагининг бичими.



8.15-расм. Аёллар устки елка кийими бичими.










3.16-расм. Туркман қизлари дўпписи.


XIX аср охири-XX аср бошларида дўппи кўриниши ва конуссимон шаклдаги баланд қалпоқлар урф бўлади. Ушбу бош кийими қизил мовут ёки ипакдан, астари ип газламасидан тикилади.

Кўпгина туркман уруғларида қизлар турмуш қургунларига қадар оддий, майин дўппига ўхшаш бош кийим кийган. Пешона тепасига – **синсиле** (*силсиле, сунсуле, сумсуле*) тақилган. Бу тақинчоқ жуда нафис, кумушдан ясалган заргарлик буюми бўлган. Синсилега ўхшаш пешонага тақиладиган тақинчоқларнинг **алыншаи, илгич**, каби майда осилчоқли безаклари ҳам бор. Бундан ташқари яна пешонабоғ тақинчоқлар **эурме (сорме), эгме, манлайык** – кумуш тақинчоқлар ҳам бўлган (3.17 - расм).

Эрсаринлик туркман аёллари синсиле тақинчоғини *богмак*, *богмач* бош кийимлари устидан тақиб юрганлар (3.18 - расм).



3. 17-расм



3.18-расм

Туркман аёлларининг тўй-ҳашамда киядиган асосий бош кийимлари - *ҳасаба* ёки *ҳаваса* баланд, қаттиқ каркасга қўйилган. Кундалик бош кийимлар юмшоқ асосда бўлиб, битта рўмолдан салла ўралган ва кумуш безакларсиз кийилган.

Тўй-ҳашамларда кийиладиган *ҳасаба* бош кийими эса аксарият тилла ва кумуш безаклар билан безалган. Аёллар бу бош кийимни тўнғич фарзандлари дунёга келгунча кийган (3.19-расм).

Туркменистоннинг жанубий қисмида аёллар халат-ёпинчикда юрган. Ҳозиргача сақланиб қолган *чырпы* кийими тўй-ҳашамларда астарли халат-ёпинчик бўлиб хизмат қилган. Бу кийим асосан сарик, яшил ёки оқ рангли ипакдан тикилган.



3.19-расм. Аёллар бош кийими.

Яқин-яқинларгача аёллар, қизлар либосини зеб-зийнатсиз таасаввур этиш қийин эди. Ҳаттоки кундалик турмушларида ҳам қиз-жувонлар зеб-зийнат тақиб юрганлар. Ушбу тақинчоклар бўйин ва кўкрак олдига, бош кийим ва кўйлак, устки халатлар устидан тақилган.

Айниқса, катта ва бойтегин, номут, сарик, эрсар уруғларига мансуб қиз-жувонлар кўпдан-кўп зеб-зийнат, тақинчоклар таққан. Бундай тақинчоклар

асосан тилла, кумуш, мислардан ясалган ва феруза - *пируза*, седалик – *ҳакык*, яшма, маржон тошлари билан безалган.

Қадимда туркман аёлларининг пойабзали кам бўлган. Бу ҳол уларнинг турмуш тарзи билан боғлиқдир. Илгарилари аёллар олдин кўпроқ уйда, рўзгор юмушлари билан банд бўлиб, овулдан ташқарига кам чиққан. Кўп тарқалган пойабзал тури *кауш* (кавуш) бўлиб, кенг, ёғоч пошнаלי ёки баланд, чарм пошнаלי бўлган. Бу пойабзал йилнинг совуқ фаслида пайпоқ билан кийилган. Кавуш билан юмшоқ (маҳси) *этик-меси* кийилган. Пошнализ ана шу этик эркакларникига ўхшаб кетади. Бундан ташқари яна аёллар қизил ёки жигарранг чармдан баланд пошнаלי, кўнжи безалган этик ҳам кийган.

Назорат саволлари ва топшириқлари

1. Туркман эркаклар кўйлаги қайси деталига қараб ҳар хил номланади?
2. Эркаклар кўйлагининг бичими қандай?
3. Эркаклар либоси қандай кийим турларидан ташкил топади? Уларга таъриф беринг.
4. Эркаклар бош кийимлари хусусиятлари, нимадан тикилганлиги ва қандай вазифани бажаришини тавсифлаб беринг.
5. Қадимда туркман аёлларининг кийими қандай кўринишга эга эди? Ҳозир бундай кийим турлари сақланиб қолганми?
6. Аёллар кўйлакларининг бичимида фарқ борми? Қайси қисмларида фарқ бор?
7. Туркман қиз-жувонлар бош кийимларини тавсифлаб беринг.
8. Туркман аёллари қандай пойабзал кийишган?

Мустақил иш топшириқлари

1. Туркман эркак ва аёллар кўйлакларининг бичимини нусха чизиб олинг.
2. Туркман эркак ва аёллар либоси намуналарини, мато ва безак орнаментларини таҳлил қилинг.

ЎЗБЕК КОСТЮМИ

Ҳамма даврларда ҳам либосга қараб инсоннинг қайси ижтимоий тоифага мансублигини билиш мумкин бўлган. Шунинг учун мазкур асарда халқимизнинг ҳар бир ижтимоий қатлами алоҳида берилди: бойларнинг — бой савдогар, шаҳарлик саноат корхона эгалари, маҳаллий буржуазия вакиллари кийимлари; хунарманд шаҳарликларнинг - шойи тўқувчи, этикдўз, заргарлар кийими; кишлоқ меҳнаткашлари — деҳқонлар, темирчилар, кулоллар, тўқувчилар кийими; маҳаллий зиёлилар — жадидлар, муллалар, дин ахдларидан: имом, суфи, дарвиш, қозикалонлар либоси каби.

Маълумки, ўзбек халқи ўзининг миллий маросимларида алоҳида кийинади. Никоҳ ёки хатна туйида келин-куёвлар либослари, тўй боланинг кийими, дафн маросимида мархумни ёдлаш даврида кийиладиган либослар. Яна либослар безакли, байрам, тантаналарда, кундалик кийиладиган, коржоме каби турларга бўлинади. Жинсига қараб: эркаклар, аёллар ва болалар ҳдмда ёшига қараб: ёшлар, ўрта ёшли ва кексалар кийимлари.

Эркакларнинг миллий либослари ҳам ички (ичдан кийиладиган) ва устки — елкага кийиладиган, белга боғланадиган турлардан иборатдир-Эркакларнинг ички либосига енгсиз мулла ёқа кўйлак, кўйлак-халат (яктак) ва иштон кийган. Устки либосга турли-туман хилдаги енгил, иссиқ (пахта солиб қавилган) чопонлар (тўнлар), мўйнадан тикилиб, газлама билан қопланган пўстинлар, чакмонлар, камзуллар, узун ёки қисқа нимчалар киради.

Устки кийимлар ичида энг кўп тарқалган ва ҳозиргача етиб келган либос - тўн-чопондир. Тўн тикилишига қараб авра тўн, астарли тўн, пахталик тўн, деб аталган. Тўн тикилган матосига кдраб ралами тўн, банорас тўн, беқасам тўн, кимхоб тўн, сурра тўн ва ҳоказо деб; кимга мўлжалланганлигига қараб эса бола тўн, куёв тўн, қуда тўн каби номлар билан аталган. Тўн-чопонлар устидан боғлаш учун белбоғлар, чорсилар, чарм, духоба камарлар ишлатилган.

Бош кийимлар дўппиларни, саллаларни, турли-туман телпакларни (куй мўйнасидан тикилган чугирмалар) уз ичига олган.

Пойабзаллар чармдан тикилган хилма-хил этиқ ма[^]си, чорик, кун ва ёгочдан ишланган кавуш ва зардўзи этиклардан иборат бўлган.

Аёлларнинг миллий либослари ички, устки ва кишилиқ кийимдан иборат бўлган. Ички кийим дейилганда, белидан юкриси, белидан куйи ёки фақат олд кдоми улама либослар ва лозим тушунилади. Устки кийимлар дейилганда — камзул, енгил халат (мурсак калтача), енгсиз нимчалар. Паранжи ҳам анъанавий аёллар устки кийими саналиб, ичидан қора от ёлидан ишланган чачвон тутилган.

Ўзбек аёлларининг бош кийимлари ҳам турличадир, масалан, рўмол, пешонабоғ, дўппилар бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига яраша матодан, ранг-баранг ип-ипаклардан тўкилган, тикилган.

Аёллар пойабзали — махси, кавуш, калиш кабилар кун ёки резинадан ишланган.

Зеб-зийнатлар ўзбек аёллари кийим-кечагининг таркибий-зарурий бўлаги саналади. Улар ўзининг гузаллиги, нафислиги, жозибалилиги билан хайратга солади. Булар: сочга такдладиган шокилалар маржон - мунчоқлар, попуқлар, тангалар, калама безаклар, гажимлар, залворли кумуш зийнатлар, икки чеккага ва қулоққа такиладиган пешонабанд, тиллақош. зулф, шокиладор зирақлар, исирга ва булоқлар. Бўйинга ва кўкракка такиладиган марваридлар, зебигардон, тумор ва бошқалар. Қўлга ва бармоқларга такиладиган билакузук узуклар, кийим устига такиладиган хилма-хил тугма, маржон, тумор. Бош кийимга такиладиган укпар, жига кабилар.

Ўзбек миллий кийимлари Республикамизда кам тадқққ қдлинганлиги ва ушбу мавзуга мусаввирлар, театршунослар, кино арбоблари, санъатшунослар, этнограф олимлар, халқ ижодий хаваскорлар гуруҳлари раҳбарлари ва умуман, кенг китобхонлар оммасининг бугунги кизикиши шу масалага бағишланган махсус асарни яратиш макрадга мувофиқ эканини кун тартибига қўйди.

Булардан ташқари. мустақил ўзбек давлатининг миллий белгиларидан бири — унинг анъанавий кийимлари ҳисобланади. Япония кимоноси, ҳинд сариси, араб кабоси, озарбайжон архалиги каби ўзбек миллий кийимлари ҳам

асрлар оша яшаб, халкимизнинг узлигини, ўтмишини англашида кўмаклашади, деган умиддамиз.

Шунингдек кийимларни яратиш учун сарфланадиган хомашёлар: мато, тери, заргарлик ва бошқад ашёлар ҳам алоҳида кўрсатилган.

Кўрсатиладиган ашёлар гўзаллиги, сермазмунлиги, илмийлиги ва ноёблиги билан ажралиб туради.

Ҳозирги замон кийимларида миллий анъаналар билан европа услуби чогишиб кетган. Масалан, шаҳар ва кишлокдаги аёллар хонатлас кийса, эркаклар дўппи кийишмоқда. Кишлоқ хўжалигида машғул кишилар эса ҳозиргача оқ ятакни иш кийими сифатида киядилар. Чунки миллий кийимларимиз бизнинг ҳаёт тарзимизга ва иқлимимизга мосланган, шу боис, эркак ва аёлларнинг хонаки кийимларида ҳам анъанавий либослар уз давомийлигини сақлаб қолмоқда.

Китоб кенг кўламдаги кўرғазмали материаллар билан безалган. Булар археологик қазилмаларлан топилган хайкалчалар, деворий расмлар, Болаликтепа, Афросиёб, Варахша, Айритом ёдгорликларидан топилган ноёб экспонатлар бўлиб, кал им г и аждодларимиз кийимларидан тасаввур беради. Яна XV—XIX асрларга оид миниатюралар ҳам берилган.

Маросимлар кийими тўй ва мотам кийимларидан иборат. Одатда ўзбекларда кизнинг сепи туйдан анча илгари тахт килич қўйилади. "Қизингни бешикка сол, сепини — санлиққа", дейди халқимиз.

Хилма-хил буюмлар, уй-рўзгор жихозлари билан бир қаторда турфа газлама ва кийим-кечаклар келин сеининг энг муҳим зарурий қисмини ташкил этади. Туй кийимлари албатта о к рангда бўлиши керак чунки бу ранг бахт-саодат тимсоли ҳисобланган. Шу сабабли ип газламадан махсус о и по к либос тикилган, унинг бичими узун олиниб, этаклари тупикқача тушиб турган, енглари эса кенг ва бармоқдарни ёпиб турадиган даражада узун бўлган. Бу каби оппоқ келин либоси ҳозиргача расм бўлиб келаётир. Келиннинг рўмоли ҳам шундай ту еда, баъзан гул-кашталар билан безатилган жияклар солинган, ип газламадан тикилган; яп-янги пойабзаллар эса анъанавий маҳеи ва туфли ҳамда кавушдан иборат эди.

Келин куёвнинг уйига узатилаётган пайтда бошига паранжи ёки чопон кийдириб, юзини харир рўмол билан ёпиб қуйилган (мазкур одат Самарканд ва Бухорода кенг тарқалган). Тўйнинг эртаси куни "келин салом" пайтида келин гул-накдлар билан безатилган рўмолни унг кулида ушлаб турган. Келин сарпоси 15-20 та чиройли қўйлақлардан ташкил топган бўлиб, даммаси, одатда, мадаллий ва четдан келтирилган газмоллардан махсус бичилган, этаклари узун бўлиб, устидан мурсак камзул, нимчалар кийиб юрилган.

Эркакларнинг туй сарпоси од мирок ва хиллари камрок бўлган: оқ қўйлақ ва иштон, оқ салла, дўппи. Қўйлақ устидан кийиш учун мадаллий косиблар дастгодида тайёрланган газмолдан чарм давима тўн, белбоғ-рўмол, кун пойабзал, этик кабилар дам туй кийимлари сирасига кирган.

Тўй кийимлари келин-куёвларнинг қайси ижтимоий табакага мансублигига кдраб дозирлаб қуйилган. Камбагалроқ оилалар сарполарни кўпроқ қўлда тўқилган ип газламалардан, бойроқ хонадонлар эса нимшойи, ипақ боиша мамлакатлардан келтирилган фаранги матолардан тикдиришган.

Ўзбекларнинг мотам маъракаларида киядиган уст-бошлар асосан аёлларга мўлжалланган, эркакларда махсус таъзия кийими бўлмаса-да, белга белбоғ боғлаб, бошига дўппи кийиб туришган.

Агар оилада бирон-бир яъдин қариндош вафот этса, аёллар уч кун ичида узлари кук ва крра тусдаги матолардан қўйлақ тикиб олишган. Азанинг тўртинчи куни мана шу мотам кийимини кийиш маросими ўтказилиб, суюк; таом тарқатилган. Мазкур кун "кўк кийди" деб номланган. Иримига кўра, мотам либосларининг енг ва этак учлари чокланмаган кбўлади. Орадан бир йил угиб, кук қўйлақлар ечилиб, оқ; қўйлақлар кийиш маросими — "оқ кийди" уюштирилган.

Тошкент ва Фаргона водийларида таъзия кунлари аёллар мурсак кийиб, белбоғ боғлашган. Ҳозирги пайтда мурсак вафот этган аёл кишининг тобути устига ёпиб қуйилади.

Самаркандда дар бир кишининг мотам кийимларини жуда барвақд, болалик чоБидан дозирлашган, улар сирасига қўйлақ мурсак рўмол, ичик ва

туфли кирган. Ўзбекистоннинг бошқд вилоятларида мазкур одат умуман учрамайди. Самарканд, Бухоро вилоятларида мотам маросимида оқ; рўмол, оқ кўйлак кийиш расм бўлган.

Мавзуси бўйича назорат саволлари:

1. Ўзбек костюмнинг ривожланишига нима таъсир этди?
2. Эркакларнинг ички ва устки бел кийимлари?
3. Эркакларнинг ички ва устки елка кийимлари?
4. Аёлларнинг ички ва устки бел кийимлари?
5. Аёлларнинг ички ва устки елка кийимлари?
6. Ўрта Осиё халқларининг ренессанс ва XIX аср костюмларидаги фарқлар?
7. XIX аср костюмларидаги ижтимоий ва регионал белгилари?
8. Елка кийимларининг бичими ҳақида гапириб беринг.
9. Аёллар бел кийимларининг бичими ?
10. Ўзбек миллий матоларининг қандай турларини биласиз?
11. Аёллар ва эркакларнинг бош кийими?
12. Мурсак бошқа аёллар чопонларидан қандай фарқланади?
13. Кокеткали миллий ўзбек аёллар кўйлаги қайси миллатдан ўзлаштирилган?
14. Ўзбек аёллар ва қизлар кийими нимаси билан фарқланади?

Мустақил иш топшириқлари

1. Ўзбек эркаклар либоси ва кийим бичимларини таҳлил қилинг. Кийим бичимларидан нусха кўчиринг.
2. Ўзбек эркак ва аёллар костюми намуналарини, мато ва безак орнаментларини таҳлил қилинг.

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ МАТОЛАРИ, НАҚШ ВА ОРНАМЕНТЛАР

XIX асрда ўзбек миллий кийимларини тикишда ишлатиладиган асосий матолар сирасига ип газлама, ипак, нимшойи ва жун газламалар киради. Хом-ашёнинг мўллиги ва арзонлиги Ўрта Осиё шаҳарларида шойи, бўз, жун ва бопқа хил матолар тўқувчилик касб-дунарларини ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиб берди.

Тўқувчиликнинг асосан икки тури: оммабоп ип газлама тўқувчилиги ва нисбатан қимматроқ, ипак тўқувчилиги кўпроқ, тараққий этган. Ип газлама матоларни тўқиш билан асосан, аёллар, ипак ва нимшойи газламаларни тўқиш билан эркаклар шуғулланган.

Ип газлама матоларнинг турлари ва навлари жуда хилма-хил. бўлган. Айниқса, ок, жигарранг, сарик тусли бузлар кенг тарқалган бўлиб, улардан барча ёшдаги кишилар учун чопонлар, шунингдек, ички кийимлар, саллалар тикилган. Аёлларнинг рўмоллари, дакана ва лачакларини тикиш учун дока ишлатилган. Эркакларнинг кўйлаклари хомсурп, сидирга чит, ип газламали кдламидан тикилган. Йул-йул ип газлама мато — олачалар кўпроқ, кдшлок, тўқувчилари томонидан тукдтиб, чопон тикишда кулланилган.

Ўтмишда ўлкамиздаги бутун-бутун шаҳарлар фақат маълум бир нав ва ранглардаги газламани тук^ппга ихтисослашган эди. Бадий тўқувчиликнинг маҳаллий мактаблари дам мавжуд бўлган. Булар матоларни буяш санъатининг беқиёс юксалиши, мадаллий газлама тўқиш услублари, матолар ранги, бусги ва гулларининг бир-бирига ўхшашлиги тобора тараққий этишига сабаб бўлди.

Тошкент косиблари бўз ёки карбос (оддий буялмаган ип газлама), босма (кўпроқ, қизил тусдаги гулли бўз), олача (бўялган ипдан тўқилган йўл-йўл ип газлама), чопон тикишда қўлланиладиган йўл-йўл нимшойи матолар тўқишга моҳир бўлганлар.

Бухоро, Самарканд, Кукрн, Маргилон, Наманган ва бошқа шаҳарларда анъанавий ўзбек ипак (кановуз, шойи, хонатлас), нимшойи (бекасам, банорас, адрас) газламалар тўқилиб, улардан тикилган турфа кийимлар узига тўқроқ,

бой-бадавлат кишилар орасида расм бўлган.

Қуйида мана шу матоларнинг айримларига таъриф берамиз.

Бекасам - йўл-йўл газмол бўлиб, ундан эркак, аёл ва болалар учун кундалик кийиладиган тўнлар, курпа-курпачалар тикишда фойдаланилган.

Банорас — бекасамдан ранг турлари билан фаркданиб, ундан аёлларнинг устки кийими булмиш паранжи тикилган.

Парпаша – бекасамдан кадлинроқ, мато бўлиб, у паранжи, шунингдек, чопон тикишда ишлатилган.


Адрас - абр иплар билан гул солинган нимшойи газмол. Шунингдек, кановуз, шойи, хонатлас, гулдор кимхоб, духоба кабилар ҳам кенг кулланилган.

Шойи ва нимшойи матолар — бекасам, адрас, якруё, катак шойи, товланма шойи, абршойи ва ҳоказоларга турли-туман гуллар солинган.⁹


Матоларга гул босишнинг бошқа бир усули — абрли иплар билан гул солиш буёқдари ей и қ қимматбаҳо ипак газмолларни ишлаб чиқаришда қўлланилган. Абрбанд (уриш) ипларни ўраб-боғлаб қўйишган иборат мазкур мураккаб ва сермеҳнат усул асосан Фарғона водийси шаҳарлари ва Самарқанд ҳамда Бухоро да хонатлас туки шла кулланилган.

Буларнинг ҳаммаси XIX—XX асрларда маҳаллий газламаларни бадий безаш санъати хилма-хиллиги ва ўзига хос эканлигидан, Ўрта Осиё халқ хунармандларининг нозик дидидан далолат беради. Шу боисдан ҳам, тўқувчи уеталарнинг нафис ва пишиқ маҳсулотлари маҳаллий бозорлар чегарасидан чиқиб, бутун Ўрта Осиё ва бошқа мамлакатларда ҳам харид қилиниб, жуда машҳур бўлиб кетган.

⁹ Садикова М. «Ўзбек миллий кийимлари» Т 2006




3.30-расм. Атлас матоси



3.31-расм




3.32-расм



3.33-расм. Адрас матоси



3.34-расм. Йўл-йўл шойи ва нимшойи газламалар



3.35-расм. Олача матоси, Сурхондарё ишлаб чиқилган.




3.36 - расм. Беқасам матоси.



3.37- расм. Ўзбек миллий кашталари




3.38 - расм. Бухоро зардўзлиги.




3.39 - расм. Бухоро зардўзлик нақшларидан намуна.


ЎЗБЕКИСТОН ХУДУДЛАРИ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ КИЙИМ БИЧИМЛАРИ




3.40- расм. Наманган эркаклар халати.




3.41-расм. Хоразм эркаклар халати.




3.42 - расм. Эркаклар камзулининг бичими.




3.43 - расм.Эркаклар
халатининг бичими.




3.44 - расм. Эркаклар чопонининг бичими.




3.45 - расм. Аёллар устки кийими – калтачанинг бичими.




3.46 - расм. Фарғоналик аёллар камзулининг бичими.



3.47- расм. Аёллар устки кийими - мунисак бичими.



3.48 - расм. Қашқадарё аёллар
ёпинчиғи.



3.49 - расм. Бухоро аёллар халатининг бичими.

IV БОБ. РУС КОСТЮМИ

ҚАДИМГИ РУС КОСТЮМИ (IX-XIII АСРЛАР)

VIII-IX асрларда Шарқий-Европа (ёки Рус) текислигининг улкан худудида шарқий славянлар халқлари яшаган. Текислик табиатининг учта асоси ўрмон, дарё ва дашт кабилаларнинг ҳаётида муҳим рол ўйнаган ва уларнинг ҳаёти ўтиши варивожланишига таъсир ўтказган. Рус текислигининг кўп сувли ва сокин оқувчи дарёлар инсонлар феъл-атвориға таъсир қилиб, уларни сокин, хотиржам ва меҳрибон қилгандир. Қисқа ёз ва чуқур қоп қоплами бўлган узок совук қиш рус дехқонини ўз кучларини қисқа муддатли ўта зўриқтиришға, тез ва зўр ишлашға ўргатиб қўйган, лекин узок куз-қиш даврида унинг иш суръати секинлашар эди.

IX аср охирида рус шаҳарлари ва князликлари орасида Киев юксала бошлади, унда Новгороддан келиб, ҳокимиятни қўлиға олган Олег ҳукмрон эди. У Новгород ва Киев - иккита энг муҳим славян марказларини бирлаштирди, шунингдек Византия билан савдо ва сиёсий алоқаларни йўлга қўйди ва мустаҳкамлади.

988 йилда Русь христианликка ўтди, шу вақтдан бошлаб Византия маданияти, ғоялари ва тушунчаларига кенг эшик очилди. Киев Руси учта қардош халқ: рус, белорус ва украинлар маданиятининг бешиги бўлди. Бу давр санъатининг улкан обидаси Киевдаги византиялик усталар қурган Авлиё София черкови, гўзал мозаикалар ва рельефлардир, шунингдек амалий санъат намуналари ҳам мавжуд.

Христианликни қабул қилган рус халқи нафақат Византия, балки антик дунё маданиятини сақлаб қолишнинг бениҳоя улкан вазифасини ўз зиммасига олди. Русь унга парчаланаётган Византия васият қилган нарсаларни қабул қилди, сақлаб қолди ва ривожлантирди.

XII асрдан бошлаб Владимир-Суздаль ва Новгород князликлари йирик маданий марказларға айланди. Уларнинг меъморий мероси ҳозиргача

чизикларнинг текислиги, мутаносиблиги, табиат билан уйғунлиги билан хайратга солади.

Лекин XIII асрдан бошлаб мўғулларнинг зулми Қадимий Русь ривожланишини тўхтатиб қўйди. Мўғулларнинг оғир истибдодига қарамай, рус санъати айниқса улар етиб бормаган жойларда: Новгород ва Псковда ривожланишда давом этди. Бу рус санъатини озиқлантиришда давом этган соф, тоза рус маданиятининг булоқлари эди.

Новгород эҳромлар, фрескалари ва иконалари (бут, санамлар) - юксак бетакрор санъат намуналари, рус тарихида улкан бир даврдир.

Гўзаллик идеали. Шарқ ва Ғарбнинг вакиллари (савдогарлар, дипломатлар, сайёҳлар) доимо русларнинг алоҳидаги гўзаллигини қайд этар эдилар.

Эркак баланд бўйли, мутаносиб қоматли бўлганда чиройли саналар эди. Мўғул давригача бўлган рус эркакларининг териси оқ, сочлари малла, кош-киприклар қора, кўзлари одатда кулранг, юзлари қизил эди. Ўзига ҳос қомати - кенг елкаси ва ингичка бели рус эркакларининг хусусияти эди.

Шарқда рус савдогарларининг гўзаллигига қойил қолишар эди. Бу турли манбаларда қайд этилган, уларнинг энг қадимгиси X асрга тегишли.

Рус аёллари ҳам гўзал қиёфаси билан ажралиб турган. Барча чет элликлар қайд этишича, рус аёллари баланд бўйли, териси оқ, оқ сочли, қизил юзли, қора қундуз қошлари ва қўк кўзли бўлган. Савлатли, сокин юриши, чиройли қомати гўёки назокат, мулойимлик ва сокинликнинг табиий ифодаси эди.

Кийимнинг тури ва шакллари. Текстиль. Қаттиқ иқлим Қадимги Русда костюм ва уннинг турлари ривожланишига жиддий таъсир кўрсатган. Кийимлар иссиқ ва ёпиқ эди, мўйналардан кенг фойдаланилган.

Рус кийимларининг шаклларига нафақат табиий ва иқлим шароитлари таъсир ўтказган. Византия билан яқин алоқлар, христиан анъаналарнинг таъсири, черков ва инсонларнинг ишлаб чиққан этик меъёрлари ва эстетик тасаввурлари - буларнинг ҳаммаси қадимий рус костюмида ўз ифодасини топган. Кийимлар узун, бемалол, лекин ўта кенг бўлмаган эди.

Қадимий рус кийимлари византиядагидан калатроқ эди. Лекин калта кийим кийиш уят деб ҳисобланар эди.

Кийимлар асосан устма-уст кийилар эди: эркакларда - Киев кафтани, кўйлак, туника; аёлларда кўйлак, кўкракпеч, илматугмалар ва мулозимлар. Осилиб хилпираган кийимлар Русда тарқилмаган, уларни ҳатто зодагонлар орасида ҳам деярли киймас эдилар, корзно плаши бундан мустасно.

Русларнинг асосий фаолияти деҳқончилик ва чорвачилик бўлгани учун матонинг асосий турлари зиғир ва жун бўлган эди. Шунингдек жун ва каноп толали матолар ишлатилган: арқоғи ўрилиши ҳар хил ипдан тўқилган дағал, ола-була газлама ва канопдан тўқилган. Арқоғи ўрилиши ҳар хил ипдан тўқилган дағал, ола-була газлама кизил, кўк ёки яшил рангли иплардан нақшлари бўлган, одатда бу катак ёки ромблар эди.

Оддий кишилар дағал газламадан кўйлақлар кияр эди. Оқартирилган каноп газламаси зиғир матодан унчалик фарқ қилмаган. Лекин руслар орасида энг кўп тарқалган севимли мато зиғир эди. У турли сифатли эди. Оқ матодан байрамона кийимлар, дағал матодан юбка, порти ва ҳоказолар тикилар эди. Русда қадим замонлардан кўйлак ва бошқа устки кийимлар остида юпка текис оқ матодан ички кўйлак, «исподнее» кўйлаги кийилар эди. *Белье* - сўзи оқартирилган матолар сўзидан келиб чиққан.

Барча рангли матолар бўялган – крашенина (олача) дейилар эди.

Йилнинг совуқ вақтида кийимлар жундан кийилар эди. Оддий кишилар қадимдан кўйюнгидан иссиқ кийим учун ишлатиладиган жун мато - сермягани ишлаб чиқара олган эди. Князлик ҳовлиларида юқори сифатли жун матоларини тўқишар эди. Буни махсус таълим ўтган ишчилар бажарар эди.

Мўғулларгача Русда шунингдек йирик геометрик расмли рангли жун матолар ишлаб чиқарилган. Русда жун матоларнинг анчагина турлари ишлаб чиқарилган: мовут, понева (жун ёки ярим жун уй тўқимаси), власяница -хайвон сочларидан мато, пестроткань, катак ёки йўл-йўл расми тўқилган жун мато.

Юқори сифатли юпка мовут матолар Европадан келар эди. Князлар ва зодагонларнинг кийимлари қимматбаҳо Византия матоларидан тикилар эди: парча, шойи, зар ва кумуш тикилган матолар. Уларнинг ҳаммаси Русда паволокалар дейилар эди. Бош кийимлар учун мовут, парча, мўйна (безак ва иситиш учун) ишлатилар эди.

Эркаклар костюми. Князлар ва зодагонларнинг кийимлари унча турли хил бўлмаган, лекин кийимлари чиройли, ранг-баранг бўлиб, ҳаёт тарзи, феъл-атвори, гўзаллик ва муносиблик ҳақидаги тушунчаларига мос келган.

Князь узун туникасимон кўйлакни кийиб, унинг остидан ички кўйлак ва яъни тизимча билан боғланадиган **порти** - иштонини кияр эди. Унинг устидан мулозимлар (киевликлар чакмони) кийярдилар. Мулозимлар устма-уст кийиладиган узун устки кийим бўлиб, узун тор енгли, ён чокларига тикилган поналар ёрдамида пастга қараб кенгайган эди. Мулозимлар этагидан жияклар, енг учидан зарукавье ҳамда кўксидан петлицалар билан безатилган. Мулозимларни кенг белбоғ билан кийиб эрардилар. Мулозимларнинг узунлиги тўпикдан юқори, тахминан болдир ярмисигача бўлгани учун оёқ кийимга катта аҳамият берилган. Юмшоқ сафьяндан ёрқин рангли этикчалар қўнжи юқори бўлиб, мулозимлар тагида кўринмас эди. Йилнинг совуқ фаслида мўйна билан безатилган мулозимлар кийилар эди.

Мулозимлар устидан корзно плаши кийилар эди. Бу Русда кийилган ҳилпираган кийимнинг ягона тури эди. Корзно тилла матодан тасма билан безатилиб, елкада тўғноғич билан маҳкамланган, одатда юза рангидан фарқли рангдаги астари бўлган. Корзно фақат чап елкасига ёки иккала елкасига ташлаб олиниши мумкин эди.

Рус иконаларида тез-тез корзно кийишнинг биринчи тури учрайди, бунда одамларнинг плашни текис осишга мойиллиги сезилади, айниқса унинг диагональ кеислган учи чап қўлдан ўтказилган ҳолларда. Бу усул билан тасма безатилган четлари чизиқларининг деярли параллеллигига эришилар эди. Деярли барча иконаларда мукаддас авлиёлар айнан

шундай тасвирланган. Корзно тўғноғичи кичик эди, афтидан, рус давлатида унга Византия-Римдагидек аҳамият берилмаган. Костюмни ярим сфера шаклидаги думалоқ паст бўйли шапка тўлдирар эди, унинг чети мўйна билан безатилган, кўпинча қимматбаҳо мато ва дур билан ҳам безатилар эди. Борис ва Глебни Новгород мактаби усталари иконаларда айнан шундай тасвирлаган.

Оддий кишилар одмироқ кийим кийганлар, унинг турлари бой ва зодагонлардагидек турли-туман эмас эди. Асосий кийим катта кишиларда тиззасигача ҳамда ёшларда сал калтароқ бўлган кўйлак эди. Оқ, қизил ёки кўк рангли кўйлак зиғир ёки поскон матосидан эди, ёқасиз, олдидан озгина кесилган ва кенг белбоғ боғланган. Кўйлак порти (иштон) устидан кийилган.

Улар узун, анча тор, пастга қараб аста-секин тораяр эди. Портилар йиғилган ҳолда гашник (тизимча) билан боғланар эди. Пастида торайган порти одатда лапти ёки этиклар билан кийилар эди. Сермягадан тикилган кафтан йилнинг совук пайтида кийимни тўлдирар эди.

Дехқон, бой аҳолининг байрамона кийими қимматроқ безатилган эди: маржон-ёқа, кашта ёки дур билан безатилган думалоқ шаклда, чиройли зарукавьелар (манжетлар аждоди), лапти ўрнига этиклар. Баъзан кўйлакнинг ўзи ҳам қиммат, нақшли матодан бўлар эди. Кийимнинг зарурий қўшимчаси калита (белбоғдаги ҳамён) эди.



Аёллар костюми. Оддий аёллар уун кўйлак кийганлар. Зодагон аёллар исподний кўйлак устидан қиммат матолардан кийилган устки кўйлак, устидан эса корзно кийган эдилар.

Кўйлак бўйин ёнидан майда йиғилган ёки бўни бўйлаб думалок кесикка эга эди. Эрга теккан аёллар шунингдек кўйлак устидан поневьт кияр эдилар. Понева учта мато бўлагидан тикилган ва белида тасма билан йиғилган тўғри тўртбурчак мато бўлиб, олдиндан тикилган юбка эмас, белга кийилагн кен фартукни эслатувчи ҳамда олдида боғланган бир буюм эди. Қизлар кўйлак устидан запона - бели боғланган нарамник кияр эдилар. Понева ва запоналар одатда пестрядь ёки пестроткандан тикилган.

Байрамона кийим калта кенг енгли, қиммат, кенг, бели боғланмаган, нақшли (каштали) гулдор туника эди. У наверхник дейилган. Қадимий Рус аёллар кийимларига ранг-баранглик, савлат, улуғвор статиклик хос эди.

Зодагон аёллар қимматроқ ва нақшли матолардан, шойидан туникалар кияр эди.

Пойафзал. Энг қдимги славян пояфзали поршни (постоли) юмшоқ теридан бичилган кавушдир. Бой ва зодагон эркак ва аёлларда юмшоқ, ёрқин рангли, чиройли, қулай сафьян этиклар кенг тарқалган, камбағалларда дағал тердан этиклар ҳамда онучалар (портянкалар) билан кийилган оёқда ушлаб турувчи боғичлари бўлган лаптилар тарқалган.

Бош кийимлар, сочлар, безаклар, пардоз. Князлар, зодагонлар, бой савдогарларнинг бош кийимлари мўйнали қалпоқлар эди. Шунингдек парча ва духотана тикилган, кумуш, дур, зар тикилган думалок қалпоқлар кийилар эди. Кўпинча қимматбаҳо мўйна, масалан, соболь, куница мўйнаси билан безатилган.

Дружиначилар ва аскарлар бармица - бўйнини бекитувчи металл тўр қўшилган пиёзсимон шлемлар кийганлар.

Оддий кишилар наMAT, жун, мўйнаддан тикилган қалпоқларни кийиб юрар эди.

Аёллар духоба ёки парчадан тикилган, астарига мўйна тикилган, эркакларникидек думалоқ шапкаларни кияр эдилар. Оддий аёлларнинг шапкалари оддий матодан қилинган. Шапкалардан ташқари ёпинчиклар, рўмолларнинг кўпгина турлари бўлиб, улар бошда тож, халқа, қалпоқ билан ушлаб турилган.

Тўғри бурчакли шаклдаги рўмол - убрус бош атрофига айлантирилиб, кашта билан безатилган бир томони елка ва кўкрагига тушиб турар, икинчиси даҳани остига солинар эди. Убрус учбурчак шаклида бўлиши мумкин эди. Бунда у даҳан остилда тўғноғич билан маҳкамланган. Убрус ёрдамида юз тузилишини тузатиш мумкин эди. Убрус оқ ёки рангли бўлиши мумкин эди.

Княгинялар ёпинчик ёки вуаль устидан тож кияр эди, қизлар - қайин пўстлоғи ва теридан тасмалар, боғичлар, халкалар кияр эдилар.

Эркакларнинг сочлари икки хил: скоба билан ва доирасимон кесилган эди. Ипакдек малла сочлар шаклини яхши ушлаб турар ва чиройли қирқилган соқол ва мўйлов билан қўшилиб кетар эди. Кексароқ кишиларнинг сочлари ва соқоллари узунроқ бўлар эди.

Қизлар сочини ўриб юрар эди. У бош энсаси остида бошланар эди. Қадимда елкасига ёйганча юрар эдилар. Оқ зиғир кўйлакка ёйилган малла сочлар қиз қиёфасига бетакрор назокат бағишлар эди.

Тўй куни ўртоқлари келиннинг иккита чакка ўримини ўриб, уларнинг бош атрофида ўраб кўяр эди; устидан повойник (юпка матодан чепчик), кейин эса бош кийим кийилар эди.

XI асргача қадимий рус костюмида аёллар ва эркаклар безаклари ўртасида фарқ бўлмаган. Улардан асосийлари маржонлар, зираклар, балдоқлар бўлган. XIII асрга келиб жанубий рус заргарлик буюмлари (Киев. Чернигов ва бошқалар) юқори сифатли ишланганлиги учун энг севимли бўлиб қолган. Бошқа рус безакларидан колтлар - чакка узуклари, гривна - бўйин безаклари, узуклар, зираклар ва билагузукларни айтиб ўтиш мумкин. Безаклар тилла, кумуш ва қора кумушдан бўлиб, қимматбаҳо тошлар билан безатилган. Буюмлар оғир, лекин чиройли эди. Киев тилла буюмлари алоҳида

гўзаллиги билан ажралиб турар эди, чунки уларда скань, эмаль, зернь каби безак техникаси қўлланган, дур кенг ишлатилган. Кийимларда махсус маҳкамлаш мосламалари -аграфлар ишлатилган.

Пардоз воситалари кам эди. Улар асосан ўсимлик воситалари эди. Қадимдан кишилар лавлагини ейиш юз терисини яхшилашини кузатганлар, у билан ёноқларни кизартирганлар. Қошларни қоракуя билан озгина чизиб қўяр эдилар.

XIV-XVII АСРЛАРДА МОСКВА РУС КОСТЮМИ

XIII асрда мўғул босқинчилари Русь давлатини Европа билан алоқалардан маҳрум этдилар. Қуллик шароитида яшашнинг ажралиб яккаланиши Русь давлатининг Европа маданияти таъсиридан бегоналашувига ҳамда мўғулларнинг таъсирида бўлса-да, ўзига хос маданиятини шаклланишига ёрдам берган.

Ўрда маданиятига яқин келган Русь унинг баъзи жиҳатларини (қисман) ўзлаштирган бўлса ҳам, лекин ўз миллий маданиятини сақлаб қолган.

Мўғулларнинг тенгсиз босқинчилигига зоҳирий қаршилик кўрсатмай яшаган Русь босқинчилар билан аввалига ботиний, кейин ошкора кураш бошлаган. Айнан шу даврда Сергей Радонежский - Русь бирлашувининг тарғиботчиси ва мўғулларга қарши очик курашнинг ташкилотчиси яшаган. Бу вақтда улуғ икона рассомлари Ф. Грек ва А. Рублев яшаганлар, улар ўз икона ва фрескаларида гўзал образлар яратиб, инсонлар руҳини кўтарган ва уларни курашга даъват этган эди. Москва Кремлида Бош черков майдонида катта эҳромлар қурилган, уларда руҳонийлар умумий душманга қарши бирлашишга чақирар эди. Душманни қабул қилмаслик, халқнинг жипслиги, ўз якдиллигини сақлаш ва миллий аданиятини ҳимоя қилишга интилиш, ташқи дунёдан узилганлиги рус кишиларининг ҳам маиший ҳаётида, ҳам кийимларида ўз қадимий анъаналарига содиқ қолишига олиб келган.

Руснинг ягона давлатга бирлашувини Иван Калита бошлаган, уни Дмитрий Донской давом эттирган. XV асрда Москва давлати (Москва Руси, Московия) тузилиб, уни мустахкамлаш учун жуда кўп ишларни амалга оширган Иван III уни бошқара бошлади. Бу катта ўгцзгаришлар, давлатчилик, маданият ва санъатнинг кескин риводланиши даври эди.

Бу ўзгаришларнинг барчаси костюмда ҳам акс этмай қолмади. Мўғуллардан аввалги даврнинг жиҳатларини сақлаб қолган ҳолда у XV асрга келиб, шу жумладан мўғулларнинг таъсирида янги жиҳатларга эга бўлди.

Гўзаллик тимсоли. У мўғулларгача даврдаги Руснинг гўзаллик идеалининг кўп томонларини сақлаб қолган. Иван Грозний даврида яшаган князнинг қиёфасини А.К. Толстой «Князь Серебряный» романида мана шундай тасвирлаган: «Князнинг қиёфаси унинг феълига мос эди. Чиройлиликтан кўпроқ ёқимли бўлган юзининг асосий жиҳатлари унинг чин кўнгиллиги ва очиклиги эди. Унинг қора киприклар билан ўралган тўқ кул ранг кўзларида кзатувчи ҳаракат пайтида бир зум ҳам иккиланишга бермайдиган бетакрор, ондан-да ташқари мардоналикни ўқир эди... юмшоқ аниқ эгилган оғзи ҳалол қатъийликни ифодалар эди, кулиб туриши эса деярли болаларникидек кўнгли очикликни намоён этар эди. Серебряныйнинг ёши 25 ларда эди. Бўйи ўртача, елкаси кенг, бели ингичка эди. Қалин малла сочлари қуёшда қорайган юзидан очроқ рангда бўлиб, тўқ рангли қоши ва қора киприкларидан ажралиб турар эди. Калта соқоли сочларидан озроқ қорайиб, лаби ва даҳанига озгина бошқача тус бериб турарди».

Лекин XVI - XVII асрларда кўпгина чет элликлар Русдаги ҳзодагон эркаклар семиз, дўмбоқ, яғрини кенг эканлигини қайд этган. Бунинг сабаби шундаки, боярлар ичида семизлик чиройли деб ҳисобланар эди.

Аёллик гўзаллигининг идеали деярли ўзгармай қолган: баланд бўйи, қомати, савлатли юриши, ёниб турган оқ юзли ва қундуз қошли гўзал.

Кийим турлари ва шакллари. Матолар. XV асрга келиб рус костюмида янги жиҳатлар пайдо бўлди. Кийимлар ҳажми ва кенглиги ошгани ҳамда

белининг кўрсатилмаслиги оқибатида монументаллик ва статиклик якуний равишда ҳосил қилинган. Костюмдаги статиклик рус ҳаётида анча муддатлик турғунлик, шунингдек йилнинг узоқ вақти давомида иссиқ, оғир, мўйна тикилган, бемалол ҳаракатланишга бермайдиган кийимларда юришга мажбур қилувчи узоқ рус қишининг таъсиридир. Бу даврдаги рус костюмининг иккинчи ўзига хослиги олди очик кийимларнинг кенг кўлами: зипунлар, кафтанлар, шубалар пайдо бўлишидир.

Аввалгидек халқ кийимини тикиш учун уйда тўкилган зиғир, посконина, пестрядь, пестроткань ва ҳоказолар ишлатилар эди.

Русда ижтимоий фарқлар анча сезиларли бўлиб қолгани учун матоларнинг турлари кўлами халқ матоларидан анча фарқли бўлиб қолган. Зодагонлар учун матолар чет элдан келтирилган: парча, алтабас, аксамит (тилла илмоқли духоба), кумуш ва зар тикилган духоба, атлас, сатин ва ҳоказолар.

Матоларнинг ранг гаммаси кенгайди. Анъанавий қизил, кўк, яшил, ранглардан ташқари мовий, зангори, пушти, оқанглар пайдо бўлиб қолди. М.В. Нестеровнинг Волгограж тасвирий санъат музейида жойлашган «До государя челобитчики» (Подшога илтимоснома берувчилар) расмида бошқа кишилар орасида оқ рангли байрамона нақшли шойи зипундаги чиройли йигитча тасвирланган, кийими ўсмирнинг ипакдек малла сочлари ҳамда оқ, қизарган юзига мос келади. Кўрганимиздек, матонинг ранги ва тузилиши, қиёфаси ва ёши кийим тайёрлашда ҳисобга олинган.

Мўйна аввалгидек кенг ишлатилган. қимматбаҳо мўналар зодагонлар кийимини безатишга кетган. Халқда иссиқ кийим тикиш учун куён, тулки, қўй териси ишлатилган.

Эркаклар костюми. Деҳқон кийими мўғулларгача даврдаги Русь вақтидан бери деярли ўзгармаган. Булар кўйлак, порти, устки иссиқ кийим, бош кийим ва пояфзалдир.

Кўйлақлар зиғир ва посконинадан тикилган. Энг байрамона кўйлак оқ зиғр кўйлак эди.

Анъанавий кўйлақдан ташқари эгир ёқали - косоворотка кўйлаги пайдо бўлди. У бошқа рангли, кўпинча қизил мато билан безатилган. Кўйлақ уни бичилиши ва кўшимчалари туфайли қулай ва вазифасига мос келувчи қилган кўпгина деталларга эга эди. Масалан, орқаси ва олдида кўйлақ қизил иплар билан тикилган астарига эга эди. Бутунлигича бичилган енг проймага қизил рангли ластовица билан тикилган. Барча чоклар қизил ингичка мато йўли билан маҳкамланган ва безатилган.

Матолар тор, кўйлақ бир неча матолардан кўшиб тикилиб, ёнларида пастга қараб уни кенгайтирадиган поналари бўлар эди. Чоклар ва кант тарзидаги безаклар кўп бўлгани учун оддий ҳар кунги кўйлақ ҳам рангли ва кўзга ёқимли бўлар эди.

Кўйлақнинг байрамона турида ечиб олинадиган маржон ёқа ва енг учига запястья (манжет) бўлар эди. Кўйлақ порти устидан кийилар, лекин энди кўпинча белидан пастроқдаги кенг белбоғ (мўғулларнинг таъсири) билан боғланар, бу катта кишига савлат берар эди.

Устки кийим *зипун* - олди очик, узунлиги тиззагача енгил кийим бўлиб, ёқасиз, тўғри проймали, узун тор енгли ва тенг келувчи застезкали эди. Зипун ҳам кўйлақ каби ечиладиган маржон ёқа билан безатилган.

Устки кийимнинг иккинчи тури *кафтан* - мато ёки сермягадан олди очик кийим эди. Кўй терисидан шуба ва ярим шуба иссиқ қиш кийими бўлиб, уларга кўшимча қўлқоп, *треух* қалпоғи ёки кичик ёнли конуссимон қалпоқ *грейневик* кийилган.

Князь ва боярларнинг кийимлари турли-туман, бой ва ранг-баранг эди.

Уйда зодагон эркаклар оқ ёки рангли белбоғли ипак (горничная) кўйлақни кияр эдилар. Семиз кўриниш учун у белидан пастроқда боғланар эди. *Порти*лар иккида: ички ва устки (одатда сукни ёки ипакдан) кийилар эди. Ипак ёки сукон зипуни ҳам уй кийими ҳисобланиб, фақат ёшлар ва ўсмирлар уни кўчагакияр эди. Уйда бошга *тафья* (бой кашта тикилган дўппи) кийишган. Бу бош кийим рус костюмига мўғуллардан ўтган. Тафья шунингдек бош кийимлар остга кийишган.

Кўчага чиқиш учун кафтан - пастга қараб кенгайган олди очик кийим, одатда ёши, мақоми ва ҳоказоларга қараб болдир ўртасидан то тўпикқача бўлган узунликда эди. Кафтанлар кўп: одатдаги, полякча, уй, байрамона, терлик, становой, турский, русча ферязь ва ҳоказолар. Одатдаги кафтан белида кесилмаган, бемалол, ён поналар ҳисобига пасга қараб кенгайган, кўксида петлицалар билан тақаб кеоган застезка билан, шунингдек ёнлари пастида петлицали застезка билан қилиб тикилар эди.

Уй кафтани тўпикқача, кичик устма-уст ёпиш ва бўйиндан белгача эгри кесиш билан, тугмаларга тақиб ёпилган.

Турский (туркча) кафтан тўғри бичилган, бели кесилмаган, ёқасиз, ён биқинидаги застезка билан тикилган.

Становой кафтан бели кесилган, кенг калта енгли, баъзан тирсакдан юқори, пастки қисми поналар ҳисобига кенгайтирилган, ёнида кесиклари бўлган. У тугмаларга тақилган. Становой деб кафтан стан (комат) бўйлаб сириб тикилгани учун аталган; баъзан у қавилган бўлар эди. Рус кафтани становойдан пастки қисмида тўғри поналар мавжудлиги билан фарқ қилар эди.

Полякча кафтан XVII асрда полякча кийимлар таъсирида пайдо бўлган. Белидан кесилган, зич сириб турган лиф ва белида йиғилиб кенгайиб тушган паст этаги ўзига хос силуэт яратиб, у тирсакдан елкагача кенг ва ҳажмли ҳамда тирсакдан билагузуккача тор бўлган енглари билан тўлдирилган.

Терлик - подшо телохранителлари - рышдалар кийган кафтандир. У оқ рангда, бели кесилган, турли узунликдаги ва шаклдаги енглари бўлган. Оқ терликка оқ этиклар ва оқ қалпоқ (мурмолка ёки песецдан тикилган қалпоқ). Кўкрагида иккита тилла занир кесиб ўтган. Терликлар тўғрисида биринчи фикр Рус давлатида XV асрнинг иккинчи ярмисида пайдо бўлган. Кейин терликлар кенг тарқалиб, қимматаҳо тошлар ва дур билан безатилган. Русда бой безатилган ва кашта тикилган терликларнинг кўп тарқалганлигини чет элликлар ўз ёзувларида акс эттиришган.

Кафтанларнинг барча турлари қимматбаҳо матолардан - духоба, ипак, парча, Европа мовутидан тикилган. Лекин қиммат матодан тикилган кафтан зодагон боярин ёки князнинг кийимларининг энг охиргиси бўлмас эди.

Энг байрамона ва қиммат кийим доимо кафтаннинг устидан кийилган. Бу елка устига ташланиб, фақат бўйинда маҳкамланган опашень, ферезея, туркча пўстинтурская (туркча) шуба, шунингдек коматда тўлиқ кийиб тақиладиган кийимлар: ферязь, охабень ва однорядкалар эди. *Охабень* жуда узун, этагигача тушган енглари ва қўл учун кесиклари бўлиб, катта қайирма ёқаси бор эди. Лекин охабеннинг ёзги тури ёқасиз бўлиши мумкин эди. Охабень номи, балки у энг устки кийим бўлиб, вазифаси унинг остилан кийилган ҳамма нарсани «охабить» камраб олиш бўлгани учундир.

Парчадан тикилган, заргарлик буюмлари бўлган қимматбаҳо тош тугмали ва қимматбаҳо мўйна билан астарли қилиб тикилган охабень зодагоналарнинг жуда тантанали кийими бўлиб, унинг ижтимоий илғорлигини таъкидлаган.

Ферязь — кўпинча ёқасиз бўлган кафтан, енглари тор, деярли ергача. Бир енгга қўлини тикиб, уни майда бурмали йиғиб, иккинчиси қўлни бутунлай ёпиб осилиб турар эди. *Ферязь* ва *охабень* инсоннинг юқори ижтимоий мақомини ҳамда унинг меҳнатга алоқадор эмаслигини кўрсатган.

Ферезея - жуда қиммат бўлган байрамона кийим, қайириладиган егни, мўйна билан астари тикилган ва безитилган, мўйнали ёқа билан, парчадан тикилиб, қимматбаҳо тошлар ва ипак билан безитилган. Ферезеяни энг олий зодагонлар кияр эди. Ферезеяда козётрь-ёқа бўлиши мумкин эди.

Однорядка ва *опашень* имтиёзли кишиларнинг байрамона устки кийим лариа ёзги турлари эди. *Однорядка* - енгил, астарсиз тикилган, кўпинча ёқасиз, тақаб қўилган астежкали, узунлиги тўпикқача бўлган, жун ёки ип-газламадан тикилган кафтандир. Однорядка белбоғ билан боғланар эди. У қайириладиган енгларга ҳамда пройма остидагни қўлни чиқариш учун


кесиклари, шунингдек тақаб қўйилган застезка эмас, бир бортли угмали застезкаси бор эди.

Опашень - енгил, енглари билагузук ёнида торайган енгли ипак кийим. Олди очик опашень устига ташлаб кийилар эди.

Опашень белбоғ билан боғланар эди: унниг олд этаги орқасига қараганда анча калта эди. У чиройли тугмалар билан безатилган.

Шуба (пўстин) - рус кишиларнинг иссиқ устки кийимининг яна бир ажойиб туридир. Бу айнан русларнинг кашфиёти. Шуба кийимнинг кенг тарқалган севимли тури эди. Уни ҳамма ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар кийган. Зодагонларнинг шубалари қиммат мўйналардан тикилиб, қимматаҳо импорт матолар билан қопланган. Шуба ергача узунликдаги пастга қараб кенгайган, тирсаклар дан бошлаб олд тарафда қўл учун кесикли узун енглари бўлган кийимдир. Шуба доимо катта қайирма ёқали ва паст этаги жуда кенг эди. У энг оғир кийим бўлса ҳам, шубани подшодан камбағалгача ҳамма яхши кўрар эди.

Кўп кафтанларда тик турган ёқа - *козирь* бўлар эди. У тила, дупр ва қимматбаҳо тошлар билан бой безатилган. У олинадиган бўлиши мумкин эди. Бу зодагонлар костюмининг алоҳида қисми, алоҳидаги сатанглик белгиси бўлиб, у билан мақтанишар эди. Козирь билан фақат эркаклар мақтанар эди. Балки шундан ҳам кеккайган эркаклар ҳақидаги гаплар чиққандир.



4.1-расм

Аёллар костюми. Эркакларниик каби аёллар кийими оддий бичилиб, кенгайган ёки тўғри ҳолда бичилган ва енг проймаси ҳам тўғри эди. Дехкон аёлнинг кийими оддий матога карамай, чиройли, қулай, статик ва монументал эди. Мўғулларгача даврдаги Русдан қолган кўйлакка *сарафан - шушун* қўшилди. Бу олди ва оркасида чуқур ўйикли тугмали кўйлак, оркадаги сохта тугмалари бор эди. У кўйлак устидан кийилган кейин у калта этакли, енгли, кенг кийимга айланган. XVIII-XIX асрларда аёллар айнан шундай шушунларни кийиб юрганлар.

XVII асрда шушун сарафанга алмашди, у эса кейинчалик рус халқ костюмининг анъанавий элементи бўлиб қолди. Сарафан елка боғичли, уста-уст кийиладиган, лекин шушунда застезка бўлган жойда бошқа рангли кенг тасма ва унга тикилган, безак бўлган тугмалари билан безатилар эди. Тасма билан боғичи ва этаги безатилиши мумкин эди. Кўйлак устидан аввалгидек понева кийишган, запона эса аввалгидек иккита тикилмаган мато бўлагидан қилинган передникка айланди.


Зодагон аёлларнинг кийими анча бойроқ бўлса-да, шунга ўхшаш эди. Зодагон аёллар исподний кўйлакдан ташқари манжетли узун енгли,

рангдор ипак горничная кўйлагини кияр эди, белбоғ билан боғлаб, кичик жойга тушириб олар эди.

Устки кийимлар: шушун, летник, шубалар ва душегреялар эди. Уларниг ҳаммаси қимматбаҳо чет эл матоларидан тикилган. Кўпинча қимматбаҳо сувсар мўйнаси билан безатилган. Кўп ҳолларда шубкаларни елкага ташлаб кийишган.




Шуба узун қайириладиган енгли ва кўл учун кесиклари бўлган узун кийим эди. Унинг анча узун оддий енги ҳам бўлиши мумкин эди. Бу ҳолда улар кўлда майда буфлар тарзида йиғилган. Шубканинг олинадиган мўйнали ёқаси бор эди. *Летник* ҳам узун, устига кийиладиган, киитилган поналар ҳисобига пасти жуда кенг кийим, енглари пастига қараб жуда кенгайган эди. Летникда ечиб олинадиган мўйнали ёқа бор эди.



Душегрея - аҳолининг барча табақалари кийиб юрган кийим тури эди. Лекин оддий аёлларда у байрамона кийим эди.



4.2-расм







4.4-пачм

Подшо костюми. Подшонинг расмий байрамона кийими платно - узун, олди очик, пастга караб кенгайган кийим, ёқасиз, одатда тирсаккача бўлган кенг ёқали, уланган застежкали. Олд этаги ва четлари нақшли тасма билан безатилган. Платно алтабас ёки аксамитдан эди (бутунлигича тилла югуртирилган матолар) бўйни атрофида бармалар - елка усти безаклари бор эди. Бой безатилган бармалар (дур, қимматбаҳо тошлар ва иконачалар) платно учун қимматбаҳо безак эди. Тилла крест ва *окладень* - икки бошли бургутлардан ясалган занжир, шунингдек скипетр, держава ва *мономах* шапкаси подшо кийимини тўлдирган.

Подшо хотини ва болалари уларнинг мақомига мос кийимлар кияр эди.

Рухонийлар кийими. *Фелонь* - кенг тўғри тўртбурчак мато шаклидаги бош учун тешиги бўлган кен кийим. Туникасимон кийим устидан кийилган. Фелонь Христос хламидасининг рамзи бўлган.

Саккос кўйлаксимон туника бўлиб, аҳамиятига кўра фелонга тенглаштирилган. Фелонь ва саккос қимматбаҳо матолардан тикилган. Ряса саккосга ўхшар эди, лекин рухонийларнинг кундалик хизматдан ташқари кийими бўлган.

Клобук - рухонийнинг бош кийими, кўкси ва орқасига тушиб турадиган ёпинчикли кичик шапкача эди

Пойафзал. Москва Русида анъанавий пояфзал турлари қолган эди.: этиклар, лапти, пошнали сафьян этикчалар. Пошнали пояфзал XVI асрдан пайдо бўлган. Баъзан пошна анча баланд эди (чорак тирсак). Этиклар қўнжи кичик бўлиб, нафақат сафьян, балки парча, нақшли каштали духотана ҳам тикилган. Улар ҳатто қимматбаҳо тошлар билан ҳам безатилган, пошна эса металл тасма билан айлантириб чиқилган.

XVII асрдан бошлаб паст пояфзал (туфли) пайдо бўлган. Европа билан кенгайган алоқалар Русь давлатига полякча кафтан билан бирга туфлиларнинг кириб келишига сабаб бўлган.

Бош кийимлари, сочлар, безаклар, пардоз. Бош кийимларнинг асосий турлари мўғулларгача Русь давридан сақланиб қолган эди. Эркаклар

бош кийимлари икки турда: конусли шапкалар - *мурмолка* ва баланд қалпоқлар бўлар эди. Иван Грозний даврида боярлар баланд сувсар қалпоқларини кийиб юрар эди. деярли барча қалпоқлар чети мўйна билан безатилган.

Мўғулларгача Русь давридагидек князлар ва зодагонларнинг шапкалари қимматбаҳо матолардан тикилиб, тилла, дур, қимматбаҳо тошлар билан безатилган. қайирмалари бўлган ёки бўлмаган баланд конуссимон шапкалар - мурмолкалар айниқса кенг тарқалган. Зодагонларнинг мурмолкалари парча ва духотана тикилган, мўйнали қайирмалар эса шапкага қимматбаҳо тўғноғичлар - аграфлар билан маҳкамланган. Уйда тафья кийиб юришган. Ёзги шапкалар оқ наमतдан эди.

Аёллар бош кийимлари мўйна билан безатилган баланд ёки паст думалоқ шапкалар эди. Княгиня ва бояршнялар уларни юпка рўмол ёки ёпинчик устидан кияр эди. Подшо хотини дур маржонлари қўшилган тож кийган.

Тож ҳам шапка каби юпка рўмол устидан кийилган. Кокошниклар барча ижтимоий табақаларда сеvimли бош кийими эди. *Кокошник* кашта тикилиб, дур тикилар, ост маржонлар ва рясналар билан безатилар эди. Аёллар мўғулларгача даврдагидек *убрус* ва *повойник* кияр эди.

Эркакларнинг сочлари одатдагидек қолган. Бу кувача усулида (под горшок), *скоба* билан ва доира қилиб соч олишлар эди. Сочларнинг учи ичига қайрилар эди. Соқоллар ҳам кенг тарқалган. Борис Годунов даврида соқол қириш мода бўлган. Бу мода Польшадан кириб келган эди. Лекин турли фармонлар ва тақиқар яна соқол қўйишни мажбурий қилган.

Москва Русида соқоллар турилича фасонда эди: кетмон (лопата), чўққисоқол, думалоқ, ўткир учли, иккита тутамга ажратилган ҳолда эди.

Аёлларнинг сочлари ўзгармай анъанавийлигича қолди.

Москва Русида кўп безаклар тақиб юрар эдилар. Лекин эркакларда у Қадимий Русга қараганда кўпроқ бўлди. Кийимлар ёпик бўлгани сабабли осиладиган безаклар кенг тарқалган. Устма-уст қўйиладиганлари энди аввалгидек талабгор эмас. Олди очик кийимларга кўпроқ застезжалар,

аграф, тугмалар керак эди. Энди зар тикилган, қимматбаҳо тошлар, кумуш ва дур тикилган кийимларнинг ўзи заргарликнинг нодир намунасига айланар эди. Оддий кишиларнинг кийими бисер билан, дар1 дурлари, садаф билан безатилган зираклар ҳам зодагон, ҳам оддий аёлларда севимли эди.

Гигиена ва апардозга тегишлича эътибор берилган аёллар ўсимликлар ҳамда сутли маҳсулотларнинг оқартирувчи тахъсирини билар эди. Савдогарлар чет эллик пардоз воситаларини олиб келар эди.

Костюмнинг меъморчилик билан алоқаси. Византиядагидек бу алоқа аниқ кўринади, лекин бу подшо ва аёлларнинг кийимларида кўринади. Кенг, монументал кийимлар, пастига караб озроқ кенгайган, крестли думалоқ шапкалар (подшода), пиёз шаклидаги кокошниклар, аскарларнинг шлемлари -буларданиг барчаси черковларнинг қурилишига ўхшайди. Кремлдаги Архангельск бош черкови аскар шлеми ва аёл кокошникига ўхшаш шаклдаги гумбазларга эга. Крестли подшо шапкаси ҳам черковнинг бу элементига ўхшаш.

Черков гумбази ва одамдаги шапка - бу композициянинг бошдир. Бу давр черковларининг монументаллиги ва соддалиги костюмда такрорланади. Гумбазлар тилласи костюмда зар тикилганга мувофиқ. Подшо хотинининг тожидаги тишчалар Кремль деворининг тишчаларини нақшига ўхшайди.



4.5-расм

Назорат саволлари ва топшириқлари

1. Рус халқ санъати, маданияти ва тарихи ҳақида нималарни биласиз?
2. Рус халқининг урф-одатлари ва анъаналари ҳақида гапириб беринг.
3. Рус эркаклар кўйлагининг бичими қандай бўлган?
4. Эркаклар либоси қандай кийим турларидан ташкил топган? Шулар ҳақида маълумот беринг.
5. Эркаклар устки кийим турлари, уларнинг бир-биридан фарқи ҳақида сўзлаб беринг.
6. Рус эркакларининг бел кийим турлари, уларнинг бичими ҳақида нималарни биласиз?

7. Рус эркакларининг бош кийимлари ҳақида маълумот беринг.
8. Қадимда Рус аёлларининг либоси қандай бўлган? Кийим туриларига изоҳ беринг.
9. Аёллар кўйлакларининг бичимида фарқ борми? Кийимнинг қайси қисмида тафовут бор?
10. Рус аёллар ва қизлар бош кийимларини тавсифлаб беринг.

Мустақил иш топшириқлари

1. Рус эркак ва аёллар кўйлакларининг бичимини ўрганиб, улардан нусха кўчиринг.
2. Рус эркак ва аёллар либоси намуналарини, мато ва безак орнаментларини таҳлил қилинг.

XVIII АСР РУС КОСТЮМИ

XVIII аср Россия тарихида буюк ўзгаришлар ва Пётр I ислохотлари даври сифатида муҳрланиб қолган.

XVI – XVII асрлар Россия Европа билан яқин алоқада бўлган. Немис аскарлари, инглиз шифокорлари, голланд савдогарлари ва итальян муҳандислари ҳамда меъморлари чин кўнгилдан рус шоҳларига хизмат қилганлар. Мамлакатда йирик саноат корхоналари ҳам хорижликларга тегишли эди.

Дьяклар (князь котиби) поляк ва лотинча китобларни таржима қилар, ўзига тўқ ёшлар европача кийим кияр, аскарлар Европа ҳарбий низомлари бўйича сабоқ олардилар. Лекин шуларга қарамасдан турмуш илгаригидай давом этар, Русь давлати барибир қолоқлигича қолган эди.

Пётр I ҳукумат тепасига кегач, Россия Европанинг бир қисми бўлиши кераклигини англаб етади. Натижада мамлакат сиёсат бобида, ҳарбий ишларда, маданият, иқтисод ва турмушда жиддий ўзгаришларга юз тутди.

Пётр I ислохотлари давлатга хизмат қиладиган дворянлик мақомини янада мустаҳкамлайди, савдогарлик маъкеини соддалаштирди. Ушбу ислохотлар синфий тус олади ва унинг асосий мақсади Россия обрўсини Европа майдонида мустаҳкамлаш ва кўтаришдан иборат эди. Пётр I Россия худди Ғарбий Европа давлатлари сингари тараққий этган ва маърифатли бўлишини истар эди. Шундай қилиб, Россияда XVII аср охири – XVIII аср бошида қизғин вестернизация (инглизча *Western* – ғарб йўсинида маъносини англатади; Ғарбий Европа турмуш тарзини ўзлаштириш) бошланиб кетади.

Бу давргача ўта ўзига хос, миллий аломатлари яққол акс этган рус костюми ҳам вестернизацияга йўлиқади. Анъанавий боярларча турмуш тарзи доирасида бундай ўзгаришлар амалга ошириш осон эмас эди. Ноқулай, кават-кават, этаги узун боярлар костюмини қулай, енгил ва функционал Европа кўйлагига алмаштириш зарур давр талаби эди. Бу жараён узок ва азоб билан оғриқли тарзда давом этади. Албатта, бу ислохотлар боярларнинг қатъиян қаттиқ қаршилигига учрамасдан қолмайди. Бироқ Пётр I қатъият билан жамият тараққиётини тўхтатиб турувчиларга қарши туриб, кураш олиб боради.

XVIII аср – нафақат сиёсатда, балки маданият, турмуш, рус костюмида улкан ўзгаришлар даври бўлди. Бу аср рус санъати ва архитектурасининг (меъморчилиги) авжи гуллаб-яшнаш даври ҳам эди. Россия тарихида оламшумул воқеа содир бўлади – Руснинг янги пойтахти Нева дарёси соҳилида Санкт-Петербург барпо этилади. Бу факт шуниси билан диққатга сазоворки, шаҳар Европада XVIII аср давомида бутунлай янгитдан бунёдга келади. Шаҳарнинг бир аср давомида барпо этилган меъморий ансамбллари – Петропавловск ибодатхонаси, Қишки сарой ҳамда малика Екатерина саройлари ҳамда бошқа кўпгина бино ва иншоотлар ҳанузгача ўз гўзаллиги ва уйғунлиги билан кишини ҳайратда қолдириб келмоқда.

Бу даврда рангтасвир санъати ва ҳайкалтарошлик ҳам жўшқин тараққий этади. Шу даврда ижод қилган рассомлар ва ҳайкалтарошлар – В. Боровиковский, Д.Левицкий, К. Рокотов, Ф. Шубин номлари бутун жаҳонга донг таратади.

Гўзаллик идеали. XVIII асрда рус гўзаллик идеали Европа диди таъсири остида ўзгаради. Ўқимишли, назокатли, юзлари силлиқ, соқоллари олинган, европача, гарчанд модага риоя қилган бўлса-да, олифтагарчилик қилмасдан, ортиқча ҳашаматсиз кийинган эркак идеал ҳисобланган. Пётр I нинг ташқи қиёфаси намуна бўлиб хизмат қилган. У баланд бўйли, яхши кўринишда, ақлли, қатъиятли ва ўзига ишонган шахс эди. Унинг силлиқ, соқоллари қиртишланган юзи парвариш қилинган, унча узун бўлмаган сочлари яхши кўринган. Унинг қадди-қомати, ўзини тутиши, Европа костюми, хулқ-атворидаги ўзига хослик ёшлар учун ҳам, камолга етган эркаклар учун ҳам бирдай тақлид учун намуна эди.

Эркаклар гўзаллигининг идеали юз йил давомида ўзгариб туради, аммо унинг тимсоли, образи худди магнит сингари атрофига ҳар бир авлод ёшларини ўзига тортиб тураверади.

Аёл кўринишида нозиклик, қоматнинг хушбичимлиги қадрланган. Корсет ва қобирғадаги европача кўйлақлар, албатта, ёш қизлар ҳуснига ҳусн қўшган, лекин ёши ўтган аёллар бундай кийимларда ўзларини ноқулай сезганлар. Юзни оқартириб, пушти-қизил упа суртиш, кўзлар чакнаши, пахмайтирилган соч турмақлари, оч рангли шоҳиларда қимматбаҳо тақинчоклар жилваланиши рус аёлларига мутлақо янги қиёфа бахш этганди. Соғломлик, нафислик, ҳаяжон – ана шу уч сўз бу давр ёш қизлар гўзаллигини белгилаб беради (Д. Левицкий ва В.Боровиковский картиналари ҳақида).

Кийим турлари ва шакллари. Тўқимачилик. XVIII аср бошларида эркаклар костюми қопламали (улама) ва олди очиқ кийимлардан ташкил топган. Бу *жабо* кўйлаги, *кафтан*, *камзул*, *кюлота*, *пайпоқлар*, паст пошнали ва тўқали *туфли*, бош кийимлардан иборат эди.

Аёллар костюми ички ёпиқ кўйлақ ва олди очиқ устки кўйлақдан ташкил топган.

Бу аср ўртасида Екатерина II фармонида биноан миллий рус сарафани элементларини ўзлаштирган, бироқ қимматбаҳо матолардан тикилиши

мўлжалланган кўйлак-сарафан кўринишида сарой кийимининг янги тури жорий этилади.

Асрнинг иккинчи ярмида рус костюми, ҳам эркаклар, ҳам аёллар кийимига француз модаси таъсир этади ва ўзига кийимларнинг кенг рўйхатини камраб олади. Булар аёллар кийимларида – ёпқичлар (*накидкалар*), *кофталар*, *сюртуклар*, *казакинлар*, шунингдек, Ватто тахламали қилиб тикилган кўйлаклар эди.

Дворянлар костюмида тўқимачилик турлари кескин ўзгаради. Пётр I узок кураш олиб борган оғир, бутунлай тилладан иборат, йирик гулли алтабас (тилла ёки кумуш иплардан тўқилган қимматбаҳо мато) ва аксамит (бахмал, зарбоф сингари нукул тилладан иборат мато) каби матолар истеъмолдан чиқиб кетади. Энди қулай мовут, жун, бахмал, шойи, репс (пишиқ, чивик газлама), шунингдек, зиғирпоя толасидан тўқилган мато, ип-газлама ва бошқа пишиқ матолар маъқул кўрилади.

Эркаклар костюми. Пётр I даври кийими европаликларникидан тўқимачилиги ва безакларининг жуда соддалиги билан фарқ қилган ва французларнинг эмас, балки голланд ва немис модасига эргашган.

Пётр I костюми ҳам гарчанд башанг бўлса-да, соддалиги билан ажралиб турарди. Унинг костюми икки бортли, икки томонли, яъни ўнг-терсли (қизил-яшил), қайтарма ёқали, узун енгли, баланд қайтармали, енглари тугмаланган *кафтан*, унинг остидан *жабо* билан кўйлакка кийдирилган *камзул*, шунингдек, *кюлота*, оқ *пайпоқ* ва тўқали *пойабзал*дан ташкил топган. Ушбу ансамблни кумушсимон уқа билан безатилган икки томонли, ўнг-терсли қизил-қўқ рангли *плаш* тўлдириб турган. Бундай плашни иккала томонини ҳам алмаштириб кийса бўларди. Яна кафта билан плашнинг ранглари ёрқин эмас, хира бўлган.

Ёзги костюм гарчанд шоҳи билан мос келмайдиган кулранг холст (канопдан тўқилган мато) ҳамда кумуш ипда тикилган каштани ўз ичига олган бўлса-да, анча-мунча башанг эди. Назокат ва оддийлик – бу сўзлар Пётр I услубини белгилаб беради. Кулранг холст ва шоҳидаги кумуш, мовий ва оқ рангларнинг мужассам этилиши – бундай услуб ансамбли бир-бирига ажойиб

тарзда уйғунлашиб кетарди. Пётр I нинг шоҳона либоси – бу ҳам сокин башанглик намунаси бўла олади.

Пётр I нинг шкипер (кема капитани) кўйлаги кишида алоҳида қизиқиш уйғотади. Бу яхши бичилган, жигарранг асл мовутдан тикилган, қулай, функционал кийим эди.

Пётр I давридаги эркалар костюми немисча кўйлак, деб аталиб, у Европа намуналарига тўлақонли мувофиқ келган.

Кечки давр эркалар костюми (Пётр I давридан сўнг), айниқса сарой костюми рангдор ва сербезак ансамблни ўзида намоён этган. Ушбу костюм ҳақида гапирганда Д. Левицкий, В. Боровиковский чизган картиналарда тасвирланган князь Куракин, Кокориновлар портретларига қараб хулоса чиқариш мумкин.

Айни шу даврда эркаларнинг енгил уй кийими пайдо бўлади.

Бу аср ўрталари ва иккинчи ярмида костюм *француз кафтани, камзул, сорочка* (кўйлак), *кюлота, пайпоқ* ва паст пошна ва тўқали *бошмоқлардан* ташкил топган. Айниқса сарой аъёнларининг тантанавор костюми тилла, кумуш иплар қўшиб тикилган ва уқа билан безатилган. Бироқ кашта эни қатъиян белгилаб қўйилган эди.

Екатерина II даврида сарой аъёнлари костюмлари айниқса серҳашам бўлган. Дворянлар Европанинг ҳашаматга оид янгиликлари изидан қувиб, бутун оилалари билан камбағалликка тушиб, синиб ҳам қолган.

Москва боёнларининг вилоятликлар кийимларига хос аломатларни акс эттирган нисбатан соддароқ костюмлари пойтахт амалдорларининг серҳашам костюмлари соясида қолиб кетганди.

Павел I даврида француз кўйлаги шоҳ томонидан қувғинга учрайди, чунки бу шоҳ бари немис нарсаларини афзал кўрарди. Унинг шоҳлик даврида француз модаси таъсири остида пайдо бўлган фрак, жилет ва панталонларни кийиш тақиқланган эди.

Павел I Фридрих Вильгельм давридан қолган Пруссия ҳарбийлари андазасига кўра немис кийимлари ва парикларини кенг ёйди.

Дехқонлар ва авом халқ костюми анъанавий миллий рус кийими элементларини ўзида акс эттирган эди. Савдогарлар ва мешчанлар халқниқига ўхшаб кетадиган, лекин дворянлар костюмидан бир неча элементларни ўзлаштирган холда ўзларининг костюмини яратган эдилар.

Аёллар костюми. Аср бошида олий насаб аёллар одатда иккита кўйлак кийганлар. Ичкиси олди ёпик, усткиси эса, *гродетур* эса барлари очик чуқур декольтели бўлган. *Гродетур* (гарнитур) кўйлаги шу номдаги матодан олинган бўлиб, жуда калин (тик), одатда тўқ рангли сидирға шойидан тикилган. Иккала кўйлак танага ёпишиб турадиган лиф ва қаппайган, кенг юбкалардан иборат бўлган. Бундай ансамблни мўйна билан безаш урф эди.

XVIII аср ўрталарига келиб аёлларнинг ҳам эркакларнинг ҳам костюми француз модаси таъсири остида қолади. Панъега, сўнг фижмаларга, “тирсакли” панъега кўйилган кўйлаklar пайдо бўлади.

Француз аёллари каби рус хотин-қизлари ҳам кўйлак устида *казакин* – кўкраги кенг ўйилган ва мўъжазгина баскали (бел йўналиши бўйлаб кўйлак, кофта, блузка, жакетларга кўйиладиган кенг бурма) бўлган.

Аёллар костюми хаддан ортиқ серҳашам эди, Екатерина II анъанавий рус сарафанини эслатувчи кўйлакни кокошникка (рус хотин-қизларининг ярим доира соябонли қадимги бош кийими) ўхшаш бош кийим билан бирга кийилган.

XVIII аср охирида қиз-жувонлар француз классицизми таъсирида “антик” кийим кия бошлайдилар ва кўринишлари машҳур француз соҳибжамолларидан сира қолишмасди.

Аёллар костюмида уй кийимларига катта аҳамият берила бошланди. Эрталабки ясан-тусан қилиш одати пайдо бўлади, шунингдек, кундузлари кийиладиган, модага асосланиб, оддий матолардан, кишилиқ кўйлаklаридан сипороқ қилиб тикиладиган кўйлаklарни кийиш ҳам одатга айланади. Гўзал рус аёллари бундай майда гулли ёки майда расм босилган чит кўйлаklарда жуда малоҳатли кўринганлар.

Мешчан ва савдогарларнинг хотинлари анъанавий халқ кийимини кийганлар, лекин шундай бўлса-да, уларга дворянлар модаси таъсир этган, шу туфайли ҳам танага янада ёпишиб турадиган ва чуқур декольтели ҳамда бошқа янги модабоп қилиб тикилган.

Халқ кийими анъанавийлигича қолади.

Пойабзал. Эркаклар ва аёллар европача пойабзал кийганлар. Аёллар пошнали, тўғнағич тақилган ва безак берилган ипак туфли, яна чарм пойабзал киярдилар.

Бош кийимлари, соч турмаклари, зеб-зийнат, косметика, пардоз-андоз воситалари. XVIII асрда рус дворянларининг бош кийимлари турлари деярли европача бўлган эди, масалан: *учбурчак шляпалар, картузлар* (эркакларнинг козирёкли бош кийими) ва бошқалар шулар жумласидан эди.

Волгоград шаҳри ўлкашунослик музейида Пётр I нинг Царицинга ҳадя қилинган картуз ва ҳассаси сақланади. Картуз оддий мовутдан тикилган бўлиб, ҳеч қандай безак берилмаган.

Аёллар бош кийимлари худди Европада костюмига ўхшаш эди: *чепецлар, майин шляпалар, тўр* ва газдан қилинган *наколкалар* ва *дуррачалар, вуаллар* (шляпага тутиладиган ва юзни беркитиб турадиган тўр) ва *накидкалар* (ёпинқичлар).

Эркакларнинг соч қўйиш тарзи ҳам худди европалик эркакларникидан андаза олган эди. Аср бошида соч турмаклари барокко услуби элементларини ўзаштириб олади ва аллонж (французча *allong* – узайтирилган, узун) париклари ҳам урф бўлади. Сўнгра рококо услубидан соч турмаклари пайдо бўлган. Бу жингалак соч толаларидан иборат кичкина, упа сепилган парик ва “каламуш думи” (“а-ля будера”) париги эди. Бундай соч турмаклари эркаклар костюмида мустаҳкам ўрин эгаллайди. Бироқ жингалак “немис” париклари руслар ўртасида урф бўлмайди. Маълумки, М. В. Ломоносов парикни унча писанд қилмаган, уни кам кийган ва баъзида борш ичганидан сўнг терлаб, парик билан юзларини артган.

Аёллар соч турмаклари ранг-баранг бўлган. Уларнинг соч турмаклари Европа модасидан бир оз орқада қолган, лекин француз модаси изидан эргашган ва аввалига кичкина (“упа сепилган”), сўнгра рококо услуби авжига чиққач, баландлашади, кўпгина деталлар ҳамда постижер, парик ясаиш элементларини ўзлаштириб олади. Аёллар орасида “Мария-Антуанетта” соч турмаги оммабоп эди.

Рассом А.П.Антроповнинг Волгоград тасвирий санъат музейида сақланаётган “Екатерина II портрети” картинасида малика тантанавор костюмда тасвирланади. Маликанинг эғнида панъега кўйилган ва корсетда лифи чуқур декольтели “француз” шоҳи кўйлаги. Унинг юзи ҳаддан ортик оқартириб, ёғупа сепилган ва пушти-қизил ёғупа билан ёноқлари кизартирилган. Соч турмаги эса “кичкина упа сепилган” парикдан иборат. Ардоқланган, тантқона танаи оч, кумушсимон-мовий рангли кийимларда чиройли кўринади. Елкасига оқсичқон мўйнасидан тикилган мантия (*ридо*) ташланган. Қўлларида *скипетр* (салтанат ҳассаси, подшоҳ салтанати аломати) ва ҳоҳ шакли солинган олтин шар (монарх ҳокимиятининг рамзий белгиси).

Асилзодалар, айниқса пойтахтлик киборлар ҳаддан ташқари кўп зеб-зийнат таққан. Масалан, князь Куракинни “турган-битгани бриллиант”, дердилар. Тарихдан яна шуниси ҳам маълумки, Пётр I нинг нисбатан “камтарона” даврида айрим савдогарлар манмансираб, зеб-зийнатга кўмилиб оларди. Айниқса, уларнинг орасида А.Меньшиков ажралиб турган.

XVIII аср Россияда *стеклярус*, яъни шиша мунчоқ (ранг-баранг, майда, найча шаклли мунчоқ), бисер, яъни майда мунчоқ, нозик ишлаб чиқарила бошланади. Мунчоқ ишлаб чиқариш сирлари мўғуллар истилоси даврида унутилган эди. Шу сабабли энди авом халқ костюминини нафақат дарёда урчитилган марварид ва садаф эмас, балки мунчоқлар ҳам безай бошлади.

Шунингдек, зар ва кумуш иплар билан тикилган каштачилик ва уқалар ҳам асилзодалар кийимини жуда безаб турган.

Айниқса, Елизавета Петровна ҳукмронлиги даврида зеб-зийнат, заргарлик тақинчоқлари ҳаддан ортик, ҳатто тийиқсиз даражада ишлатилиши билан донг

таратган эди. Малика тантанали тадбирларни, масалан, баллар, ясан-тусанлар, жўшқин ва қувноқ овларни хуш кўрарди. Бундай тадбирларнинг барига сарой аъёнлари олдиндан тайёргарлик кўрарди, ярқирама тошлар кадаб тикилган либосларга буюртма берарди. Заргарларнинг кўли кўлига тегмасди. Ўша даврда келиб чиқиши швейцариялик бўлган Позье деган заргарнинг донғи кетган, уста заргар ҳисобланган. Бриллиант, марварид ва бошқа қимматбаҳо тошларда ясалган гулдаста шаклидаги ҳашамдор композициялар маликанинг кўйлаклари ва соч турмаklarини беабаб турган. Позье худди шундай Екатерина II учун шоҳлик регалияларини (шоҳ ҳокимиятининг рамзи бўлган нарсалар, масалан, тож-тахт, салтанат ҳассаси ва ҳ.к.) ясаган эди. Позье санъаткорона ясаган буюмлар ўзининг юксак бадиий диди ва заргарлик ишининг ниҳоятда нозик, нафислиги билан таҳсинга сазовордир. 1900 йилда жаҳонга машҳур бошқа бир заргар К.Фаберже Парижда ўтказилган халқаро кўргазмада Позье асарларидан нусха олади, яъни аслиятдан 10 баравар кичрайтирилган худди ўшандай тақинчоқларни ясайди.

Бриллиант ва бошқа қимматбаҳо тошлар қўйиб нафис ишланган заргарлик маҳсулотлари сарой аъёнлари костюмларида кенг ишлатилган. Бу даврга мансуб рус заргарлик маҳсулотлари усталик билан нафис ясалиши ва юксак бадиий диди билан ажралиб туради.

Рус хонимлари парфюмерия (атир) ва косметика (пардоз-андоз) воситаларидан кенг фойдаланганлар: улар ҳам худди француз аёлларидай гарчанд жуда кўп бўлмаса-да, юзларини оқартириб, ёғупа суртганлар, пуштиқизил упа билан ёноқларини қизартирганлар, ясама хол – мушка ёпиштирганлар.

Костюмнинг архитектура – меъморчиликка дахлдорлиги. Бу алоқа Европа рококо костюмининг архитектурага боғлиқлигига ўхшашдир. Шоҳининг ажиб жилваланиши, тақинчоқларнинг ялтираши, каштанинг жимжимадорлиги ва матоларнинг рангдорлиги сарой-боғ ансамблларининг дабдабаси, деворлар сиртларининг нафис ранги, ганчкор нақшлар ва зарҳаллар билан уйғунлашиб кетади.

Назорат учун савол ва топшириқлар

1. Пётр I костюми қандай бўлган?
2. Рус зодагонларининг кийими нималардан иборат эди?
3. Эркаклар соч турмакларининг асосий турларига таъриф беринг.
4. Аёллар костюми қандай бўлган?
5. Аёллар соч турмакларининг умумий белгилари қандай эди?

V БОБ. ЕВРОПА КОСТЮМИ

ВИЗАНТИЯ КОСТЮМИ

Византия парчаланиб кетган Римнинг ягона меросхўри саналади. Антик маданият харобалари устида ва Ўрта асрлар остонасида византияликлар маданияти, турмуши, услуби ва ҳаёт тарзи шаклланди.

Насронийлик – христианлик акидалари ва қонун-қоидалари асосида яшаган Византияда антик эстетик тасаввурларга кўра янги бадий-догматик услуб пайдо бўлди.

Дастлаб бу услуб архитектура–меъморчиликда насроний ибодатхоналари қурилишида акс этди. Византияда дунёга донғи кетган шундай иншоотлардан бири “Аё София”, асли “Авлиё София” ибодатхонасидир. Бу сарой гўзаллик ва улуғворлик намунаси, насронийлар худосининг қудратлилиги ғоясини ўзида мужассам этган бетакрор санъат обидаси ҳисобланади.

Византияда черков чеклашлари туфайли ҳайкалтарошликда ҳайкал яшаш деярли ривожланишдан тўхтади, лекин унинг ўрнига янги илгари рангтасвир санъатида умуман учрамаган – санъат қонунлари асосида шаклланган– бут (икона), санам чизиш тури кириб келди ва “Владимир биби Марям онаси” ва “Ўн икки ҳаворий” (христиан динида нақл қилинишича, Исонинг ўн икки апостоли, яъни шогирдлари, ҳаворийлари бўлган) каби икона чизиш санъатининг дурдоналари пайдо бўлди.

Яна Византия мозаиканинг (қадама нақши) шуҳрати бутун христиан оламига ёйилган эди. Византиялик усталар кўпгина мамлакатлар, жумладан, Русда, Киев ва Новгородда ҳам ишлаганлар.

Гўзаллик идеали. Насронийлик (христианлик) динининг таъсири остида юнонлар ва римликларга хос инсон тани, танаининг гўзаллигига қизиқиш уйғонади ва ахири аста-секин инсоннинг маънавий гўзаллигига қизиқа бошланади.

Энди кўзга яққол ташланадиган, қават-қават кийимларга кўмилган қад-қомат инсоннинг ташқи кўринишидаги асосий жиҳат бўлмай қолади.

Кенг пешона, қирра бурун, кичкина чиройли оғиз, худди биби Марям чехрасидаги каби мунг ва маъсумалик ифодаси акс этган узунчоқ юз – ўша давр гўзал инсон қиёфаси ана шундай тасаввур қилинарди.

Кийим турлари ва шакли. Тўқимачилик. Бой, ўзига тўқ византияликлар зиғирпоя толасидан йигирилган мато ва жундан воз кечдилар ва шоҳини афзал билдилар. Ички кўйлак *туника* юпка шоҳидан тикилган. Бутун бошли устки кийим эса калин, гулдор шоҳидан тикилар, бу кўйлакка худди тикка турган қимматбаҳо ғилоф, ўрам тусини берар, унинг ичида тана бемалол жойлашиши мумкин эди. Бу йирик раппортли (*rapport* сўзи французчадан олинган бўлиб, у шоҳи матодаги расмнинг негизий элементи, трикотаж, каштадаги кўп марта такрорланадиган нақшнинг бир қисмидир) шоҳи, шунингдек, кимхоб, зарбоф ва алтабас¹⁰ дан, серкашта ва марварид кўйиб тикилган кийим бўлган.

VI аср ўрталарига келиб, византияликлар шоҳи мато ишлаб чиқариш сирларини эгаллаб олдилар. Бу матоларни ишлаб чиқариш ҳамда тўқ қизил, қирмизи рангга бўяш мамлакатда давлат монополиясига айланди. Византияликлар юнонлар ва римликлардан фарқли равишда, мураккаб, хира рангларни қадрладилар, чунки улар бу рангларда сирлилик кайфиятини кўрдилар. Лекин шундай бўлса-да, сарой аъёнлари костюмида қирмизи, тилларанг, сарик, қизил каби бошқа ёрқин ранглардан фойдаланилди.

Византиянинг гулдор, нақшин матолари кўпгина адабий манбаларда: рус йилномалари, француз поэмалари, форс адабиётида ҳайрат билан қайд қилинади. Византия матоларига чекилган нақшин гуллар ўзида антик ва шарқона анъаналар, шунингдек, христианлар рамзларини уйғунлаштирган эди. Бу – матога чекилган реал ва фантастик жониворлар: шер, кентавр (юнон афсоналарида тасвирланган ярми одам, ярми от махлуқ), товуслар, Исо

¹⁰ алтабас (*туркча* – алтин бесс, зарбофнинг бир тури, гулдор ёки тилла ёки кумуш иплар кўшиб тўқилган қалин шойи)

пайғамбар исми шарифи ва ўсимлик чизгилари билан хошияланган хоч расмлари эди.

Тўқимачилик ва костюмда қўлланган ранглар рамзий бўлган. Мовий ранг – осмонни, яшил ранг – гуллаш, уйғониш, умидни билдирар эди. Тилла рангга асосий, устувор аҳамият берилган: тилла жилваси илоҳий нурга қиёс қилинган. Ҳамиша ғолиб илоҳий ғайрат, куч-қудрат, тозалик – тилла нишонлар чекилган, алтабас, зарбофдан тикилган Византия императорлари костюми ана шундай талаблар билан ва айна шу руҳиятда безаларди.

Византия учун ягона костюмда копламали, уламали ва драпировка қилинган кийимларни бирлаштириш хосдир. *Нарамник, далматик, стола, пенула, оплечье* – либоснинг уламали, копламали турларига киради; *лорум, мафорий, плаш* – бу кийимнинг драпировка қилинадиган турларидир. Византия костюми ўзида беозор, ярим ҳалқа чизиклари, аниқ-тиник билинмайдиган, сийпалаб ўтадигандай майин шакллари билан ўзига хосликни намоён этади (*лорум, мантия–ридо, стола, пенула*).

Эркаклар костюми. Одатда эркаклар костюми *туника, иштон, далматик* ва *плаш*дан ташкил топган. Иштон эркаклар костюмининг зарур элементи бўлиб қолади.

Император юпқа шойидан тикилган ички кийим *туника*, унинг устидан эса зарли қилиб безалган тилла белбоғ билан бойланган *далматик* кийган. Ички туника кўйлагининг енглари энсиз ва узун бўлган. Далматикнинг енглари эса айтарли даражада кенг бўлиб, ундан уқа тутилган ички туника енглари кўриниб турган. Плашнинг бўлса, тўқ қизил рангда, қалин ва эластик бўлмаган шойи матодан қилинган ва этаклари ерга тегиб турган. Унинг кўкрак ва орқасига қимматбаҳо кимхобдан ромбга ўхшаш ажралиб турадиган белги – *таблион* ёпиштириб тикиб қўйилган.



5.1-расм.

Император костюми. Ички кийим сифатида оқ рангдаги, тилла безакли камар билан боғланган, ипакли туника кийилган. Устки кийим - қизил рангли *плаш-мантия*дан иборат. У узун, ергача тушиб турадиган ва таблион билан безатилган эди. *Таблион*- император хукмронлигининг белгиси бўлган. Бу белги қимматбаҳо матодан тайёрланган. Таблион плашни олд ва орқа томонига тикилган.

VII асрдан бошлаб император далматик устидан алтабас матосидан қилинган узун шарф – *лорум* ўраган. Лорумни тоганинг қайта туғилган шакли деса бўлади. Лорум сўнгги Рим давридаги консуллик зарбоф шарфидан келиб чиққан. Унинг бир учи худди Рим тоғасиники сингари чап қўлдан ошириб ташлаб қўйилган. Лорум муайян қоидаларга мувофиқ драпировка қилинган.

Қўшимчалар. Император хукмронлигининг ажралмас ўзига хос белгиси: унинг тожиси ва лорумидир. Византияликларда гултож қимматбаҳо тошлар ва тилладан тайёрланиб, тожга айланган. Авваллари эса, лашкарбошилари ғалабаси шарафига бериладиган гулчамбарни эслатар эди. **Лорум** – қимматбаҳо тошлар билан безатилган узун, кенг шарфдир.

Бир оз кечроқ даврга келиб лорум *нарамникка* айланади, унинг олд қисми орқасига нисбатан калтароқ бичилади. Дин арбоблари узун туника – иккита тик, вертикалига йўл тушган *латиклавия* кийганлар. Эркаklar ҳам далматик устидан капюшон – қалпоқли ва капюшонсиз *пенула* кийганлар. Плашлар барининг ташқи кўриниши ярим доирасимон бўлган.

Эркаklar соч турмаklари – асосан “ҳалқасимон”, “доира” усулида бўлган. Соч то қулоқ солинчагигача тушган ҳолда текисланарди. Соқол ва мўйловлар соч турмагини тўлдириб турувчи қўшимча эди.

Пойабзал. Византия пойабзаллари юмшоқ ва қулай бўлган: бу борада римликларникидан намуна олинган; боғичли қилинган; булар ёпик, учи тор – *соччи*; хонаки турдаги, учли *пантофли* шиппаги бўлган. Авом халқ оёқларига қораранг юмшоқ пойабзал – *кампаги* кийган; сарой аъёнлари ёрқин тусдаги, тўқ қизил, каштали, тилла қадама безакли ва қиммат тошлар қўйилган пойабзал

кийган. Юмшоқ этиклар ҳам оммабоп бўлган. Этикларнинг кўнжи қанчалик узун бўлса, туника шунчалик калта кийилган.

Аёллар костюми. Айнан Византияда бирданига бир либос устидан бошқасини кийиш одатга айланади. Булар кенг, кўйлакка ўхшаб кетадиган, узунлиги ерга тушиб турадиган *туника-столалар* бўлиб, ички туниканинг енглари тор, усткисиники эса кенг енгли бўлган. Уларнинг устидан елкага фибула билан қадаб, бирлаштирилган ярим доирасимон *плаш-мантия* кийилган. Ана шу костюмнинг кўп қаватлилиги Ўрта асрлар модасининг асосий хусусияти эди.

Императорнинг рафикаси бўлган малика *стола* устидан зарбофдан таблион ёпиштирилган ёки энли ука тутилган сергул шоҳи матосидан плаш кийган. У бўйни бўйлаб *оплечье* – Византиянинг марварид ва қимматбаҳо тошлар қадалган ёқасини тутган. Марварид солинчоқли серхашам бош кийими, хошияларига сербезак, сернақш ука (жияк, хошия) тутилган кўйлак, кашта, майда мунчоқлар, қимматбаҳо зеб-зийнат – буларнинг бари костюмни бебаҳо санъат асарига айлантирган. Асилзода хонимлар ҳам танга бир оз ёпишиб турган, сербезак, этаги диагонаliga кесик *далматик* кийганлар.

Эрли, авом халқ вакиллари бўлган оддий хотинлар янада сипо: ички – *туника*, устки – *стола*, *пенула* кийганлар; бошларига ёпқич – *мафорий* ёпганлар. Иконаларда биби Марям шундай кийимда тасвирланган. Насронийлик – христианлик дини қабул қилинган, эрли аёллар сочларини бош кийимлари остига яшириб юрганлар. Бу одат Ўрта асрларнинг бутун даври мобайнида то Ренессанс даври кириб келгунга қадар давом этади.

Бош кийимлари, соч турмаклари, зеб-зийнат, косметика–атир-уна, пардоз-андоз воситалари. Византияда *тож*, *гултож*, *митра* (руҳонийлар ибодат пайтида киядиган бош кийими), *тиара*, ҳар хил *тиллақошлар*, *тасма-боғичлар*, *ёпинчиқлар*, *рўмол*, *ёпқичлар* урф бўлган.



5.2.-расм

Лекин эрли хотинларнинг сочлари одатга кўра бош кийим, мафорий, ёпинчиқ, боғич остига яшириларди. Чунки христианлик (насронийлик) динининг ахлоқ қоидалари аёл кишининг бош яланг юришини тақиқлаб қўйган эди.

Аёллар соч турмаклари орасида бу даврга келиб, энг урф бўлгани тасмалар ва марварид тизилган иплар билан пешона устида сочни валик қилиб қўйилгани эди. Валик то кулоққача сочларни беркитиб турган.

Костюм ва динда Византия анъаналари қадимий ва ўрта асрлар Русида то Пётр I ислохотларига қадар амал қилиниб келди. Русь Византия костюмини сақлаб қолди ва уни ривожлантирди, чунки ўзида антик ва ҳалок бўлаётган цивилизация–тамаддун анъаналарини уйғунлаштириб, мужассам этган бу мамлакат мазкур мураккаб ва ранг-баранг маданиятнинг тўғридан-тўғри ва асосий меросхўри эди.

Гарчанд черков аёл ўзига кўп безак беришини тақиқлаган бўлса-да, византиялик асилзода хонимлар кўпдан-кўп ранг-баранг тақинчоқлар тақар, зеб-зийнатни яхши кўрарди.

Император ва малика марварид солинчоқлар тақардилар. Юзнинг икки томонида иккита ипга тизилган солинчоқлар осилиб турарди, бу кишининг ҳуснига ҳусн қўшарди. Солинчоқлар эркакларнинг то елкасига қадар, аёлларнинг эса кўкраги ўртасигача тушиб турган.

Черковнинг ҳар қанча тақиқлашига қармасдан асилзода аёллар косметика – пардоз-андоз воситалари, атир-упадан кенг фойдаландилар. Масалан, император Юстинианнинг хотини, собиқ гетера (енгилтак, суюғоёқ хотин), актриса юзи ва танаини парвариш қилишга кўп вақт сарфлар, шунингдек, кўзга яққол ташланадиган макияж қиларди. Оддий фуқаро аёллар сипо кўринган.

Костюмнинг архитектура – меъморчиликка дахлдорлиги. Византия костюмининг кўринишлари бир аср мобайнида ўзгариб турди, аммо улар учун умумий бўлган ягона жиҳат сақланиб қолди, у ҳам бўлса, композиция, пропорция (мутаносиблиги) ва ташқи кўринишига кўра костюм христианлар (насронийлар) базиликаларини (қадим ва ўрта асрлар архитектурасида: ички

қисми қатор устунлар билан бир неча қисмга бўлинган бино) эслатди. Хочли митра ва бошдаги мафорий ибодатхона гумбазига ўхшаб кетган. Ғилофсимон кенг, бўртма кийимлар ибодатхона кўринишини ёдга солган.

Атама сўзлар изоҳи

Туника – Эркаклар асосий кийими.

Полудаментум – Император ва бойларнинг устки кийими.

Лорум – Кимматбаҳо тошлар билан безатилгин тилларанг шарф

Оқ туника – Рухонийлар кийими.

Назорат учун саволлар ва топшириқлар

1. Византия санъати ва маданияти ҳақида нима биласиз? Таърифлаб беринг.
2. Византияда гўзаллик идеали қандай эди?
3. Византия асилзодалари ўз костюмларида қандай матолардан фойдаланганлар? Византияликлар нима учун тиллани костюмнинг зарур атрибути деб билганлар?
4. Византия императорининг костюми қандай бўлган? Унинг элементларини санаб беринг.
5. Авом аёлнинг костюми асилзода хоним костюмидан нимаси билан фарқ қилган?
6. Византия анъаналарининг меросхўри ва давом эттирувчиси бўлган мамлакатни айтинг.
7. Византия кийимида қайдай материаллар ишлатилган?
8. Византия кийимларда қандай янги шакллар пайдо бўлган?
9. Аёллари ўз кийимларида қандай безаклар ишлатилган? Византия аёл костюмини таърифлаб беринг.
10. Византия костюмининг ўрта асрлар Европа костюмига таъсири нималарда сезилган?

ИЛК ЎРТА АСР ЕВРОПА КОСТЮМИ

Роман услубига мансуб костюм

(XI – XIII асрлар боши)

1000 йилга келиб, Европада жимжитлик ҳукм суради, ана шу тинчлик-хотиржамлик, жамиятдаги мувоозанат ва ниҳоят ижодий меҳнат билан машғул бўлишга имкон беради.

XI – XII асрларга келиб, тарихда *роман услуби* деб номланган услуб шаклланади. Бу даврда феодал князликлар вужудга келади. Қасрлар ва монастирлар барпо этилади. Шу ўринда бир нарсани айтиш жоиз: айнан монастирлар улкан бойлик ва беҳад маблағларга эга эди, шунинг учун бадиий асарлар буюртмачилари ҳам монастирлар бўлган, асосан санъат бойликлари улар ихтиёрида эди. Роман санъатини “монастир санъати” деб аталиши ҳам бежиз эмас.

Роман услубига мансуб архитектура – меъморчилик учун куйидаги жиҳатлар хос бўлган: бинолар худди қалъани эслатган. Иморатлар эшиклари қалин, бино юқорисида ярим доирасимон, горизонтал ва вертикал камарча, бўртиқ, кертик ва бошқа кўринишда қурилган ойна-шинак, туйнуклари бўлган. Йирик блоklar бундай бино ташқи кўринишига, хоҳ у черков ёки қаср бўлсин, алоҳида кўрк бағишлаган.

Архитектура айниқса XII – XIII асрларга келиб, гуркираб ривожланади. Роман услубидаги китоб миниатюриси сюжетларининг ранг-баранглиги ва персонажларининг жонлилиги, бойлиги билан ажралиб туради. Ана шу жиҳатлар келгусида костюмида ўз ривожини топади.

Христиан (насроний) дини, феодализм ва рицарлар табақаси роман маданиятида маълум из қолдирди.

Гўзаллик идеали. Эркаклар гўзаллигининг идеали – қадди қомати келишган, жасур рицарь, деб тасаввур қилинган. Бунда Византиядаги аскетизм (зоҳидлик, таркидунё қилиш) ва жисмсизлик қарашлари эмас, балки мардлик,

жисмоний куч — ор-номус, шаън кодексида белгилаб қўйилган яхши хулқ-одоб билан бир қаторда эркаклар гўзаллигининг асосий қоидаларидан бири бўлган.

Аёллар гўзаллигининг идеали жамиятда ҳукм сурган романтизм ва черков жамиятга сингдирган идеалга асосланган. Аёл садоқатли, нозик ва нафис, бели ингичка ва оқиш танли, тилларанг сочли, оч рангдаги (мовий, яшилранг) кўзлар ҳамда кип-қизил ақиқ лаблар ва ёноқлар худди нафис атиргул тусида бўлиши керак, деб тасаввур қилинган. Аёлнинг ана шундай шоирона образ, тимсоли гўёки инсониятнинг кучли қисми, яъни кучга асосланган ярмини кескин таъкидлаб, ажратиб турган. Шу тариқа “гўзал аёл” шахсига сажда қилиш пайдо бўлади, бундай қўлетмас соҳибжамол аёл учун мусобакалар ўтказилади, рицарлар бундай аёл учун жон фидо этадилар, трубадурлар (ўрта асрларда Франция жанубида элма-эл кезиб, куйлаб юрадиган окин-шоирлар) аёл гўзаллиги-ю, вафо-садоқатини мадҳ этиб куйлайдилар. Аёл сарой ҳаётининг диққат марказида туради.

Кийим турлари ва шакллари. Тўқимачилик. Ҳам эркаклар, ҳам аёллар костюми улама (қоплама) кийимлардан иборат бўлган. Аёллар костюми *туника* ва *плаш* шаклидаги узун кийимлардан ташкил топган. Ўша давр кийими учун кўп қаватлилиқ (қатма-қат) хос эди. Кийим зиғирпоя толаси, чарм, мовут ва мўйналардан тикиларди. Ҳали гулдор шарқона матолар урф бўлганича йўқ эди. Шундан бўлса керак, либос учун ранги сидирға, ёрқин, тиник: кармин (кошениль деб аталадиган ҳашаротдан олинадиган оч қизил бўёқ), яшил, кўм-кўк, кип-қизил, оппоқ ранглар танланарди. Костюмнинг турли қисмлари бир-бирининг рангига зид, контраст қилиб олинарди.

Кейинги, кечки Германия даврида геральдика (гербларда жониворлар расмларидан фойдаланиш; бунда етти хил рангдан фойдаланилган) ранглари ва геральдика элементлари: “мипарти” (*mi-parti* — бўлинган) модаси, масалан, рангига кўра ҳар хил иштон почаларини айтиш мумкин (готик даврга қаранг). Феодаллар бошқалардан ажралиб туриш ана шундай “қуроқ”ни урфга киритадилар. Ёш олифта йигитчалар, пажлар (ўрта асрларда подшо саройида ёки асилзодаларга хизмат қилувчи маҳрам ўғил болалар), олди табақа ёшлар бу

модани дарҳол қабул қиладилар. “Мипарти” модаси готик давр, айниқса Бургундия саройида бир қанча вақт гуллаб-яшнаб, ҳукмронлик қилади.

Бориб-бориб, Шарқ мамлакатларидан қимматбаҳо гулдор, нақшин матолар ва тўқ қизил шоҳилар келтирила бошланади. Мазкур матолардан тайёрланган кийимни аксарият тож соҳиблари ва олий табақа вакиллари киярдилар. Бу даврда кашта тикиш ривожланади. Каштага эҳтиёж катта эди, чунки тўқимачилик саноати фақат сидирға матолар ишлаб чиқарарди. Европаликларнинг салб юришлари чоғида тўқимачиликнинг янги турлари: пахта ва шоҳи кириб келади. Энди янги, ёрқин бўёвчи моддалар ёрдамида жун ва мовут бўяла бошланади. Бироқ рангли ва ёрқин кийимга антик даврларга хос нафосат ва назокат етишмас эди. Бу камчилик сабаби – Ўрта асрлар кийими асосан антик, Византия ва варварлар (бу ўринда: қадимги юнонлар ва римликлар маданиятдан ортда қолган чет элликларга берган ном) кийимларининг қоришиғидан пайдо бўлганлигида эди: драпировка қилинган кийим – антик даврдан; устма-уст кийиладиган кашта тикилган туника – Византиядан; иштонлар – варварлардан, кийимни алоҳида блокларга бўлиш ва чокларга уқа-жияк қўйиб безаш романларнинг бошқалардан ажралиб туриш истагида қилган уринишлари натижаси эди.

Эркаклар, айниқса, аёллар роман костюми бўлиниш жойлари ва улама элемент ва қисмлари уқа билан безалган. Уқа тасмасига кашта тикилган, унга тилла пластинкалар, шунингдек, қимматбаҳо тошлар қўйиб безатилган.

Роман костюмида тикувчилик ҳунарининг ривожланиш жараёнида ўзгаришлар юз беради. Энди кийимда кам билан учта чок: иккита ёнбошида ва битта орқасида қўйиладиган бўлади. Бунга худди аввалгидек, танага ёпишиб турадиган лиф орқали эришилади. Эндиликда клин – қийиқлар ёрдамида либоснинг айрим қисмлари кенгайтирилади. Яна кийимни бўлиш ҳам унинг танага яхшилаб мослаштиришга ёрдам берган. Қимматбаҳо сувсар мўйнаси Русдан келтирилар ва бу донг қозонган эди. Одатда плашларга нархи арзонроқ мўйна қўйиларди.

Эркаклар костюми. Илк роман даврида эркаклар *иштон*, ички ва устки *туника* ва *плашлар* кийганлар. Эркаклар костюми ҳамон кийиш тартиби ва таркибига кўра бирмунча Византия костюмини эслатган. Кейинчалик эркаклар устларидан пайпоқка ўхшаб кетадиган *шосси иштон*лари, устки *туника* – ярмидан кенгайиб кетган, кесикли, бел чизиғи пасайиб борган *блиони* тиззадан болдиргача тушиб турадиган юбка билан бирга кийганлар.


Рангли 25-расмда ёш феодалнинг воронкасимон енгли, этакларига мўйна кўйиб безалган сербезак блио кийгани тасвирланган. Блионинг кўкрагига кашта тикилган. Унинг чоклари, бўғзи, енглари пасти, бел ва бўкса чизиклари устидан чок уриб, ука билан безалган. Бу манзара йирик-йирик сочма, бўлаклилик тасаввурини уйғотади. Блио остидан ички туника кўзга ташланади.


Кейинроқ эркаклар костюмининг бошқа бир тури пайдо бўлади. Бу – *иштонлар*, *туника* ва унинг устидан *нарамник* (“мипарти”) кийилади. *Нарамник* – ёнлари тикилмаган, яхлит мато бўлагидан мўлжалланган, уни иккига тахлаш йўли билан ҳосил қилинган улама (қоплама) кийимидир.

Шунингдек, *котт* кўйлағи ва *сюрко* (*surkott* – бу сўз “котт устидан” деган маънони англатади), одатда котт рангига зид, контраст рангдаги енгсиз кийим кийилган. Сюрко коттдан бирмунча калтароқ бўлган ва у ёнлари тикилган *нарамник* тасаввурини уйғотган. Кечки даврга хос Германиянинг эркаклар костюми силуэти ва пропорцияларига кўра рицарлик яроғ-аслаҳаларини эслатган ва иштонлар ва калта устидан ташкил топган. Авом халқ устки кийим сифатида кечки римликлар *пенул*асига ўхшаш кийим кийган. Баъзан бу кийимнинг бели бойланган ва капюшони бўлган. Унинг остидан эса калта, тиззагача келадиган туника ва тор иштонлар кийилган. XIII асрдан бошлаб капюшон ёки қалпоқ тагидан оқ, юзни ёпиб турадиган *бегуин* (чепецга ўхшаш) кийила бошланади.

Ўрта асрлар эркакларнинг такомиллашган костюми кейинчалик ички кийимлар – *брэ*, *шосси*, *кўйлак*дан ташкил топади. Устки кийимлар *пелиссон* ва *блио*, пойабзал ва бош кийимидан иборат бўлади. Саёҳатчилар кийимига *плаш*, сафарда кийиладиган бош кийими ва этиклар кўшилади.

Брэ, деб ичдан кийиладиган иштонга айтилади, у асосан зигирпоя толасидан тўқилган матодан, баъзида чармдан тикилади, кейинроқ бориб, шоҳидан тикила бошланади. Аввалига брэ устки кийим сифатида кийилган, XII асрга келиб эса у бутунлай туника остидан кийиладиган бўлади.





Аёллар костюми. Аёллар кийими ҳам худди эркакларники каби кўп қаватли (устма-уст) бўлган. Дастлаб танага тор, енглари узун ички кийим, унинг устидан эса тўпикқача тушадиган *блио*, *плаш* ва *бош кийими* кийилган. Худди эркакларники каби аёллар *блиоси* ва ички туникаси бўлақлар туташадиган жойларига ука қўйиб безак берилган.

Сўнгроқ *блио* ўрнига *котт* ва *сюрко* кириб келади. Юқорида айтилганидай, бу кийимларни аёллар ҳам кийганлар, шунинг учун эркаклар ва аёллар костюми мазмунан ҳамда силуэтлари бир-бирига ўхшаш. Фақат кейинроқ бориб, давр охирида эркаклар ва аёллар кийимларида кескин тафовут пайдо бўлади.

Аёлларнинг ички туникасининг тор енглар пастига ука қўйилган, *блио* ва *котт* эса кенг бўлган. *Котт* билан *сюрко* яна мантия билан биргаликда бир-бирига контраст ранглар билан кийилган. Одатда *сюрко* енгсиз бўлган, лекин тирсаккача, калта, кенг ва узун, тор енгилари ҳам учраган. Кейинроқ узун ёки калта енглари билан замонавий жакетни эслатувчи *жип* пайдо бўлади.

Илк Германия аёллар кийими учун бир оз белдан шишиб турган ва танага ярим ёпишган ва силуэтни билдириб, кўрсатиб туриш хосдир. Белбоғ сидирға рангли матолар тикилган ёрқин кийимнинг беаги бўлган ва бел пастидан бойланган, бўксада “тўкилиб турган”. Плашларнинг чиройли илгаклари либосга кўрк бағишлаган.

XII асрдан бошлаб черков танага ёпишиб турадиган кийимни тақиқлаши сабабли яна кенг-мўл ва эркин либослар пайдо бўлади.

Кафтл – аёллар қўйлагининг бир тури бўлиб, қалин матодан тикилган ва тор лифли, узун боғичли ва калта енгли ёки енгсиз тикилган (зарурият туғилганда, узун енглар алоҳида қадаб қўйилган).

Пойабзал. XII асрга қадар пойабзал қора, нақшин, илгаксиз, қаттиқ тагчармсиз юмшоқ бошмоқ кўринишида бўлиб, у эркак ва аёллар учун бир хил бўлган. Кейинроқ рангли пойабзал пайдо бўлади. Кечки Германияда эгрисимон тумшукли ва чўзиқ учли пойабзал пайдо бўлади.

Пулена – учли, юмшоқ пойабзал бўлиб, XIV – XV асрларда тумшуғи юқорига кўтарилган. Пойабзал тумшуғининг узунлиги турли табакалар учун қатъий белгилаб қўйилган.

Бош кийимлари, соч турмаклари, зеб-зийнат, тақинчоқлар, косметика – атир-уна, пардоз-андоз воситалари. Эркаклар соч турмаклари бир неча хил бўлган. Асилзодалар орасида энг оммабопи “пейзанча” соч қўйиш ҳисобланган. “Пейзанча” турмак деб, пешонага тушириб қўйилган, йирик жингала қилинган, узунлиги то елкагача тушган сочга айтилган. Пича узун сочлар Исо пайғамбарникига тақлидан қўйилган ва бундай сочлар шундай номланган. Бу турмак пейзанча турмакни эслатган, лекин пешонага тушиб турган соч бўлмаган. Бунда пешонадан фарқ очилган. Рицарлар жуда узун соч қўйиб юрган, сафарлар чоғи улар умуман соч олдирмаганлар.

Балоғат ёшига етган бари йигитлар сокол қўйганлар. Унда икки ёки бир неча тутами зар ип ёки боғич билан бойлаб қўйилган. Соколга бўлган мода тез-тез ўзгариб турган.

Аёллар соч турмаклари худди эркакларники сингари ранг-баранг бўлмаган. Қизлар узун сочларини ёйиб юрганлар – бу ифбат ва бокираликни ифода этган. Эрли аёллар бошларига турли ёпинчик ёпинганлар, боғич бойлаганлар.

Кибор хонимлар сочларини “рицарча” ўриб юрганлар. Уларнинг сочлари жуда узун бўлиб, эни кафтдай қилиб, кўп тутам қилиб, мато ёки кимхобдан тасма кўшиб майин ўрилган. Шунингдек, чакка сочлари ҳам ўрилиб, кулоқ устида “чамбарак”, “чиғанок” қилиб, турмаклаб қўйилган.

Эркаклар бош кийимлари *қалпоқ*, мовут, кигиз, фетрдан (аъло навли юпқа наматсимон мато) *иляпа*, яна полотнодан *беғуин* кийганлар.

Аёлларнинг бош кийимлари *ёпинчик*, *рўмол*, *боғич*лардан ташкил топган. Хотин-қизлар орасида айниқса чўзинчоқ юзни чиройли қилиб, мос кўринишга келтириб кўрсатадиган роман боғичи урф эди. Бундай боғич устидан чамбар ёки тож тақилган. Баъзан тожлар ва гулжиға, чамбарлар нафақат қимматбаҳо

тошлар эмас, балки товус патларини тақиб безатилган. Авом аёллар мунчоқ қадалган оддий чамбар таққанлар.

Зеб-зийнат, тақинчоқларга *фибула, тўғнағичлар, гулжиза, чамбарлар, тоғлар* ва қимматбаҳо тошлар билан қўйиб безатилган *уқа-жияклар* киради.

Аёллар косметика — атир-упа, пардоз андоз воситаларидан кам фойдаланганлар. Улар ўзларига пардоз бериш учун атиргул сувини, Шаркнинг муаттар мойларини ишлатганлар, юзларига упа суртганлар, лабларини бўяганлар.

Костюмнинг архитектура — меъморчиликка дахлдорлиги. Юқорида айтилганидай, роман услубига мансуб кийимларга блокчилик, ягона ва яхлит кийимни бўлиш ва уларни уқа билан ажратиб, безак бериш хосдир.

Ана шу блокчилик роман архитектураси учун ҳам хос бўлган. Меъморий иншоотлар сирти камар, карниз — араки, кертма белгилар, бино пешонасидаги кенг нақшли йўллар ва бошқалар билан бўлиш, буларнинг бари тектоника (бино қисмларининг ўзаро жойлашиш тартиби) ибтидоси ҳисобланади ва бу айни ўхшаш маънони англатади. Худди шундай, роман услубидаги костюм беаги ҳисобланган уқа-жияк ҳам кийим бичими ва тузилишини таъкидлаб турган.

Костюм ва архитектура — меъморчиликдаги ана шу услубий бирлик илк роман даврида ҳам кўриб чиқилади.

Атама сўзлар изоҳи

туника — эркаклар елка кийими

камиза — яхлит бичилган узун енгли ички туника

котта — устки туника

роб — устки кийим

блио — белидан пастроқ кесилган берк қопланма устки кийим

шосс — юмшоқ совутдан бичилиб тикилган, тор, оёққа ёпишиб турадиган

иштон-пайпоқ

нарамник-мипарти — плашч, мипарти бўйига икки хил ранг бўлиши мумкин эди

камиза – аёллар ички кўйлаги

котта ва сюрко – туникалар

Назорат учун саволлар ва топшириқлар

1. Ўрта аср санъатининг характерини таърифлаб беринг.
2. Илк ўрта асрлар тарихий даврининг хусусиятларини гапириб беринг.
3. Илк ўрта аср даврида қандай бадиий услуб шакллана бошлайди? Бу услубнинг асосий хусусиятлари нимадан иборат?
4. Роман даврида гўзаллик идеали қандай эди? Илк ўрта аср даврида аёл гўзаллигининг идеали ҳақида гапириб беринг.
5. Роман услуби ҳукм сурган даврда тўқимачилик қандай бўлган? Кийимида қайдай материаллар ишлатилган?
6. XI-асрда қандай янги шакллар кийимларда пайдо бўлган ?
7. Бу давридаги аёл костюмининг кўриниши қандай? Роман услубига мансуб аёллар кийимининг асосий турларини санаб чиқинг.
8. Илк ўрта аср давридаги эркаклар кийим ҳақида нима биласиз? Роман услубига мансуб эркаклар кийимининг асосий турларини сананг.
9. Роман услубидаги энг оммабоп бош кийимларни айтинг.
10. Илк ўрта асрлар даврида оилали аёллар қандай бош кийим кийганлар?
11. Ўрта аср аёллари ўз кийимларида қандай безаклар ишлатилган?
12. Ўрта асрлар даврида аёллар қандай пардоз буюмидан фойдалаганлар?

КЕЧ ЎРТА АСР ҒАРБИЙ ЕВРОПА

Готик услубга мансуб костюм (XV – XV асрнинг биринчи ярми)

Готик услуб ҳукм сурган даврда ижтимоий ҳаётда монастирь ҳам, қаср ҳам эмас, балки шаҳар муҳим ролни ўйнаган. Айнан шаҳарда жўшқин ва дабдабали ҳаёт кечмоқда эди. Шаҳарга монастирь орқали ҳунармандчилик ишлаб чиқариши кўчиб ўтади, ана шу ишлаб чиқариш ўз цехларига эга эди. Ҳунармандчилик, қосибчилик феодал жамиятнинг янада раванқ топиб, гуллаб-яшнашига ёрдам берди.

Бу даврда архитектура – меъморчилик ҳам тараққий этади. Ибодатхоналар ва аҳоли яшайдиган иморатларнинг тепага кўтарилган силуэтлари чиройли ва жуда нафис декорга эга эди. Ўзида мукаммал готика чизгиларини мужассам этган бундай иншоотларга Нотр-Дам, Амьен, Рейм ва Кельн ибодатхоналарини мисол қилиб келтирса бўлади.

Статуар ҳайкалтарошлик ва рельеф, бўртма нақшнинг ажойиб намуналари готик ибодатхоналар фасади, олд томонини беэаб туради.

Шаҳарларда университетлар очилади. Профессорлар, талабалар, бой бюргерлар (Европада: шаҳарлик одам) китоб мутолаа қилади ва кўплаб китоб сотиб ола бошлайди, натижада китобга бўлган талаб ўсади. Шу туфайли китоб миниатюраси ривожланади ва китоб босиб чиқариш, матбаа саноати тараққий этади.

Ана шу омиллар ҳар бир соҳада тараққиётга замин яратади ва шунга мувофиқ костюм ҳам ривожланиб, ўзгаради.

Гўзаллик идеали. Энди эркаклар гўзаллигининг идеали жиддий қиёфадаги қатъиятли ва бақувват рицарь эмас, балки нозиктабиат, назокатли, узун жингала сочлари силкиниб турган, ўзида бир оз аёлларга хос жиҳатларни ўзлаштирган олифга эди. Бундай идеал эркак кийими деталлар кўплиги, жумладан, тишча, уқа кунгуралари ва қўнғироқчалар мўллиги билан аёллар кийимини эслатарди.

Аёллар гўзаллигининг идеали – силлиқ, нозик тана, узун бўйин, кенг пешонали, олдинга би оз эгилган бош, орқаси бел қисмидан бирмунча эгик ва олдинга чиқиб турган корин (бунинг учун юбка остига қавилган ёстиқча – бос қўйилган), белни шиширган, корсетга таранг тортилган лиф, ана шу жиҳатлар мужассамлашган соҳибжамол аёл тимсоли тасаввур қилинган. Шу тариқа энг модабоп *S* ҳарфи мисол силуэтга эришилган. Бўйин узун кўриниши учун унда ўсган соч толалари то чаккагача кириб ташланган. Яна пешонанинг баландлигини янада кучайтириб кўрсатиш мақсадида соч томиридан то бош тепасигача соч толалари олиб ташланган. Қолган соч толаларини бош кийим остига усталик билан яширилган. Косметика воситаларини деярли ишлатилмаган, пардоз қилинмаган, упа-элик суртилмаган, рангпар юз қадрланган. Модабоп ажинлар эса – оқилалик аломати саналган, қошлар терилган, киприкларнинг кўпи юлиб ташланган. Аёл бу қиёфада нозиккина, эгилган, сўлғин ва заиф ниҳолни эслатган.

Кийим турлари ва шакллари. Тўқимачилик. Аёллар ва эркаклар асосан улама (қоплама) ва тугмалар қадалмайдиган, олди очик кийимлар: *котт, сюрко, котарди, жакет, пурпурэн, упелянд* кийганлар. Драпировка, қат-қат қилинган кийимлар фақат плашлар, елкага ташлаб юриладиган ёпқич – накидкалар, ёпинчиклар бўлган. Бел кийимларига иштонлар кирган.

Тўқимачилик ранг-баранг бўлиб, булар ёрқин рангдаги фламанд ва итальян мовутлари эди. Мовут юпқа, пишиқ ва эластик, чўзилувчан бўлиб, бу мато қоматга мослаб тикишга жуда қўл келарди. Асилзодалар урфдаги қизил, яшил, кўк ва оқ рангли кийим киярди. Авом халқ ўсимликлардан олинган бўёқлар, масалан, бутасимон ўсимлик бўлган ўрмон ёнғоғи суви билан бўялган, аксарият кулранг, ерранг кийимларни кийган. Бу даврда “шан-жан” эффеқтига эга, яъни ёруғликда туси ўзгарадиган мато пайдо бўлади. Эркаклар ранги саналган сариқ ранг жуда урф бўлган эди. Бўёқ қимматлиги туфайли сариқ мовутнинг нархи ҳам қиммат эди.

Яна “мипарти”, “курок” урф бўлиб, ривожлана бошлайди. Ўзида кўк ва яшил рангларни уйғунлаштирган “мипарти” иштонлари ҳам учрайди.

Рангларнинг бундай уйғунлашуви рамзий маъно касб этади (кўк ранг – садокат; яшил ранг – ошиқликни билдирган) ва шу сабабли ҳам бундай рангдаги кийимларни ҳамма ҳам киявермаган.

Одатда кундалик кийиладиган кўйлақлар кулранг, қора, гунафшаранг матодан тикиларди. Бироқ гунафшаранг шоҳи серхашам, тантанали кўйлақлар учун ҳам ишлатиларди. XV асрда ёзиб қолдирилган ёднома – мемуарларда сарой хоними гунафшаранг шоҳи матодан котт кийиб, кўк шоҳи ёпиниб отда, қизил кийим ва яшил капюшон кийиб олган мулозимлари билан бирга тасвирланади.

Ҳали готика даври Европада нақш, гул солинган матолар ишлаб чиқариш йўлга қўйилмаган эди. Шунинг учун мовут ва жунга кумуш ва зар иплар билан тикилган. Сербезак нақшлар, турли расмлар, масалан, “товус кўзи” деб номланган расм жуда урф бўлган эди, бу тасвир мато ҳамда кийимнинг ўзини қимматбаҳо маҳсулотга айлантириб юборарди. Инглизларнинг қизил жуни “шарлах” ва аъло сифатли ва яшил гент мовутидан тикилган кийим алоҳида эътиборга эга эди. XV асрдан бошлаб қора бахмал урфга киради.


Готика даврида эркақлар ва аёллар кийимларининг икки силуэти мавжуд бўлган. Булар: мураккаб бичими туфайли танага чиппа ёпишиб турадиган ва устки кийимлар – упелянд, плашларга хос жуда кенг силуэтлар эди.

Кексалар ва киборлар, айникса, бургундияликлар танада эркин турадиган узун кийим кийишни, ёшлар эса, аксинча, калта, танага ёпишиб турадиган кийимларни маъқул кўрган.

Бу даврда тикувчилик ҳунари тараққий эта бошлайди. Мураккаб бичим, қалин матонинг танага қулай ўрнашишига муляж (нарсаларнинг мум қуйиб ясалган ўз катталигидаги нусхаси ёки қолипи) моделлаштирилиши, яъни манекенга кийгизиб кўриш орқали амалга ошириларди. Наколка, яъни кийгазиш бажарилгандан сўнг матони бичиш ва тикиш керак бўларди, бу эса ечиладиган енг, қийтиқлар, витачка (кийимни гавдага мослаб тўғрилаш учун ичига қайтариб тикилган захирадаги чок), ёқаларнинг пайдо бўлишига замин

яратди. Шундай қилиб, тикиб, орасига ўрнатиладиган енглар илма ва тугма қадалмайдиган, олди очик кийимлар билан бир вақтда пайдо бўлади.

Эркаклар костюми. То XV асрга қадар эркаклар *котт* ва *сюрко* киярдилар, лекин аста-секин вақтлар ўтиши билан бу узун кийимларни калталари сиқиб чиқарди. Шу тарика рицарлар кўйлагини эслатувчи, узунлиги бўкса ўртасигача тушиб турадиган ёки ундан калтароқ, бўй ва эни ҳар хил, баъзан узун “тилли” *котарди* курткиси пайдо бўлди. Котарди курткасининг қадама нақшлар ўйилган, белга ёпишиб турадиган безакли *белбоғи* ҳам бўлган.






Сал кейинроқ танага маҳкам ёпишиб турадиган ва белга сиқиб тортиб қўйилган, этаклари бурмалардан елпиғич сингари хилпираб турган *жакет* пайдо бўлади. Жакетнинг баланд кўтарилган, шиширилган енглари бўлган. Баъзан енгнинг елка ва тепа қисмига ичдан пахта тикиб қўйилган. Кўп ҳолларда жакетнинг кўтарма енглари бўлган. Елканинг тик, баланд йўналиши, кийимнинг танага жипс ёпишиб туриши табиий, натуралистик тарзда гавда тузилишини яққол кўрсатган, ўзида эркаларча жасурликни ифолаган. Яна кийимда баъзи бир олифталикка ҳам йўл қўйилган: бунга кўзга ташланиб турадиган кўйлак, ички кийимлар, иштон қисмлари, белбоғ, боғичлар мисол бўла олади. Буларнинг бари Бургундия саройида ҳукм сурган эркалар модасига хос бўлган типик жиҳатлардан бири эди. Котарди ва жакет ярим доира шаклидаги калта плаш *манто* билан бирга кийилган. Одатда бундай мантининг тўғри томони ўнг ёнда жойлашган эди. Шунингдек, трапециясимон кийтиқлардан ҳосил қилинган одатий мипарти – *пурпуэн* кийилган.

Манто худди пелерина (елкага ташлаб юриладиган накидка) сингари бир қўлни ёпиб турган, иккинчиси эса очик қолган. Манто қимматбаҳо гулдор мато саналган мовут, жун, бахмалдан тикилиши ва четларига мўйна тутилиши ҳам мумкин эди. *Шосси-иштон*ларини пайпоқ кўринишидаги чарм таглик билан ёки тумшуксимон учли пойабзал билан кийилган. Булар ички кийим – котарди, жакет, пурпуэн остидан кийиладиган *жипонга* маҳкамлаб қадаб қўйилган.

Тахминан 1360 йилга келиб, сюрко ўрнига танада эркин турадиган, кенг *упелянд* пайдо бўлади. Бу олдингилардан қулайроқ устки кийим бўлиб, мовут, жун ва ҳаттоки шоҳидан тикилган, унинг енглари пастга томон жуда кенгайиб кетган. Упелянднинг иссиқ, қишки турига мўйна тутилиб, безак берилган. Қимматбаҳо матолардан тикилагн упелянд кишилиқ, яъни тўй-ҳашам, тантаналарда кийиладиган кийим ҳисобланган ва узунлиги турлича бўлган: худди жакет сингари бўкса ярмидан ергача тушиб турган. Вақти келиб, эркалар кийимида *нарамник* пайдо бўлади. У узун ва калта бўлиши ҳам мумкин эди. Баъзан нарамникка белбоғ ҳам бойланган.

Шунингдек, капюшонли, мўйна тутилган, узунлиги тиззагача келадиган эркаларнинг устки кийими *роб* ҳам бўлган.



5.4-расм.




5.5-расм.



5.6-расм.



5.7-расм.



5.8-расм.

Аёллар костюми. Хотин-қизлар кийимлар кўп каватли, ёрқин, бир-бирига контраст

рангли, гулдор кашта тикилган ва серхашам бўлган. Булар: *ички кўйлак*, *котт кўйлаги*, *сюрко*, *плаш* ёки *упеляндлар* эди.

Дастлаб котт кўйлаги кўкрак ва ёнбошдан шнурланган, ип билан тикиб чиқилган. Ип орасидан заъфарон билан бўялган оч сариқ тусли ҳарир кўйлак кўриниб турган.

Секин-аста бичим ўзгариб боради ва котт билан сюрко танага жипс ёпишиб турадиган бўлади. Сюрко лифи чуқур V ҳарфига ўхшаш чуқур ўйилган, этаги кўтарилиб қўйилган ва шунинг учун ҳам остидан унинг рангига контраст, зид бўлган тусли котт кўриниб турган. Қоринга котт остидан

қавилган бос ёстикчалари кўйилган; орқада юбкага шлейф (хотин-қизлар кўйлагининг узайтириб тикилган орқа этаги) уланган.

Баланд қалпоқли олдинга эгилган бош, узун эгилувчан бўйин, аста-секин лиф йўналиши томон эгилиб ўтадиган, белдан букилган орқа томон ва олдинга туртиб чиққан корин, буларнинг ҳаммаси кесик *S* ҳарфига ўхшаш, готик эгри деб номланган силуэтни ҳосил қилган. Бундай атайин ҳосил қилинган силуэт макияж ёрдамида янада бўрттириб кўрсатиларди.

Сюркониинг тилли калта енглари бўлиши ҳам мумкин эди, шунда бу *аёллар котардисига* айланарди. Бир вақтлар сюркони ёнбошда катта ўйиқлари (“жаҳаннам дарчалари”, деб аталган) билан кийилган. Бундай сюрко замонавий сарафанга ўхшаб кетган (французча “шоҳона сюрко” деган маънони англатади). Аёллар ҳам устки кийим сифатида *упелянд* кийганлар.

Пойабзал. Пойабзал турлари хилма-хил ва тумшуксимон учли бўлган. Булар: калта қўнжли *пулена* этиклари, от минганда кийиладиган *хуссо* этиги, паст пошна *бошмоқ* ва бошқалар эди. Асилзодалар пойабзали тилли суви юритилган ва қирмизи чармдан тикилган. Бургундия зодагонлари орасида оқ чармдан пойабзал кийиш урф эди.

Бу даврда сумка ва қўлқоп тақиш оммалашади.

Бош кийимлари, соч турмаклари, зеб-зийнат, тақинчоқлар, косметика – пардоз-андоз воситалари. Эркакларнинг соч турмаклари деярли бир хил эди. Эркаклар асосан пейзажча ва Исо пайғамбар сочига тақлидан соч қўярдилар. Ёш йигитлар узун, жингала соч билан юрарди, катта ёшли эркаклар эса уларникидан калтароқ соч қўярдилар, соқоллари ҳам ихчам, калта бўларди. Авом халқ халқа шаклида соч қўярди.

Аёлларнинг бош кийимлари жимжимадорлиги ва серҳашамлиги билан кишини ҳайратда қолдирарди. Булар мугуз қадалган *чепецлар*, баланд, конуссимон *генин* қалпоқлари, “*каллақанд*”, *энненлар* ва бошқалар эди. Эннен генинга ўхшаш эди, аммо унинг бор бўйича келадиган иккита тўлқинсимон қалин қат, бурмалари бўлган. Ана шу бош кийимлари кимхоб ва бахмалдан тайёрланиб, қобирғага маҳкамланган ва вуаль (шляпага тутиладиган ва юзни

бекитиб турадиган тўр) билан тўлдирилган. Черков бундай бош кийимларини готик ибодатхоналарга қилинган карикатура сифатида талқин қилган ва қайта-қайта лаънатлаган ва буларни гулханда куйдиришга амр қилган.

Соч турмакларига унчалик аҳамият берилмаган, чунки соч бош кийим остига яширилган. “Рицарча ўрим” темплетга – ғилоф, тўрчага солинган соч турмагининг бир қисми, “чамбарак” қолади. Ана шулар аҳён-аҳён ёпинчик остидан пича кўриниб қоларди, холос. Бу вақтларда тўғри бурчак шаклидаги қобирғага маҳкамланган *круселер* ёпинчиғи урф бўлган. Круселер юзни чеккалари фестон, кунгуралар билан безалган қўштўрлар билан чиройли тарзда ўраб турарди. Бу безак “фанфрелюш”, деб аталарди. Шунингдек, фетр шляпа кийилган, турли вуаллар тақилган.

Эркаклар орасида айниқса фестон, кунгуралар билан безалган, узун “ке” учли, корнет билан, баъзан корнетсиз кийиладиган *шаперонлар*, *салла*, шунингдек, баланд *бонне* оммабоп эди.

Тақинчоқлар асосан бош кийимларига тақиларди. Булар – *тўқа*, кумуш ва тилладан ясалган *тўғнағичлар*, *шокила*, *осилмачоқлар*, *товус патлари*, қимматбаҳо *кашталар* эди. Шиқилдок, қўнғироқчалар ҳам “жаранги” билан кийимга кўрк бағишлар эди.

Косметика – пардоз-андоз воситаларидан кам фойдаланилган.

Бургундия модаси. Машхур шоир Ф. Шиллернинг ёзишича, Ўрта асрларда Бургундия Европадаги энг эҳтиросга тўла ва ўта дабдабали саройлардан бўлган. XV асрга келиб, жуда ҳашаматли ва бой Бургундия саройи ўз жилоси ва ҳашамати билан Европадаги бари саройлардан ўтиб кетади. Айнан шу саройда илк маротаба “мода” тушунчаси пайдо бўлади, шу ерда Ўрта аср костюми ўз кульминациясига чиқиб олади. Бургундия костюмида ўта нозик дид, бой декор, жумладан, ажойиб кашта билан уйғунлашган ҳашамат ва улуғворлик акс этади. Тарихчилар бу даврга “Мода карнавали”, деб таъриф берадилар, чунки бу ерда тинимсиз шакллар, бичимлар, кийимлар турлари, уларнинг ранглари алмашилиб туради.

Бу аслида феодаллар ва зодагонлар модаси эди. Аввало Бургундия учун зич, тор кийимлар, баланд шляпалар ва конуссимон генинлар, шунингдек, тишча, фестон, кунгуралар билан кийим чеккаларига безак бериш хосдир. Безакнинг бундай турлари *экривисслар*, деб аталарди. Оқ кийим ва оқ экривисслар ҳам Бургундия костюми учун хос эди.

Айникса бу даврда куёв ва келин костюмлари чиройи билан ажралиб турарди.

Келин упелянди кирғоқлари экривисслар билан безатилган ва унинг оқ астари бўлган. Келинчакнинг бўйнида – қўнғироқчалар тизилган шода бўлган. Узун коралл (маржон, аслида бу денгиз жонивори бўлиб, коралл, яъни маржон шу жониворнинг тошга айланган колдиғи; бу ўринда ундан ясалган безак буюми назарда тутилмоқда) шодаси ансамблни тўлдириб турган. Куёв упеляндининг енглари пастига экривисслар билан безатилган. Келин-куёв коттлари – кимхобдан тикилган.

Бургундияда шундай кийимлар ва уларнинг элементлари пайдо бўлгандики, бир қарашда буларни кийиш мумкин эмасдай туюларди. Лекин бу кийимларни кийишни истаганлар барибир тор иштонлар, тор-жипс жакетлар, узун учли пойабзаллар – барини киярдилар. Кечки давр Бургундия костюмида тўқ, қора ва сидирға, бир тусдаги бахмалдан кийим кийиш урф бўлади. Яна ахроматик: оқ, кулранг ва қора ранглар уйғунлигида гунафшаранг оммабоп бўлган. Рене Анжуйский айнан шундай рангларни ёқтирган.

Герцог Анжуйский хукмронлиги даврида сариқ ва жигарранглар хунук саналар, кўк ва яшил ранглар эса очикдан-очик модадан йироқ, деб айтиларди. XV асрнинг 30–80-йиллари Флоренциядан келтирилган хира ранглар: қора, тўқ яшил, нурсиз қизил, шунингдек, хира тўқ қизил шоҳи матолар ва бахмал урф бўлади.

Бургундия саройининг Европа костюми ривожига қўшган ҳиссасини таърифлашга тил ожизлик қилади. Бургундия Европа модасининг дунёга келиши учун замин бўлди. Айни ўша дақиқадан бошлаб костюм тарихида

силуэт, шакл, бичим ва ягона бадийй услуб чегарасида кийимда рангларнинг тез-тез алмашинуви англашиладиган “мода” тушунчаси пайдо бўлди.

Костюмнинг архитектура–меъморчиликка дахлдорлиги. Готика даврида костюмнинг архитектура билан алоқаси эркаклар ва аёллар костюмларининг умумий силуэтида ҳам, унинг айрим элементларида ҳам аниқ ва яққол кузатилади.

Қоматга кийилган жипс ва тор кийимлар, бошдаги конуссимон қалпоқлар ёки баланд конусавий тепа қисми, қирқувларисиз шляпалар, тумшуксимон учли тор, узун пойабзал вертикал бўйлаб жуда узайиб кетганга ўхшайди. Бундай силуэт готика ибодатхоналарининг силуэтлари ва шаклларига уйғун эди, Костюмнинг ҳашаматли декори архитектура иншоотларининг худди шундай дабдабали декорига мувофиқ келарди.

Атама сўзлар изоҳи

котарди ва блио – олий зотлар устки кафтани

табор – қўнғироқ симон енгли, ёни тикилмаган калта плашч, уни герольдлар ва пажлар кийишган

роб – бу ёқа ўмизи олдида ёки орқасида қирқилган қопланма кийим

пулен – оёқ кийим, пулен учининг узунлиги 70 см

бегуин – бош кийим, оддий халқ учун

пурпурен – тор енгли, калта, эркаклар курткаси, олифталар узунини кийишган

котарди – олий зотлар устки кафтани

блио – олий зотлар иккинчи устки кийими

сюрко – ёнлари тикилган плашч- нарамниқ уни капюшон билан монахлар кийишган

шаперон – эркаклар салласимон бош кийими (XIV асрда)

фетр – турли шаклдаги эркаклар шляпалари

Бургунд модаси – XIV – XV асрлар сарой модаси

жакет – юбкасимон эркаклар елка кийими

жиго – жакет енгининг учи тор шакли

кафтан – кексайган одамлар кўча кийими

упленд – эркаклар шолсимон ёқаси мўйнадан қилинган узун кийими

беғун – оддий халқ бош кийими

декольте – аёллар кийимининг ёқа ўмизи

нарамник – аҳолининг барча табақа аёллари калта ёки узун плашчи

эннен – энг кенг тарқалган аёллар конуссимон бош кийими

Назорат учун саволлар ва топшириқлар

1. Готик услубнинг хронологик чегараларини айтиб беринг.
2. Готик услуб нуқтаи назаридан аёллар гўзаллигининг идеали қандай эди?
3. Готик услубга мансуб аёллар костюмининг элементларини сананг.
4. Готик костюм учун қандай тўқимачилик матоларидан фойдаланилган?
5. Готик услубга мансуб эркаклар костюмининг элементларини сананг.
6. Бургундия модасига хос хусусиятларни айтиб беринг.
7. Эквивислар нима дегани?
8. Шаперон, шосси нималарни билдиради?
9. Круселер, темплетлар, генин, эннен, упелянд нима?
10. Тарихий давр хусусиятлари тўғрисида гапириб беринг.
11. Готик услубдаги етакчи санъан турларидан қайси бирини биласиз? У тўғрисида гапириб беринг.
12. Роман ва готик услубларнинг фарқли жиҳатлари нималардан иборат?
13. Қайси мамлакат ўрта асрларнинг классик мамлакати ҳисобланади?
14. Ривожланган ўрта асрлар давридаги эркаклар костюми ҳақида гапириб беринг.
15. Қайси даврда бичиш асослари ва тикиш техникаси тугилган?
16. Қайси вақтида виточка, ёқа, тугмалаш пайдо бўлган?
17. Ўрта асрлар даврида аёл гўзаллигининг идеали ҳақида гапириб беринг.
18. Горж нима?
19. Бургунд модалари Ким учун яратилган эди?
20. Бургунд модаларининг узида хос белгиларини айтинг.

21. Бургунд модалари даврида қандай матолар ишлатилган?
22. XV-аср аёллар костюмида қандай Янги деталлар пайдо бўлади?
23. XV-асрдаги шлейфларни черковь қандай атаган?
24. XV-аср аёлларда қандай безаклар бўлган?

УЙҒОНИШ ДАВРИ ИТАЛИЯ КОСТЮМИ

.

Италияда янгиланиш даври. Даврдаги санъат кишида ўзгача нафосат, ўзгача рух ва гўзалликни ҳис этиш имкониятини беради. Шунингдек бу даврда аёл сиймоси зқуда қатта эътивор остига олинган. Унинг турли хилдаги Бежирим либосдаги ҳўринишлари, шахлу — шамойили суратларда акс этирилган.

Ўрта асрлар ривожланишидаги кейинги, ажойиб ва гўзал боскичлардан бири бу - европа маданияти боскичидир. Ушбу боскични одатга кўра янгиланиш даври (Француз тилида эса Ренессанс) деб аталган. Бу санъатнинг илк тарихчиси Джоржо Вазари ўз даври хақида "Қадимгиларнинг гўзал маданияти яратилди" -деб таъкидлаган эди.

Антиқлик янги маданиятнинг яратувчиси, инсоният яралганидан бери бўлган олтин давр саналарди.

XV - XVI асрларда Италиян костюмлари. Ренассанс стили Италияда яралган. Бу даврнинг ўзи антиқликни "эслатувчи ёдгор" сифатида тан олинади. замон ўзгариши билан кийимга бўлган эътибор, эҳтиёж ҳам ўзгариб борган. Ундаги дид, уйғунлик, шакл юксак баҳоланган.

Кийимларнинг қўринишлари ва шакллари. Италиянлар турли хилдаги кийимларни кийишган. Айнан мана шу даврда кўйлак, колготкали - иштон, қўлқоплар ва дастрўмоллар пайдо бўлди. Иқтисодий жихатдан бой бўлган Италияда текстил маҳсулотларинилг жуда кўп хиллари ишлаб чиқарилган. Генуя, Милан, Флоренция, Венеция, Неаполь шунингдек Римда асосан шойининг сифатлилари, безакли матолар урф бўлган.

Флоренция модаси. XV асрда Флоренқияда ажойиб бир маданият қарор топди ва.у санъатни иккинчи табиат даражасигача кўтарди. Рассомчиликни эса

наrsa ва ҳодисаларинг асосига соч турмаклари, фалсафадан савдогача, дин, муҳаббат ва уруш мавзулари билан юксакларга кўтарди. Флоренциялик ранг тасвирчилар, архитекторлар, ҳайкалтарошлар мисолида биринчилардан бўлиб Леонардо да Винчи, Микеланжело кабиларни санаб ўтиш мумкин.

Италия модасининг асосий белгиси ранг тасвир бўлиб, унда бутун рангларнинг нафислигини ҳис этиш мумкин. Расмлардаги кўплаб шаклий суратларга қараб туриб ҳар бир либос, ўз ўрнида, қолган барча либосларга уйғун эканини кўриш мумкин.

Шунинг билан биргаликда антикликка бўлган эътиборнинг кучлилигига қарамадан у қадимги костюмлага эски минг йиллар давомида қийилган христиан ёпиқ костюмларига қайтишга йўл қўймасди. Шу сабабли ҳам флоренция эркакларининг костюми бир оз торроқ готика услубидаги андозани олди. Ушбу костюм антик грекларга ҳеч бўлмаганда шаклан ўхшаш имкониятини берарди.

Италияда юпка, сифатли кигиз ва оқ юпка зиғир матоларининг ишлаб чиқарилишидавом этаверган. Ушбу матолар қимматбаҳо кийимларнинг тикилиши учун мўлжалланган ва унга жуда катта эътибор берилган. Оқ рангли матолар доимо қиммат, шу билан бирга урф бўлган. Мана шунинг учун ҳам у лифнинг вирқимлари остидан, енгнинг қирқимлари остидан чиқиб тўрган.

Шойи матосининг турлари жуда кўп бўлган ва: қумуш ва олтин фонли парча; духоба ёки шойидан қилинган нақшли мато; тилла рангли ёки қумуш рангли алтабас матоси, мана шу матодан тикилган кийимларнинг безак контурлари атлас ёки духобали кант билан ишланган; аскамит матосидан костюмларни жуда чиройли нақшлар билан безатилган.

Шунингдек, бетакрор, ўсимликлар ифодааланганнақш, безаклар, товус, атиргул, анор каби омиллар уларсиз ҳам гўзал бўлган матоларни янада "ўзаллаштириб тўрган.

Бу пайтда совуқ рангли оқ, кўк, яшил, жигарранг, қумуш ранг, пушти ранглар урф бўлган.

Германиядан ҳамда Нидерландияликлардан Италияга кўлда тикилган безакли хақиқий духоба матоси олиб келинарни. Духоба ёки оғир шойи матоларидаги безак, чоклар, қимматбаҳо тошлар, дурлар билан безатилганда ҳам кийимни чиройли қилиб турган, аммо улар кийимни жуда оғир қилиб турган, бунда костюмнинг оғирлиги 20 кг дан 40 кг гача, 1 метр матонинг оғирлиги эса 3 кг гача оғирликни ташкил этган.

XV асрнинг охиридан бошлаб Италияда турли тасмалар ишлаб чиқарила бошланган. Венециядан келтирилган турли тасмалар аввал пахтадан қилинган бўлиб (ок ва оч жигарранг), кейин эса қора, тилла, қумуш рангли, қилиниши кийин бўлган безаклар билан безатилган турли тасмалар қилинган. XVI асрда ана шу турли тасмалар билан дастрўмолларнинг четлари тикила бошланган. Кейинроқ эса енгларнинг учини ҳам ана шу турлар билан безатила бошланган.

Ундан сўнг эса гипюр пайдо бўлди. Ундан текстилда асосан турлар ишлаб чиқарилган.

Эркаклар костюми. XV асрда ҳам худди готика давридаги каби эркакларнинг косюмлари тепа ва пастки қисмдан иборат бўлган. Пастки кийимларга колготкасифат иштон, тепа қисмдаги кийимга эса елкадор, енгли ёки енгсиз, худди ўрта асрлардаги жипонни эслатвчи кийимлар хос бўлган.

Бу пайтда энг кенг тарқалган тепа қисм кийимларидан бири бу джорне бўлиб, унинг турлари жуда кўп бўлган. Унинг енглари ҳар хил матолардан, ҳар хил катталиқда тикилган, шунингдек уларга мўйна, нақшлар билан безаклар берилган. Ёшлар джорне билан бирга претинани ҳам кийишган. Бу кийим елкадор кийимнинг устидан кийилган. Кўчага чиқар эканлар эркаклар турли кенгик ва узунликдаги плашларни кийишган, айтиб ўтиш жоизки ёшлар калта плаш кийишни маъқул кўришган. Кийимнинг тепа қисмига яна симара ҳамда тибарлар ҳам кирган. Одатда табарнинг бокса қисми елкага ташланган. Бунда кўллар бўшатишган. Драпланган шу каби табарлар баланд бўйли эркакларга жуда ҳам ярашган.

XV аср модаси ўзида билан готиканинг маълум бир жиҳатларни уйғунлаштирган. Ўтган асрлардаги каби ёшлар хали ҳам калталаштирилган модадаги кийимларни хуш кўришган, каттарок ёшдагилари эса муомалалари, юриш - туришлари, характерларига кўра узунроқ кийимларни ёқтиришган.

Колготкасифат иштонлар энди гольфига ҳам эга бўлган. Улар кичик боғлам тасмачалар ёки тугмачалар ёрдамида бирлаштирилган. Эркаклар қулай ва кенг "айиқ қўллари" номли оёқ кийимни кийишган.

XVI асрда джуббонелар пайдо бўлагн. Бу кийим курткасифат тепа қисмининг кийими бўлиб, ўрта асрлардаги нимча ёки пурпуэнни эслатарди.

Дастлаб, джуббонелар кенг, аксарият ҳолатларда кўкракнинг олдида катта тўртбурчак кесимли бўлган, унинг тагидан эса кичик тўр чиқиб тўрган (германия модаси). Кейин, Испания костюмининг таъсири остида у испан хубонини эслатадиган шаклга келди.

Джаббоне курткалари ва хубонинг умумевропача номи - колет. Ўзининг бу номини котел тик турадиган ёқа (Французча - col) дан олган.

XVI асрнинг иккинчи ярмида эркаклар кийими ҳам шакл, ҳам ранг томонидан испания модасининг кучли таъсири остига тушди. Костюм эндиликда маълум шакл бериладиган, бир қисми пахта бир қисми эса отнинг ёлидан қилинадиган каркасга эга бўлди. XVI асрда Флоренкия аристократларининг кийимлари испания модасининг талабларига жавоб берарди. Уни Франциянинг бўлажак маликаси Мария Медичининг отаси Франческо Медичи ҳам кийган.

Венеция эркаклар костюми флрентийникидан катта ҳажми жиҳатидан фарқ қиларди. XVI асрнинг иккинчи ярмида венеция костюмларида кант билан ажратилган, четлари бошқа ранг билан тикиладиган қирқимларпайдо бўлди. Костюмдаги бу қирқимлар либосга ўзгача гўзаллик бера олган.

Аёллар костюми. XV асрдаги аёллар кийими нафис, аёлнинг тана шакллари бир оз кўрсатиб турувчи, корин қисми бир оз бўртган либослардан иборат бўлган.

Аёллар котт деб аталувчи кўйлак кийишган. Кўйлакларининг пастки юбка қисми кичик бурмачалар билан тикилган. Бой аёлларнинг котт — кўйлаклари духоба ёки парчадан тикилган. Унинг энг қимси энгнинг бир неча жойларига бириктирилган. Котт кўйлагининг устидан симара кийилган. Аёллар симарасининг орқа курак қисми ёқача бурмалар билан ишланган ва у шлейфни эслатган.

Аксарият ҳолатларда симара боксадан тикилган ва бу уни турли тарзда драпировка қилиш имкониятини берган. Бундан кўйлак жуда гўзал, нозик дидли, кўркам кўринишни ифодалаган.

"Учадиган" шлейф кўринишидаги куракдан тушувчи мато асосан кўп юрадиган аёлларга мўлжалланган. Агар аёл киши бир жойда турса, ёки охиста, энгил ҳаракат қилса симара унга бетакрор кўринишни берган.

XV асрнинг иккинчи ярмида аёлларнинг кўйлакларида қирқимлар пайдо бўлади. Улар асосан энгда, ёқанинг олди, ҳамда ўйиндида бўлган. XV асрда энглар бир озга калталашди.

Оёқ кийими. Венеция модаси бу пайтга келиб қоккол (сигирнинг туёқлари) номли баланд ва қалин оёқ кийимларни ўзида акс эттирган. Бу ўша пайтда кенг кийимларни бир текис кўрсатиш учун зарурий омил бўлган. Баъзи модага ўч қизлар баланд кўриниш истагида шу қадар баланд пошнали оёқ кийимларни кийишганки таянч ёрдамисиз юра олишмаган. Уларнинг пошналарининг баландлиги 30 см гача борган.

Бош кийимлари, соч турмаклари, безаклари, косметика. Янгиланиш даврида аёллар сочларини беркитмай кўйишди. Шунинг учун соч турмакларининг аҳамияти ўзгарди: улар нафақат кийимни балки соч гурмагини ҳам тўлдира бошлади.

Эркаklar фески деб номланган шапкачаларни, шунингдек, духобадан, вилюр, парча, фетр, войлокдан тикилган берет, герког Гонзагоника каби силлик

кичкина шапкалар, юмшок шаперонлар, ажойиб кушларнинг патлари тикилган, қимматбаҳо тошлар қадалган шапкаларни кийишган.

Маҳаллий аҳоли ўртасида эса Ўрта асрлардан келган, фетр ва войлокдан тикилган капюшонли қалпоқларни кийишган.

Эркакларнинг соч турмаклари бир оз ўсган сочлардан қилинган. Уни "пейзанск" турмаги, "колба" каби номлар билан аташган. Шунингдек, калта соч турмаклари ҳам урф бўлган.

XVI асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб гофриланган ёкалар пайдо бўлди ва бунинг натижасида соч турмаклари калталаштирилди. Бу ҳолат асосан Испания ва Францияда кузатилган.

Италян қизларининг соч турмаклари ҳар қандай кишини хайратга соларди. Уларда дид ва нафосатнинг гўзал намуналарини кўриш мумкин эди. Асосан, кулоқлар олдидаги гажаклар, бошнинг тепа қисмидаги турли тақинчокларнинг осилиши, ўришнинг икки - уч хил усулларида фойдаланилган ва бу антикликка хос бўлган. Айтиб ўтиш жоизки, ўша даврнинг энг замонавий, урф бўлган соч турмакларидан бири "флорентий ўрими" эди. Сочларни ўришда турли рангли дурлардан, иплардан ҳамда тақимлардан фойланилган. Уларнинг олдида эса одатда худди Симонетта Веспуччини каби катта жавоҳир ўрнатилган.


Итляян қизлари эскафьон номли кумуш ҳамда тилла иплардан тўқилган, дурлар билан бирлаштирилган сеткали тасмани тақишни хуш кўришган. Уни ўша машҳур "флорентий ўрими" соч турмагига ҳам ишлатишган, яна уни бошга ферроньерка, яъни пешонага тақиладиган безак билан маҳкамлашган. Аммо баъзи ҳолатларда ферроньеркани қўшимча безакларсиз ҳам тақишган. Соч турмакларидаги дур жуда катта эътиборга сазовор бўлган ва уни барча соч турмакларида ишлатиш урф бўлган.

Куртизанкаларнинг соч турмаклари тепага кўтарилган ва икки томондан турмакланган ҳолатда бўлган.

Италян қизлари бош кийими сифатида феска, тюрбан, баланд тул билан шляпаларни хуш кўришган.



5.9-расм.



5.10 - расм. Аёллар соч турмаги ва бош кийими.

Чиройли кўринишнинг шартларидан яна бири бу қўлқоплар эди. Уларнинг турли матолардан тикишар ва турли безаклар, тошлар билан безатишарди. Дастрўмолларнинг четлари эса тўр тасмалар билан безатилган.

Пуллари италиян аёллари унчалик катта бўлмаган, қимматбаҳо матодан тикилган ва турли безак тошлари, дурлар биоан безатилган сумкачаларда сақлашган ва уни доимо белбоғларида осиб юришган. Елпиғичлар ҳам алоҳида аҳамият касб этиб, дастлаб улар тўри XVI асрнинг иккинчи ярмидан эса тахланувчи бурмали елпиғичлар пайдо бўлган. Баъзи ҳолатларда эса аёллар ана шундай елпиғичлар ўрнига туякушнинг патларини тутишган.

Безаклар машхур заргарлар томонидан машхур рассомларнинг чизмалари асосида ишланган. Улардан бири Бенвенуто Чилинни эди. Безаклардан асосан: шпилкалар, тақимлар, брошлар, узуклар, занжирлар, билакузуклар урф саналган.

Косметика маҳсулотларидан барча машхур италян аёллари фойдаланишган. Бунда юзлар оқартирилган, ёноқар кизартирилган, лаблар эса бўёқлар ёрдамида бўялган. Шуниси қизиқки, куртизанкаларга косметикадан фойдаланиш таъқиқланган. Текис ва силлиқ пешона чирой рамзи ҳисобланган, шунинг учун пешона устидаги сочлар олиб ташланган, қошлар эса бир оз ёки умуман териб ташланган. Сочларининг тилла рангдаги тусга кириши учун аёллар томда махсус қилинган будокчаларнинг устида ўтиришган. Бошларига пешонани ёпмайдиган бош қийимини кийган ҳолатда сочларига махсус суюқликни суртгач уларни офтобга ёйиб ётишган.

Костюмнинг архитектура билан боғлиқ жиҳатлари: каттиқ ва тикиш қийин бўлган матолар янги андоза, шакл, қийимларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган. XV аср аёллар кўйлаги тикилиши ва яратилиши жиҳатидан архитектуруни эслатади.

Костюмни архитектура билан алоқаси. Тикиш қийин бўлган каттқ матолар либосни янгича шакл, бичимда бўлишини талаб қилди. XV аср аёллар либоси ўзининг осойишта оханги билан архитектура қурилмасини эслатади. Либосда майда жқатлар ва тик чоклар йуқолди. Либоснинг танага мослиги, хажмлилиги, катъийлиги, табиий букламаларнинг муллит, кўйлак ва юбканинг мутаиосиблиги , киши буйи ва юбка кенглигини мослиги). Бош ва буйиннинг баландлиги италян архитектураси билан киёсланади. Архитектура ҳудди инсон буйига хос тикилгандек. Кўпгина даврларда архитектуруни «бино ташқи кўриниши» каби тасаввур қилинди. Уйғониш даври услуби буни тасдиқлади .

Атама сўзлар изоҳи

мипарти – икки рангли қийим

каре – ёқа ўмизи

симара ,табор – устки кийим

жуббон – жакет

ермоч – киркимлар

УЙҒОНИШ ДАВРИ ФРАНЦИЯ КОСТЮМИ.

Атама сўзлар изоҳи

кафтан – устки кийим

бричес – шарсимон иштон

буфон – кюлот устидан кийилади


берет – кенг қаттиқ соябон


айиқнинг оёғи – оёқ кийимнинг тўмтоқ тумшуғи.

кюлот – узунлиги тиззадан пастрок эркаклар иштони.





шемизетка – аёлларнинг декальтесини беркитиш учун














УЙҒОНИШ ДАВРИ ИСПАНИЯ КОСТЮМИ

Маньеризм даврида XVI асрининг испан костюмлари. XVI асрларда Европа костюмларига испан костюмларини таъсири кучайди. Испания давлати хдр хил сабабларга кўра: бошқа давлатларни босиб олиши ҳар хил шаҳарлар билан дипломатик алоқа олиб бориши ва ҳоказолар сабаби билан ривожланиб кетди.

Испан масжитлари, ибодатхоналари испан халқи ҳаётида катта роль ўйнаган. Халқни бошқарган кўп ҳақ-ноҳақдик ишларнинг ҳукмини айнан мана шу масжидлардагилар аниқдаганлар. Испан костюми итальян костюмидан жудаям фарқ қилар эди. Итальян костюми одам фигурасининг тузилишига ўхшаб кетиб, итальян костюмида одам ўзини қулай сезган.

Испан костюми эса ҳамма томонлари аксинча кўпол кўринишда бўлиб одам бу костюмда ўзини галати бир ахволда ҳис қилар эди. Маньеризм сўзининг маъноси "табиатга қарши чизикдар" яъни одамларнинг фигуралари асли мое ранглар ҳали шу тарзда табиий мос. Испан санъатида бу ҳол акс этмаган бўлсада айнан уларнинг костюмларида уз аксини топди.

Гўзаллик идеали: Идеал гўзаллиги уша даврда узун жудаям нозик, одам гавдасини салгина букилган ҳолати костюмнинг ёқаси кўпол тузилишга эга бўлиб одам юзи бойвачча ҳамманиям писант билмайдиган одам қиёфасида.

Кийимларнинг турлари ва шакллари. Кийимлар қат-қатли бўлган яна сорочка, котт, пурпуэн, колет ва ропа каби кийимлар бўлган. Матонинг ўзи ҳам кийим сифатида уралиб кийилар эди. Плаш Мантилья кабилар ҳам бўлган.

Пурпуэн - бугун Европа учун тушунарли бўлган бу кийим кўриниши ҳозирги кунда куртка деб бўлади. Эркақлар кийими ҳисобланади. Пурпуэн кийими елкалар устига ташланар эди. Агарда пурпуэнни ёқаси мавжуд бўлса энди уни калет деб атаймиз. Испанияда пурпуэнни ёки калетни — хубон деб аташганлар. Энг севимли мато сарачка, рўмолчалар, ёқалар учун — батист бўлган. Бу рўмолчанинг ёқаларнинг четларига нақш тукидиган бўлдилар, лекин испан масжидлари бунини ман қилдирган. Кейинроқ испанларда тукидиган

машиналар пайдо бўлиб, пайпок(чулки) номли оёқ кийими тўқиладиган бўлди. Хубонларни, шимларини кўйлақларни қимматли нақшли кўйлақларда тикишар эдилар. Масалан: шойи бархат парчалардан ва қора рангли матолардан тикиш мода тусига айланиб қолган эди.

Шу даврнинг замонавий кийими бу қора нақш босилган ёқали, масжид ва чулки одамнинг эффектли қилиб қурсатар эди .

Нақшлар испан кийимларида жуда ҳар хил бўлган. Кўпинча бу испан ва мавритан белгиларидан иборат бўлган. Яъни геометрик шакллар ҳам чизилар эди. Испан кийими итальян кийимига нисбатан кўпроқ ҳаёт кечириб кўринишидан унчалик бўлмаса ҳам.

Эркақлар кийими. Эркақларнинг кийими кўпроқ, ҳам вазир кийимларига ўхшаб кетар эди. Ҳар хил нарсалар ёпиштирилиб, нақшлар чизилиб уйинчок, кийимларини эслатар эди. Эркақлар кийимидан Хубоннинг қорин тарафида урдақниқига ўхшаган - панелар номли катли матолар қўйилар эди. Бу кийимда эркақлар урдақни эслатиб турар эдилар. Бу урдақ костюми сарачка хубон, мыс, шим, плак ва бош кийимидан иборат. Яна сандалъ ёки туфли оёқда кийишар эдилар. Костюм таркибида шпага, яъни қилич қуллик ёқд рўмолча қирар эди. Қилич шимнинг четига тикилиб қуйилар эди. Плак бу костюмда асосий рольни ўйнаб нақдқа сифатида бўлган. Плакнинг узунлиги ҳар хил бўлган узун ўртача, қалта бу костюмнинг енгил бўлиб яна жун яъни хайвонларнинг чиройли жуни ташлаб қуйилар эди. Бу жун одамни бой қиладан қилганлигини билдириб турар эдилар.

Аёллар кийими. Аёллар костюми иккига бўлинар эди. Юқори қисм, пастки қисм. Кўркақларни қисиб турадиган юқори қисми аёлнинг латофатлигини билдириб туради. Бундай кўйлақларни - номи вертюгаден деб аталган. Юбкаси белидан қисилар эди. Қорни жудаям қисиб қуйилар эди. Бу қисм боланинг гўзаллигига гўзаллик қўшар эди. Vestmigo номли кўйлақни олтин рангли нақшлар бегаб турарди. Ҳаттоки кўйлақларда ҳам қимматбаҳо тошларни ёпиштириб қўяр эдилар. Энг замонавий кийим аёлларда плак бўлган. Унинг бу қасони бир неча аср яшади. 16 асрнинг охирига қараб

ёқанинг қисмида асосий роль ўйнаб катталиги катталаша борди. Костюмнинг катталиги билан тенг була бошлади. Испан тилида ёқани - Горгер деб аталган. Оёқ кийими:

Эркаклар оёғига "Айик оёғи" деган туфли кийишар эдилар. Аёллар эса кўйлақларни тагидан кўринмасаям сандалъ туфли оёқ кийимларини кийиш лозим деб билганлар.

Косметика, безак, сочлар бош кийими. Эркаклар бошига хдр хил катталиқда шляпалар кийишган. Бошида "берет" бош кийими замонавий ҳисоблашган. Шляпаларни хдр хил зарлар билан безатилар эди. Эркакларнинг сочлари калта бўлган, чунки катта -катта ёқдларга узун сочлар халақит берган. Калта учланиб кетган сокол калта соч кичкина мурд бир-бирига мое булар эди. Калта учли сокол испан тилида "Эспаньолка" деб аталган. Испна аёллари бошларига рўмол ташлаб куйишган. Бунақд рўмолларни испанлар "мантильи" деб атаганлар. Яна шляпаларни инжу билан безатилган. Мантильи рўмоли хдр хил нақдшлар билан безатилган. Аёллар сочлари юқорига ишшириб тик куйишар эдилар. Буларга узига хос буюмлари бўлган. Аёллар косметикасида яъни пардозида пудра лаб памадаси дезидорант духи бўлиши шарт бўлган. Аёлларнинг ёнида духи сепилган рўмол ва шамоллатгич бўлган .

Аёлларнинг кийими Марлот- Бундай костюмни биринчи бўлиб Кастилия Қироличаси Изобелла 1468 йилда ўзининг хомиладорлигини яшириш учун кийган.

Waistcoat

Костюмларнинг архитектура билан боғлиқлиги. Испан архитектурасида биз мураккаб планировкани планнинг аниқлиги безалишининг катта аҳамиятга эгалиги, готика безагини эслатар эди. Костюмларда ҳам безакнинг готика услубида килинганини мураккаб нақдшари борлиги билан боғлиқдир.

Испаниядаги инсоний маданиятлар тараккиёти асосан мураккаб бўлган, VII асрдан бу мамлакат маъвирлар таъсири остида бўлган. Факдтгина XV аср охирида, Испания чет — эл босқднчиларидан озод бўлиб, кўпгина ютиқларга

эришишга имконият яратади. Узга ерликлар билан узок; давом этган кураш Испанияни қудратли хоқимиятга айлантирди. Мамлакатнинг асосан сиёсий ва иктисодий хусусияти Америка китъасининг кашф бўлиши билан намоён була бошлади. Чунки, Испанияга угирланган олтин ва кумушнинг оқими кира бошлади. Испания ўзининг қудратли армия ва флотини яратди. XVI асрдан император Карл V бошчилигида Испания кироликка айланди, яъни бунда «хеч кдчон куёш кирмайди», унга Германия, Нидерландия, Италия ҳамда Америка мустамлакалари ҳам киради. Испанияда католик черковларининг сони муҳим роль ўйнади. Испан католикзми маврларга қарши курашларни қўллаб-қувватлаб, асосий ишқибозлиги билан фарқ қилган. Испания уйғониш даври маданияти жуда мураккаб бўлган, бир томондан дин ақидалари билан боғланган, иккинчи томондан эса-Ренессанс инсонпарварлик гоялари таъсир қилган. Бундан ташқари маврития зулми ҳам асосан архитектура ва костюмга таъсир қилган. Испания костюмига XV-XVI аср маданияти ва санъати каби қўплаб тарихий ва ижтимоий омиллар таъсир қилган. Улар орасида куч-қудратни, шаънини, эпчилликни кутарувчи жанговар рикарликнинг идеаллари асосий эътиборга лойиқ эди.

УЙҒОНИШ ДАВРИ АНГЛИЯ КОСТЮМИ

XVI асрда Италия Уйғониши Англияга кириб келди. Англия маиший анъаналари, саройнинг катъий ва тантанавор муомала маданияти Европадагига караган мода аста ўзгаришга олиб келди.

Эркаклар костюми. XVI аср биринчи ярмида инглиз эркаклар кийими кўйлак, дублет ва Француз пупуэнига ўхшаш устки кийим-"жеркин"дан иборат бўлди.

Кўйлак ок ёки рангдор матодан, ёқасиз, уймали, бурма хошия билан безатилган ёки тик ёқали булар эди.

Дублет қимматбаҳо тошли кашта ва кичкина гул ленталар билан безатилди, улар билан йирмочлар махкамланади. Унинг кадаладиган астари бўлган ва енглари кўкрак бурмага ип билан махкамланган. Дублет матоси кўпинча жеркин матоси билан бир хил буларди.

Байрам жеркин кўкрак бурмаси тор буларди, белдан юбкага ўхшаш букламали кенг баска тушиб турарди.

XVI асрда тор иштон-пайпоқлар ўрнига оёққа ёпишиб турадиган узун иштонлар ("незер-стонс") келди, улар матодан тикилди ва юқоридаги киска ("аппа-стокс") кийим тикилди.

Узун, тугмасиз, тирсакдан қайирма енгли ёки умуман енгсиз, чукур уймали "гаун" эркакларнинг устки кийими ҳисобланган.

XVI аср иккинчи ярмида эркаклар либоси испан модаси таъсирида ўзгарди. Жеркинда қаттиқ астар ва "испанча ёқа" пайдо бўлди.

Дублетда баска ва елкада "канотчаси" билан тор енг пайдо бўлди ва устки байрам либоси бўлиб қолди. Унинг устидан кичкина қайирма ёқали ярим дойра шаклидаги "мендилайен" плаши ташлаб олинарди.

XVI аср ўрталарида Англияда тўқув машинаси ихтиро килинди, шундан инглизилар тукима пайпоқ кия бошладилар.

Жун тикилган аппа-стокс устки иштон шунчалик кавартирилдики, парламентдаги уринларни кенгайтириш зарурияти пайдо бўлди. XVI аср

охирида пастга тасма билан тортиб куйиладиган таззадан пастга тушадиган эркин иштон "бричс" пайдо бўлди.

Англияда ишлаб чиқарилган олий навли мовут уни машхур қилиб юборганди. У очик қизил, кук, яшил, жигарранг, қора рангларда ишлаб чиқарилган. Италия ва Франциядан Англияга қимматбаҳо шойи матолар келтирилди. Киборлар ва сарой аъёнларининг либослари энг яхши матолардан тикиларди ва кашта, қимматбаҳо тошлар, турлар билан безатилар эди. Фақат буржуа ва пуританлар тук рангли содда либослар киярди. Дехконлар либоси ўрта асрлардаги шаклини сақлаб қолиб жуда секин ўзгарди.

Аёллар костюми. XVI асрнинг 20-йилларидан Англия хонимлари кўйлак устидан чарм корсет кийиб юрарди. Бу корсетда котт либосининг кўкрак бурмаси ушлаб туриларди. Кўкрак бурма уймаси туртбурчак шаклга келди. Устки кийим сифатида аёллар гаун кийиб юрарди, у очик рангли матодан тикиларди. Гаун юбкаси кобургаси қалин елимли матодан килинарди. Унинг устидан каштали котт юбкаси кийиларди, уолди очик гаундан кўриниб турарди. Устки кийим юбкаси яхлит бўлиши ҳам мумкин эди.

Ички ва устки кийимларни (котт ва гаун) ҳамиша турли матолардан тикиларди. Гаун-сидон матодан котт-гулли матодан тикилган. Котт кўп қисмли бўлиши мумкин. Унинг гаун кадалганда кўринмайдиган қисми оддий матодан, кўринадиган қисмлари (енг, юбка ёки унинг пастки қисми) қимматбаҳо матодан тикилган.

XVI аср 1-ярми аёллар либоси ўзининг мутаносиблиги, чиройли мувофиқлиги, беағидаги соддалиги билан чиройли кўринарди.

1553 йили Қюдор ҳукумронлиги даврида Англияда испан модаси тарқалди. Юбкаларда катта булмаса ҳам испан кобургаси пайдо бўлди. Устки кийим кўкрак бурмаси ёпик бўлиб қолди. Уйма ёқа мато билан беркитилди.

Испан модасини чуқур киришуви шаклни каттайиши, қисмларни кўпайиши, безакдорликга олиб келди. киролича Елезавета саройида безакдорлик энг юқори нуктага етди. кироличанинг уч мингдан ортиқ қимматбаҳо либослари бўлган.

Аёллар либоси кўкрак бурмаси жуда узайиб кетди. Бу белни букса кадар узайтириб курсатади. Тана прапорқияси бузилади. Аёл қисқариб қолганга ўхшайди, юбка ёнига кенгайиб кетади, байрам либосларида уни қобиргага тортириб, белда "гилдирак" шаклида буклаб қуйилди. Либосларда икки қаватли энг, бир неча қават ёқалар пайдо бўлди. Францияда фрез деб номланган "рафлар" буртма ёқалар пайдо бўлди. Уларни катта шаклда, мовий, сарик ва бошқа рангларда тикилди. Бу рафлар бошқа либосда мўйна ёқалар билан мо с л аштирилд и.

Бу даврда инглиз хонимлар отда юриш учун либос кийдилар.

XVI аср биринчи ярмида ўрта табақа вакилларининг либосида готики хусусиятлари сақланиб қолди. Асрнинг иккинчи ярмида шаҳарлик аёллар дворянлар либосига ўхшаш либос кийим кийдилар.

Пойафзал. XVI асрда инглизлар "урдак бурун" кенг бурунли юмшоқ туфли киярди. Аёллар ҳам юмшоқ тери, парча ёки бахмал юмшоқ пошналар туфли киярди. Улар кашта билан безатиларди. XVI аср охиридан аёллар гтоафзали унча катта булмаган пошна ёки 30 см қалинликкача бўлган тагчаримли туфлидан иборат бўлди. Кашталарни туфли юзидаги ленталар алмаштирди.

Соч турмаги ва бош кийимлар. XVI аср биринчи ярмида инглизлар сочини қиска қилиб юрарди. Бошга қиска хошияли бирет кийди, унинг чап томонига қимматбаҳо тугнагич билан туякуш пати тақиб қуйди.

Асрнинг иккинчи ярмида баретлар расмий кийимларнинг ажралмас қисми бўлиб қолди. испан шляпаси кундалик кийим саналди.

XVI аср аёллар соч турмаги мураккаб эди. Баъзан улар парик киярди. Хонимлар ва шаҳарлик аёллар чепчик киярди. Бой аёллар чепчиги кашта, тақинчоқлар билан безатилди ва қобирга ҳам қилинди. Хонимлар вуали қора, оддий аёлларники оқ буларди.

XVI аср иккинчи ярми "френчхуд" аёллар бош кийимида ("Француз чепеқи") унча катта булмаган уроксимон тақинчоқ буларди, унга қора вуал бириктирилди.

кироличе Елезаветта карорига кура шляпани фақат хонимлар киярди, ўрта табақа уни кийишга ҳаққи йук эди.


Тақинчоқлар ва пардоз ашёлари.









Инглиз хонимлар атир-упаларни ёктирарди, улар билан соч ва либосларига ёкимли хид берарди.

Аёллар соч турмаги инжу иплари билан безатилди, заргарлик буюмлари, патлар, вуал такиб куйилди. қўлқоплар ҳам либос қисми бўлиб кашта ва қимматбаҳо тошлар билан безатилди.

XVI асрда Англияда кашта билан ниҳоятда безатилган, тўкилган дастрўмол пайдо бўлди.

Юқори табақа хонимлар либосида қимматбаҳо белбоғлар, қимматбаҳо тилла тошли хошиялар, тилла ва шойи копланган тугмалар, кашталар, инжу иплари, заргарлик ашёсида кичик ойналар пайдо бўлди. Энди пайдо бўлган соат белбоғга занжир билан боғлаб куйилди ва v ясси шакли учун "нюрнберг" тухуми деб аталди





Атама сўзлар изоҳи

колет – эркаклар елка кийим енгли, елкасида қанотчаси бўлиб ёқаси тик эди

шосс – сербурмаланган устки иштон.

плашч – устки кийим.

Шосс – сербурмаланган устки иштон

Колет – эркаклар енгли, елкасида қанотчаси бўлиб ёқаси тик эди

Дублет – эркаклар устки елка кийими

джеркин - эркаклар устки елка кийими

шосс – сер бурмаланган устки иштон

колет – эркакларнинг кийими енги тор, елкасида валик ёки қанотчаси бўлган,
тик







































УЙҒОНИШ ДАВРИ ОЛМОНИЯ КОСТЮМИ

XV-XVI асрларда Олмония Ғарбий Европа давлатлари орасида етакчи иктисодий ва маданий мавкега эга бўлди.

1510-1550 йиллардаги Ислохат даври Италиядаги уйғониш даври сингар маънавий ҳаёт ва санъатга катта таъсир утказди. Ислохатлар оғир ижтимоий силкинишларга сабаб бўлди ва либос тарихида кескин бурилиш ясалишга олиб келди.

Бу нотинч даврда модани эркаklar белгилади. У ландекнехт либослари таъсир килган оқимларга карамай салобат, бойлик, мардоналикни такидлаб турарди.

Олмонияликларнинг либоси умумий хусусияти билан Европача эди. Лекин, князликларнинг таркоклиги, махаллий ва табақаланиш хусусиятлари унинг ранг-баранглигини белгилайди.

Умуман олганда немис либослари ёркинлиги билан ажралиб турди, Француз ва инглиз либослари эса майин ва очик тусга хос эди. Франциядан фарқли Германияда соф ок рангли либос кам учрарди.

Эркаklar костюми. XVI аср бошида эркаklar либоси хали готиклик хусусиятларини йукотмаган эди, булар чузик мутаносиблик, баланд бош кийимлар, узун тумшукли пойабзалларда кўринарди. Лекин тез орада эркаklar либоси кенгрок бўлиб қолди. Узун иштон -пайпоқлар пастки ва устки сингари икки қисмга булинади. Бу иштонларнинг олд қисми безакли хошиялар билан бой қилиб безатилди. Француз пурпуэне ёки инглиз жеркинига мое келувчи "вамс" устки кийим ҳисобланарди. Вамс танага ёпишиб туради ва коплама хусуиятда эди.

Кўйлак майда буклам билан кўкракда тупланиб буйинга боғлаб куйиларди.

"Шаубе" немис феодаллари ва йирик бюргерларнинг байрам либоси ҳисобланарди. Унинг бир неча турлари бўлган, лекин Лютернинг машхур шубаси XVI асрнинг 20-йилларигача кийилди. У мовутдан узун қилиб тикилган, олд ва орқаси тўғри бурмали, унинг остидан букламли жуда узун ва

кенг енг туширилган, бундай либосларни олимлар киярди. XIX асрда унинг бичими докторлик мантиясига асос бўлди.



20-йиллардан шаубега мўйна ёқа урнатилди, у бурмалар мўйна букламаси билан туташтирилди, узун енгларда кул чиқариш учун йирмоч очилди.

Қонунлар турли табакалар шаубеси учун ранг ва сифатини белгилаб берди.хусусан, кундуз, олмахон ёки сувсар мўйнали қизил ёки сафсар шаубени фақат князлар кийиши мумкин бўлган.

Бой немислар, "фальторн" киярди. Дастлаб у букламали юбка шаклида эди, уни вамс устидан кийиларди. XV аср охирида фальтрок рикарлик анжомлари устидан кийилди. Кейинчалик фальтрокни лиф билан бирлаштирилди. Агар вамс енгли бўлса, у енгсиз фальторк билан кийилди, ёки аксинча.XV аср охирига келиб тор куртка ва пайпоқ-иштонлар елкаси, тирсаги, тиззасида йирмоч килинди. Ва уларнинг тагидан ёркинрок мато куйиб тикилди. Бу янгилик ландскнехтларга (ёнлама аскарлар) тегишли эди. Уларнинг либоси нихоятда кенг йигмачок иштондан иборат бўлган. Угақ бир неча жойидан лента боғлабқуйилган. Ленталар орасидан матодан осилиб турадиган килинган. Бундай иштонлар «плюдерхозе» деб номланган ва шароварнинг бир тури ҳисобланган. Олмония ва бошқа давлатлар мода ишқибозларини ром этди ва унга мослаб либос тикилди. Уни тайёрлашга айрим олифталар юзлаб мато парчаларида фойдаланди. Плюдерхозе кашта, тасмалар билан безатилган. Контабандистлар бу иштондан қимматбаҳо матоларни чегарада яширин олиб утишда фойдаланди.

Ҳатто кенг бошмок ва ясси береткаларда ҳам йирмоч килинди. Дастлаб киборлар бунга кесатик муносабатда бўлишди. Кейин, императорнинг куйидаги сузлари янги мода тулкинига сабаб бўлди: "улар билан ишингиз булмасин, уларнинг бадбахт ва кашшок ҳаётида ҳазил килишга имкон беринг". Ландскнехтлар уз либослари ҳақида куйидагиларни айтди: "яхши одатга кура чопилди ва кесилди". Аскарлар шляпаси пат билан безатилди.



- расм. Ландскнехтлар костюми (ёлланма жангчилар).

40-йиллардан немис шаҳарликлари либоси такомиллашди. Кўйлакнинг кенг ёқаси ингичкалашди ва қаттиқлашди, бурма шаклига кирди (кейинги даврлар "Испан ёқаси" аждоди). XVI аср испан модаси кўпгина немис князликларига кириб келди, лекин немис либоси уни такрорламади, у ландскнехт билан коришиб кетди.

Аёллар костюми. Ислохат даврида аёллар модаси эркакларникини тўлатди. XVI аср 1-чораги аёллар либоси тор лиф ва енгча бўлиб, аёл либоси йургакдагидек кўринади. Аёллар юбка матодан тик ёқали кўйлак, бир ёки икки кават шлейфли юбка кийиб юрарди.

Байрам либоси қизил бахмалдан тикиларди, кўкрак бурма кашта билан безатилган, узун шлейфли, кенг бахмал хошияли юбка кувур шаклидаги букламлари билан ерга тушиб турарди. Одатга кура илик кўринмаслиги лозим бўлган. Ландскнехт либоси енглари йирмочларидаги безаклар ҳам эркаклар ҳам аёллар либосига таъсир утказди. Йирмоч куймаси енгдан кичик бўлгани учун у ерада бурмалар ҳосил бўлган. кўлқопларда ҳам йирмоч бўлган. (узук учун)

Кибор хонимлар либосида кенг уйма бўлган. Юрган ёки раке чогида юбканинг бир томони кутарилиб олинган, шунинг учун ички юбка бой безатилган.

XVI аср иккинчи ярмида юбка ҳажми кенгайди, кўкрак бурма торайди, енг пасти кенгайди. Уларнинг юқори қисми бурма билан безатилди. киска баланд бурмали "голлер" ёқаси модага кирди.

XVI аср ўрталаридан немис аёллар модаси испан модаси таъсирида ўзгара бошлади. Энг аввало либосда кобирга пайдо бўлди, лекин немис вариантида у семиз букса пайдо килди. Немис кобирга либоси испандаги каби каттий учбурчак шакли ҳосил килмасди.

Байрам либоси башанг енгли, баланд хошияли, тик ёқали ва кашта тикилган букламли кичкина пешбанддан иборат буларди.

Германиянинг ҳар бир жойидаги аёллар либоси фарқланарди.

XVI асрда немис аёллари устки кийим сифатида «шейблейн»-башанг калта енгли, четларига мовут тикилган кийим киярди.

XVI асрнинг сунги чоргаига кадар аёллар либоси ёркин йулли матолардан тикиларди. Испан модасининг таъсири остида аср охирига келиб, кора, жигар ранг, кора-қизил сингари тук тусли либослар пайдо бўлди. Паст табақа аёллар кобиргали юбка киймаган уларнинг юбкаси майда баулам билан осилиб турарди. Дехкон аёллар либоси бичимига кура шаҳарликларникига ўхшарди, аммо улар оддий кулбола матодан тикиларди.

Пойафзал. XVI аср ўртасигача эркаklar кенг киска бурунли ва ёнида йирмочли ясси бошмок кийиб юрарди. Уни немислар "нухмейлер" -"сигир тумшуги", "айик панжаси", "урдше тумшуги" деб атарди. Бу кенг бурун бошмоklar йул-йул пайпоk билан кийиларди. XVI аср 2-яримидан йирмокли уткир тумшук туфлилар модага кирди. Аср охирида пошна ва каттиk таг чармлар пайдо бўлди. Киборлар ва баой бюргерлар уз туфлиларини лойдан асраш учун унинг устидан ёғоч тагли туфли киярди. Улар билан веникиан пайпоkлари кийилди.

Дехкон ва хунармандалр кўпол чармдан пойабзал, кўпол матодан пайпоk киярди.

Винекия ва Франциядан фаркли германияда аёллар пойафзали учун ёғоч таглик ишлатилмади.

Соч турмаги ва бош кийимлар. XVI аср либос бирга соч турмаги ва бош кийим ҳам ўзгарди. XVI аср бошидаги эркаklarнинг узун сочлари ўрнига киска сочлар "кольбе" пайдо бўлди. Илгари сокол тўла олинарди, энди киска сокол ва бакинбарда куйиб юриш одат бўлди. Эркаklar бошига оддийдан тортиб пат ва маржон билан безатилган катта ясси бирет кийиб юрарди.

Аёллар ҳам туякуш пати, маржон ва олтин билан безатилган катта бахмал берет кийиб юрардилар. Бош кийим тушиб колмаслиги учун эркаklar ҳам, аёллар ҳам унинг твагидан тилла тур кўринишади соч гилофи киярди. Кейинчалик беретлар ўрнига кулох ва шляпалар келди. Аёллар бошига тилла тур ва унинг устидан кичкина хошияли ясси шляпа кийиб юришарди.

XVI асрнинг биринчи чоргаидан аёллар баланд митра шаклидаги чепек кийишда давом этди ("хаархаубе"). Уикки қисмдани иборат буларди, яъни ок

чипек ва рангли мато тортилган қаттиқ шапка унинг устидан кийиларди. Бу икки каватли бош кийимни аёлнинг эрига қарам эканлигини билдириб турарди.

Тақинчоқлар. XVI аср Олмониядаги бой ва қибор шахслар қимматбаҳо металл ва тошлардан тақинчоқлар тақишни ёктирарди. Улар уз шляпаларига туякуш пати тақар, беретларига маржонлар тиктирар, олтин иплар билан безатар, маржонли тур торттирар эдилар. Уларнинг либоси кашта марварид, заргарлик тукалари билан безатиларди. Эркаклар ва аёллар марваридли тилла зарбланган маржон, илгак ва қимматбаҳо тошлар билан безатилган белбоғ, катта тилла занжирлар тақиб юрарди. Ҳарф шаклидаги солинчоқли қора иплар эркаклар орасида кенг тарқалган тақинчоқ эди.

Атама сўзлар изоҳи

ландскнехтлар – ёлланган аскарлар

шаубе - эркаклар кенг устки кийими, енгги катта буфли бўлган

вамс – эркаклар елка кийим бўлиб, шаубенинг ичидан кийиларди (у пурпурен, джуббон, джеркинга ўхшаш эди)

фальтрок – эркаклар устки кийими, унинг бичим вамсга ўхшаш

плюдэрхаузен – тиззасигача иштон ёки шараварга ўхшаган узун тасмасимон иштон

коллер – 40 йилларда енгсиз жакетча пайдо бўлди

Назорат саволлари ва топшириқлар

1. Уйғониш - тарихий даври ҳақида сўзлаб беринг.
2. Уйғониш - даврининг буюк рассомлари ҳақида нималар биласиз?
3. Уйғониш даврининг аёллар либоси қайси жиҳатлари билан ўрта асрлар либосидан фарқ қилади?
4. XVI аср охирида кўйлақларда каркас шакли қандай бўлган, шунга таъриф беринг?
5. Ўрта асрлар даври либосидан, уйғониш даврининг эркаклар либосидаги фарқ нимада ?
6. Европада зодагон аёллар атирлардан қасрда ва қачон фойдаланишган?

7. Фреза нима ?
8. XVI аср охирида кўйлақларда каркас шакли қандай бўлган?
9. Европада атирлардан аёллар қайси асрдан бошлаб фойдаланишган?

Мустақил иш топшириқлари

1. Олмония эркаклар ва аёллар либосидан, уларнинг бичимидан нусха кўчиринг.
3. Олмония эркак ва аёллар либоси намуналарини, мато ва безак орнаментларини таҳлил қилинг.

XVII АСР БИРИНЧИ ЯРМИ ФРАНЦИЯ КОСТЮМИ

XVII асрнинг 1-ярмида Франция ҳам аралашган ўттиз йиллик уруш либосларга ҳам таъсир қилди. Либослар ёрқин рангда бўлди (қора тусли либосни асосан гугенотлар киярди).

Эркаклар либоси қатъий ажралиб турмас эди. Дворяннинг айнан бир либосда балга ҳам урушга ҳам кетаверарди.

Эркаклар костюми. Эркаклар либоси кенгроқ ва қулайроқ бўлиб қолди. Бел бурма юқориюқдан олинар ва панталонлар анча узун бўларди.

Кашта хошияли ва кенг қайтрма ёқали оқ кўйлақ кибор либосининг муҳим қисми эди. Оддий халқ гугенотлар кўйлаги каштасиз тикилган.

Кўйлақ устидан бел бурмаси баланд камзол кийишарди, унинг чизиғи ёнидан тикилган лента билан таъкидланарди. Камзолнинг олд этаги узун, орқаси калта бўларди. Кенг енгларида безак йирмоч бўлар, уларнинг ичидан каштали астар ва манжетлар кўриниб турарди. Камзол фақат кўкрак қисмидан қадалган, этаклари эркин осилиб турган.


Тор панталонлар кўкрак қадар кўтарилар, тугма ёки лента билан қадаларди. Унинг остидан пайпоқ кийилган, у табақага қараб очиқ рангли ёки йўл-йўл бўлган.

Оддий шаҳарликлар тиззадан бойланган шаровар кўринишдаги йи\ма иштон кийиб юрган.

қайирма ёқали қисқа енгли кафтан устки кийим ҳисобланган. Уни елкага ташлаб юрилган. Тадбирга қимматбаҳо матодан калта плашч кийилган, саёҳат чо\ида тиззагача тушиб турадиган иссиқ плашга ўралиб олинарди, у ўрта асрлардаги мушкетёр плашчини эслатади.

Шпага дворян либосининг асосий қисми бўлган, чап елкага парча бўлаг ёки камар билан осиб юрилган.

Хасса, трубкали кўлқоп, куртка елкасида ёки кўкракдаги лента безак либосларнинг муҳим қўшимча безаклари бўлган.



Ҳарбийлар либоси

XVII аср биринчи ярми ҳарбийлари асбоб-анжомлари дубул\а, кўкрак ва бел қалқон, елка, қўл Ҳимоя, пўлат қўлқопдан иборат бўлган. 1630 йили тожли дубул\а ўрнига юзни асрашга мўлжалланган каска киядиган бўлди. Юз йиллик ўрталаридан каска Ҳимоясини икки ёки уч симдан қилдилар.

Оддий аскарлар юқориси учли ва кичикроқ тожли металл шапка киярди.

Каска ва шапкалар билан безатилган.

Кўкрак ва бел қалқони белбо\ ва тасма билан маҳкамланган. Анжомлар тагидан икки қаватли ёқа кийилган.

20-йиллар охиригача тананинг пастки қисмини тиззагача тушиб турган белча ёпиб турган. 40-йилларда қўмондонларда у металл юбкага айланди, аскарларда кичик қалқон бўлиб қолди.

Ҳарбий кийимлар бронза ва мис тугмалар, нақшлар ва бошқа шакллар билан безатилди. Йилтирайдиган ёрқин анжомлар қорароқлари билан алмаштирилди.

Янги ҳарбий либос ҳам пайдо бўлди. Кираса тагидан кийиладиган чарм куртка узунлашиб, унинг этаклари белчанинг ўрнига қолди. Бошмоқ ўрнига этик кийилди, металл каска ва шапка ўрнигатурли хилдаги бош кийимлари кийилди.

Ҳарбий кафтан ва иштонлар мовутдан тикилди, аскарларники қалин мовут ва ҳўкиз терисидан тикилди. Ҳарбий кийимлар турли тақинчоқлар, рангли петлица ва ленталар билан безатилди.

Пойафзал.

XVII аср биринчи ярмида эркаклар туфли ва этик киярди. Этиклар қўнжли қилиб юпқа ёрқин чармдан тикилди, қўнжи юқоригача кўтарилар ёки қайтрма бўларди, кашта билан безатилди, пошна́ли, чарм тортма ўрнатилди, уларга шпора тақилди.

Балга этикда ва рангли бошмоқда келиш мумкин эди.

Аёллар лента ва тақинчоқлар билан безатилган паст пошна́ли туфли киярди.

Аёллар костюми. XVII аср биринчи ярми аёллар либоси эркакларникига ўхшар эди, яъни баланд кўтарилган кўкрак бурма, пахмоқ енг ва майда букламали, узун, кенг юбка кийиб юришган. Аёллар ички ва устки кийимлари бўлган. Ичкиси олди ёпик рангли атлас ёки парчадан тикилган. Бел бурмаси чок билан белгиланган. Устки кийим-олди очик рангли тўкроқ, лиф узунроқ, тугма қадалиб юрилган, бой аёллар уни қимматбаҳо солинчоқлар билан безатган. Устки кийим юбкаси тагида безакдор ички юбка кўриниб турган. Устки кийим думалоқ шаклда ўйилган ва кашта тикилган оқ чиройли қайрилма ёқа билан безатилган.

Либос енгى бир оз калта, шиширилган, рангли матодан астарли йирмочи бўлган ва кашта безакли ҳошия тикилган. Бу даврда лиф шаклидаги кофта модаги кирди.

қўлқоп, елпи\ич соат ва қимматбаҳо гардишли ойна белбоққа осиб юрилган, уларни барчаси қўшимча безак ҳисобланган.


Соч турмаги ва бош кийимлар.


XVII асрнинг биринчи ярмида дворянлар елкага тушиб турадиган соч ва кичикроқ сокол ва мўйлаб қўярди. Парик модага кирди. Оддий халқ ва буржуа сочини қирдириб юрарди. Оқ, мовий ва қизил туякуш патлари билан безатилган кенг хошияли оч рангли шляпалар модага кирди.


Аёллар сочини икки хил турмакларди. Соч тў\ри ярми очилиб орқага ўралар ва тож қилиб турмакланарди. Чаккаларга жингалак қилинган сочлар тушиб турарди. Ёки орқага соч тўпланарди, ёнларда толалар осилиб турарди.

Тақинчоқлар.

XVII аср биринчи ярмида марварид маржон ва билак узуклар оммалашган эди. Аёллар шунингдек узук, солинчоқлар, диадемалар тақиб юрган. Олмос модага кирган тош ҳисобланган, лекин заргарлар унга фақат аср охиридан ишлов бера бошлаган.







XVII АСР ИККИНЧИ ЯРМИ ФРАНЦИЯ КОСТЮМИ

Европада XVII аср – давлатчилик юзага келиб шаклланганлиги билан тарих саҳифаларидан жой олган. Мазкур даврга хос бошқарув шакли бўлган абсолютизмга асосланган миллий давлатлар ташкил топди. Франция – классик абсолютизм намунаси саналади. Бой буржазия республикаси ҳисобланган, Европада энг нуфузли ва қудратли Голландия аср охирига келиб, инқирозга юз тутди.

Қитъада маънавий ва маданий ҳаёт ўзининг янги босқичига кўтарилди. Энди черков реформацияси (XVI аср Ғарбий Европада католик черкови ва папа ҳукмронлигига қарши олиб борилган диний шаклдаги ижтимоий-сиёсий ҳаракат) билан боғлиқ тубдан ўзгаришлар ўтмишда қолади. Шунингдек, Ренессанс (Уйғониш даври) даврнинг инсонпарварлик ғоялари ҳам тугаб битган эди. Санъат эндиликда нафақат инсонни улуғлабгина қолмай, балки уни ўраб турган борлиқ, муҳитни ҳам акс эттира бошлади.

Ушбу даврнинг мураккаблиги ва зиддиятларига қарамасдан, XVII аср мантиқан Ренессанс санъатидан келиб чиққан санъатнинг “олтин асри”, дея номланади. Яна бу аср “барокко асри”, деб ҳам аталади. Ҳақиқатан қатор давлатлар санъатида бир вақтда пайдо бўлган мазкур услуб Европада етакчилик қилади. Барокко билан параллел равишда Голландия реалист рассомлари ҳамда Испания, Италия ва Фландриянинг (Фландрия графлиги; ҳозирги Франция, Бельгия ва Нидерландия ҳудудлари) бир қатор уста рассомлар ижодига хос мутлақо мустақил, бирор услубга кирмаган француз классицизми ҳам баравар ривожланиди.

“Барокко” атамаси итальян тилида “серҳашам, антиқа”, “бежамдор, тумтарок” маъноларини англатади. Бу услуб архитектурада йўналиш ва шаклнинг оғирлиги, айтиш мумкинки, хатто қўполлиги, дабдабалилиги, экспрессия, яъни таъсирчанлигида намоён бўлади.

Мазкур услуб интерьерда, аввало, дабдабали декор ҳамда ранг-баранг тасвирлар, зарҳал, ойналарнинг ҳаддан ташқари мўллигида кўзга ташланади.

Шифтга чизилган мўъжизавий манзараларда тасвирланган монументал гуллар, рельеф, яъни бўртма нақш билан безалган, ёруғ ва қорамтир томонлар бўрттириб тасвир этилган улкан анфиладалар (биридан-бирига ўтиладиган қатор хоналар, уйлар) – буларнинг бари барокко услубининг бошқа услублардан ажратиб турадиган жиҳатларидандир.

Рангтасвир санъатида бу услубнинг бежамдорлиги тасвир этилган сюжетлар мистикаси, илоҳийлиги ва персонажларнинг аффектацияга, яъни сунъий ҳаяжонга тушиши, фантастик ҳаёлийлиги, конкрет шахсларнинг (масалан, Генрих VI) афсонавий мавжудотлар билан мулоқотда бўлиши каби ҳақиқатдан йироқ сюжетларида акс этади.

Умуман олганда, барокко услубида яратилган санъат, бир қарашда, “ярқ” этиб кўзга ташланган чиройи, кишини хайратда қолдирали жилоси, бежамдорлиги, ҳашамати, гарчанд мистика элементлари бўлса-да, байрамона тантанаворлиги билан ажралиб туради.

Машҳур итальян архитекторлари Л. Бернини ва Ф. Борромини барокко услубида ажойиб ансамбллар ва алоҳида иморатлар бино этдилар. Айниқса Л. Бернинининг бу услубда ижод этиб, эришган ютуқлари Ватикан иншоотларида тўлақонли акс этган. Бетакрор ибодатхоналар бунёдкори Ф. Борромини эса барокко услубига чиндан мафтун бўлган санъаткорлардан бир саналади. Унинг ижодига экспрессия ҳам, динамизм ҳам хоски, айтиш шунинг жиҳатларини ўз ишларида ҳатто буюк Л. Бернини ҳам кўрсата олмаган эди.

Рангтасвир санъатида эса барокко услубида “рассомлар қироли, қироллар рассоми” машҳур фламанд (Фландрия) рассоми Питер Пауль Рубенс ажойиб асарлар яратди. Оптимизм – кўтаринки рух, тантанаворлик, дабдаба, аллегория, мажозийлик – буюк мусаввир ижодининг ҳаётсеварлигини таъкидловчи хусусиятларидандир. Буюк фламанд рассомининг Франция қироличасига аталган “Мария Медичи ҳаёти” номли картиналар цикли ҳамда бошқа асарлари кўпгина қироллар қароргоҳларини безаб турибди.

Барокко услубига мансуб француз костюми

XVII асрда ҳар хил урушларда қозонилган ғалаба ҳамда мамлакатдаги молиявий-иқтисодий аҳвол яхшилиги туфайли Франция Европада энг етакчи давлатлардан бирига айланди.

Франциянинг сарой маданияти, унинг диди, модаси энди барча Европа давлатлари саройи учун намунага айлана бошлайди. Шундай вазият юзага келади: энди мода қирол ва унинг яқинларини ўз амрига бўйсундиради. Францияда мумдан ясалган Пандора (пандора сўзи қадимий юнончадан олинган бўлиб, серқирра қобилят соҳибаси маъносини англатган. Қадимий юнон афсоналарида нақл қилинишича, Пандора Зевс амр қилган биринчи аёл бўлган ва қизикқонлиги устун келиб, Прометей одамларга келтирган олов идишни берухсат очиб юборган. Бу идиш “Пандора қутиси” ҳам дейилади. Шунда идиш ияидан бутун оламга бари кулфатлару кўргиликлар чиқиб келган. Лекин идиш тубида фақат умид қолган, холос. XVII асрда кўғирчоқ-манекенлар пандора деб атала бошланади. Пандора манекенлари модаларни намоиш қилишда ишлатилади) кўғирчоқлари энг сўнгги модадаги кийим-кечак гардероби билан бирга ясала бошланади. Катта Пандора манекени устки кийимни, кичиги эса енгил уй кийимини намоиш қилади. Пандоралар бутун Европа давлатларига тарқатилади ва уларнинг нархи жуда қиммат турган. Пандора кўғирчоқларининг саёҳатига ҳатто жанговар ҳаракатлар олиб борилаётган ҳудудлардаги ҳарбийлар ҳам халақит қила олмаган. XVII асрнинг сўнгги чорагига келиб, “Меркур галант” номли мода журнали чоп этила бошлайди. Журнал саҳифаларидан модадаги кийимларнинг расмлари жой олган эди.

XVII аср ўрталарига келиб, сарой-боғ ансамблидан иборат Версаль бунёд этилади. Ушбу иншоот ўз меъморий қурилиши ҳамда серҳашам декори билан бутун Европанинг бари қароргоҳларини ортда қолдириб кетади. Чини билан бошқа саройлар Версаль саройи соясида қолиб кетади. Версаль декори узоқ йилларгача мода, мебель, зеб-зийнатга бўлган модани белгилаб боради. Мазкур давр модада “Версаль модаси”, деб аталган.

Гўзаллик идеали. Эркаклар идеали – жасур, улуғвор қад-қоматли, одобли ва назокатли сарой одами тасаввур қилинган. У рақс тушишга моҳир, яхшигина мерган ва сувори, эътиборли кавалер бўлиши керак эди. Баланд бўйи, тўғри юз тузилиши ва қуюқ, узун сочлари билан Людовик XIV ана шу гўзаллик идеалига жуда мос келар эди. Аслида Людовик XIV нинг ўзи табиатан хушрўйлиги билан гўзаллик идеали сифатида қабул қилинган эди. Замондошлари унга “Қуёш қиролимиз”, деб таъриф берган, у улуғворлик ва монументаллик – маҳобат ва салобатлилиқ рамзи эди.

Ўзида салобат, дабдаба, ноз-истигно, назокат, ғамзани мужассам этган аёл гўзал, деб эътироф этилган. Ўша давр аёл гўзаллик идеалида яққол кўзга ташланадиган чизгилар бўлмаган. Аёл гўзаллигининг эътироф этилиши қирол диди ҳамда ташқи кўринишлари билан бир-бирларидан фарқ қиладиган ва тез-тез алмашиб турадиган унинг севимли маҳбубаларига боғлиқ бўлган. Лекин ҳамиша хипча бел, кенг бўкса ва қуюқ сочлар гўзаллик талаблари бўлиб қолаверган.

Кийим турлари ва шакли. Тўқимачилик. Эркаклар ва аёллар гардеробининг ранг-баранглиги кийимнинг ҳамма: уламали (қоплама), олди очик, драпировка қиладиган (қат-қат) турлари бўлишини тақозо этган.

Аср бошида эркаклар костюмига ҳарбий кийим ўз таъсирини ўтказган бўлиб, бу Франциянинг уруш ҳолатида эканлиги таъсири эди (1618 – 1648 йиллардаги ўттиз йиллик уруш).

40-йилларда эркаклар модаси кескин ўзгаради, уларнинг кийимида болаларча соддалик белгилари акс этган. Бу ҳол тахтга ҳали гўдак Людовик XIV нинг ўтириши сабабли юзага келди. Бу давр “болалар модаси” сифатида қайд этилади.

Шу даврда *рейнграв иштонлари* (қўш юбка-иштон, баъзи фикрларга қараганда, уни Франциядаги голланд элчиси Рейнграв ван Сальм ўйлаб топган эмиш) урф бўлади. Бу – XVII аср эркаклар костюмининг ўзига хос намунаси ҳисобланади. 60-йилларга келиб, эркаклар костюми яна ўзгаради. Эркаклар кийимида яна мардона аломатлар акс эта бошлайди. Эркаклар кийимларининг

сони ҳам кўпаяди. *Жюстокор, веста*, унинг ичидан кийиладиган *сорочка* (кўйлак), *кюлота* (тиззагача тушадиган тор иштон) пайдо бўлади. Лекин рейнграб бир қанча вақт жюстокор билан биргаликда кийилган.

Хотин-қизлар кийими бир аср мобайнида аста-секин ўзгариб борди, натижада профил силуэтини ҳосил қилди. Иссиқ қишки кийим сифатида *коттга* кийилган совуққа чидамли оғир *роб* хизмат қилди. Уйда кийиладиган, юпқароқ матолардан тикилган енгил кийим оммавийлашади.

Ўша давр тўқимачилиги намуналари – атлас, майин шойи, тафта, муар, яъни мухайяр (товланадиган қалин шойи) ҳарир газлама – газ, хил-хила, нимранг майин тўқилган жун, баъзан бу матодан тикилган аёллар кўйлагига кумуш ва зар ип қўшиб тўқилган.

XVII асрни бежиз тўрлар асри, деб атамайдилар. Тўрлар жуда урф бўлади. Ёқа, манжета, яъни қадама енглар, фартук, наколка (аёллар сочига такиладиган тўрбезак) пайпоқ ва пойабзалларга тўр қўйиб, безала бошлайди. Қавариқ тўр – гипюр, шунингдек, соч толаси каби ингичка тўр оммавийлашади. Асрнинг сўнгги чорагида йўл-йўл ва катак-катак мато жуда урф бўлади. Ипак пайпоқлар турли ранглар, жумладан, қизил ва мовий рангларда бўлган.

Шойи матолардан ташқари бахмал, айниқса эркаклар кийимида мовут, жун ишлатила бошлайди. Бунда қора, кулранг, қизил, жигарранг, тўқ яшил ва малла, қизғиш ранглар кўп ишлатилган. Хотин-қизлар кийимида узок вақтларгача кулранг, бинафшаранг ва сариқ ранглар оммабоплигича қолади.

Яна кашта урфга киради. Шунингдек, гул босилган матолардан ҳам фойдаланила бошлайди. “Версаль модаси” таъсири остида интерьер декорида кенг қўлланиладиган гобеленга (декоратив газлама) яна қизиқиш уйғонади. Гобелен тўқимачилик маҳсулотлари ҳамда костюм декори билан яхши уйғунлашиб кетган. Костюмда безак сифатида тасмалар, улардан ясалган изма (тугма қадаладиган тешик), галун, яъни уқалардан кенг фойдаланилади.

Эркаклар костюми. XVII асрнинг биринчи чорагида эркаклар *сорочка*, яъни кўйлак калта куртка *пурпуэн*, ҳар хил узунликдаги, унча кенг бўлмаган *иштонлар* ва *плашлар* кийган. Эркаклар костюмига мушкетёрлар (мушкет, яъни

қадимий пилта милтиқ билан қурулланган аскар) кийими таъсир этган ва тасмалар, тўрлар, тугмалар ва бантлар (капалакнусха тугун) мўллиги билан ўзида ҳарбийлашган услубни бирлаштирган. “А-ля Ван Дейк” ёқалари ва “а-ля Рубенс” шляпалари урф бўлган. “Тегирмон тоши” ёқаларини асосан шаҳарликлар ва савдогарлар таккан. Черков тўрли ёқа тақишни тақиқлаб қўйгач, томоқ остидан ўтказиб тақиладиган, олиб қўйиладиган боғичли рабат ёқалари пайдо бўлади. *Пурпуэн* белгача тушадиган калта орқаси ва бир оз узайтирилган, бурмали олд томонидан ташкил топган.


Лифга турли ўлчамдаги алоҳида трапециясимон кийиклардан баска (бел йўналиши бўйлаб қўйлақ, кофта, блузка, жакетларга қўйиладиган кенг бурма) қилинган. Баска қисмларининг лифга туташуш жойи хурпайма бантлар билан безалган. Пурпуэннинг енглари кенг бўлиб, енг ўрни, ўмизи эполетлар (XVI асрда испанларнинг елкага кийиладиган елкапўшини эслатадиган қанотча) билан ишланган, кўпинча бунинг бўйига кийик жойи бўлиб, орасидан сорочка (қўйлақ) матоси ёки безакнинг декоратив шоҳи матоси кўриниб турган. Пурпуэн белдан юқорида тугмаланган, бунда ичдан сорочка кўриниб турган.

Кўп ҳолларда худди пурпуэн сингари иштонларнинг ҳам шоҳи безакли кийик жойи бўлган. Одатда иштонлар ипак пайпоққа кийилган, уларга эса этик остидан полотнодан қилинган, тепасига тўр тикилган яна бир иштон (ғилоф ўрнида) кийилган. Баъзан худди кулька сингари ботфорт (қўнжи тиззадан баланд этик) тепасига қўйилган.

Пурпуэн устидан кўпинча манто – олдида қийиғи бўлган юмалоқ плаш кийилган. Кўп ҳолларда мантога мўйна қўйиб, безак берилган.


Ҳарбийлар орасида *казак* – куртка билан плашнинг чатишишидан ҳосил бўлган гибрид тугмалари жуда кўп кийим урф бўлган эди. Ана шу гибрид хизмати туфайли казакни қисмларга бўлиб, уларни бир-бирига комбинация қилган ҳолда турли фасонларни чиқариш мумкин эди. Мушкетёрлар калта, тик казак кийган.








5.15-расм. Мушкетёрлар костюми.



5.16-рasm



5.17-рasm


Дворянлар косюмининг зарурий детали қайишга қистирилган *шпага*, яъни қиличсимон найза бўлган. Бу зарбоф ёки қайишдан ҳам қилинган бўлиши мумкин эди. Қайишни ўнг елкадан ошириб тақилган, қиличсимон найзани эса ерга вертикал, тик бўлиб турсин учун қайишнинг чап томонига қистириб қўйилган.


30-йилларга келиб, иштоннинг янги хили – *панталонлар* пайдо бўлади. Бу тиззадан пастга тушиб турадиган тик иштон бўлиб, унинг почалари тасмалардан илма қилиб безатилган.

XVII аср ўрталарига келиб, “болалар модаси” даврида даврида костюм тирсаккача келадиган енгли ёки енгсиз, бурма қилинган, елкаларига попук, чеккаларига тасма ва зар ука тутилган калта *брасьер* курткаси; тўрли ва бантли, пахмайган, белбоғдан пастга солиниб турган қисми бўлган, брасьердан чиқиб турган, бир неча жойлари тасма билан бойланган, бурма қилинган енгли *сорочка* кўйлаги ва *рейнграв* иштонларидан иборат эди. Бунда кат-бурмали юбка остидан *шалвор* иштонлари кийилган. Сорочка кўйлақда бурма хошияли қилиб безалган илма-тугмалар *жабо* деб номланган. Ёши ўтган, оқ сочли оқ сарой аъёнлари ўзларини бундай кийимда ноқулай сезганлар.

Эркаклар XVII асрнинг иккинчи ярмига келиб устки кийим сифатида мундирни эслатувчи *жюстокор* кия бошлайдилар. Бу олди очик кийим бўлиб, одатда тиззагача тушиб, танага ёпишиб турган, пастга томон этаклари кенгайиб борган, белда белбоғ-шарфи бўлган, енглари тирсаккача келган, елкадан торайиб, пастга томон кенгайиб борган. Жюстокорга янгилик киритилади – ўйик чўнтаклар қилинади. Дастлаб жюстокор кўк рангли, астари қизил рангда бўлиб, унга зар ёки кумуш ип билан кашта тикилади. Бу кийимни фақат тор доирадаги шахсларнинг кийишларига рухсат этилган. 70-йилларга қадар жюстокор рейнграв билан биргаликда кийилган.

Жюстокор остидан енгли калта *веста* кийилган. Кейинроқ жюстокорга тобора камроқ тугма қадала бошланади; веста эса 80-йилларга келиб, узунлиги жюстокор билан тенглашади ва бу билан у *камзул* бўлиб қайтадан дунёга келади. Бўйинга тўр ёқа – аксарият оқранг галстук, яъни бўйинбоғ тақилади.





5.18-расм. Жюстокор бичими

Жюстокорга *жабо* сорочка кўйлаги чиқиб туради. Бу вақтга келиб, жюстокор енглари узунлашади.

Бу даврда бошқа иштонлар – тиззагача келадиган *кюлоталар* кийилади. Кюлотанинг ёнида кийиғи ва илма-тугмаси бўлган. Кюлота иштонлари бахмал, жун, шоҳи матолардан тикилган ва одатда унинг ранги жюстокор ранги билан бир хилда бўлган. Пайпоқ (ипак, жундан тўқилган) оқ, пушти, мовий рангларда бўлиб, кўпинча унга кашта тикилган.

80-йилларга келиб, *муфта* модага кириб келади. Бу пайтга келиб, кексайиб қолган ва тўқ рангли кийимларни маъқул кўрган Людовик XIV боғичли катта муфта кийган (черков ва такводор мадам Ментенон таъсири остида).

XVII асрда эркакларнинг уй кийими ўрнида шоҳи матодан тикилган аксарият йўл-йўлли *халатлар* пайдо бўлади.

Аёллар кийими. Аср бошларида хотин-қизлар олди очик *роб* кўйлаги, унинг остидан эса елпиғичсимон қобирғали, тўр билан безалган *котт* кўйлагини кийганлар. Роб кўйлагининг қадама енг – манжетали кенг енглари бўлган. Котт кўйлаги қобирғага қўйилган бўлиб, белдан кўтарилиб турган кўйлак устидан кийилган.

30-йилларда аёллар роб ва котт кийишда давом этганлар. Лекин робнинг ёқаси олиб қўйиладиган, баллонсимон енглари тасма ёки безакли нақшин боғич билан бойлаб қўйилган. Енгларни букиб ёки уни бир неча жойидан тугиб қўйилган. Олиб қўйиладиган ёқага “гарсетт” (қизалоқ) пешонага туширилган сочи бўлган “Мария Медичи” соч турмаги ва ёноқларда қуюқ туф (ғовак тоғ жинси; яна оҳақтошли туф декоратив фактура сувоғи ҳам бор) жуда мос тушган. Роб лифи худди кўкракдан тарқалгандай тасаввур уйғотади ва матонинг кўндаланг бўлаклари билан бирлашади, ундан котт лифига маҳкамланган учбурчак бурмали ечиб қўйиладиган улолқ матоси кўриниб туради. Роб билан котт ҳар хил ранг ва ҳар хил фактурада бўлган.

Умуман олганда, асрнинг бириничи ярми аёллар костюмига катта ўлчам хосдир. Аёллар пошналар пойабзали силуетнинг кертикалига тортилишига

ёрдам берган. Роб ва котт устидан капюшонли кенг ва узун манто ёки мавсумга караб енгил *пелерина*, яъни елкага ташлаб юрадиган кийим, накидка ёпилган.

Аср ўрталарига келиб, бел йўналиши ўз жойига қайтади. Гарчанд шундай бўлса-да, барибир кийимда қобирға сақланиб қолди, фақат унинг шакли ўзгарди, холос. Тор лиф учбурчак улоқлигича қолаверди, юбка эса гўё кит мўйи воронкага ўхшаш шаклга эга бўлди. Енглар қаппайган, қийиқ солинган, бантлар қилинган. Декольте кенг, лекин унча чуқур ўйилмаган, у матодан тасма тўрлар билан безатилган.

Вақтлар ўтиши билан декольте ва енг шакли ўзгаради, лекин модест ва фрипондан иборат қўш юбка илгаригидай қолаверади. Модест (сипо) – устки, роб кўйлагининг юбкаси бўлиб, фрипон юбкаси (ўйноқи) – ички, котт кўйлагининг юбкаси ҳисобланарди. Қобирғага қўйилган юбка “секрет” деб аталарди.

Баъзан котт робсиз кийилган. Бундай ҳолатда котт кўйлагининг (фрипон) юбкаси устидан шлейф (хотин-қизлар кўйлагининг узайтириб тикилган орка этаги) билан бирга ечиладиган модест юбкасини кийилганю Шлейф – дворян хонимлар кийимининг ўзига хос вломатларидан биридир. Шлейф қанчалик узун бўлса, унинг соҳибаси шунчалик насли насаби янада оқсуякроқ бўлган. Узун шлейф шу маънони англатган.

Гарчанд модест ва фрипон мода ривожланишининг турли босқичларида безалиши ва драпировка қилиниши турлича бўлса-да, улар аёллар костюмида асрнинг охирига қадар иштирок этади.

Бу аср сўнгида аёллар костюми ва соч турмаги аниқ ифодаланган профил силуэтига эга бўлади. Котт чуқур ўйилган квадрат деуольте ва енглар $\frac{3}{4}$ лик пасти тўрли ва бурмали тор қилинадиган бўлди. Эндиликда қора тўр урф бўлади. Қора тўрни кексайиб қолган Людовик XIV нинг тақоводор маҳбубаси мадам Мантенон модага киритади. Бичимда такомиллашган муфта (аёлларнинг икки ёқдан икки қўлни тикиб юрадиган енгчаси), палантин (хотин-қизларнинг елкага ташлаб юрадиган мўйна ёки бахмал шарфи) ва қўлқоп жуда урф бўлган эди. Айниқса қирол муфтани ёқтирар, совқотган қўлларини ана шу енгчага

тикиб совукдан сақлар эди. Муфтанинг яна бир хосияти – у қўллар терисининг майинлигини сақлаб қолишга ёрдам берар эди.

Пойабзал. Бу даврда эркаklar ва аёллар пойабзаллари ранг-баранг бўлган. Эркак тилчали, тўқали, баъзан платформали туфли кийганлар. Фақат дворянларгина қизил пошналар пойабзал кийишга ҳақли эдилар. Шунингдек, ботфортли – қўнжи тиззадан келадиган баланд этиклар урф бўлган.

Аста-аста кадам ташлашга ёрдам берадиган, юришни нафис қилиб кўрсатадиган французча пошналар хонимлар пойабзаллар қуйидагилар эди: муля пошналар пантофли (пўкакдан ясалган пойабзал; дастлаб Византиядан Италияга, сўнг XV аср охирида Францияга етиб келган); тўрсимон перфорацияли туфли; учи пастга қайрилган туфли; рантли (бахя) туфли; тўғнағич ёки бантли ёпик туфли.

Бош кийимлари, соч турмаklари, зеб-зийнат, пардоз-андоз, косметика воситалари. Эркаklar “а-ля Рубенс”, “а-ля Рембрандт”, деб ном олган (машҳур рассомлар шляпаларига тақлидан номланган) фетр (аёло навли юпка наматсимон мато) шляпа, шунингдек, қирқуви тор, яъни қисқа соябонли ва баланд тульяли (бош кийимнинг тепа қисми) шляпа кийганлар. Асрнинг иккинчи ярмига келиб эса кенг соябонли юмшоқ шляпани уч томони эгри ҳосил учбурчакли бош кийим кийилган. Шляпага аямасдан, саҳийлик билан патлар қадаб ташланган.

Эркаklarнинг соч турмаklари ҳар хил бўлган. Аср бошида эркаklar “антри катр”, деб номланган соч қўйган. Сўнгра узун ва елкага тушиб турган қўнғироқ қилинган сочлар пейзажча қилиб қўйилган.

Аср бошида “а-ля Каденетт” номли соч турмаги ҳамда унинг “комета” деган тури, шунингдек, қўнгилдан жой олган маъшуқа севган рангли тасма билан бир-икки икки тутам сочлар учи бойланиб қўйилган соч турмаги ҳам урф бўлган.

20-йиллар охирига бориб пайдо бўлган париклар Людовик XIVнинг ажойиб қуюқ сочлари бирдан тўкилиб, кал бўлиб қолгач, урфга киради. Айниқса “уч брида” номли парик урф бўлган. Кўпинча парик (хурпайган) кок

билан бирга пешона гир ўралиб тақилган. Қирол сарғиш рангли табиий соч толаларидан ясалган узун парикни маъқул кўрган. Дастлаб парикдаги кўнғироқлар, яъни жингалалар тартибсиз равишда пахмайтирилган, сўнгра улар карнайсимон қилиб, қатор тизиб қўйилган.

Оч рангли парикларни фақат қирол оиласи аъзолари таққанлар. Бошқалар парикка уша қўйишга мажбур бўлганлар.

Людовик XIII қироллиги чоғларидаёқ “*муш*” номли соқол ва ингичка “*шевалье*” мўйловларини қўйиш урф бўлган эди. Буларни қиролнинг ўзи урфга киритган эди. Кунлардан бир куни қирол казармага келиб бари офицерларни турғизволиб, шахсан ўзи уларнинг соч-соқолини олган эди. Шу тарика ана шу соқол-мўйловлар урф бўлади. Мўйлов – зодагонлик аломати саналган.

Хотин-қизлар ҳам худди эркаклар каби катта соябонли (қирқувли), патлар қадаб, безалган шляпалар; турли чепецлар, пелерина (ёпинчик) билан бирга капор (хотин-қизлар ва болаларнинг кулоқчинли иссиқ қалпоғи) капорлар кийганлар; турли наколка (аёллар сочларига такадиган мато ёки тўр безак) таққанлар ва “*фонтанж*” чепецини кийганлар.

Аёллар соч турмаклари ранг-баранг бўлган. Аёллар сочларини аср бошларида “*гарсетт*”, яъни пешонага тушириб қўйиладиган соч бўлган “Мария Медичи” номли соч турмагига тақлидан турмаклаганлар ёноқларига туф суртганлар. Кейинроқ сочини шундай турмаклаган маркиза номи берилган “*мадам Севинье*” турмаги; сарой соҳибжамоли, кардинал Мазаринининг жияни итальян гўзалининг номи берилган “Мария Манчини”; шунингдек, шу турмак асосида пайдо бўлган, бироқ карнайсимон кўнғироқлар, жингалалар тартиб билан иккита ярим доира кўринишида, тасма билан ўралган соч турмаги пайдо бўлади. Бироқ ёйилган сочлардан маълум тартибда ажиб қилиб ясалган “фонтанж” соч турмаги айниқса урф бўлган эди.

XVII асрнинг иккинчи ярми соч турмакларига бир-уч илонсимон кўнғироқ қилинган соч тутамларининг кўкрак ва орқага тушиб туриши хос эди.

Зеб-зийнат, тақинчоқлар орасида олмос, олмос зарралари қўйиб, ясалган сочтўғнағичлар, тиллақошлар, марварид шодалари урф бўлган. Ёқалар,

шляпалар, соч турмакларига тўғнағич қадаб безалган. Бу даврда бриллиант кўйилган дастлабки тақинчоқлар пайдо бўла бошлайди. Сумка, елпиғич ва кўпқопларга қимматбаҳо кашта тикиб, безалади.

Костюмнинг архитектура – меъморчиликка дахлдорлиги. Барокко услубига мансуб бинолар архитектураси ва интерьерига дабдаба, хашамат, ҳаддан ортиқ безак, оқиш ва қорамтир рангларнинг мўллиги, зарҳал ишлатиш хос бўлган. Барокко костюмида ўлчам ва драпировкалар (модест, фрипон, шлейф) кўпгина оқиш ва қорамтир рангларни ўзида мужассам этиши билан ажралиб туради. Костюмнинг жимжимадорлиги меъморий услубнинг бежамдорлигига уйқаш келади.

Жилва ва зарҳал интерьер декорида намоён, худди шундай костюмда ҳам ана шу ҳолат ифодаланади: безак, кашта, зар уқалардаги тилла ва кумушлар; шан-жан жилоси – мато бўлаклари ранглар ўйини; қимматбаҳо тақинчоқларнинг кўзни олар жилваси буларнинг барининг бир-бирига уйқаш келади ва ана шу ҳақиқат фикримизга мисол бўла олади.

Атама сўзлар изоҳи

о-де-шосс – эркаклар иштон.

галун – тасма.

шемизетт – кенг ишки кўйлак.

казак – плашч тури.

манто – доира шаклли, ёқали ва боғичли плашч эди.

кабан – енгли, тўғри бичимли, узунлиги тиззагача бўлган кийим.

онгерлин – венгриядан тақлид қилинган қишки кийим.

ботфортлар – баланд қўнжли этиклар.

галош – ботфортлар устидан ёғингарчиликда чармдан тайёрланган ёғоч тагликли пошнаси.

егийетт – бу тасма билан иштонни безатишган.

панталон – шоссаларнинг янги номи.

брагетт – учбурчак шаклида жойлашган бир неч қатор тақилмаданқилинган
измалар билан бириктириларди

брасьер – пурпурен ўрнига қисқа енгли ёки тасмали, эркин курткача.

рэнграв – юбка симон қисқароқ брасьер устидан кийилади.

жабо – олд тақилма тўр ёки бурма ҳошия.

канон – о-де-шосснинг учига ёки устки пайпоқларга кенг бурма қилинади.

жюстокор – эркаклар устки кийими.

кроат – оқ матодан учи тўр билан безатилган галстук.

веста – жюстакор ичидан кийиладиган камзол.

кюлот – иштон, о-де-шосс ўрнига кийиларди.

кроат Штенкер – 90 йиллар галстук.

корсет, вертюгал – аёллар костюмининг асоси

кор-де котт, котт, роб – аёллар кўйлаги

корсаж – ички юбканинг устидан кийиладиган лиф.

пелерине – манто.

модест – устки кўйлак

фрепон – ички кўйлак

секрет – ички юбка (яширин) деб аталарди.

капор – тафтадан бош кийим.

аграф – махсус тўғноғич.

кап – пелеринанинг бир тури.

палантин - мўйна ёки матодан қилинган ёпинчик.

кюлот – тор иштон.

веста – нақшли матодан қилинган камзол.

муфта – қишта қўлларини иссиқ тутиш учун мўлжаланган аксессуар.

Назорат учун саволлар ва топшириқлар :

1. XVII аср санъатида қандай бадийий услуб кириб келган?
2. XVII асрнинг биринчи ярмида эркаклар либоси қандай эди? XVII аср эркак либосига таъриф беринг.

3. Либосларда ишлатиладиган матолар хақида гапириб беринг.
4. XVII асрнинг биринчи ярмида аёллар либоси қандай эди? XVII асрнинг биринчи ярмида Францияда аёлларнинг гўзаллик тимсоли хақида гапириб беринг.
5. XVII аср санъатида қандай янги бадиий услуб пайдо бўлади? "Барокко" услубининг энг характерли чизиклар хақида айтиб ўтинг.
6. XVII асрнинг биринчи ярми эркаклар костюмининг қандай элементлари бўлган? XVII асрнинг биринчи ярмида Францияда эркаклар либоси тўғрисида гапириб беринг.
7. Либосда безак турлари хақида гапириб беринг.
8. "Барокко" сузи қандай таржима қилинади? "Барокко" услубининг энг характерли чизиклар хақида айтиб ўтинг.
9. XVII асрнинг иккинчи ярмида Францияда эркаклар либоси тўғрисида гапириб беринг.
10. XVII аср ўрталарида аёллар костюми қандай элементлардан ташкил топган? XVII асрнинг иккинчи ярмида Францияда аёллар либоси хақида гапириб беринг.
11. Фонтанж нима дегани? XVII асрда янада урф бўлган аёллар соч турмакларини айтиб беринг.
12. XVII асрда тўр урф бўлганми? Аёллар костюмини тўлдирувчи қўшимча аксессуар трость қачон пайдо бўлган?
13. Европанинг бошқа мамлакатларида либоснинг шаклланишида француз модасининг таъсири тўғрисида гапириб беринг.
14. XVII асрдаги эркаклар соч турмаклари ва бош кийимларини айтиб беринг.

XVII АСР ГОЛЛАНДИЯ КОСТЮМИ

XVII асрда Голландия қудратли буржуазия давлатига айланади. Бу мустамлакачи ва савдо билан шуғулланадиган мамлакат испан ва француз модасини инкор этади. Тўқ ва ўзига ишонган буржуа (регентлар) қулай консерватив тўқ тусли кийимни афзал билганлар.

Ўзида кечки готика элементларини мужассам этган костюмнинг бичими содда, қулай бўлиб, аксар тўқ рангли мовутдан тикилган. Бундай кийимни оқ батист ёқалар ва манжеталар (қадама енг) очиб турган. “Тегирмон тоши” ёқалар – айнан ана шулар испан костюмидан голланд костюмига ўтган ягона элемент эди, холос. Сўнг бу ёқалар катта қайтарма ёқага айланади. Машҳур голланд рассоми Ф. Хальс мўйқаламида яратилган эркаклар портретларида тасвирланган кийимда айнан ана шундай ёқаларни кўриш мумкин. Костюмни кенг соябонли шляпа ва плаш тўлдириб турган. Сочлар елкагача тушган, жингалак қилинган.

Бой йигитлар модабоп кийим кийганлар. Эркаклар костюмининг голланд вариантыда *рейнграв иштонлари* французлариникидан калтароқ бичилган; *брасьер курткаси* кўриниши содда, ранги қўйлак туси билан бир хил бўлган.

Бой қизлар, шунингдек, эрли аёллар тафта матосидан қўйлак кийганлар, унга бошқа рангдан қилинган кенг тасма қўйилиб безатилган. Бундай безак хотин-қизлар костюмида модабоп деталь ҳисобланган.

Аёлларнинг энг ёқтирган соч турмаги чаккада “баранка” билан уйғун равишда ёноқ бўйлаб тушиб турган қўнғироқ соч толалари, яъни зулф бўлган.

Голланд костюмига хос жиҳат – қатъий сиполик, протестант черкови талаб этган аскетизм (зоҳидлик), пуританлик (сиполик) эди. Тўқ рангли кийим билан бирга оппоқ чепчик, ёқалар ва манжеталар кийимни тўлдириб, ҳалол, меҳнатсевар, тежамкор, камтарин, озода инсон образини яратар эди. XVII асрнинг иккинчи ярмида костюмда йирик буржазиянинг ҳашамат ва намоёйишкорона улуғворликка қизиқиши акс этади. Тўқимачилик маҳсулотларининг турлари ўзгаради, тафта, атлас, майин жун ва бошқа қимматбаҳо ва сифатли газламалар дунёга келади.

Назорат учун саволлар ва топшириқлар

1. Буржуа Голландиясида қандай кийим кийишни маъқул кўрганлар?
2. Голланд буржуаси қандай тўқимачилик матоларини афзал кўрган?
3. Голландлар костюмида қандай ранглардан фойдаланилган?

4. Эркакларнинг оммабоп бош кийимлари турларини сананг.

XVII АСР ИСПАНИЯ КОСТЮМИ

хуббон – коллетга ўхшаш, елка кийим.

кальсес – бел кийими иштон.

барет – бош кийим.

сомбреро – соябонли шляпа.

ток – тепаси баланд шляпа.



XVIII АСР ҒАРБИЙ ЕВРОПА КОСТЮМИ

XVIII АСР БИРИНЧИ ЯРМИ ФРАНЦИЯ КОСТЮМИ

XVIII аср – Ғарбий Европада маданият ва санъатнинг янада гуркираб яшнаши даври бўлди. Европа мамлакатлари аввалги асрлардагидан ҳам кўра яқиндан қилинган ўзаро алоқалар орқали биргаликда архитектура, санъат ва костюмда ягона услуб яратишга муваффақ бўлдилар. Мазкур услуб дастлаб Францияда дунёга келди, чунки бу давлат ҳамон илгаригидай Европадаги авжи гуллаб-яшнаётган мамлакатлардан бири саналар эди.

Европадаги бари мамлакатлар учун намуна ҳисобланган француз санъати декоратив рококо (*rocaille* ибораси француз тилида чиғаноқ маъносини англатади) услубини яратди, ушбу услуб бароккоддан келиб чикиб, бора-бора муайян шакл касб этди. Бу услуб рококо номини олди. Ҳақиқатан янги услуб декорида кўпинча чиғаноқ шаклидаги картинани хошиялаб, ўраб турган оҳанжомали жимжималар, елпиғичсимон чиғаноқ ёки кўриниши шунга ўхшаш декоратив композиция элементлари учраб туради.

Рококо услуби нафосат, назокат, ҳаёлийлик, завқ, лаззат туйғуларини ифода этувчи сифатида расм бўлди. Янги услубнинг импровизация қилиниши натижасида инжалик, енгиллик, ўйноқилик, тантиқлик жиҳатлари ўтмишда қолган дабдаба, салобат, оғир-вазминлик ва тантанаворлик ўрнини эгаллади.

Асилзодаларнинг тилла ҳамда анфилада залларининг декорида ҳаддан ортиқ зарга кўмилган қароргоҳлари киши кўнглига яқин ёруғ, унча баланд бўлмаган, “интим”, яширин салонлар билан алмашади. Энди қирол саройида эмас, салонларда дид, идеал, тафаккур шаклланади.

Адабиёт, рангтасвир санъати, театрда пасторал (чўпонлар ҳаёти тасвирланган сюжетлар), одоб-назокат сахналари расм бўлади. Ҳаттоки тўқимачиликда ҳам худди ўтлоқдаги майда дала гуллари матода, истироҳат боғи, саватдаги, қишлоқ манзаралари билан уйғунлашган тасвир декорда ҳам ўз аксини топади.

Англия – иқтисоди самарадор, давлат тузуми илғор мамлакатда ҳам маданиятнинг қудратли маркази ташкил этилади. Ўша даврда костюм ва мода борасида эса Франция асосий рақобатчилардан бўлиб қолаверади.

Бу давр ҳаёти А. Ватто, Ф. Буше, О. Фрагонар яратган картиналар ва инглиз тасавврий санъат мактабининг асосчилари У. Хогарт, Ж. Рейнольдс ва Т. Гейнсбороларнинг асарларида ўзининг тўлақонли ифодасини топди.

Рококо услубига мансуб француз костюми

Гўзаллик идеали. Барокко услубига мансуб костюмига хос салобат, дабдаба, ҳаддан ортиқ безак ўз ўрнини рококонинг нафислик, назокат, енгиллик, нозиклик жиҳатларига бўшатиб берди. Эркаklar ва аёллар кийёфаларидаги ташқи аломатлар бир-бирларига яқинлашди: қўғирчоқ юз, кадам ташлашлари, ҳаракатлари, гавда ҳолати ва шунга муносиб кийиминишлар фикримизга далил бўла олади. Упа-элик, косметика, пардоз-андоз воситалари ва париклар, тўрлар ва кашта, инфантиллик, реал воқеликдан узоқлашиш – буларнинг бари бу давр аёллари учун ҳам, эркаklар учун ҳам хосдир.

Унча катта бўлмаган боши, тор суйри елкалари, ингичка бели, кенг бўксаси (худди мадам Помпадур каби), кичкина чиройли қўллари, нозик тўпиқлари (Ф. Буше расмларида тасвирланган чўпон қизларникидай), оппоқ қўғирчоқ юзли, ёноқлари қип-қизил (А. Ватто ўз картиналарида тасвирлаган, ишва қилиб турган таннозларига ўхшаш) бўлган хоним соҳибжамол ҳисобланган. Ингичка бел остидаги бўксанинг гротеск (ҳаддан ортиқ бўрттирилган) йўналиши – айнаи авж олган рококо давридаги аёллар қадди қоматининг модабоп силуэти ана шундай эди. Кечки рококо даври аёллар гўзаллигининг бошқа намунасини тақозо этди. Аввало бу соҳа турмаklарининг ўзгарувчан ҳажми, шакли ва ўлчамларида ўз аксини топди. Кечки рококо париклари ва куафюраларининг (соҳа қўйиш тарзи, соҳа тарами) афсонавий ҳажми ва кўриниши Парижга келган бошқа европаликларни ҳайратда қолдиради эди. Кенг, қобирғали юбка кийган, бошида каттакон постижер (парик ясовчи одам) ва сартарошлик иншоотини кўтарган ва пошналар туфли кийиб олган

хоним чиндан ҳам кўғирчоқнинг ўзгинаси эди. Оқ упа чапланиб, оқартирилган юз ва кизартирилган ёноқлар ўйинчоқ чиннини эслатар эди. Бу ҳол ноз-карашма ва ишва қилишга йўл очиб берарди, чунки бундай макияж қилиб олган хонимларни ҳаттоки ўз эрлари ҳам таниёлмаган қоларди.


Аёллар ташқи қиёфасидаги эркаклар зиммасида хушмуомалалик ҳамда хонимларнинг ҳар қандай нозлари, инжиқликларини кўтариш, уларнинг талабларини бажариш қолган эди. Зодагонлар табақаси вакиллари қиёфасида ёшга хос белгилар деярли кўзга ташланмас ва кўзга кўринарли жинсий тафовутлар ҳам бирмунча эсдан чиққан эди. Ҳамма юзларини оқартирар, соч турмақларига упа сепар ва пошнали туфли кияр эди. Эркаклар юпка ичкийим кийган, камдан-кам ҳолларда шпага (қиличсимон найза) билан юрганлар, улар бармоқларига қўш узуклар таққан, чўнтаклари майда-уйда нарсаларга тўла бўларди.


Расмий, салон кийимлари бир хилда салобатли бўлган. Ҳатто кийимга тугма ўрнида қимматбаҳо тош тақилган. Ҳар хил тантаналар либослари ҳатто қимматбаҳо бўлса-да, бир мартагина кийилган.


Кийим турлари ва шакллари. Тўқимачилик. Юз йил давомида эркаклар кийимлари аста-секин ўзгариб борди. Дастлаб бу кийимлар *жюстокор*, *веста*, *кюлота* иштони ва *сорочкадан* (кўйлак) иборат ансамбл бўлган. Сўнгра *фрак* ва торроқ *кюта* билан бирга кийилган *жилет* пайдо бўлади, устки кийим вазифасини олди очик *редингот* бажаради.

Хотин-қизлар костюми эркакларникига нисбатан таркиби, силуэти ва пропорцияларига кўра янада муҳим ўзгаришларни бошидан кечирди. Асрнинг биринчи ярмида кўйлак икки силуэт: тор лиф ва қобирғада (панье) жуда кенг юбка ва кунтуш ёки контуш, яъни Ватто, қат-қат тахли кўйлақдан ташкил топган эди.

Эркин шаклдаги *контуш* юбка қобирғасида “тўкилиб” турган. Бундай кийимда қоматни фақат унинг ташқи кўринишидангина илғаш мумкин эди, холос. Нақл қилишларича, контушни Людовик XV нинг маъшуқаси ҳомиладорлигини яшириш учун ўйлаб топган экан.







XVIII асрнинг хотин-қизлар кўйлаги кичкина тор лиф ва қобирғадаги ўта кенг юбка туфайли гротекс (бўрттирилган) кўриниш касб этади.

Деярли бутун аср мобайнида кўйлак бўйи то тўпикчага тушиб турган, бу ҳол пошнади туфли кийган оёқни кўрсатишга имкон берган.

Тўқимачилик турлари кенгаяди. Бахмал, шоҳи, зарбоф, атлас, харир ипак ва жун матолар, мовутлар билан бир қаторда турли ип-газлама матолар каби тўқимачиликнинг экзотик турлари ҳам пайдо бўлади. Масалан, бутли ўргимчак (орқасида бут шаклидаги белгиси бўлган захарли ўргимчак) инидан тўқилган шоҳи. Аср бошида ундан кўлқоп ва пайпоқлар тўқилган ва бу халқ эътиборини қозонган. Пахта билан кўшилган биссус денгиз шоҳиси (*Биссус* βύσσος - қадимги юнончада “*виссон*” – харир мато маъносини англатади; ўзидан майин туклар ажаратиб чиқарувчи моллюска ипларидан олинган) ҳам кўлқоп учун ишлатилган.

Ажойиб атлас ва жилосиз тўр ҳам бир-бирини жуда самарали тўлдириб турган. Муслин (юпка газлама тури) ва батистдан хотин-қизларнинг ёзги кўйлаклари тикилган. Кийим учун пастель (оч) ранглар: оч мовий, пушти, оч яшил, сарик, настарин ранглар модада эди.





Шуниси диққатга сазоворки, эркаклар костюми учун шоҳи ва ярим шоҳи матолар модалигича қолган эди, аёллар кийимида тафта ва атлас расм эди. Зар ва кумуш иплар кўшиб тўқилган, рангдор шоҳидан яққол кўзга ташланадиган қилиб кашта тикилган брокатель шоҳиси; кўпинча гулдаста кўринишида гул босилган, гул солинган сават, майда, эгри-бугри тасмалар ва тўрлар кўшиб тўқилган расмли ип-газлама айниқса урф эди. Табиат, қишлоқ мавзуи тўқимачилик декорини бойитади. Интерьерда гобелен (деворга осиб кўйиладиган суратли гилам) урфлигича қолади.

Аёл танасига жуда ёпишиб турадиган рококо услубига мансуб костюмда ичкўйлакка катта аҳамият берилган. Аёллар ва эркаклар пайпоқ ҳамда қимматбаҳо кашта тикилган (ипак, зар, кумуш) ва ундан кам бўлмаган қимматли тўрлар билан безатилган шоҳи ичкўйлак кийганлар. Ичкўйлак

шунчалик чиройли, серхашам тикилганки, уни кийган одам бошқалар олдида намойиш қилгиси келган. Қиролнинг эрталабки ювиниш-тараниш, кийиниш-ясаниш одати пайти сарой аҳли ҳам ҳозир бўладиган тонгги “левье” маросими шундан келиб чиққан бўлса ажаб эмас. Бу ҳолат нафақат киборлар доираларидагина эмас, балки буржуазия даврасида ҳам кенг тарқалади. Олий насаб хонимнинг эрталабки пардоз-андоз қилиб, ўзига зеб бериш одати пайти ҳозир бўлган кавалерлар (бу ўринда: хонимга илтифот кўрсатувчи йигитлар) аёлнинг енгил уй кийимидаги жозибасига махлиё бўлишган.

Эркаклар кийими. XVIII асрнинг биринчи ярмида эркаклар ҳамон илгаригидай *жюстокор*, *веста*, *сорочка* (кўйлак) ва *кюлот* кийганлар. Бирок энди бу кийимлар ўзгарган эди. Энди жюстокорнинг елкалари қия тушган, енглари тор ва полотно ёки пастки қисми улама, жун астарли прокладка (кистирма) кийиқлардан иборат кийиқлар туширилган. Қаттий прокладка 5–6 та бўртма фалдаларнинг (аёллар кийимининг найсимон бурмаси) ҳосил бўлишига олиб келади, натижада жюстокор белдан паст қисми хурпайган юбкага ўхшаб кетади. Бел шунда яққол намоён бўлган. Бундай жюстокор *аби* деб аталган. Унинг орқасида пастга тушган қалбаки илгаги бўлган йирмочи, яъни кийиқ жойи бўлган. Аби остидан одатдагидай енгли *веста* кийилган. Эндиги жюстокорнинг белбоғ шарфи бўлмаган, шпага (қиличсимон найза) қадаб қўйиладиган қайиш, қиличбоғи ҳам ингичка бўлган. Дворянлар пойабзали ҳамон қизил пошнаи эди.

Илгаригидай кашта ва тўр безак сифатида ишлатиларди. Аби ва вестанинг олд, ёни бўлак қилинган рафлари, қирқма кесик чўнтак қопқоқлари кумуш, зар ва ипак иплар билан кашта ва бошқа декоратив элементлар билан безатилган.



XVIII АСР ИККИНЧИ ЯРМИ ФРАНЦИЯ КОСТЮМИ

XVIII асрнинг иккинчи ярмига келиб, Францияда рококо услуби бутунлай шаклланиб бўлади. Дидлар ўзгаради, оддийлик ва башангликка интилиш пайдо бўлади. Лекин ҳамон сарой аъёнлари кийимида илгаригидай зар ва кумуш иплар билан тикилган кашта кенг қўлланилмоқда эди. Аби остидан бирмунча вақт узун *веста* (камзул) кийилган, сўнгра унинг ўрнига енгсиз, орқаси бошқа матодан (газламанинг қалинроқ бир тури бўлган полотно, шохи) қилинган жилет кийила бошланган; жилет жюстокордан анча-мунча калта бўлган. Галстук (бўйинбоғ) ўрнига тафтадан қилинган қора тасма такилган. Башанг аби ва жилетлар сидирға шохи, атласдан тайёрланган ва зар ёки кумуш иплар қўшиб тикилган кашта билан безалган. Пойабзал паст пошналар ва тўқали бўлган. Гульфика ўрнидаги кюлота худди матрослар шимларидаги сингари олд томони қайтарма қилинган.

70-йиллар Англияга бошқа мода кириб келади. Жилет устидан кийиладиган *фрак* ва плашни бутунлай сиқиб чиқарган устки кийим *редингот* урф бўлади. Бу давр кийимда рўй берган ўзгаришлар тасодикий эмасди. XVIII аср қирол саройи эндиликда аввалги даврлардаги сингари дид ва модани белгилаб берувчи марказ вазифасини ўтамай қўйганди. Киборлар ҳаёти салонларда кечар, шу туфайли модани қирол ва сарой эмас, балки ҳар соҳанинг машҳур кишилари билан мулоқотда бўладиган асилзодалар белгилар эдилар. Энг илғор маърифатчилардан бири бўлган Вольтер бундай салонларнинг доимий мижозларидан эди. Унинг “Инглиз мактублари” фалсафий қарашлари илғор бўлиб, фалсафа ва иқтисодий назариялари жиҳатидан тараққий этган мамлакат Англияда катта қизиқиш уйғотди.

Инглизларнинг пишиқ ва қулай кийими ҳашам-дабдаба ва ялтир-юлтирдан чарчаган французларнинг дарҳол эътиборини тортади. Ҳамон саройда жюстокор ва камзул кийишар, худди улар эркаклар модасидан орқада қолгандай эдилар. Бу ҳол саройнинг ўз мавқеини йўқотганлиги ҳамда мода ва эстетик идеаллар шаклланишида ортиқ намуна бўлмай қолганлигидан далолат берарди.


Шундай қилиб, жюстокор ва камзул ўрнига фрак билан жилет кириб келади. Аслини олганда, фрак бошқа нарса эмас, балки жюстокордан қайта туғилган кийимдир, фақат унинг ёнлари кесилган, ёнлари узайтирилган ва мўъжаз ёқа қўшилган эди, холос. Фрак жюстокорга нисбатан қулай ва пишиқ кийим эди. Фрак остидан аввалги жилетга (камзул) анча ўзгартиришлар киритилиши натижасида пайдо бўлган жилет кийилган. Бу жилет калта, қулай ва функционал бўлиб чиқди. Унинг орқаси илгариги аби остидан кийилган жилет сингари полотнодан қилинган.


Бироқ Францияда жюстокор сингари бирмунча вақт фракка ҳам безак берилган. Жабо ва кўйлакка тақилган оппоқ тўрли галстуклар ансамблни тўлдирган. Фракнинг чўнтаклари бўлмаган, чунки унга шпага (қиличсимон найза) тақилиши мўлжалланган. Унинг унча катта бўлмаган ёқаси ва тор ёнлари бўлган. Французларнинг фраки этаклари олд томонида бир-бирига тегиб турадиган инглизларникидан фарқли ўлароқ, икки ёнида кесиклари бўлган. Аби тантанали маросимларда кийиладиган сарой кийими сифатида қолаверади. Французларнинг фраки башанг ва тантанавор бўлиб, серкашта қилиб тикилган оппоқ жилетга жуда мос тушган. Аммо одатда эркаклар костюмининг бари элементлари (фрак, жилет ва кюлота) бир хил рангда бўлган.


Кейинроқ фракнинг ранги сезиларли даражада сипороқ бўлиб боради. Худди шундай рангига кўра сипо жилет ва иштонлар ансамблни поёнига етказган.

Ёнларида ўйиқли чўнтаклари, ёқаси, орқасида қийиқ жойи бор, олдида бир бортли илгак қилинган тўғри бичимдаги *сюртук* устки кийим бўлиб хизмат қилган. Одатда сюртук мовутдан тикилган. Бу кийим овчилар костюмидан кириб келган эди.

Ёқали *редингот* асосий иссиқ қишқи кийим ҳисобланган.







14

Аёллар кийими. XVIII асрда хотин-қизлар кийимида яна кобирға (панье) қилина бошлайди. Кўйлақларнинг кенг юбкалари панъега қўйиб кийилган. Бу гумбазсимон металл, кит мўйидан (китларнинг оғзидаги мугуз пластинка) ва

¹⁴ Norah Waugh. The Cut of Women's Clothes 1600-1930


новдадан ясалган чамбаракка кийдирилган полотно астар бўлиб, корсетга тақиб кўйилган. Панье французча – сават маъносини англатади.


Бундай қобирға ва тор корсетга кийдирилган кўйлак каре кўринишида чуқур декольтеси (аёллар кўйлагининг чуқур ўйилган ёқаси), бурмали тор лифи ҳамда модест ва фрипондан иборат жуда кенг юбкаси бўлган. Фрипон этаклари ипак, зар, кумуш билан серкашта қилиб безалган. Юбкаларнинг ранглари ҳар хил, аммо ёрқин тусда эмас, балки нафис оч рангларда бўлган.

Кўпинча кўйлаklar лифи биргина атлас тасма ёки “зина” – юкоридан пастга томон ўлчамлари камайиб борган тасмалар каскади (шаршарасимон) билан безатилган. Тор, тирсаккача келадиган енглар учи кўштўрлар безак берилган. Яна бурмалар ва тўрлар билан безалган, узунлиги тирсаккача келадиган енгнинг бошқа бир тури ҳам урф бўлган.

Иссиқ қишки кийим вазифасини мўйнали *накидка* (ёпқич) ўтаган. Бундай ёпқичнинг капюшони, ёқа-пелеринаси (елкага ташлаб юриладиган ёпқич) ва олд томонида илмаси бўлган. Ёпқич билан бирга мўйнали *муфта* (аёлларнинг қишда икки ёндан икки қўлни тикиб юриладиган енгчаси) ҳам кийилган.

Бу асрнинг биринчи ярмида *контуш* – кенг, кесилмаган, орқаси йирик тахлардан иборат драпировкали кўйлак модага кириб келади. Бу тахлар шлейф (хотин-қизлар кўйлагининг узайтириб тикилган орқа этаги) таассуротини уйғотган. Контушнинг тор, тирсаккача келадиган енглари ва чуқур декольтеси бўлган. Контуш олди очик ҳам, уламали ҳам қилинган. Аксарият бу кўйлак гулдор шоҳидан тикилган. Майин, ёруғда жилоланадиган бундай шоҳи аёлни назокатли кўрсатадиган, башанг кўйлак шаклидаги контуш жуда чиройли кўринган. Контуш тикиш учун йирик гул расми, гулдаста ва ҳ.к. кўринишидаги гулдор мато танланган. Шунингдек, контушни ипакка кумуш, зар қўшиб тўқилган брокатель шоҳисидан ҳам тикилган.





Хонимлар яна бир қават юбкали ва тирсаккача узунликдаги енгли, каппайган кўйлак кийганлар. Лиф кўпинча сунъий гуллардан ясалган гулдаста билан безалган.

XVIII асрнинг иккинчи ярмида юбка қобирғаси ўзгаради: у бўксадан деярли горизонтал (кўндаланг) олинади. Юбкалар шундай каппайганлигидан орасига бемалол кўлларни тикиб юриш мумкин эди. Бундай юбкани кийган аёл эшикдан фақат ёнбоши билан ўтиши мумкин эди, холос. Хонимга илтифот кўрсатадиган кавалер албатта ундан бир оз орқарокда юрарди, чунки юбканинг ҳажми икки одамнинг бирга юришига имкон бермасди. Бундай кўйлакда лиф олдиндан узун бурма билан тугалланарди. Юбканинг ҳаддан ташқари кенглиги фонида гавда ингичка ва нозик кўринган.

80-йилларда *полонез* кўйлаги дунёга келади. Кўйлак юбка ва лифдан ташкил топган ва устидан барлари очик кўйлак кийилган. Бу кўйлакда модест юбкаси ярим доира кўринишида ҳам олдидан, ҳам орқасида драпировка қилинган. Умуман, рельеф декорининг мўллиги, яъни бўртма нақшининг сербезаклиги бу давр аёллар кўйлагига алоҳида жозиба, дабдаба бағишларди.

Агарда полонез кўйлаги драпировка қилинмаган бўлса, у ҳолда унинг олдлари очик юқори қисми бир оз эркаклар фракени ёдга солган. Полонезнинг соддалашган варианты уй кийими сифатида хизмат қилган.

Чўрилар ва авом аёллар кийими ўзида халқ ва асилзолар кийимлари элементларини бирлаштирган бўлса-да, лекин кўриниш ва силуэтига кўра сипороқ бўлган.

Аср охирида француз костюмига инглиз модаси ўз таъсирини ўтказади. Ёнбошдан юбкалар ҳажми кияраяди. Профил силуэти бирмунча кўзга ташланадиган кўйлаklar пайдо бўлади. Бундай кўйлаklarнинг юбкалари орқасида панье бўларди. Орқасида драпировка қилинган кўйлакнинг мўъжаз турнюрни (французча *tournure* – қоматни ростлашга кўмак берувчи мослама, пахта ёстикча) бўлган, бу қавима ёстикчани аёллар орқаларига кўйиб юрган. Шунингдек, *карако* кўйлагини жакетга ўхшаш кофта билан ҳам, *редингот* билан ҳам бирга кийилган.

XVIII аср хотин-қизлар костюмига карако ва *казакин* – юбка устидан кийиладиган кофталар ва интим, уй шароитида кийиш учун мўлжалланган кийимда лифнинг пайдо бўлиши хосдир. Чунки уйда ноқулай ва бесўнақай панъега қўйилган тор қўйлақлар кийилмаган. Шу туфайли казакин, карако ва полонезнинг бир неча тури енгил уй кийими вазифасини ўтаган.



- Расм. Сайр учун либос.



Бирмунча вақт фартукларга эътибор қаратилади. Фартукни фақатгина қизлар эмас, балоғат ёшидаги аёллар ҳам таққанлар. Бу мода, афтидан, салонларда пайдо бўлган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Бу даврга келиб, асилдозалар мўъжаз, импровизация қилинган салонлар қаҳвахонасида бир-бирлари билан мулоқотда бўлишар, бу ерда уларга қизил кўйлак кийган, фартук таққан аёлхонимлар “хизмат қилардилар”. Сайил чоғи расман бу хонимлар панъесиз кўйлак кийиб, фартук тақиб олардилар. Елкага ташланган дурра, айникса, шаҳарда бу костюмни бойитиб турган.

Кийим нафақат инглиз модаси таъсиридагина эмас, балки ҳамма нарсада соддалик ва табиийликка интилишга даъват этган Жан Жак Руссонинг (Ж.Ж.Руссо – француз файласуфи, мутафаккири, ёзувчиси) фикрлари таъсири остида ҳам соддалашади. Кийимнинг соддалашуви сайилгоҳларда хонимларнинг енгил уй кийимини эслатувчи оддий матодан кўйлак кийиб олганида ҳам кўринади.

Пойабзал. Бу давр эркаклар поябзали учун аста-секин пошналар, айникса, қизил ранглиси, шунингдек, тўғнағич, бант ва бошқа безакларнинг йўқолиб бориши билан ажралиб турди. Эндиги эркаклар поябзали тўқали ва паст пошналар қилинган. Шунингдек, асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлган паст пошналар этиклар фрак, сюртук ва рединготга яхши мос келган.

Хотин-қизлар поябзали пошналар ва ранг-баранг эди. Тантаналарда кийиладиган ҳашамдор туфли каштали ва бошқа қимматбаҳо тошлар қадалган шоҳидан тикилган. Аср охирига бориб пошна анча баланд қилинадиган бўлади, шу сабабли аёллар костюмида мувозанатни ушлаб туриш ҳасса каби атрибут (хусусият) пайдо бўлди. Бу даврда калиш ҳам кийилади.

Бош кийимлари, соч турмаклари, зеб-зийнат, косметика, пардоз-андоз воситалари. Бу давр эркаклар бош кийимлари *треуголкалар*(учбурчак шаклидаги бош кийими), Швейцария ва голланд *шляпалари*, шунингдек, инглизларнинг “*жokeй*” номли *шапкачалари*дан иборат эди.

Эркакларнинг соч қўйиш тарзи аёлларникидан сипороқ эди ва Фридрих Вильгельм I ўз армиясида жорий этган соч турмаклари таъсири остида

шаклланади. Француз модасига мослаштирилган немисча соч турмаги ҳажман унча катта эмасди, у парикда ва кишининг ўз сочида ҳам қилинарди. Бу “ке”, “*а-ля бурс*” (хамён), “*а-ля будера*” (“каламуш думи”) ва бошқалар эди. Бари эркалар соч турмакларининг ҳажмнинг катта эмаслиги, ёноқлар бўйлаб зулф туширилиши, орқада соч тасма бойлаб, кичкина дум қилиб тугилиши; ўрим қилиб ўрилиши ёки ғилофчага солиб қўйилиши (“*а-ля бурс*”) хос эди. Эркалар худди аёллар сингари сочларига упу сепган. Бир вақтлар шу мақсадда ун ўрнида “Шнорр тупроғи”дан – немис савдогари Шнорр тайёрлаб сотган кукунга айлантирилган оқ каолин лойи ишлатилган.

Рококо – Францияда сартарошлик санъатининг авжи гуллаб-яшнаган даври ҳисобланади. XVIII асрнинг 20-йилларида хотин-қизлар модасига кўкракча тушиб турган, иккита илонга ўхшаш жингасочли “кичкина упу сепилган” деган аёллар соч турмаги кириб келади.

Сал кейинроқ тухумсимон пахмайтирилган ва юқорига кўтаририлган оч турмаги пайдо бўлади. Секин-аста соч турмаклари патлар, тасмалар, шифон, қимматбаҳо тақинчоқлар, табиий ва сунъий гуллардан тузилган гулдасталар билан безала бошланади.

Бу асрнинг иккинчи ярмида аёллар соч турмаклари қобирғада қилинади ва шундай баланд ва катта эканлигидан бундай турмакка аёлнинг ўз сочлари етмайди, шунинг учун аксарият шиньонлар (турмак шаклидаги улама соч) ва бошқа постижер (парик ясовчи) маҳсулотларидан фойдаланилади.

Баланд “*а-ля фрегат*”, “*а-ля сиркасьон*” “*а-ля флора*” ва бошқа соч турмаклари бутафория (ясама нарсалар), гуллар, мевалар, тасмалар, марварид, патлар билан ўта сербезак қилиб безалган. Соч қобирғасидаги бўшлиқ батист салфеткалар билан тўлдирилади. Ҳатто куафер (сартарош) қобирға ичига бутун дастурхонни солиб қўяди. Бундай соч турмаклари “*куафюралар*” деб аталган. Бундай турмакларни кўтариб юриш ва тутиш жуда мушкул эди. Аксарият аёллар бундай турмаклар билан креслода ўтирганларича ухлаганлар ёки ёстик таглигига бош қўйганлар. Аёллар Париждан Версалгача каретада боргунча кўпгина нокулайликларни сабот билан енгиларига тўғри келган. Карета

силкиниб юрганида соч турмагига маҳкамланган, яъни махсус идишга солиб, кадаб кўйилган табиий гуллар кулаб тушиши мумкин эди. Каретада эгилиб-букилиб кетишнинг ҳам имкони йўқ эди, шунинг учун турмак хажмини вақтинча кичрайтириб туриш механизми кашф қилинади. Табиий шоҳи ва тафтадан тикилган кўйлак Версалга боргунга қадар асло ғижимланмаслиги даркор эди. Ҳар бир шундай сафар анча муаммоларни келтириб чиқарарди, аммо барибир катта соч турмаклари ва қобирғадаги юбкалар модада қолаверди.

Инглизлар модаси таъсирида соч турмаклари аста-секин кичрайиб боради ва энига хажми катталашиб, пахмаяди. Англиядан *“а-ля нувель англетер”* шляпаси ва бошқа шляпалар кириб келади. Соч турмаклари тўрли чепецлар, катта тоқлар (аёллар кулоҳга ўхшаш бош кийими) кийдирилади, наколка (аёллар сочларига такадиган мато ёки тўр безак) тақилади.

Костюм ва соч турмагида рококо усулubi қимматбаҳо тақинчоқлар дабдабаси ва уларнинг кўп тақилишида намоён бўлди. Асилзодалар костюми тилла, кумуш, қимматбаҳо тошлар, марваридлардан ялт-юлт қиларди. Тилла шпилькалар (сочтўғнағичлар) қимматбаҳо тошлар қадалган бантлар ва тўғнағичлар, осилчоқлар – буларнинг бари мўл тақилиб, кийим ва турмакни безаб турарди. Қўлқоплар, сумкачалар, елпиғичлар ва пойабзалга қимматбаҳо тошлар қадалиб кашта билан безалган.

Йигитлар бармоқларига узуклар, қўлларига соат тақардилар, костюмни тилла ва кумуш тугмалар, тўқа ва тўғнағичлар безаб турарди.

Хонимлар костюмларида қимматбаҳо тошлар жилоланар, шоҳи, атласга зар, кумуш ипдлар билан тикилган кашталар чиройи кўзни олар, гулдасталар ёрқинлигидан, тўрлар оппоқлигидан кўз қамашарди.

Ёғупа ва упа-элик аёл ёшини яшириб турган. Пушти-қизил ёғупа ва “мушкалар” (ясама хол) юзнинг оқлигини янада бўрттириб турган. Лаблар лаббўёқ (лолаб) билан қип-қизил қилиб бўяларди. Турли хушбўй атирлар ҳам сепилган. Лекин шуниси ҳам борки, ўша даврда гигиена, яъни озода-орасталикка кам эътибор берилган. Аёллар соч турмакларида бит, бургалар ин курган, ҳатто сичқонлар ҳам юрган. Юзга қалин қилиб суртилган ёғупаларнинг

хаддан ортиқлиги терида йиринг боғлашига сабаб бўлган. Ана шунда рококонинг афсонавий гўзаллигининг салбий жиҳати намоён бўлган.

Костюмнинг архитектура –меъморчиликка дахлдорлиги. Бу алоқа тортилган чизиклар нафислигида, бинолар ва костюм декори гулларининг нозиклиги, нафосати, енгиллиги ва силлиқлигида кузатилади. Чинни қандиллар, гулдонлар, ҳайкалчалар, кўзгулар, ингичка оёқли нафис мебель, деворлардаги жимжимадор ганчкор нақшлар нур ва соя ўйини, нозик пастель тусининг оқ, тилла ва кумуш нақшлар билан уйғунлиги – буларнинг бари рельеф беағи ва нафис оч рангдаги шоҳи аёллар ва эркаклар костюмидаги зар ва кумуш кашталар билан бир-бирига уйқошиб кетади.

Атама сўзлар изоҳи

веста –камзол

аби –кафтан

кюлот - тор панталон

гетр – рангли пайпоқ

фрепон –ички кўйлак

модест –устки кўйлак

контуш – устки кийим. Елкасидан кенгайган тропетсиясимон силуэтли, бели

қирқилмаган ва белгиланмаган, орқаси чуқур тахламли

вестон – вестанинг кенгайгани, енгсиз ва калтароқ елка кийим

редингот – эркаклар устки кийими, плашч ўрнини эгаллади

цилиндр – эркаклар шляпаси.

фижма – аёллар учун махсус каркас.

полонез – аёллар устки кийими, драппирофкасиз.

турнюр – юбкаларнинг драпирофкаланган бир тури.

санкюлот – узун панталон.

карманьола – калта куртка.

фригия – қалпоғ, қизил эркинликка курашиш тимсоли.

А ля титус – янги соч турмаги.

инкруябль – ёш олифталар ўзини шундай номлаган.

ит қулоғи – сочининг олдинга тушиб туриши.

мервеезлар – (хайратли ажойиб) инкруаяблга мос аёлларнинг номи.

спенсер – аёллар калта курткачаси.

Назорат учун саволлар ва топшириқлар

1. XVIII аср Европа санъати ва маданиятига таъриф беринг.
2. XVIII аср санъатида қандай услуб кириб келган? “Рококо” термини нима маънони билдиради?
3. XVIII аср тўқимачилик ривожланишига таъсир этган омиллар. XVIII аср матоларининг турлари ҳақида гапириб беринг.
4. XVIII аср охирида инглиз модаси, классицизм услубининг Француз костюмига таъсири ҳақида сўзлаб беринг.
5. Рококо услубига мансуб эркаклар костюмига таъриф беринг.
6. XVIII асрнинг бошида ярмида аёллар либоси қандай эди? “Ватто” тахламали кўйлак нима деб аталган, у қандай кўринишда бўлган?
7. Рококо услубига мансуб эркаклар костюмини таърифланг.
8. Полонез нимани англатади? XVIII асрнинг охири аёллар либоси ҳақида сўзлаб беринг.
9. XVIII аср иккинчи ярмида француз аёлларнинг соч турмаклари қандай эди?
10. Эркаклар Францияда XVIII асрнинг иккинчи ярмида қандай косметикадан фойдаланишган?

XVIII АСР АНГЛИЯ КОСТЮМИ

Жаҳон майдонига илғор, гуллаб-яшнаётган мамлакат сифатида кириб келган Англия бутун Европага, шу жумладан, Францияга ҳам инглиз зодагонларининг мода ва дидларини сингдиради.

Айни шу моданинг кўп жиҳатлари европаликлар тушунчасида қулайлик, ихчамлик, сифатлилик, башанглик ва бир оз консерватизм ва сиполик намунаси сифатида сингиб, қолиб кетади.

XVIII асрнинг биринчи ярмида инглиз костюми умумий аломатларига кўра Европа модасига эргашиди, бироқ ундан айрим жиҳатлари, хусусан, фақат ўз мамлакатига хос аломатлари билан ажралиб турди.

Омилкор инглизлар французларнинг “мишура”ларини (бу ўринда: ялтир-юлтир) ёқтирмасдилар. Улар шоҳи ва бахмал ўрнига қулай ва пишиқ мовут ва сокин, хира рангдаги матоларни маъқул кўрдилар. Инглиз жюсткори (весткоут) мовут тикилган бўлиб, французларникига караганда, анча содда бичимда бўлган. *Весткоут* кенг енг учи бўйлаб кенг қайтармали (енг қайтармаси, манжети) бўлиб, енг тугма қадаларди. Весткоутдан ташқари отда юриш учун кийиладиган кийим – *редингот* жуда оммабоп эди. Редингот айниқса XVIII асрнинг 80-йилларида оммабоп кундалик пойабзалга айланган этиклар билан бирга кийилган.

Бу аср ўрталарида инглиз модаси бир оз вақт француз рококоси таъсирида бўлади (шоҳи весткоутга зар ва кумуш иплар билан тикилиши, белнинг яққол кўзга ташланишига ёрдам берган фалдалар, кийимнинг орқа этаги).

Инглизлар асрнинг иккинчи ярмига келиб, весткоутни аввалига олдида белигача қайириб қўйиб, кийимга ўзгартириш киритдилар, уни сўнгра *фракка* айлантирдилар. Фрак тик ёқали бўлган. *Жилет* калта бўлиб, унинг остидан бирмунча вақт оддий сорочка (қўйлак) кийилган. *Кюлот* билан оқ ёки йўл-йўл пайпоқ кийилган, сўнгра унинг ўрнига қалин мато ёки юпка чармдан *гетра* (тўпикдан болдиргача бекитиб турадиган иссиқ оёқ кийими ёки қўнж) пайдо бўлади. Фрак бичими то XX асргача деярли ўзгаришсиз қолади. Весткоут эса турмушда турли тадбирларда кийиладиган тантанавор кийимлигича қолаверади.

Плаш модадан чиқиб кетади. Устки кийим сифатида катта қайтарма ёқали, олди очик рединготдан фойдаланила бошлайди. Дастлаб у отда юрганда

кийиладиган костюмнинг 70-йиллари модага кириб келган этик сингари бир қисми эди. Этиклар кийилганда фрак ва тор иштонлар билан яхши кўринган.

Мўйна кўйилган ёки ёнларига безак берилган кафтан *сюртук*, деб аталган. Сюртук ҳам устки иссиқ кийим ҳисобланган.

Аёллар костюми ҳам буржуазия Англиясининг ишчан ҳаёт ритмига мослашган эди. Лекин XVIII асрнинг биринчи ярмида бирмунча вақт аёллар костюмида *фижма* (аёллар юбкеси этагини қаппайтириш учун ичидан кўйиладиган гардиш ва шу усулда тайёрланган юбка) кўринишида – тўғри кўйлакка маҳкамланадиган иккита ярим доира “гумбазлар”, яъни қобирға ҳалиям мавжуд эди. Бу қобирға французларнинг панъесидан енгилроқ эди. Фижма кўриниши аср ўрталарига келиб ўзгаради ва тухумсимон чўзиқ шаклга эга бўлади. Ошиқ-мошиқ билан маҳкамланадиган фижмаларни сал кўтариш ва тушириш (худди кўтарма кўприкдай) мумкин ва қулай эди. Фижмалар ички юбка устидан тақилган.

Аммо рококо услубига мансуб француз кўйлакларидан фарқли ўларок, инглиз кўйлаклари фижмаларда майда-майда гулли (гулдастачалар, гулчалар) оддий, енгил матолардан тикилган ва деярли ҳеч қандай безаги бўлмаган (бурма хошия, тўр, бант ва бошқ.), бу эса кийимга ўзига хослик ва алоҳида жозиба бағишлаган.

Бу асрнинг иккинчи ярми охирларида инглиз кўйлаги (*англез*) бирмунча ён томон силуэтига эга бўлади. *Каракко* – жакетнинг прототипи, яъни тимсоли бўлиб, рединготни эслатувчи калтагина жакет юбкеси билан кўйлақ устидан кийганда бундай силуэт алоҳида ўзига хослик касб этган.

Кўйлақдан юбка қобирғаси аста-секин истеъмолдан чиқиб кетади ва фақат *корсет* қолади, холос. Кийим чизгиларидаги майинлик, кўйлақлар ва соч турмаклари шаклининг табиийлиги XVIII аср иккинчи ярми аёллар костюмида кузатилади. Қавима юбкалар – инглиз аёлларининг қизиқарли кашфиёти эди. Иссиқ кийимлар сокин ранглар уйғунлашган матолардан тикилган. Бу кулранг, жигарранг, зайтун ранглари эди. Ёзги кийимлар учун ипак ва ип-газлама ҳамда майда гулли ёруғ ва нафис, оч рангли матолардан тикилган. Мўъжазгина

турнюр (французча *tournure* – қоматни ростлашга кўмак берувчи мослама, пахта ёстиқча; хонимлар орқаларига кўйиб юрганлар) инглиз кўйлагига осойишталик, профиль силуэтини бахш этган.

Европа модасига мувофиқ эркаклар поайбзали – бу олди ёпиқ туфли ва этиклар; аёллар пойабзали эса пошналар туфли бўлган.

Инглизлар француз куафюраларини тан олмаганлар. Аёллар ва эркаклар соч турмаклари соддалиги ва ихчамлиги билан ажралиб турган.

Эркаклар бош кийимлари – бу цилиндр шаклидаги соябонли (киркувли) *шляпалар*, соябонли майин шляпалар, жокей (пойгачи чавандоз) *шапкачалари* эди. Аёллар орасида соябонли похол *шляпалар* жуда оммабоп бўлиб, инглиз аёлларига алохида мафтункорлик бағишлаган. Бундай шляпалар аёлларнинг унча баланд бўлмаган, хурпайган соч турмакларига жуда мос тушган.

Назорат учун савол ва топшириқлар

1. XVIII асрнинг биринчи ярмидаги эркаклар костюмига таъриф беринг.
2. Весткоут нима дегани ва у нимаси билан французларининг жюстокоридан (аби) фарқ қилган?
3. Инглизлар эркаклар ва аёллар костюми ҳамда иссиқ устки кийим учун қандай тўқимачилик турларидан фойдаланган?
4. Инглизлар костюмда қандай рангларни афзал кўрган?
5. Редигот, фрак нима дегани?
6. XVIII асрда инглиз аёллари орасида урф бўлган соч турмакларини айтиб беринг.



XIX АСР ЕВРОПА НАПОЛЕОН ИМПЕРИЯСИ ВА РЕСТАВРАЦИЯ ДАВРИ КОСТЮМИ.

(Ампир услуги)

Феодализмни ағдариб, Франция буржуазияси капиталистик муносабатларни ўрнатишга киришди. Бу илмий кашфиётларнинг кескин ўсиши давридир. Бу вақтда иқтисоднинг шиддатли ўсиши кузатилади.

XIX аср боши Фарбий Европада саноатда ўзгариш бўлди. Ишлаб чиқаришда ўсиш кузатилди. XVIII асрдаги илмий - техникавий кашфиёт, XIX аср тўқимачилик ишлаб чиқарилишининг механизациялаштирилишига туртки бўлди.

Янги тўқув дастгоҳлари вакили читга гул босиш машиналари ихтиро этилди, бу эса ип-газлама маҳсулотларининг ўсишига олиб келди. Гул босилган матолар модабоп бўлиб, матолар ишлаб чиқарилишининг ўсиши натижасида таннархи пасая бошлади. Тўқимачилик саноати халқаро бозорни турли матолар билан тўлдирди. Мода жуда тез ўзгаради, бу эса тўқимачилик маҳсулотларига бўлган талабни оширади. Бинобарин, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга кўплаб ишчилар керак бўлади.

1. XIX аср Европа санъати ва маданияти. Франция инқилоби ва кейинги бошқа воқеалар инсонларни миллий мустақиллик интилишга чақирди. 1804 йилда Наполеон ўзини император деб эълон қилди. Ўзини санъатнинг нозик кадрловчиси деб ҳисоблаган Наполеон, уни ўзининг ҳарбий ютуқлари сифатида қўллади. Римликларнинг дунёвий ғоялари, Рим императорининг машҳурлиги (Рим зафар арки, Рим императори ғалабаси шарафига кўтарилган колонналари) Наполеоннинг босиб олиш сиёсати билан тенглашади. Наполеон ўзининг Ғалабалари шарафига меъморий иншоотлар бунёд этади, хусусан Париждаги Вандал колоннаси ва бошқалар шунга киради. Эркинлик ҳиссини уйғотишга хизмат қиладиган санъат, аслида инсоният онгини оғир вазминли маҳобати билан эзади.

1804 йилдан 1815 йилгача бўлган вақтда санъат ва костюмда «Ампир» (Наполеоннинг биринчи империяси) ҳукмронлик қилади. «Ампир» классик услуби, айниқса меъморчилик ва тасвирий санъатда аниқ кўринди.

«Ампир» услуби йирик буржуазиянинг эстетик завқини билдиради, ҳамда наполеон харбий ғалабаларини кўкларга кўтаради. Инқилоб санъатни халққа яқинлаштиради; 1791 йилда музейга айлантирилган Лувр-аввалги қирол саройи, бу ерга фақат француз саройлари деворларини беэб тўрган суратлар келтирилади; саройнинг бир қисми музейга айлантирилади, бу ер Наполеоннинг бутун Европа бўйлаб босиб олган ерларидан олиб келинган суратлар билан тўлдирилади. Халқ Рубенс, Тициан асарларини кўрди.

Мода талаблари «ампир» услубида хайкалтарошликда кулгили кўринишга етди ҳатто сиёсий арбоблар (антик ҳакрамонлар кайфиятида) тасвирланди.

Интерьер ҳам «ампир» услубида безатилди ва совуқ расмий кўриниш касб этди. Залларнинг оғир меъморий қисмларида, пастак колонна ва устунлар совуқ виқорлик ҳукмрон эди. Деворлар антик нақшлар (антик Ғалаба тожи, палма новдасини ифода этувчи нақш элементлари, Рим элементи машъали) гул солинган, баъзан вертикал расмли матолар тортилган кўринишлар билан безатилган. Паркет поллар ҳам нақшланган.

Тўғқри узун кушеткалар паст ўтиргичли ноқулай креслолар, пашшахона тутилган кроватлар, интерьер оқ альбастер гулдонлар каби антик кўринишда жиҳозланган мебель бронза қопланган қизил тахтадан ясалган, баъзан мебеллар ёрқин, лакланган, тилла суви юритилган бўлган. Креслолар тўқ яшил рангли матолар билан қопланган. Бронза қандиллар ва тунги чироқлар бинонинг ички қисмини охиридан ўрин олган. Франция ампир мебели ва интерьерига хос бўлган ҳусусият шулардан иборат бўлган.

Францияда «ампир» мебелини реклама қилган альбомлар нашр этилган ва Европанинг бошқа давлатларига тарқатилган, Наполеон армиясининг босқинчилигига нафрат бўлишига карамай, француз модасига нисбатан интилиш мавжуд бўлган.

«Ампи́р» услу́би ко́стюми. Костюмларда ҳам ажойиб ўзгаришлар пайдо бўлди. XIX аср модаси саноатнинг, санъатнинг тезлик билан ўсиши таъсирида ривожланди.

Костюмлар ўзининг синфий аҳамиятини йукота борди. Ўзига хос ташқи кўринишга эга бўлган сарой костюмлари ўрнига буржуа модалари келди. Барча шаҳар аҳолиси бир хил кийина бошлади. Энди эркалар костюмлари байрамона кўринишни йўқотиб, ишбилармонлар костюмига айланди. У ёки бу синфга оид кишининг костюми сифатли матодан тайёрланганлиги, оппоқлиги, модали кийимбошининг мавжудлиги ва сони, маҳорат билан тайёрланганлиги билан белгиланарди. Эркалар учун ёркин костюм, сербезаклик одат ҳисобланган. Аёллар костюмлари эрларининг жамиятдаги ўрнини, бойлигини гуё реклама қилгандек булар эди.

Францияда кийимбош ва соч турмаклари ўзгара борди, аёллар кўйлаклари «Аля антик» кадимий хитонга ўхшаш кўринишга, соч турмаклари ҳам грекларникидек, оёкка эса грекча сандаллар пайдо бўлди.

Костюмларда фақат касбий фарқлик сезилди. Мисол учун, буржуа костюми ишчи костюмидан фарқ қиларди: ишчи костюми хайкалтарошникидан ва бошқа. Шаҳар костюми кишлоқ костюмларидан кескин фарқ қилар эди.

Уша давр француз модаси аёллар учун асосий бўлса, эркаларники инглиз модаси бўлган.

Ишбилармон эркалар костюми. XIX асрнинг 10-20 йиллардаги кийимбош, ашёлар ва костюм силуэтлари.

Ички кийим. Эркак костюми юзига тегиб тўрган, баланд тик крахмалланган ёқали оқ кўйлақдан иборат бўлган. Ёқа жуда баланд ва қотиб турувчи - қийноқ асбобига ўхшаш бўлган. Бундай ёқани ҳазил тариқасида «ота қотили» деб аташган. Кўйлақ устидан калта жилет, баъзан бир неча жилет кийишган. Калта иштон ўрнини тупигигача ёпишиб тўрган ва пастки қисмига початасма тикилган панталонлар эгаллади.

Баланд тик ёқали фрак эркаларнинг доимий ва севимли кийими бўлиб, ёқаси кўпинча фракдан бошқа рангдаги духоба билан копланган. Фракнинг бел

қисми оз-моз узайтирилган, енгининг елка томони кенгайган, пастки қисми воронкасимон бўлган. (53-расм).

Устки кийим. Эркаklar устки кийими йилнинг салкин пайтлари кийиладиган бир неча ёқали редингот ёки елкага ташлаб юриладиган костюмдан иборат бўлган.

Ишбилармон эркак кийимининг Яна бир тури фракдек узун енгли бели ёпишган сюртўк бўлган.

Ранглар. Эркаklar куйлаги оқ рангли бўлган. Жилет оч рангли ва гулдор бўлган.

Фраклар ҳар хил рангли, кўпроқ бир хил рангли газламадан, лекин баъзан нақшли газламадан тикилган. Кундалик фрак кора, жигар ранг, кук, яъни тўқ рангли бўлган.

Устки костюм ва панталонлар ҳар хил рангда бўлган, агар кийиниш маданиятига риоя этилса, панталонлар очик рангли бўлиши керак эди.


Газламалар. Эркаklar костюмига кимматбаҳо пишик газламалар – оғир ипакли, духоба, мовут матолардан фойдаланилган. Фрак ва устки костюм шерет газламадан тикилган.

Бош кийим. Четлари бироз эгилган баланд инглиз шляпаси – цилиндр эркаklarнинг севимли бош кийими бўлган.

Соч турмаги. Эркаklar юз томонига таралган киска киркилган соч билан юрарди, соч каттиц тортиб уриб куйиларди, «фаворит» деб номланган тор соч булагии чаккаларида қолдириларди.


Такинчоқ ва қўшимча безаклар. Буйинга шарфга ўхшаш – буйин рўмоли, галстўк уралган. У турли усулда, учи жилет ичига тикилган тугун ёки катта бантик тарзида боғланган.

Модадаги янгилик шимни тортиб турувчи тасма бўлган. Уни XVIII аср охирида така бошланган. Улар аввал алоҳида камардан иборат бўлган, XIX асрда эса белига бурма куйилган. Тасмаларга усимлик безаклари берилган ва тугмалар билан шимга маҳкамланган.




16

2. ¹⁶ Norah Waugh. The Cut of Women's Clothes 1600-1930



17

3. ¹⁷ Norah Waugh. *The Cut of Women's Clothes 1600-1930*



Фрак чинни, кумуш тугмалар, баъзан эса кимматбахо тошлар билан безатилган.

Эркаклар қора рангли ёғочдан қилинган жуда нозик ишланган уйма нақшли хасса билан юришган. Эркаклар кулкон кийишган.

Эркаклар сарик кайрилма баланд кунжли этик ва очик туфли кийишган. Бу ёшлар модаси бўлган. Кексалар эса калта тиззагача тушган, кюлот кийишган, сочларига пудра сепишган.



5.30 -расм. 1. Эркаклар устки кийими –**Аби**, кундалик фракдан оркасидаги чукур тахламаси ва тик ёқаси билан фарқ қилган; икки бурчакли - бош кийим; кюлот, оқ пайпоқ ва пошнаси туфли. 2. Оқ кўйлак охорланган тик ёқали, унинг устидан бўйин рўмол (галстук) батик кўринишда боғлашган; кўйлак устидан жилет – нимча кийишган; устки кийим – сюртук; бел кийими - панталон; бош кийими – цилиндр; оёқ кийими – баланд қайтарма қўнжли, қора этик.



5.31-расм. Амбир услиби давридаги эркеклар кийими: ички елка кийими – оқ кўйлак охорланган тик ёқали, бундай ёқани “ота қотили” деб ҳам аташган, унинг устидан шарф кўринишидаги бўйин рўмол (галстук) боғлашган; бел кийими - панталонлар (штрипка) почта тасмали бўлган; Амбир услиби давридаги аёллар кийими: **Шмиз – кўйлак**; устки кийими – спенсер.



5.32-расм. Амбир услиби давридаги эркеклар костюми: оқ кўйлак охорланган тик ёқали; устки кийим - армия офицерларининг мундири; елкасида эполет; бош кийими – оқ пат билан безалган иккибурчак; бел кийими - панталон; оёқ кийими – баланд қайтарма қўнжли, қора рангли этик.

Амбир услиби давридаги аёллар костюми: шмиз – аёллар кўйлаги, қимматбаҳо каттик, пишиқ калин матолардан; бош кийими – кичик саллача; қўшимча аксессуарлар - узун кўлқоплар – “митенки”.

Аёллар костюми. Амбир давридаги аёллар костюми оддий корсетсиз ва каркассиз бўлган. Кўйлақлар ёзги, байрамона, кучалик ва расмий бўлган. Кун давомида костюмларни бир неча марта алмаштирилган. Аёлларда 365 та шляпа, шунча пойабзал, лекин 12 та кўйлақ бўлиши керак деб ҳисобланган.

Ички кийим. Уша даврда аёлларда тунги кўйлақ пайдо бўлган. Аёллар пайпоқ, панталон, ичкўйлақ кийишган.

Устки кийим. Аёллар бел бурмаси юқоридан олинган, чуқур уймали кўйлақлар кийишган. Балга кийиладиган кўйлақ 1810 йилгача олиб куйиладиган орқа этаги узун шлейф бўлган.

1810 йилда кўйлақларда, корсет пайдо бўлган, юбка унча кенг бўлмаган, этаги чиройли безатилган. Кўйлақ энги фонарик кўринишидаги кичик бурмали, кенг манжетли бўлган

Калта куртка-спенсер ва бир ёклама тугмали редингот пайдо була бошлади.

Аёллар кийим шкафида баъзан рус шубалари ва кўплаб ёпинчиклар бўлган.

Ранглар. XIX аср бошларида кўйлақлар оқ рангли, кейинчалик сидирга ва оч рангли, яна кейинроқ сидирга газламадан тикилган ҳар хил рангли бўлган.

Газламалар. Ёзги кўйлақ учун батис, лён, ипак, муслин каби енгил газламалардан, байрамона костюмлар учун атлас, тафта, духоба газламалардан, расмий костюмлар учун фаслларга карамай енгил жундан фоидаланилган. Францияда «Гузал булиш учун, азобланиш мумкин» деган мақол бўлган. Россияда кейинчалик бу мақол «Гузалик қурбонлик талаб қилади», деб ўзгартирилган Устки кийимларни ва пахтали газламалардан тикилган. Бу кийимлар духоба, атлас билан безатилган, совуқ пайтларда улар пахта ёки мех билан иситилган.

Бош кийим. Бош кийимлар фасонлари тез ўзгариб тўрган. Кўпроқ «соёбон арава» фасонли шляпа кийишган.

1812 йилдан 1814 йилгача ҳарбий кивер кўринишидаги шляпалар кийишган. Балга доқадан қилинган салла кийишган.

Соч турмаги. Улар кўйлақлар билан бирга бир кунда бир неча бор ўзгарган. Соч турмаклари калта жингалакли, баъзан «грекча тугун» фасонли турмак бўлган.

Безаклар. Модага берилган аёл худди заргарлик дукони витринасидек кўринишда эди: кўйлақларда антик нақшлар; кўйлақларнинг орқа этаги зар билан тикилган; ҳар бир бармогида олтин узук; билакузук; буйнида соатли олтин занжир, маржон дур шодаси; бошида кимматбаҳо диадема; соч узун шпилкалар, турли тўкалар (масалан, аёллар белига кумуш, олтин, пулат тоқалар такишган, унга занжир билан ангишвона, кайчичалар, хидли турли шишача ва бошқа. осишган; Кўйлақ этаги шишган ва бурма, турлар билан безатилган.

Қўшимча безаклар. Аёллар узун лайка қўлқоп кийишган. Коидага кура аёллар қўли очик булмаслиги керак, шунинг учун аёллар кучада ҳам, бино ичида ҳам қўлқопларини ечишмаган. Қўлқоплар кашта билан безатилган.

Модага берилган аёллар Наполеон ҳарбий экспедицияси пайтида Хиндистондан келтирилган кашмир шолрўмол урашган.

Қўшимча безак учун гулли кичик елпиғичлар ҳам хизмат қилган. Аёллар таранг тортилган корсет кийишган, елпиғич билан юз ва буйинларини елпиб юришган.

Асосий модали қўшимча безаклардан бири чиройли кашта тикилган халта шаклидаги сумка ридикюл бўлган, унда улар рўмолча, елпиғич, атирларини олиб юришган.

Яна бир қўшимча безак - куёшдан ҳимоя қилувчи кичик соябондир.

Пойафзал. Аёллар оёқларини боғлаш учун лентали, пошнасиз, учли енгил туфли кийишган

Уй кийими. турли пеньюар пайдо бўлди. Оддий кишилар барча шаҳар аҳолисидек костюм кийишган. Лекин уларнинг кийими анча оддий ва иссик бўлган.

1825-1850 ЙИЛЛАР ЕВРОПА КОСТЮМИ

(Бидермайер йўналишидаги костюм)

Бидермайер – Германия ва Австрия санъатидаги услубий йўналиш бўлиб, унда бюргерлик муҳитига хос демократия, унинг обивателлик, тор доирадаги қараш ва дидлари акс этган. Амбир (архитектура услубларидан бири) шакллари интим ва хонадон файзи руҳида қайта шаклланади. Ана шу услубий йўналишга табиат, интерьер, маиший турмуш икир-чикирларини батафсил тасвирлаш хос бўлган. Либосдаги классицизм руҳи XIX асрнинг биринчи чораги охирига келиб, тугаб битади. Унинг ўрнига келган романтизм оқими эса ўзининг янги идеалларини олиб киради. Бу даврда номи роман сарлавҳасига қўйилган бош қаҳрамон муваффақиятлари ҳақида ҳикоя қилган Л. Эйхродтнинг “Бидермайер Людерлюст” романи дунёга келади. Ўша даврда бу романни бутун Европа ўқийди. Бестселлер, яъни бозори чаккон бўлиб кетган бу асар буржазия жамияти вакилини кўкларга кўтаради ва мазкур табақага алоҳида қизиқиш уйғотади. Шундай қилиб, Европа модасида Л. Эйхродт романи қаҳрамони номи алоҳида бир йўналиш очилишига сабаб бўлади ва бу оқим – *бидермайер* деб аталади. Францияда бидермайер аломатлари “Луи Филипп услуби”да намоён бўлади.

Ўша даврда адабиёт, санъатда романтизм оқими ҳукмронлик қилмовда эди. Романтик услубда Ж. Байрон, Т. Жерико ва Э. Делакруа баракали ижод қиладилар. Архитектура ва интерьер барибир амбирга содиқ қолади.

Гўзаллик идеали. Романтизм даврига келиб, либосда ҳамон бели кўтарилганлик қолади, холос. Енг катта, кенг ҳажмли бўлганлиги туфайли елка бичими кенгайган, чуқур ўйилган декольте эса юрак шаклини берган. Корсетлар, бурма хошиялар, қўш этакларнинг ҳаддан ортиқлиги аёллар кўйлагининг ўзига хос силуетини яратади. Очик елкалар бошнинг аниқ кўринишига имкон беради. Аёллар гўзаллигининг идеали – майинлик, нозиклик, ҳаёлий, романтиклик эди. Яланғоч елкалар, бўйин ва ним очик кўкрак хонимларга алоҳида жозиба бағишлаган.

Кийим турлари ва шакллари. Тўқимачилик. Бу даврда ҳам эркаклар, ҳам аёллар гардеробининг ассортименти, турлари кўпаяди.

Эркакларнинг кундалик кийинишлари, юриш-туришига фрак, сюртук манто, лорд Кэррик номидан олинган каррик кириб келади. Сюртук – узун белбурма камзул ва каррик анъанавий фрак ва панталон (шимга ўхшаш тор кийим) билан бирга кийиларди. Шунингдек, аёллар кийимлари сони ҳам ортди. Кўйлақлар билан бир қаторда ротонда (ёпинчик кўринишидаги енгсиз қишлоқ иссиқ кийим) мантилья (елкага ташлаб юриладиган енгсиз нимча), пелерина (елкага ташлаб юриладиган кийим), боа (мўйна шарф) ҳам урф бўлади. Аёллар кийимида янгилик сифатида от минганда кийиладиган либос – костюм пайдо бўлади.

Тўқимачилик турларининг ранг-баранглиги XIX асрга хос элементлардандир. Бу давр тўқимачилигида ипакнинг турли шакллари, газ – ҳарир газлама, атлас – газмол, бахмал, духоба, муар, яъни мухайяр, деб аталувчи товланадиган қалин шойи, жумладан, жуннинг ҳар хиллари тўқилади. Ўша даврда катак-катак мато ҳам эркаклар, ҳам аёллар орасида урф бўлган эди. Бу мато амбирнинг сўнгги давридаёқ урф бўла бошлаганди. Эркаклар орасида ҳамон илгаригидай аъло сифатли жун ва мовут урфдан чиқмаган эди.

Эркаклар костюми. Эркаклар бу даврда ҳам цилиндр шаклидаги шляпа, белгача тушиб турадиган фрак кийганлар. Фрак кўкрагига пахта кўйиб қаппайтирилган, енг елкалари шишириб кўйилган. Фрак узун бўлиб, ёқалари бахмалдан қилинган. Оқшомда кийиладиган фрак калта, иккита жилет – нимчали қилинган. Бу жилетларнинг бири – ичкиси оппоқ, усткиси эса тўқ рангли бахмалдан тикилган. Яна олд томони пойабзалга тегиб ғижимланмаслиги учун ёйсимон бичилган узун шимлар жуда урф бўлган. Аксарият шимсимон тор панталонлар оқ, очиқ рангли бўлган; жилет гулдор ёки катак-катак шойи ёки бахмалдан тикилган. Узун, белбурма сюртук учун жигарранг, кулранг, яшил ранглар танланган.

Инглиз денди – олифтаси кийими сипо ранглардан тикилган. Кўйлақ ёқаси кўтариб кўйилган. Қиёфага романтик тус бериш мақсадида атайин – кўйлақ


ёқалари очиб қўйилган, сочлар енгилгина силкиниб турган. Қора галстук – бўйинбоғ кундуз кунлари, оқи эса кечкурун тақилган. Галстук ва бўйинга боғланадиган рўмол ҳар хил бўлиб, булар “а-ля- Байрон”, “примо-темпо”, “ирландча”, “Шарқ услубида” каби усулларда бойланган. Романтик йигитлар қора рангли кийим кийганлар.

Уй кийими сифатида халат ва фас кийилган, бу жиҳат шарқликларга қизиқишни намоён этган.

Сюртук (-*расм*), шунингдек, бурнус (мурсак), манто (бир нечта пелеринали (елкага ташлаб юриладиган кийим) кенг накидка – ёпқич ва каррик (елкани ёпиб турувчи, катта ёқали кишки пальто) устки кийим бўлиб хизмат қилган. Аксар ҳолларда каррик ёқасига мўйна қўйилган.

Либосни қўлқоп, хасса, соябон, камчи тўлдириб турган.

Аёллар костюми. Аёллар либоси бор бўйича ўзида аёллик малоҳати ва романтизмни намоён этган. Яна ҳам аниқроғи, аёллар кийими ҳиссиёт кўтаринкилиги тимсоли бўлган. Юқорида айтилганидай, аёллар кўйлагининг бел қисми бир қанча даврларгача кўтарилган ҳолатда тикилган. Аввал юбка кийилган, унинг этаклари пастга қараб кенгайиб борган, юқори қисми эса унча кенг бўлмаган (-*расм*). Кейинроқ юбка анча кенгайтириб тикила бошлайди. Бидермайер йўналишига мансуб, барча даврлар кўйлакларидан фарқ қиладиган, аёллар кўйлагига хос жиҳати, чуқур ўйилган ва айни вақтда кенг декольте вазифасини ўтовчи, бир вақтнинг ўзида ҳам кўкрак, ҳам орқа, ҳам елка, ҳам бўйинни очиб турувчи, “фонарча” деб аталувчи, юрак шаклида бичилган елкаларнинг гротеск услубида, ҳаддан ортиқ бўрттирилган чизиғи ҳисобланади. Хурпайма юбканинг каркаси бўлмаган, лекин корсети қаттиқ ва энсиз бўлган. Корсет аёл кўкрагини сал кўтариб, унга чиройли шакл бериб турган. Аста-секин аёл кўйлагининг бел қисми жойига туша бошлайди, енглари ҳажми эса бир оз кичраяди. Хонимлар сумкачалари кичкина ҳамён ёки “помпадур сумкачаси”ни эслатган.







5.20-рasm.



5.21-рasm.







Аёлларга кўйлак
силуэтини такрорлаб
турувчи (юбкалар кенг
бўлганлиги туфайли)
пальто, пелерина (елкага
ташлаб юриладиган
ёпқич), накидка – ёпқич,
ротондалар (ёпинчик
кўринишидаги енгсиз
қишлоқ иссиқ ёпқич),
бурнуслар (капюшонли
накидка) устки кийим
вазифасини ўтаган. Бу
вақтлар “амазонкалар” –
отда юришга
мўлжалланган кийимлар
ҳам урф бўлган (5.22 -
расм).

5.22-расм. “амазонкалар” – отда юришга мўлжалланган аёллар костюми.

Пойабзал. Эркаклар худди амбир давридагидек паст пошнади пойабзал ва этик, аёллар эса туфли ва тагчарми ясси бошқа пойабзал кийганлар.

Бош кийимлари, соч турмаклари, зеб-зийнат, косметика–пардоз-андоз буюмлари. Эркаклар ҳамон илгаригидек цилиндрсимон шляпа, шунингдек, боливарлар (соябони кенг шляпа), юмшоқ фетр (аъло навли юпка наватсимон матодан тикилган шляпалар) (“а-ля Гарибальди”) кийишда давом этганлар. Эркакларнинг соч турмаклари: “а-ля мужик”, шунингдек, кокли (“кок” сўзи француз тилида “хўроз”дир) ва “фаворит” бакенбардлари ҳисобланган (- расм). Романтиклар узун, жингалак соч қўйганлар.

Аёллар бош кийимлари орасида турли шакллардаги шляпалар кенг тарқалган, булар қуйидагилар эди: кибитка, шутэ, аёллар либосини тўлдириб турувчи капор (5.20 -*расм*). Бир оз эклектик аёллар соч турмакларига постижер қўшимчалар – шиньонлар, буклялар (жингалак соч), гажак, зулфлар билан бойитилган ва қимматбаҳо тақинчоқлар, гуллар, тож ва туяқуш пати билан мўл қилиб безатилган (5.21 -*расм*). Масалан, бант – капалак нусха ва жингалак гажакли, чаккага туширилган зулф, гажакли, пат ва марварид тақилган ипли, тўғнағич ва тожли соч турмакларини айтиш мумкин (5.21 -*расмлар*). Бидермайер услубига мансуб аёллар соч турмакларига эгри ёки зигзаг – эгри-бугри фарқ очиш ва бирмунча асимметриклик (5.21-*расмларни қаранг*). Бидермайернинг кейинги даврида фарқ тўғри очилган, жингаласоч, зулфли “англез” соч турмаги пайдо бўлади (5.20 -*расм*).

Хонимлар соч турмакларига кўпгина тақинчоқлар тақардилар. Ўша замонда Уйғониш давридан қолган пешонабоғ – ферроньерка жуда урф бўлган (бундай пешонабоғни Н.Н. Гончарова таққан). Чиройли, серхашам кўйлақларда бўйин, елкалар ва кўкрак очилиб турган, шунинг учун медальон, кулон, тўғнағич ва маржонлар алоҳида урф бўлган. Яна шунингдек, исирға, узуклар ҳам тақилган.

Хонимлар юзларига упа-элик суртганлар, ёноқларини қизартирганлар, аммо уларнинг макияжлари унча кўзга ташланмаган. Чунки ўша замонда романтик рангпарлик ва нозиклик қадрланган. Атир, мойупа ва упалар XIX асрига келиб, аёллар пардозидан мустақкам ўрин олади.

Назорат учун саволлар ва топшириқлар

1. Бидермайер йўналиши ҳақида гапириб беринг.
2. Бидермайер йўналишида эркаклар либослари тавсиф беринг.
3. Бидермайер йўналишида аёллар либослари қандай бўлган?
4. Ана шу даврга мансуб энг урф бўлган аёллар соч турмакларини айтиб беринг.
5. Аёллар бош кийимларининг янада кенг тарқалган турларини айтинг.

6. “Англеz” атамаси нимани англатади?

1851–1870 ЙИЛЛАР ЕВРОПА КОСТЮМИ

(Иккинчи рококо йўналиши)

Гўзаллик идеали. Иккинчи рококо йўналишидаги либосда буржуазиянинг эстетик қарашлари ўз аксини топган. Аёл ўзида яхши фазилатлар: меҳрибонлик, саховат, камтарлик, гўзаллик каби хислатларни мужассам этиши ҳамда кийган шоҳона кийимлари ва қимматбаҳо зеб-зийнатлари билан эрининг бойлиги ҳамда оиласининг бекаму кўстлигини намоён қилиши керак эди. Эркак кишининг гўзаллигида аввалги идеал – улуғворлик, бойлик, барқарорлик сақланиб қолган эди. Бу ишбилармон эркакнинг (буржуа) оммабоп идеали эди.

Эркаклар костюми. Либос ўзида буржуазия дидларини акс эттиради. Бу – йўл-йўл ёки катак-катак шим рангига мос ихчам, қулай сюртук (5.35 -*расм*) эди, шу билан бирга вестон (пиджакнинг прототипи) бу давр эркаклар либосига киради (5.35 -*расм*).



5.35-расм.

Аёллар костюми. Мода, гарчанд ўзида романтик тенденцияларни сақлаб қолган бўлса-да, бир қадар эклектик бўла бошлаган эди. Аёллар кўйлаги силуэти қуйидагича кўриниш касб этади: кринолин (бу чамбаракли икки қаватли жуда кенг юбка) ва энсиз енг туфайли елкада табиий чизик ҳосил қилган декольтесиз кичкина, торгина лифдан иборат эди. Декольте ва қўллар яланғоч кўринишда бўлишини фақатгина оқшомги кўйлақлардагина учратиш мумкин эди (-расмлар). Кринолин – бу жун, куббасимон юбка-ич кўйлақ бўлиб (-расм), унда кўпгина остки юбкалар бўларди. Улкан юбка кичкина лиф ва бош учун “пьедесталь” – тагкурси бўлиб хизмат қиларди. Бунинг учун ипак, парча, сатин, газ, штоф – қалин газлама, репс – пишиқ, чивик газлама, нафис тўр, атлас, бахмал, шерсть матоларидан фойдаланилган. Аста-секин юбка силуэти бирмунча профили килиб кўндаланг кесила бошланади. У худди орқага тортилгандай бўлиб, шлейф (узайтириб тикилган орқа этак) кўринишига эга бўлади (-расм). Бундай манзара кринолин шаклининг ўзгариши туфайли юз беради.

Ўша даврда ярим доира, шолрўмолга ўхшатиб бичимдаги ротонда, бурнуслар туридаги накидка – ёпқичлар устки кийим бўлиб хизмат қилади. Ёпқичлар астари ёнбошдан бирлаштирилиб, кишида худди енги бордай тасаввур уйғотган.

1867 йилга келиб, кринолин кийилмай қўйилади. Кринолиннинг урф бўлиш иккита – 1851 йил Лондон ва 1867 йил Парижда ўтказилган халқаро кўргазмалар оралиғидаги 16 йилни ташкил этади. Энди профиль силуэти ривожлана бошлайди (*-рasm*).

Бош кийимлари, соч турмаклари, зеб-зийнат, косметика – пардоз-андоз буюмлари. Эркаклар ҳамон бакенбард қўйишда давом этади. Эркаклар соч турмаклари қуйидагилар эди: “а-ля мужик”, бакенбардли “а-ля Капуль” (*-рasm*) бўлиб, бу ўша даврда машхур қўшиқчи Капуль номи билан аталган.

Аёллар соч турмаклари аксарият тўрли наколка билан орқага турлича йўлларда гуллар билан безалган валик кўринишида йиғилган локон, жингалаклардан ташкил топади (*-рasm*). Аёллар соч турмакларининг ўзига хос томони, сочлар юздан орқага қараб йиғилганида эди.


Бой буржуа эркакларнинг хотинлари зеб-зийнат такқанрликлари ва ҳаддан ортиқ безанганлиги билан ажралиб турарди. Айниқса бу тенденция позитивизм даврида авж олади, бу даврда аёл ўз эрининг бойлиги ва тўқлигини намоёйиш қилган.


Назорат учун саволлар ва топшириқлар


1. Иккинчи рококо даври эркаклар либослари ҳақида нималар биласиз?
2. Иккинчи рококо даври аёллар либослари элементларни санаб беринг.
3. Кринолин нима дегани?
4. Эркаклар ва аёллар соч турмакларининг энг кўп тарқалган турларини айтиб беринг.
5. Иккинчи рококо охирида аёллар қўйлагининг силуэтидан қандай кўринишда бўлган?



5.36-рasm.








1870–1880 ЙИЛЛАР ЕВРОПА КОСТЮМИ


Позитивизм йўналиши

Гўзаллик идеали. Бу давр модаси – катта шаҳар модаси ҳисобланарди. Бунда йирик буржуазиянинг идиждари, буржуазия салонларининг ҳашамати ҳамда амалий санъат асарларининг лавҳалари акс этади. Бу йўналиш “позитивизм” номини олади (*positiv* – ижобий маъносини англатади, ушбу оқим шу атамадан келиб чиққан) ва бу либос ва интерьер декорининг ҳаддан ортиқлиги, эклектиклигида намоён бўлади. Шик, яъни ҳашам – айти шу сўз ҳаддан ортиқ дабдаба, деталлар ва зеб-зийнатни аниқ белгилаб беради, буюмлар, кийимлар бойлигини намоёйишини ифодалайди.


Кийим турлари ва шакллари. Тўқимачилик. Аёллар либоси профиль силуэтга эга ва кўпгина драпировкали тикилади. Бунинг учун турли фактурадаги матолар, ҳар хил сайқал бериш усулларида фойдаланилади. Буларга қуйидагилар кирган: тўр, газ, ипак, бурма ҳошия, бант, мағиз, мўйна, марабу (марбут– лайлакларга мансуб катта қуш) пати ва бошқалардир.

Эркаклар кийими. Бу давр эркаклар кийимида ўзгаришлар кам бўлади. Асосан эркаклар либосида асосий ўзгаришлар пиджак, пальто ва ҳ.к. лар деталлари, қайтарма ёқалари, бўйи, энида юз беради, холос.

Аёллар кийими. Аёллар кийимида профиль силуэт, қорин ва сонга ёпишиб турган лиф яққол кўзга ташланади. Бу даврда орқадан турнюрга ўралган мато – трен, шлейф урф бўлади ( -расм).

Турнюр, деб белдан пастда белга маҳкамланган ёстикчага айтилади. Тўғри, тик юбкага иккинчиси – бурма, мағиз, бант ва газдан бурма ҳошия қилиб, тўрлар ва бошқалар билан безитилган олдидан ёки ёнбошдан ўралган. Юбкалар турли фактура ва ҳар хил рангли матолардан тикилган ( -расм). 70-йиллар кўйлаклари тўқ рангли, 80-йиллар – пастель тусидаги: ҳаворанг, яшил, пушти ранг белгилари устунлик қилади. Бу ансамблни марабу (марбут) пати, бўйинда духоба лента, бўйин, қўллар, соч турмакларида қимматбаҳо тақинчоқлар

тугаллаган; кўпдан-кўп тўрлар, мўйна, елпиғичлар бу ансамблни безаб турган (*-расм*).













5.37-расм.



5.38-рasm.



5.39-расм



5.40-расм



5.41-расм



Кечки позитимизм даврида силуэт ўзгаради. Кўйлак кўлами ҳам кичраяди. Узун лиф корсетдагина қолади-ю), лекин сон ярмигача тушиб туради. Лиф кўкрак, корин ва сонга ёпишиб, таранглаштириб, аёлнинг қадди-қоматини яққол кўзга намоён қилиб турган. Қуйига қараб кенгайиб борган, шлейф (кўйлакнинг узайтириб тикилган узун этагига ўралган юбка) тор бўлган. Аёллар либосининг бу шакли даврдан-даврга ўтиб борди: унда модерн модасининг чизгилари пайдо бўлдики, бу элементлар 90-йилларга келиб позитивизм ўрнини эгаллайди.

Шунингдек, соч турмагида ҳам профиль силуэти аниқ ва яққол акс этади. Чаккадан тепага кўтариб қўйилган сочлар орқада узун локонлар, қўнғироклар шалоладай тўлқинланиб турарди.

Пойабзал. Аёллар пойабзали баланд пошнали бўлган, одатда боғич билан бойланган.

Назорат учун саволлар ва топшириқлар

1. Позитивизм даврида эркаклар модаси қандай эди?
2. Позитивизм даври модасида аёллар кўйлаги қандай эди?
3. Бу даврда аёллар ва эркаклар либосида қўлланган тўқимачилик матолари турларини санаб чиқинг.
4. Турнюр ва трен нима дегани?
5. Аёллар ички елка ва бел кийими ҳақида қандай маълумотга эгасиз?
6. Эркаклар кийимига нималар кирган?

1890-1900 ЙИЛЛАР ЕВРОПА КОСТЮМИ

Модерн услубига мансуб либослар

90-йилларга келиб, либосда модерннинг бадиий услуби дунёга келади. Мазкур услуб эклектиклиги, “ҳар нарсани еяверадиған”лиги турли тарихий услубларга, декорга: ампир ва готикага, Шарқ маданияти, Эгей санъатига қизиқишида намоён бўлади.

Гўзаллик идеали. Аёллар гўзаллигининг янги намунаси ривожланиб бораётган буржуазия жамиятининг эстетик таъсири остида шаклланди. Унча катта бўлмаган турнюр, новдамисол бел, пошна, тепага кўтарилган калин сочлардан қилинган турмак XIX аср охирида ғайриоддий ва аёллик жозибаси уфуриб турган хоним тимсолини яратади.

Эркаклар костюми. Бу борада ўзгариш кам юз беради. Эркаклар кийимининг ривожланишидаги асосий тенденция: яхши бичим, кўзга ташланмайдиган башанглик, ранглар уйғунлигининг эвида бўлиши эди. Эркаклар гардероби – пиджаклар, вестонлар, пальто, сюртуклардан ташкил топади. Эркаклар кийимида тўғри силуэт сақланиб қолади.

Аёллар костюми. Бу даврда аёллар кийимининг янги намунаси дунёга келади: бу тик ёқали энсиз лиф ва то белгача учбурчак улоқ қўйилган, клёш юбкаси ва кенг (фонарга ўхшаш) енгли қўйлак бўлган ( -расм). Оқшомги қўйлак кунда кийладиган оддийсидан узун енгли эмаслиги билан фарқ қилган ( -расм). Бундай қўйлакка жуда энсиз корсет тўғри келарди. Қўйлак силуэти ва унинг декорида “ўзгарувчан”, равон чизгилар ва модерн ҳамда унинг орнаментака – безаклар мажмуи эгилган жойлари (нилуфар, сув ўтлари, “қамчи зарби”) пайдо бўлади. Белнинг 53 см бўлиши албатта корсет тақишни тақозо этарди шундан қомат худди S ҳарфи кўринишида эгик кўринар, гавданинг тепа қисми худди “каптар кўкраги” таассуротини уйғотарди ( -расмга қаранг). Қоматнинг бундай сунъий равишда эгиш гўёки готик қомат – готик эгри силуэтнинг тиниқ аксини эслатарди ( -расм).

Модерн услубидаги либос аста-секин ўзгариб боради. 1905 йилда пайдо бўлган гипюр – бўртма тўрдан тирсаккача келадиган ечиб қўйилладиган енглари

урф бўлади (-расм) Бу даврда тўрдан тайёрланган учбурчак, кийик рўмоллар, учбурчак бурмали митенкалар, зонт–соёбонлар (-расм), ҳар хил шаклдаги сумкачалар яна урф бўла бошлайди (-расм). Кечки модерн даврида кийим силуэти ўзгаради, шляпалар ҳажми катталашади. Либосда модерн услуби тахминан то 1913 йилгача ҳукм сурди.

Пойабзал. Модерн услуби учун энсиз, баланд қўнжли, пошнаги пойабзал хосдир (-расм).


Бош кийимлари, соч турмаклари, зеб-зийнат, косметика–пардоз-андоз буюмлари. Модерн услуби ҳукм сура бошлаши билан аввалига кичкина соёбонли ва турли шакллар билан бойитилган (безаклар, пат, гуллар тақиш ва ҳ.к.) шляпалар бу услубга хос эди. Мода тараккий этиши билан шляпалар ўз шаклини ўзгартирди ва аста-секин уларнинг ҳажми ҳам катталашиб боради. 1905 йилга келиб, шляпалар жуда катта қилиб тикила бошланади. Соч турмаклари, масалан, бандо турмаги тепага кўтарилган сочлардан қилинган (-расм).

Европада пардоз-андоз буюмлари ва атир-упа воситалари кўпдан-кўп ишлаб чиқарила бошланади. Айниқса Францияда ишлаб чиқарилган атир-упалар жуда қадрланган. Ўша пайтлар Францияда ишлаб чиқарилган маҳсулот билан Нью-Йорк парфюмерия фирмалари рақобатлашар эди.

1900 йилда киборлар жамиятида парижлик Виктор Вэссьенинг духилари ва шу номдаги пардоз-андоз тўпламлари жуда урф бўлган эди. Унинг духи ва пардоз-андоз тўпламлари ҳамма парфюмерия дўконларида сотиларди.


Либос ислоҳоти. XIX охирида шифокорлар ҳаддан ташқари тор корсет тақишнинг қайғули оқибатлари ва асоратлари ҳақида бонг урадилар. Гарчанд тор корсетда сиқилиб, қийшайган, ўз шаклини ўзгартирган аёл қадди-қомати ғайритабиий кўринса-да, лекин назокатли эди. Аммо шуниси ҳам борки, бу ҳол аёл саломатлиги ва келажак авлод учун жуда хавфли эди. Шу туфайли ҳам модельерлар аёллар либосини ислоҳ қилишни бошлаб юборадилар. 1903 йилда модага оид журналлар ислоҳ қилинган, деб аталган кўйлак ёки ислоҳот кўйлагини тавсия эта бошлайдилар. Бу кўйлак қулай бўлиб, бу кийимнинг белга

зиён келтирмас эди. Кўйлак танада эркин турарди. Бироқ ҳамма аёллар ҳам бирданига бундай кўйлакни кия олмайдилар. Баъзилар бундай кўйлакни “ислохот” қопи, деб атайдилар.














5.50-расм.





5.51-расм. Аёллар кўйлагининг бичими



5.52-расм.







Модерн услубидаги либосининг архитектура билан алоқаси. Ҳеч бир кийимга ўхшамайдиган модерн йўналишининг талабчан ўзгаришлари, айниқса, аёллар либоси силуэти ва декорида намоён бўлади (-рasm).

Классицизм услубидаги либоснинг архитектура билан алоқаси. Архитектура ва мазкур услубдаги либос учун антик тамаддун (цивилизация) шакллари ва эстетикасидан фойдаланиш хос эди. Қадимий Греция (Юнонистон) ва Қадимий Римда ордерлардан (бу ўринда устун ҳамда унинг усти ва остидаги безаклар) фойдаланган ҳолда ибодатхоналар ва жамоат бинолари қурилади, драпировка қилинган кийимлар эса архитектура йўналишлари ва шаклларига уйғун эди (II.4, II.5 кичик бўлимларига қаранг). Бунга ўхшаш ҳоллар классицизм даврида қўзғатилган. Бинолар антик қасрлар ва ибодатхоналарни эслатарди. Антик даврникига ўхшатиб ишланган либос чизгилари ва пропорциялари ана шу бинолар чизгилари ва пропорциялари билан ўхшаб кетарди. Шмизе даги аёл қад-қомати архитектурада тасвирланган тимсолларга уйғун антик ҳайкални ёдга соларди (-рasm).

Атама сўзлар изоҳи

штрипка – шим почаси (поча тасма)

бакенбард – чакка соқол.

фетр – намат, шляпа.

спенсер – курткача.

редингот – устки кийим.

канза – енгил матодан қилинган рўмол елкаларига ташлаб юришган.

пеньюар – уй кийими, тўрдан.

пелерина – бўйин ва кўкракни ёпиб туради.

а ла момелук – узун кенг, тасма билан боғланган енглар.

кибитка – асосий бош кийим.

кивер – бош кийим.

а ля рус – казаклар иштони.

пластрон – тоғноғич билан бириктирилган галстук.

бидермайер – бадий йўналиш.

феска – турк эркаклар бош кийими.
каррик – бир неч қават ёқалик пальто.
бурнус – пальто.
боливар – кенг соябонли шляпа.
горибалди – юмшоқ фитрдан шляпа.
лодочка – ним этик ва туфли.
жиго – кундалик кўйлакнинг узун енглари.
амазонка – от миниш учун мўджалланган , аёллар махсус кийим.
кибитка – тўрли, соябонли шляпа.
эклeктик услуб – иккинчи рококо
ротунда – ёпинчоқлар мўйна билан сирланган.
позитивизм – услубий йўналиш.
лампас – шимнинг ёнида қошия.
шик – кийимнинг бойлиги.
рюш – кўйма бурманинг бир тури.
ривера – ёқа тури, духободан.
трен – шлейф.
дипломат – икки бортли палто.
канате – шляпа.
моноколь – бир кўзга тутиладиган кўзойнак.
смокинг – эркаклар тантанали кечаларда фрак ўрнига кийишган (шол ёқаси атласдан қилинган).
денди – Лондон олифталари.
японка – эркин лифнинг елкасига юмшоқлик ва майинлик берадиган бичим вужудга келди (яхлит бичилган енг).
трубка – тор узун юбка.
галифе – шим.
крага – оёқ кийим.

XIX аср Европа костюми мавзуси бўйича назорат учун саволлар ва топшириқлар

1. XIX аср либосида фойданилган тўқимачилик матолари турларини санаб чикинг.
2. Модерн услубидаги эркаклар либоси қандай эди?
3. Модерн услубидаги эркаклар либоси қандай эди?
4. Ислоҳ қилинган кўйлақни таърифлаб беринг.
5. Француз рассоми Жак Луи Давиднинг яратган янги костюми ҳақида сўзлаб беринг.
6. 1800—1825 йиллар “Ампир” услубига таъриф беринг.
7. 1800—1825 йиллар эркаклар ва аёллар костюми ҳақида нималар биласиз?
8. 1830—1850 йиллар эркаклар ва аёллар костюми қандай эди?
9. 1850—1870 йиллар эркаклар ва аёллар костюми ҳақида нималар биласиз?
10. 1870—1890 йиллар эркаклар ва аёллар костюмга таъриф беринг.

Тест саволлари

1. “Схенти” қанақа кийим турига киради?

- А) бош кийим
- Б) бел кийим
- В) елка кийим
- Г) оёқ кийим

2. “Схенти”ни кимлар кийган ?

- А) аёллар
- Б) чақалоқлар
- В) ёш қизлар
- Г) эркеклар

3. “Схенти”ни қайси давлатда кийишган ?

- А) Юнонда
- Б) Римда
- В) Мисрда
- Г) Англияда

4. “Калазирис” ни кимлар кийган ?

- А) аёллар
- Б) эркеклар
- В) кохинлар
- Г) болалар

5. “Калазирис”ни қайси давлатда кийишган ?

- А) Испанияда
- Б) Олмонияда
- В) Мисрда
- Г) Юнонистонда

6. Фиръавннинг салтанат белгиси ?

- А) Арслон
- Б) Илон ва калхат
- В) Сигир ва илон
- Г) Тимсоҳ

7. Қадимдан зиғирнинг ватани қаер ҳисобланади ?

- А) Юнон
- Б) Ҳиндистон
- В) Хитой
- Г) Миср

8. Қадимги юнонликлар қандай матолардан кийимлар кийишган ?

- А) жун ва зиғир
- Б) ипак ва пахта
- В) ипак ва зиғир
- Г) жун ва ипак

9. Қадимги Юнон эркак ва аёлларнинг асосий кийими ?

- А) роб ва котта
- Б) хитон ва гиматий
- В) схенти ва калазирис
- Г) камиза ва туника

10. Қадимги Рим зодагон аёллар кийими?

- А) камиза
- Б) роб ва котта
- В) камиза ва хитон
- Г) стола ва палла

11. Қадимги Римнинг рамзий устки кийими нима бўлган ?

- А) камиза
- Б) роб
- В) тога
- Г) стола

12. Туника қандай кийим ?

- А) ички кийим
- Б) бош кийим
- В) оёқ кийим
- Г) устки кийим

13. Қадимги Римда қайси ранг салтанат рамзи бўлган ?

- А) сарик
- Б) қирмизи
- В) оқ
- Г) қора

14. “Фибула” нима ?

- А) махсус тўқа
- Б) бош кийим
- В) оёқ кийим
- Г) махсус бўёқ

15. “Нарамник” нима ?

- А) ички кийим
- Б) бош кийим
- В) плашч
- Г) кўйлак

16. “Диадема” нима ?

- А) махсус тўқа
- Б) билакузук
- В) узук
- Г) тиллақош

17. Форс эркаклар бел кийимининг номи ?

- А) чакмон
- Б) анаксаридес
- В) дхоти
- Г) куцза

18. Бобил-Оссурия подшоҳлик рамзи плашчи нима ?

- А) конас
- Б) кидарис
- В) фанонс
- Г) хитон

19. Бобил-Оссуря подшоҳлик рамзи бош кийими тиара ?

- А) кидарис
- Б) канди
- В) диадема
- Г) фибула

20. Форс эркаклар устки кийими ?

- А) хитон
- Б) кандис
- В) камиза
- Г) стола

21. “Кавш” нима ?

- А) кўйлак
- Б) устки кийим
- В) бел кийим
- Г) оёқ кийим

22. Хинд эркакларининг тикилмаган бел кийими ?

- А) пайжома
- Б) анаксаридес
- В) дхоти
- Г) судхна

23. Хинд аёллари елка кийими ?

- А) чоли
- Б) камис
- В) роб
- Г) стола

24. Ҳинд аёллари миллий кийими ?

- А) курта
- Б) стола
- В) сари
- Г) хитон

25. Ҳиндистонга XIX асрда инглиз харбийларининг қандай кийими кириб келди ?

- А) “сюртук” ва “пилотка”
- Б) “роб ” ва “котта ”
- В) “камиза” ва “хитон”
- Г) “стола ” ва “палла”

26. Ҳинд эркак ва аёлларнинг кийимининг асоси, елка ёпинчиғи ?

- А) стола ва камиса
- Б) хитон ва гиматий
- В) упаваса ва паридхана
- Г) роб ва котта

27. Ҳинд аёлларнинг бел кийими ?

- А) пайжома
- Б) анаксаридес
- В) дхоти
- Г) судхни

28. Хитойда рамзий -оқ ранг нимани ифодалаган?

- А) ёзни
- Б) қишни
- В) кузни
- Г) баҳорни

29. Хитойда рамзий -яшил ранг нимани ифодалаган?

- А) қишни
- Б) баҳорни
- В) кузни
- Г) ёзни

30. Ипак матоси биринчи бўлиб , қаерда пайдо бўлган?

- А) Японияда
- Б) Ҳиндистонда
- В) Хитойда
- Г) Мисрда

31. Хитой аслзода, амалдор эркаларининг устки кийими ?

- А) кимоно
- Б) чан пао
- В) дай
- Г) камиза

32. Қадимги Хитой аёллар устки кийими ?

- А) пао
- Б) курта
- В) стола
- Г) чоли

33. Ассиметрик бичимли Хитой аёллар халати ?

- А) роб
- Б) камис
- В) кимоно
- Г) ци пао

34. Хитой костюмининг энг муҳим қисми нима ҳисобланган ?

- А) оёқ кийим
- Б) белбоғ “дай”
- В) иштон “куцза”
- Г) гамаш “би”

35. Хитойда ўрта ва юқори табақа эркак ва аёллари қандай бел кийимини кийишган ?

- А) юбка-плахта “шан”
- Б) анаксаридес
- В) дхоти
- Г) судхни

36. Қадимги Хитойда аждарҳо нимани рамзи ҳисобланган ?

- А) кўп йил яшаш рамзи
- Б) бахт,соғлиқ ,саховат рамзи
- В) муваффақият тилаш рамзи
- Г) ёмғир ҳукмдори , куёв рамзи

37. Япон эркак ва аёлларнинг устки кийими ?

- А) роб
- Б) хаори
- В) калазирис
- Г) камиза

38. Япон эркак ва аёлларнинг миллий елка кийими ?

- А) котта
- Б) гиматий
- В) кимоно
- Г) туника

39. Кимононинг устидан боғланадиган белбоғнинг номи ?

- А) “оби”
- Б) “дай”
- В) “палла”
- Г) “ситаги”

40. Ташқи кўриниши юбка-иштонга ўхшаш,
япон эркаклар устки бел кийими ?

- А) пайжома
- Б) анаксаридес
- В) дхоти
- Г) хакама

41. Чўнтаксиз миллий япон кийимининг бўлаги ?

- А) ци пао
- Б) нецке
- В) роб
- Г) дай

42. XIX аср охири- XX аср бошларида қанси услуб кириб келди?

- А) амбир
- Б) модерн
- В) романтизм
- Г) готик

43. XVIII асрда қандай услуб кириб келган?

- А) готик
- Б) ампир
- В) барокко
- Г) рококо

44. XVII асрга келиб қандай услуб пайдо бўлди?

- А) роман
- Б) ампир
- В) барокко
- Г) рококо

45. XIX асрнинг 1804-1815 йилларида қайси бадиий услуб кириб келди ?

- А) ампир
- Б) модерн
- В) романтизм
- Г) готик

46. XIX асрнинг 1815-1830 йилларида қайси бадиий услуб кириб келди ?

- А) ампир
- Б) модерн
- В) романтизм
- Г) готик

47. XIX асрнинг 1830-1848 йилларида қайси бадиий услуб кириб келди ?

- А) бидермайер
- Б) модерн
- В) романтизм
- Г) готик

48. XIX асрнинг 1850-1870 йилларида қайси бадиий услуб кириб келди ?

- А) роман

- Б) ампир
- В) барокко
- Г) иккинчи рококо

49. XIX асрнинг 1870-1880 йилларида қайси бадиий услуб кириб келди ?

- А) позивитизм
- Б) ампир
- В) барокко
- Г) рококо

50. Қайси асрда “Барокко” услуби кириб келди ?

- А) XIX
- Б) XX
- В) XIV
- Г) XVII

51. Қайси асрни “Сартарошлар асри” деб аташади ?

- А) XX
- Б) XIX
- В) XVIII
- Г) XVI

52. “Кринолин” юбкалари қачон пайдо бўлди ?

- А) XX
- Б) XIX
- В) XVIII
- Г) XVI

53. “Бричес” иштонлари қандай шаклда эди ?

- А) шарсимон
- Б) трапеция
- В) учбурчак
- Г) квадрат

54. “Фреза” ёқаси қайси асрда пайдо бўлди ?

- А) XIX
- Б) XX
- В) XIV
- Г) XVII

55. “О-де-шосс” нима ?

- А) оёқ кийим
- Б) юбка
- В) кўйлак
- Г) иштон

56. “Жюстокор” эркакларнинг қандай кийими ?

- А) ички кийими
- Б) устки кийими
- В) бош кийими
- Г) оёқ кийими

57. “Фонтаж ” соч турмаги қайси асрда модага кирди ?

- А) XIX
- Б) XII
- В) XVII
- Г) XV

58. XVIII аср Францияда аёллар ички кўйлак номи ?

- А) фрепон
- Б) редингот
- В) ситаги
- Г) чоли

59. XVII аср Францияда эркаклар кўйлак устидан нима кийганлар?

- А) тога
- Б) блио
- В) камзол
- Г) хаори

60. XVI аср Испан модаси костюмларининг асосий ранги қанақа?

А) қора

Б) оқ

В) сарик

Г) қизил

61. Ниқоб модага қачон кириб келди ?

А) XVII асрда

Б) XIX асрда

В) XVIII асрда

Г) XVI асрда

62. XVI аср Испан модасига қайси диннинг таъсири остида эди ?

А) христиан

Б) католик

В) буддизм

Г) индуизм

63. XVI аср Испанияда кўпроқ қайси ранги ,кийимларда кенг тарқалган ?

А) сарик

Б) пушти

В) қора

Г) зангори

64. XVI аср испан эркакларининг шарсимон иштони ?

А) бричес

Б) О-де-шосс

В) кюлот

Г) капри

65. XVI аср Оврўпада пайдо бўлган янги ёқа тури?

А) шаль

Б) қайтарма ёқа

В) фреза

Г) тик ёқа

66. Оврўпага XVI асрнинг охирида модага нима кириб келди ?

- А) соат
- Б) тўрлар
- В) тақинчоқлар
- Г) кўзойнак

67. Гофреланган ёқанинг номи ?

- А) шаль
- Б) қайтарма ёқа
- В) айлана
- Г) фреза

68. XVI аср Оврўпада кашталанган рўмол нима?

- А) шемизетка
- Б) шол
- В) таблетка
- Г) кибетка

69. XVI аср испан аёлларининг машхур соч турмаги?

- А) фонтаж
- Б) коримбос
- В) бандо
- Г) жингалак

70. XVI асрда вуаллар испан аёлларининг костюмини махсус буюми бўлиб қолган, у нима деб номланган ?

- А) шемизетка
- Б) шол
- В) галстук
- Г) мантилья

71. XVI аср испан аёлларининг ўзига ҳос махсус бош кийими ?

- А) таблетка
- Б) вуаль(тўр)
- В) кибетка
- Г) шарф

72. . XVI асрнинг иккинчи ярмида Оврўпада аёллар костюмига қўшимча сифатида нима кириб келди ?

- А) тахламали елпигич
- Б) соат
- В) ойнача
- Г) кўзойнак

73. Уйғониш даврида эркаклар костюмига ,фарангилар таъсирида икки рангли , қандай кийим кириб келган ?

- А) мипарти
- Б) кюлот
- В) камзол
- Г) хаори

74. Уйғониш даврining серкирра билимдони , буюк рассоми ким ?

- А) Жан Луи Давид
- Б) Декарт
- В) Леонардо да Винчи
- Г) Ван Дейк

75. Оврўпада XVII аср буюк рассомлари ?

- А) Жан Луи Давид
- Б) Декарт ,Спиноза
- В) Леонардо да Винчи , Мольер
- Г) Рубенс , Рембранд

76. Уйғониш даври санъатида қандай янги бадиий усул юзага келди ?

- А) романтик
- Б) реализм
- В) классицизм
- Г) символизм

77. XVI асрнинг бошида модада ҳам ҳукмронлик қилган Оврўпадаги энг кучли мамлакат ?

- А) Испания
- Б) Англия
- В) Олмония
- Г) Голландия

78. Уйғониш даври Италияда нима аёллар гўзаллигининг рамзи деб ҳисобланган ?

- А) юз
- Б) кўз
- В) сочлар
- Г) бурун

79. XV- XVI асрда Францияда қандай рангли матодан тикилган пайпоқлар энг модабоб деб ҳисобланган ?

- А) қизил
- Б) сарик
- В) қора
- Г) оқ

80. XVI асрда Францияда эркаклар бош кийими ?

- А) котелок
- Б) берет
- В) шляпа
- Г) цилиндр

81. Франция қироли Генрих II қандай рангли костюм кийган ?

- А) қора
- Б) оқ
- В) сарик
- Г) қизил

82. XVI аср Францияда аслзодаларга мансуб костюмларнинг сони камида нечта бўлиши керак эди ?

- А) 20 та
- Б) 10 та
- В) 30 та
- Г) 50 та

83. Францияда катта фреза ёқани нима деб аташган ?

- А) доира
- Б) юмалоқ шар

- В) қуёш
- Г) тегирмон ғилдираги

84. XVI аср ўртасида Англияда нима ихтиро қилинди ?

- А) тикув машинаси
- Б) тўқув машинаси
- В) машина
- Г) радио

85. XVI аср иккинчи ярмида Англияда қандай ёқа модага кирган эди ?

- А) шаль
- Б) қайтарма ёқа
- В) айлана
- Г) фреза

86. XVI аср Англия эркаклар елка кийими ?

- А) дублет
- Б) мипарти
- В) кюлот
- Г) хаори

87. XVI аср Англия аристократларининг ташқи кўринишида нима энг муҳим роль ўйнаган ?

- А) кийим
- Б) соч турмаги
- В) мартаба
- Г) бойлик

88. XVI аср Олмония эркаклар устки кийими ?

- А) мипарти
- Б) хаори
- В) шаубе
- Г) дублет

89. XVI аср Олмония эркаклар бел кийими ?

- А) плюдерхаузен
- Б) О-де-шосс
- В) кюлот
- Г) бричес

90. XVI аср Олмония аёллар енгсиз жакеткаси ?

- А) роб
- Б) коллер
- В) калазирис
- Г) камиза

91. XVII аср Испания эркаклар бош кийими ?

- А) котелок
- Б) сомбреро
- В) шляпа
- Г) цилиндр

92. XVII аср Испания эркаклар бел кийими ?

- А) кальсес
- Б) О-де-шосс
- В) кюлот
- Г) бричес

93. XVIII аср Оврўпа, аёллар устки кийими ?

- А) кимоно
- Б) хаори
- В) шаубе
- Г) контуш

94. XVIII аср иккинчи ярми Оврўпа эркаклар устки кийими?

- А) фрепон
- Б) редингот
- В) ситаги
- Г) чоли

95. Оврўпа XVIII аср иккинчи ярми эркаклар елка кийими ?

- А) лацерна
- Б) камзол
- В) фрак
- Г) кибетка

96. Оврўпа XIX аср эркаклар бош кийими ?

- А) котелок
- Б) сомбреро
- В) берет
- Г) шляпа

97. Оврўпа XVIII аср иккинчи ярми аёллар махсус каркасининг номи ?

- А) фижма
- Б) юмалоқ шар
- В) конус
- Г) доира

98. Оврўпа XVIII аср иккинчи ярми аёллар устки кўйлаги ?

- А) роб
- Б) полонез
- В) калазирис
- Г) камиза

99. “Амбир услуби” даврида аёллар устки кийими ?

- А) модест
- Б) полонез
- В) спенсер
- Г) камиза

100. “Амбир услуби” даврида эркаклар бош кийими ?

- А) котелок
- Б) сомбреро
- В) берет
- Г) боливар

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Fashion, Costume, and Culture: Clothing, Headwear, Body Decorations,
2. FASHION: The Ultimate Book Of Costume And Style
3. FASHION: The Ultimate Book Of Costume And Style.
4. Janet Arnold. Patterns of fashion .
5. Norah Waugh. The Cut of Men's Clothes 1600-1900
6. Norah Waugh. The Cut of Women's Clothes 1600-1930
7. Philip Steele. A History of Fashion and Costume. The Medieval World. Copyright © 2005 Bailey Publishing Associates Ltd.
8. WHAT PEOPLE WORE WHEN. Society Flexibound – July 8, 2008
9. Абдуллаев Т. А, Хасанова С.А. «Одежда узбеков» Т. Фан - 1978.
10. Абдураззоқова А.А “Марказий Осиёдаги маҳобатли рангтасвир асарлари” Т 2002
11. Аванесова Н. А. К вопросу об одежде скотоводческих племен эпохи бронзы Средней Азии // Вопросы археологии, древней истории и этнографии. Самарканд, 1981. С. 34–46.
12. Аванесова Н. А. Культура пастушеских племен эпохи бронзы Азиатской части СССР. Ташкент, 1991. 200 с.
13. Антипина К. И. Особенности материальной культуры и прикладного искусства Южных Киргизов. Фрунзе, 1962.
14. Богатырев П. Г. Вопросы теории народного искусства. М., 1972.
15. Генинг В. Ф., Зданович Г. Б., Генинг В. В. Синташта. Археологические памятники арийских племен Урало-Казахстанских степей. Челябинск: Южно-Урал. кн. изд-во, 1992. Ч. 1. 408 с.
16. Голан А. Миф и символ. М.: Русслит, 1994. 375 с.
17. Горбачёва Л.М. «Костюм XX века» М 1996
18. Градова Е., Гутина Е. «Театральный костюм» М 1967.
19. Давлатова.С.Т “Ўзбек миллий кийимлари: анъанавийлик ва замонавийлик ” Т. Янги аср авлоди, 2006. -213б
20. Джоан Нанн. “История костюма 1200-2000 ”. Москва, 2003.

21. *Евдоқимов В. В., Усманова Э. Р.* Знаковый статус украшений в погребальном обряде (по материалам могильников андроновской культурно-исторической общности из Центрального Казахстана // *Археология Волго-Уральских степей.* Челябинск, 1990. С. 66–76.
22. Захаржевская Р.В. “История костюма”. Москва – 2005.
23. *Исаков А. И., Потемкина Т. М.* Могильник племен эпохи бронзы в Таджикистане // *СА.* 1989. № 1. С. 145–167.
24. *Исмоилов.Х.* анъанавий ўзбек кийимлари(XIX аср охири – XX аср боши) .Т.Фан . 1979.
25. Кибалова Л. и др. “Иллюстрированная энциклопедия моды”.
26. *Киреева Е.В.* “История костюма” М 1976
27. *Козловская. А .Д.* Женская мода XX века. М 1977
28. Комиссаржевский Ф.Ф. “История костюма”. Минск – 2001.
29. *Кон-Винер.* “История стилей изобразительных искусств” М 2000
30. Костюм народов Средней Азии (под редакцией Сухаревой ОО.А)М: Наука, 1975 г.
31. *Литвинский. Б.А.* “Восточный Туркистан и Средняя Азия, система культур древнего и среднего Востока” М 1986.
32. *Максименков Г. А.* Андроновская культура на Енисее. Л.: Наука, 1978. 189 с.
33. *Маргулан А. Х., Акишев К. А., Кадырбаев М. К., Оразбаев А. М.* Древняя культура Центрального Казахстана. Алма-Ата: Наука, 1966. 434 с.
34. *Махкамова С.* “Бекасам” Т. Фан -1971
35. Мерцалова.М.Н. “Костюм разных времен и народов”. М., 1993,1995.
36. *Мифы народов мира.* Энциклопедия. М., 1987. Т. 1.
37. *Никтен М.Н.* “Художественное проектирование тканей” М 1971
38. *Пармон Ф.М.* “Европейский костюм: стиль и мода” М 1982
39. Пармон Ф.М. “Композиция костюма”. М., 1997.
40. Плаксина.Э.Б.и др. “История костюма. Стили и направления”. М., 2003.
41. *Пугаченкова Г.А, Ремпель Л.И* «Очерки искусства Средней Азии» М 1978

42. Рахматуллаева Д, Ходжаева У, Атаханова Ф. “Либос тарихи”, дарслик. Тошкент: “Сано-стандарт” нашриёти, 2015 й.-336 б.
43. *Садикова М.* «Ўзбек миллий кийимлари» Т 2006
44. Современная энциклопедия “Мода и Стиль”. Москва, “Аванта+”, 2002.
45. *Сухарева О.А.* “История среднеазиатского костюма” М 1982
46. *Сычев.В.* “Китайский костюм”
47. Терешкович Т.А. «Словарь моды» Минск 1999.
48. Традиционная одежда народов Средней Азии и Казахстана. – М: Наука, 1975 г.
49. *Усманова Э. Р., Ткачев А. А.* Головной убор и его статус в погребальном обряде (по материалам андроновских некрополей) // ВДИ. 1993. № 2. С. 75–83.
50. Хасанбаева Г. К., Чурсина В.А. “Костюм тарихи” Т., Ўзбекистон, 2002.
51. *Цейтлин Е.А.* “Очерки истории текстильной техники” М 1984
52. *Чвырь Л. А.* Сравнительный очерк традиционных украшений уйгуров и соседних народов Центральной и Средней Азии (XIX — начало XX вв.) // Восточный Туркестан и Средняя Азия в системе культур древнего и средневекового Востока. М., 1986.
53. *Чвырь Л. А.* Уйгуры Восточного Туркестана и соседние народы в конце XIX — начале XX вв. М., 1990.
54. *Энциклопедия.* Искусство стран народов мира. Том-5 1962-1918.
55. *Эрика Тиль.* “История костюма” М 1971.

1. “Ателье” журналининг сонлари.
2. “Burda moden” журналининг сонлари.
3. Интернет сайтлари:
4. [www. sarafan.ru](http://www.sarafan.ru)
5. www.ocinka.ru

МУНДАРИЖА

Костюм, мода ва услуб. Кийим келиб чиқиши.....	3
I БОБ. АНТИК ДАВР КОСТЮМИ	
Қадимги Миср костюми.....	10
Қадимги Юнон костюми.....	26
Қадимги Рим костюми.....	42
II БОБ. ЖАНУБИЙ ВА ШАРҚИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ КОСТЮМИ	
Оссурия ва Бобил костюми.....	51
Форс костюми.....	62
Араб костюми.....	73
Ҳинд костюми.....	82
Хитой костюми.....	100
Япония костюми.....	118
III БОБ. МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ КОСТЮМИ	
Антик давр Осиё костюми.....	139
Илк ўрта аср Осиё костюми.....	147
Кеч ўрта аср Осиё костюми.....	152
Қозоқ костюми.....	166
Қирғиз костюми.....	184
Тожикистон костюми.....	194
Туркман костюми.....	201
Ўзбек костюми.....	222
Ўзбек миллий матолари, нақш ва орнаментлар.....	226
Ўзбекистон ҳудудлари бўйича миллий кийим бичимлари.....	235
IV БОБ. РУС КОСТЮМИ	
Қадимги Рус костюми.....	241
XIV-XVII асрларда Москва Русининг костюми.....	248
XVIII аср Рус костюми.....	260
V БОБ. ЕВРОПА КОСТЮМИ	

Византия костюми.....	269
Илк ўрта аср Европа костюми.....	278
Кеч ўрта аср Европа костюми.....	287
Уйғониш даври Италия костюми.....	303
Уйғониш даври Франция костюми.....	313
Уйғониш даври Испания костюми.....	320
Уйғониш даври Англия костюми.....	324
Уйғониш даври Олмония костюми.....	342
XV аср биринчи ярми Франция костюми.....	350
XV аср иккинчи ярми Франция костюми.....	353
XVI аср биринчи ярми Франция костюми.....	371
XVI аср иккинчи ярми Франция костюми.....	379
XIX аср Европа костюми: Наполеон империяси ва реставрация даври костюми.....	400
1825-1850 йиллар Европа костюми.....	410
1850-1870 йиллар Европа костюми.....	420
1870-1890 йиллар Европа костюми.....	427
1890-1900 йиллар Европа костюми.....	436
Тест саволлари.....	448
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	465